

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: МУАММОЛАР ВА
ЕЧИМЛАР**

Республикаилмий-амалий
конференцияси

МАТЕРИАЛАРИ

Учинчи китоб

Тошкент - 2014

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

1. Х.Ф.Рашидов – педагогика фанлари доктори,
профессор
2. Р.Х.Джураев – педагогика фанлари доктори,
профессор
3. Р.Г.Сафарова – педагогика фанлари доктори,
профессор
4. И.Н.Стыркас – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
5. А.П.Сулаймонов – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
6. М.С.Диванова – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
7. М.Э.Иноятова – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
8. Ҳ.М.Тожибоева – илмий ходим
9. Ф.Э.Абдукуддусова – илмий ходим
10. З.А.Умарходжаева – илмий ходим

Педагогика фанлари доктори Ш.Қ.Мардоновнинг умумий таҳрири остида.

Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Илмий кенгаши қарори (25.03.2014 №3) билан нашрга тавсия этилган

ЎҚУВЧИ ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

Саидкулов Ш., Самарқанд ВПКҚТМОИ доценти, п.ф.н.
Эшназарова Ф., Самарқанд ВПКҚТМОИ ўқитувчиси.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятимизда ёш авлодни тарбиялашнинг асосий истиқболи ва йўналишларини белгилаб берди. Ушбу тарихий ҳужжатларда таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва ўқув тарбия жараёнини дидактик таъминлаш вазифалари қўйилганки, булар умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Шу боисдан кейинги вақтларда таълим жараёнига кўпроқ инновацион технологиялар ва айниқса, интерфаол услублардан кенг фойдаланиш ривожланиб бормоқда. Чунки бундай методлар таълим самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширади, ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Натижада уларни билимга бўлган қизиқиши ортади, нутқи ривожланади, яратувчанлик қобилияти ўсади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ-3080-сонли фармонининг асосий мақсадларидан бири ҳам мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўллашга асосланган илғор таълим тизимларини киритишдан иборат.

Ҳозирги вақтда инновацион педагогика норасмий фан сифатида ривожланиб, унинг асосий мақсади амалдаги ўқув-тарбия жараёнига, ўқувчининг қизиқиши, қобилияти ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, янгилик ва ўзгартиришлар киритишдан иборат.

Республикаимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Самарқанд ВПКҚТМО институтида ҳам ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Институт профессор-ўқитувчилари таълим жараёнини мазмунан бойитиш мақсадида ўқув жараёнига янги инновациялар, замонавий технологиялар, ноанъанавий дарс усулларини киритишга интиломқдалар.

Тингловчилар билан ўтказиладиган машғулотлар асосан, янги интерфаол услубларга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади дарс самарадорлигини ошириш, тингловчиларга ўқувчи шахсини шакллантириш билан боғлиқ турли янгиликларни бериш ва уларни ижодкорликка чорлашдан иборат. Шу мақсадда тингловчиларга ўқитишнинг «Бумеранг», “Блиц-ўйин”, “Тармоқлар”, “Интервью”, “Балиқ склети”, “Бир дақиқали ишлар”, “Баҳолаш чизиги” каби интерфаол усулларидан фойдаланиш ҳақида тушунча бериш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Малака ошириш тизимида ўқув жараёнини модернизациялашни амалга ошириш мақсадида, энг аввало, педагогик технологияларни мақсадли йўналишларини билишга этибор берилмоқда. Чунки инновацион педагогик технология асосида фаолият кўрсатади. Масалан, ўқувчи фаолиятини фаоллаштиришга асосланган технологиялардан фойдаланиш учун муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналларидан фойдаланиш мумкин.

Тингловчилар (айниқса бошланғич синф ўқитувчилари) билан ўтказиладиган машғулотларда биз ҳозирги вақтда кенг тарқалган педагогик технологиялар йўналишлари бўлган “Эмпирик”, “Когнитив”, “Эвристик”, “Креатив”, “Инверсион”, “Интегротив”, “Адаптив”, “Инклюзив” ва бошқалар асосида янги ғояларни излаб топиш ва амалда қандай қўллаш ҳақида иложи борида кенг тушунча берилмоқда.

Машғулотлар жараёнида турли хил савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиши мумкин. Айнан ана шу жараёнда ҳар бир тингловчининг эҳтиёжи, қизиқиши, имконияти каби кўрсаткичлар аниқланади ва шунга асосан уларга амалий ёрдам кўрсатилади.

Курс тингловчиларига бериладиган билимлар ичида ўқитувчининг шахсий фазилатлари, йўл қўйиладиган айрим камчиликлари, унинг ўқувчи шахсини ҳурмат қилиши ва эъозлаши, рағбатлантириши, ўқитиш жараёнида дўстона ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни яратиш каби масалаларга ҳам алоҳида этибор берилади.

Хулоса қилиб айтганда, биз таълим ходимлари ўз фаолиятимизни давр ва замон талабига мос равишда, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси ва халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада олиб боршимиз, бунинг учун доимо изланишда бўлишимиз ва янгиликка интилишимиз лозим.



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

Салиева П., Қорақалпоғистон РПҚҚТМОИ катта ўқитувчиси.

Таълим-тарбиянинг ривожланиши бугунги кун ўқитувчилариданамалий билимларни чуқурроқ сингдирилишини тақозо этади. Шу муносабатдан ўқув жараёнига педагогик технологияларни олиб киришэнг долзарб вазибалардан биридир.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади», «Асосий вазибамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли асарида эса фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб етишиши учун керак бўлган барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Мана шундай кўплаб имкониятлар ва шароитлар яратилаётган ҳозирги даврда биз ўқитувчилар дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашимиз зарурдир.

Малака ошириш тизими бугунги кунда таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларга тайёрлайди, янгиликлар билан таништиради, замонавий талаблар асосида иш ташкил этилиш услубларини ўргатади.

Бугунги куни таълимда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Авваллари ўқиб, ёддан айтиб бериш, фақат ўқитувчи айтган нарсаларни эслаб қолиш ва қайта такрорлаб айтиб бериш кўникмалари бугун ўзини оқламаяпти. Ҳозирги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқувчанлиги кун сайин ортиб бормоқдаки, бу ўқитувчининг зиммасига катта масъулият юклайди. Билишимиз керакки, ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш фанларни мукамал ўрганишда замин яратади. Ўқитувчи ўқувчиларга аниқ маълумот, яъни билим бериш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги, унинг мазмуни кўп жиҳатдан методик хизмат тизимининг изчил йўлга қўйилишига боғлиқ.

Бошланғич синфларда замонавий педагогик технологиялар ўқувчиларнинг жуфтликларда, гуруҳларда биргаликда ишлаш кўникмаларини ривожлантириб боради. Таълим жараёнида таълим оловчиларни фаоллаштириш дидактиканиннг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Фаоллаштириш жараёни эса таълим оловчиларга мақсадли таъсир кўрсатиш орқали ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилишидир. Масалан, «Ўрган - ўргат» методидан фойдаланиб иш олиб бориш ҳам бугунги кунда яхши самара бермоқда.

Дарс жараёнида ўқувчи фаол иштирокчи бўлмоғи керак. Ўқувчини ижодий изланишга ўргатиш, тафаккурини шакллантириш учун энг, аввало, ўқитувчининг ўзи ўз устида ишлайдиган, том маънодаги ижодкор бўлмоғи зарур.

Демак, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш ўқувчиларнинг билим даражасини ўсишига бўлган қизиқишларини орттиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, таълим- тарбия жараёнининг салмоғи юқори даражада бўлишига имкон яратади.



БАДИЙ МАТНДАГИ ЎХШАТИШЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ

Сариев Ш.У., ТДПУ мустақил изланувчиси

Ҳаётий муаммоларни инсонларга хос тафаккур ва фикрлаш тарзини тўғри тарбиялаш орқалигина ҳал этиш мумкин. “Тараққиёт тақдирини, – деган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, – маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир”.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида бадий матн устида ишлаш орқали ўқувчиларни мустақил ва мантикий фикрлашга ўргатиш – матн мазмунини таҳлил қилиш, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонларга ўз муносабатини билдириш, матн мазмунига оид янги вазиятлар яратиш, мушкул вазиятда ўзига йўл топишни ўргатиш фаолиятидир.

Адабиётни санъат тури сифатида ўқитиш бошланғич синф ўқиш дарсларида машғулот олиб боришнинг янги методик йўлларини излашни талаб қилади. Бадий матнда муаллифнинг ғояси ва туйғулари турли тил воситалари ёрдамида ифода қилинади. Демак, ўқувчиларни асар мазмуни билан таништираётиб, ўқитувчи адибнинг ўз фикр ва туйғуларини сўз ёрдамида қандай ифода эта олганини тушунтира олиши лозим.

Тилнинг тасвирий воситалари орасида образли ўхшатишлар яққол ажралиб туради. Бу воситалар муаллиф фикрини ифодалашнинг ёрқин усулларида биридир. Ўхшатишнинг моҳияти бир предметни бошқасига умумий белги асосида қиёслашдан иборат. Ўхшатиш исталган мавҳум тушунчани аниқроқ идрок этиш имконини беради. Бундай тузилмаларда маълум маъно (ўхшатиш) доимо аниқ қайд этилган нутқий шакл билан ифодаланади.

Ўхшатишлар билан таништирганда улар адиб шахсини акс эттириши, унинг ҳаётий тажрибаси, дунёқарашига боғлиқлигини ёдда тутиш лозим. Образли поэтик ўхшатишлар ҳар бир шахсда, муаллифда ўзига хосдир. Шу боис ўхшатишларни ўқувчи нутқига зўрма-зўраки киритиш ярамайди. Ўқувчиларни бу ҳодисани тушуниш, ўхшатишларни қайта яратишга ўргатиш, кейин эҳтиёткорлик билан мураккаброқ вазифа – ўқувчи нутқи индивидуал услубини шакллантиришга киришиш керак. Ўқувчиларни фақат шоир қўллаган ўхшатишларни топиш эмас, балки уларни нутқда қўллашга ўргатиш керак.

Ўхшатишларни ўз нутқида онгли қўллашга ўргатиш ишини уч босқичда олиб бориш мумкин:

1-босқич. Ўқиш дарсларида бадий матн мазмунини таҳлил қилиш орқали ўхшатишларнинг аҳамиятини тушунтириш.

2-босқич. Махсус ишланган машқлар орқали ўхшатишли бирикмалар тузиш кўникмасини шакллантира бориш.

3-босқич. Ўқувчиларга ёзма нутқда у ёки бу турдаги ўхшатишларни мустақил қўллаш учун имконият яратиш.

Ўхшатишлар моҳияти бадий матнни таҳлил қилиш жараёнида “Муаллиф нимани нимага ўхшатган?”, “У нима учун айнан шундай ўхшатишдан фойдаланган?”, “Бу ўхшатишлар ёрдамида муаллиф қайси фикр(туйғу)ни кучайтирмоқчи?” каби саволлар ёрдамида очилади. Бундай саволлар ўқувчиларнинг бадий образ ҳақида ўйлаганларини

айтишга, мантикий фикрлашга мажбур қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, асарнинг қайсидир қисмига муаллиф сингдирган туйғуларни аниқлаш ўқувчилар эстетик савиясининг ортиши, маънавиятининг такомиллашишига ҳам кўмаклашади.

Ўхшатишларни ўрганиш бошқа жиҳатдан ҳам қимматли. Ўхшатишлар моҳиятини очиш предмет ёки ходисалар қайси ўхшаш белгиларига кўра нисбатланишини билиш имконини ҳам беради. Бу иш ҳам ўқувчиларда мантикий фикрлашни ривожлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, ўхшатишлар ўқувчилар фикрини фаоллаштиради, онгли мушоҳадага ўргатади, уларнинг индивидуал нутқ услубини шакллантиради.



МАХСУС ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Сафоева Д., Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-ихтисослаштирилган мактаб-интернат бошланғич синф ўқитувчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок Республикамиз ҳукумати ёш авлоднинг соғлиғи, таълим-тарбияси масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришга интилиш – бизнинг миллий хусусиятимиздир”.

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг қабул қилиниши мактабтаълими соҳасида буюк ислоҳотларни бошлаб борди. Ўқитишнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқиладиган бўлади, ижодкорликка кенг йўл очилди, мустақкам билим, кўникма, малакаларга эга, эркин фикрловчи, маънавий бой, зукко билимдон ёшларни тарбиялаш мақсад қилиб қўйилди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар махсус таълим тизимини ҳам бевосита қамраб олди. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ўқув-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар у ерда фаолият кўрсатаётган сурдопедагогларнинг таълим-тарбия жараёнига янги ёндашишларини тақозо этади.

Таълим–тарбия жараёнига янги ёндашиш - бу аввало ўқитишнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш билан боғлиқ бўлиб, пировард натижада ўқувчиларда билим, кўникма, малакаларни таркиб топтириш ва жамият билан уйғунлашувини юзага келтиришга олиб келади.

Ўқувчилар эшитиш гидрокини ўстириш кар ва заиф эшитувчи болаларни ўқитишга ихтисослашган мактабларда олиб борилаётган коррекцион–педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу иш дарс машғулотлари ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида турли усуллардан фойдаланиб амалга оширилади.

Таълимий ўйинлардан фойдаланиш орқали дарснинг қизикарли ташкил этилишига эришилади, ўқувчининг эшитиш гидрокини ўстириш билан бир қаторда унинг ақлий тараққиёти, руҳий жараёнлари, сезги, идрок, хотира, тафаккур, диққати ҳамда тасаввурини ривожлантиришга хизмат қилади.

Нутқ мураккаб руҳий фаолиятдир. У руҳий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркамол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади. Нутқ эшитув органлари воситаси билан идрок этишга асосланган бўлиб, атрофдагилар нутқини тақлид этиш билан ривожланиб боради. Оғзаки нутқнинг шаклланишида эшитув анализатори, нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор иштирок этади. Нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор эшитув анализатори билан маҳкам боғланган ҳолда ишлайди. Эшитув анализаторининг ривожланиши даражаси эса, кўп вақт ўтган сари янада мустақкамланиб, зўрайиб боради. Бу нутқ нуқсонларини ўз вақтида бартараф этиш эса, ўқитувчи ва тарбиячи олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Нутқ материални тўғри танлаш ўқитувчидан изланиш, билимдонлик, интилиш ва ўз

навбатида сабр–тоқатли бўлишни талаб этади. Нутқ материалини танлашда аввало боланинг ёши, ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Шу билан бирга нутқ материали ўтилатган мавзуга оид бўлиши керак.

Болалардаги нутқ нуқсонларини тузатишда кўргазмали қуроллар билан биргаликда таълимий ўйинларнинг роли каттадир. Чунки кўриб ҳам эшитиб идрок этишнинг фақат эшитиб идрок этишдан кўра самараси катта. Ўйин орқали ўқувчи дарсда зерикмайди, қизиқиши ортади, фикрлаш қобилияти кенгайди.

Боғчада, мактабнинг тайёрлов синфида болаларнинг овози йўқ ёки паст, манқа, кичкирикли, ун пайлари яхши ривожланмаган, талаффуз аъзоларинг фаолияти суст, ҳаракатсиз бўлади. Мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратилган машқлар ўйинлар орқали олиб борилса, янада қизиқарли бўлади. **Ўқувчининг артикуляцион органлари ҳаракатини ривожлантиришда қўйидаги машқларни ўйинлар билан олиб бориш мумкин.**

1. “Белкуракча” ўйини. Бунда тил кенг холда чиқарилиб, бўшаштирилиб, пастги лаб устига қўйилади. Бунда тил титрамаслигини ўқитувчи назорат қилиб туриши керак.

2. “Косача” ўйини. Оғиз кенг очилиб, тил кенг чиқарилади ва юқорига кўтарилади. Тил юқори тишлар томон олиб борилади. Лекин уларга тегизилмайди.

3. “Найча” ўйини. Тил кенг холда чиқарилади. Тилнинг икки ён томони юқори томонга букланади. Хосил қилинган найчадан пуфлаш машқларини бажарса ҳам бўлади.

4. “Соатча” ўйинида тил узун, ингичка қилиб чиқарилади, сўнг шу холда тил оғизнинг ўнг бурчагидан чап бурчагига томон ҳаракатга келтирилади.

5. “От” ўйинида тил танглай томон сўрилиб, сўнг қўйиб юборилади. Шунда тил тақиллаган овоз чиқаради.

6. “Мазали мураббо” ўйини. Тил кенг холда чиқарилиб, юқори лаблар яланади ва яна оғиз ичига олинади.

7. “Ғалтак”, “Бўёқчи” каби қатор ўйинлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу машқларни номи айтилиши ва ўйин шартлари тушунтирилиб, сўнг бажарилиши лозим.

Нафасни тўғри йўлга солиш учун қўйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин.

1. бурун (оғиз)дан нафас олиб оғиз (бурун)дан чиқариш. (2- 3 марта)

2. Шар шишириш.

3. Хуштак чалиш.

4. Гулни хидлаш.


5. Пахта, қоғоз, капалак, гулларини пуфлаб учириш.

6. Футбол ўйини

Бу машқларни товушлар устида машқ қилиш билан ҳам олиб бориш мумкин.

Масалан: Бурундан нафас олиб, п` , т` ,каби товушларни чиқариш.

1.“Гул очилди капалаклар қўнди” ўйини



Бир нафасда бўғинларни талаффуз қилиш.

Па-па-па-па

Та-та-та-та-та-та

Бир нафасда сўзларни талаффуз қилиш

Расмга қара, расмларни номини бир нафасда айт.

Ота, бобо, она, ака, уй, ит, от ...

Ёки эшит ва бир нафасда айт деб ҳам топшириқ бериш мумкин.

Саволларга бир нафасда жавоб бер.

- Ҳаво қандай?

- Ҳаво илиқ (иссиқ, совуқ)

Бу каби ўйинлар болалар ёши, ақлий ривожланишига қараб мураккаблаштириб борилади.

Кичик ёшдаги қар ва заиф эшитувчи болаларнинг овозини ривожлантиришда ўйинчоқларнинг, ҳайвонларнинг овозига тақлид қилиниши орқали эришиш мумкин.

Ўйин жараёнида болага эркин равишда овозли, шовқинли тақлид сўзларни тақлид қилган ҳолда талаффуз қилишга ўргатиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда овоз чиқариш, чўзиб овоз чиқариш, яъни овозни чиқариш пайтида нафасни тўғри олиш ва чиқариш, овозни бир меъёردа, бир тартибда чиқариш каби натижаларга эришиш мумкин.

Ҳайвонлар паррандалар овозига тақлид қилиш ҳам ўқувчиларнинг овозини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Масалан: Сигир му _____

Ит вов вов вов

Эчки ме _____ ме _____

Товуқ ку _____ ку _____ куқ ва хоказо

2. Манқалик ва кичқириқли овозни тузатишда товушларни чўзиқ талаффуз қилдириш каби ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан: А _____

ПА _____

ТА _____

АМ _____

ИМ _____

УМ _____

а _____ м _____ а _____

1. Овоз кучини ўзгартириш

ПА-та ТА-ТА-та

ТА-та-ТА ПА-ПА-па

па-па ПА

2. Овозни ривожлантиришда урғу устида ишлаш ҳам яхши натижа беради

ПА-ПА-ПА` ТА`-ТА ТА-ТА`-ТА

Парта`, сумка`, ота`, ...

3. Товуш ва бўғинларни чўзиқ ва қисқа талаффуз қил

А _____ А`

РА _____ РА`

ТА _____ ТА`

4. Заиф эшитувчи ўқувчиларнинг билан интонацияси устида ишлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай болаларни турли ўйинлар ёрдамида буйруқ, сўроқ, хайрат, хис–ҳаяжон билан гапиришга ўргатилади.

Товуш қўйилганда ёки тузатилганда ҳам турли ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда бола дарсда зерикиб қолади. Масалан: “с” товушини талаффуз қилишда ўқувчига,

“Қани, сен билан табассум қиламиз” деб, ойнага қараб, лабларимиз кулги ҳолатида деб ўқувчига “с” товушининг артикуляцияси туширилган профил кўрсатилганда, “с” товуш ҳақида ўқувчида тушунча ҳосил бўлади. Сўнгра ўқувчига аниқ “с” товуши ҳосил бўлиши учун қуйидаги этаплардан фойдаланилади.

1. Тилни ингичка, узун қилиб ойнага кўрсатиш (ўқувчи ҳам такрорлайди).

2. Тилни лаблар орасига кенг қилиб чиқариш.

3. Тилни букамиз ва ўртасига гургут чўпини қўямиз деб ўқувчига ўйин тарзида бажартирилади. Нафас чиқариш натижасида “с” товуши ҳосил бўлади. Сўнгра тилни пастки тишлар орқасига туширилади. “с” товуши ҳосил бўлгандан кейин уни албатта мустаҳкамлаш лозим. Акс ҳолда ўқувчи тезда унутади.

Велосипед шинасига насосдан ҳаво солинаётган расм кўрсатилиб, қани биз ҳам велосипед шинасига ҳаво юборамиз деб, “с” товуши талаффуз қилинади. Бошқа товушларни ўргатишда ҳам шундай ўйинлардан фойдаланилади.

Товуш бирини навбатда бўғинларда мустаҳкамланиши лозим.

а а и

С о о с е

У у ў



Бўғинларда мустаҳкамланган товуш нутқда яхши мустаҳкамланиши учун қуйидаги ўйин турларидан фойдаланилади:

1. Расмларнинг номини тўғри талаффуз қилиб айт.

сигир, сабзи, сочик

гилос, палос

насос, велосипед

2. Қайси товуш тушиб қолган?

...бзи, гил..., вело...ипед

3. Сўзлардан бир хил товушларни айт

гилос, сарой

4. Маълум товушга оид (“с”) сўз уйлаб топ

5. Берилган товуш (“с”) сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келган сўзни топ ёки аралаш расмларни 3 гуруҳга ажрат ва номини айт.

6. Кесма ҳарфлар иштирокида сўз тузиш.

Сўзларда тушиб қолган бўғинларни расмлар ёрдамида аниқла.

7. Тартибсиз берилган бўғинлардан сўзлар яшаш.

ги, чик, со, гир, ос, си, мон, лос, вун.

8. Бўғинларга турли сондаги товушларни қўша бориб сўз ҳосил қилиш

бо _____ (бош)

бо _____ (бобо)

бо _____ (бодом)

бо _____ (боғбон)

9. Сўз топишмоқ ўйини

Сўзнинг биринчи ҳарфи ёзилади. Нуқталар сонига қараб сўзни топиш керак. Агар ўқувчи сўзни топа олмаса иккинчи ҳарфи ёзилади.

с

с а

с а м

с а м а . . .

с а м а л . .

11. График схемага асосланиб расмларни танлаш.

12. График схемага асосланиб сўз ўйлаб топиш.

13. “Бошқотирма” ўйини.

Бир нечта расм кўрсатилади.

Масалан: олма, сабзи, машина, олмахон, нок бола расмларни 1 – товушини ёзиб боради

ёки ҳарф кассаларидан олиб қўяди.

О С М О Н сўзи ҳосил бўлади.

14. “Кубик” ўйини. Кубик ўқувчи томонидан ташланади. Кубикнинг ҳамма томонида турли сонда нукталар бўлиб, ўйин нуктасида кубик нечта нуктали томони билан тушса, шунча товуш иштирок этган сўз топиш керак бўлади.

15. “Нима ўзгарди?” ўйини. 4-6 та расм қўйилади. Бола расмларнинг жойлашган кетма-кетлиги ва номларини эслаб қолади. Болага сездирмай уларнинг жойини узгартириб қўйилади. Бола қайси расмнинг жойи ўзгарганини айтиши ва жойига қўйиши лозим

16. “Нима йўқолди?” ўйини.

17. “Маррага ета оласанми?”

18. “Тўртинчиси ортиқча” ёки “Адашганлар” ўйини 4 та расм бола олдига қўйилади. Шундан 3 та расмда дарсда мустаҳкамланган товуш иштирок этади. 1 та расмда эса бу товуш иштирок этмайди. Ўқувчи 3 та маълум товуш иштирок этган расмларни олади ва 1 та расмни ажратиб қўяди. Бу расмда маълум товуш масалан: “с” товуши иштирок этмаганлигини айтади. Қолган расмларнинг номини тўғри талффуз қилган холда номларини айтади.

19. “Вертолёт” ўйини.

20. “Соат” ўйини. Картондан ясалган соат рақамларининг тепасига ҳарфлар ёзилади. Рақамлар ёзилган тасмалар (1 дан 12 гача) кесма рақамлардан бирини ўқувчи олади ва унда ифодаланган рақамни соатдан топади. Соатдаги рақам ёнига ёзилган ҳарфни ўқиб, шу ҳарфдан бошланувчи сўзни топади.


21. “Бўғинлар” ўйини

ла ла

Да да то за

нак вук

рахт вок



Ўқитувчи 1-бўғинни ўқувчи ёнига қўяди ва шу бўғин иштирокида сўзлар тузишни топширади. Агар ўқувчи қийналса, расмлар қўйилади (ёрдамчи восита сифатида)

Бу ўйиннинг 2-тури қуйидагича бўлиши ҳам мумкин. Бўғинлар ёзилган жадвал бола ёнига қўйилади. Шу бўғинлардан сўз тузиши кераклиги тушунтирилади. Ўқувчи қанча кўп сўз тузса, ўқитувчи шунча рағбатлантириб бориши керак.

СО	ГИР	МА	ВЕ	КА
ЛОС	АТ	ЗИ	КО	ЛЕТ
ЧИҚ	СА	ЛО	САБ	МОН
СИ	СУМ	ЧИ	ВУН	ПЕД

СОАТ
СОЧИҚ
СИГИР
ГИЛОС
СУМКА
САБЗИ
ВЕЛОСИПЕД
САМОЛИЁТ
СОМОН

22. “Коптокча” ўйини. Копток қисимларга бўлинади ва ҳар бир қисмига ҳарфлар ёзилади. Ўқитувчи коптокни ўқувчига отади. Ўқувчи коптокни илиб олиб, қайси ҳарф турганлигини айтади ва шу ҳарфга доир 1 та сўз топиб айтади, коптокни яна ўқитувчига ирғитади.

23. “Дўқонда” ўйини. Ҳарfli тангалар қоғоз картондан ясалади ва ҳарфлар ёзилади.

Масалан: А С Т



Столда расмли варақалар, ўйинчоклар, предметлар, турли буюмлар бўлиши мумкин. Ўқитувчи болага тангалардан бирини олишни топширади ва шу тангада ифодаланган товуш иштирок этган буюмни харид қилиб олиши мумкин, шу топшириқ ўқувчига топширилади

Масалан: Ўқувчи “ш” ҳарфи ёзилган тангани олган бўлса, “Ш” товуши иштирок этган буюмни харид қилиб олади

Шапка, шашка, шим, машина, мушук..

24. “Жуфтини топ ” ўйини

Бу ўйин товушларни бир-биридан фарқлашда қўлланилади “С” ва “Ш” товушини фарқлаш учун аралаш бўғинлар варақаси берилади.

Ша- ас-

Шо- ос-

Шу- ис-

Ши- ус-

Ше- ес-

Ўқувчи варақада 2-фарқланадиган бўғинни ёзади ва бир-биридан фарқли талаффуз қилади.

Ша-са са-ша ва шу бўғинлар иштирок этган сўзлар, сўзлар орқали жумлалар тузиш ўқувчига топширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси.- Тошкент.: « Шарк», 1999.
2. Багрова И. Г. Обучение слабослышащих учащихся восприятию речи на слух. - М.,1990.
3. Бельтюков В. И. Роль слухового восприятия при обучении тугоухих и глухонемых произношению. - М., 1960.
4. Боскис Р. М. Глухие и слабослышащие дети. – М., 1963.
5. Кузьмичева Е. П. Развитие речевого слуха у глухих. - М., 1983.
6. Кузьмичева Е. П. Методика развития слухового восприятия глухих учащихся. – М., 1991
7. Назарова Л. П. Методика слуховой работы в школе слабослышащих. - М.. 1981.
8. Психология глухих детей , (Под. ред. И. М. Соловёва)- М.,1971
9. Рау Ф. Ф. Слезина Н. Ф, Методика обучения произношению в школе глухих. – М., 1981.
10. Эшитишда муаммолари бўлган болалар махсус педагогикаси, (Маърузалар матни). Тузувчи Д. А. Назарова. –Тошкент.: 2006.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎЙИНЧОҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Содиқов Ҳ.М., Содиқова Д.Р., Жиззах ДПИ ўқитувчилари

Президентимиз Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида, “Ёшларнинг маънавий оламини болалиқдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир”,- дея такидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама тарбиялашда ўйинчоқлар асосий восита ҳисобланади. Ўйинчоқ болани ҳайратга солади. Ўйинчоқларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида аниқ маълумот бўлмаса-да, у жуда қадимий тарихга эга эканлигини биламиз. Ҳар бир халқнинг ўйинчоғи ўзининг педагогик, бадий ва амалий анъанасига эга. Бу анъана, бир томондан, ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган миллий маданияти, турмуши, педагогикасини ўзида акс эттиради. Ҳар бир ўйинчоқни мазмуни ўзига хос бўлиб, бу мазмунга ўша халқнинг урф-одатлари уйғунлашиб кетган бўлади.

Ўйинчоқ бошланғич синф ўқувчиларининг теварак-атроф билан танишишга ёрдам беради. Ўйинчоқ орқали бола олам билимларини янада ривожлантириб, синфдошлари билан

ўзаро мулоқатга киришади. Ўйин ва ўйинчоқлар бошланғич синф ўқувчилари ҳаётида асосий ўринни эгаллайди.

Шу маънода бошланғич таълим ёшидаги болага қандай ўйинчоқ кераклигини билиш педагогик жараённинг муҳим масалаларидан биридир. Зеро болаларга ҳамма нарсадан кўра унинг ёшига мос ўйинчоқ зарур. Тўғри танланган ўйинчоқлар болаларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беради. Чунки ўйинчоқ ўқувчиларнинг ўйинларини ташкил этишда асосий восита ҳисобланади. Ўйинчоқлар типи, материаллари, тайёрлаш техникаси ва тарбиявий ўрнига кўра ниҳоятда хилма-хилдир. Бироқ ўйинчоқлар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, уларда, аввало реал нарсалар тасвирланади, улар билан болалар ҳам, катталар ҳам бирор ҳаракат бажаради.

Хилма-хил ўйинчоқлар болага катталарнинг қизиқарли бўлган дунёсини ўзлаштиришга, турли хил буюмларнинг хусусиятлари ва сифатлари, уларнинг турмушда ва кишиларнинг меҳнат фаолиятида ишлатилиши билан танишишига ёрдам беради. Масалан, кўғирчоқ, меҳмон-меҳмон ёки она-бола ўйинини ташкил этишга чорлайди. Машина эса, ҳайдовчи ёки йўлда ўйинини ўйнашга чорлайди. Ўйинчоқ болалар ижодий ўйинларининг келиб чиқишида ҳам асосий восита бўлиб хизмат қилади. Образли ўйинчоқлар болаларни нафақат турли мазмундаги ўйинчоқларни ўйнашга чорлайди, балки болаларни ўзи севган қахрамон образини ярата олишга чорлайди.

Ўйинчоқлар болаларни қувонтирибгина қолмай, уларни эстетик жиҳатдан ривожлантиради, қизиқишларига кенг йўл очади, болани теvarак-атроф билан таништиради, техникага, меҳнатга бўлган ҳавасини оширади.

Ўйинчоқ боладаги барча жиҳатларни ишга солади, яъни бола ҳаракат қилади, гапиради, идрок этади, ўйлайди, хотира фаолияти ишлайди. Ўйинчоқ бошланғич синф ўқувчиларини синчиковликка ва зукколикка интилишига, болаларни бирлаштиришга, биргаликдаги меҳнат қилишга чорлайди. Болалар ўйинчоқлар билан ўйнаш давомида ўз қобилиятларини, ижодий фикрлашларини ривожлантирадилар. Масалан: илк ёшда болаларга бериладиган ўйинчоқлар болада кўриш ва эштиш, диққатини ривожлантиради. Образли ва дидактик ўйинчоқлар боланинг нутқий фаолиятини уйғотади ва луғат бойлигини оширади. Қисмларга ажраладиган ўйинчоқлар болани хотирасини мустаҳкамлашга, таҳлил қилишга, умумлаштиришга ва бир бутун ҳолатга келтиришга ҳамда таққослашга ўргатади. Қиз болаларнинг кўғирчоқ ўйнаши уларнинг қалбида эса меҳрибонликни, авайлашни, эътиборлиликни ва нафосат ҳиссини уйғотади. Мусиқали ўйинчоқлар болада эстетик ҳислар ва бадиий дидни шакллантиради. Айрим ўйинчоқлар орқали болалар санашни машқ қиладилар, атроф, табиат билан танишадилар.

Болалар ўзларининг эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўйинчоқ танлайдилар. Ўйинчоқ ўйнаш давомида боланинг эркинлиги ва мустақиллиги намоён бўлади. Иложи борича болага ўйинчоқ ўйнаш давомида ҳаракат эркинлигини бериш лозим. Агарда ўйинчоқ ўйнаш давомида зерика бошлаганини сезсак, болага ёрдам беришимиз зарур, яъни айтиб туришимиз, савол беришимиз, баъзан бирга ўйнашимиз керак бўлади.

Биз фарзандларимиз учун танлаётган ўйинчоқлар болаларни жамоатчилик руҳида тарбиялаши, ўз хоҳишини бошқалар хоҳишига мувофиқлаштириши, болаларнинг тажрибаларини ўзаро бойитиши каби мақсадларга мувофиқ келиши, болаларни жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясига ёрдам бериши, ижодий фикрлашини шакллантириши зарурдир.



BOSHLANG'ICH SINFLARDA INGLIZ TILINI O'QITISHDA DIDAKTIK MATERIALLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

**Sotimboyeva Yu., Namangan VPKQTMOI o'qituvchisi
Axmadjanova Q., Namangan DU magistranti**

Mustaqil respublikamizning jahon hamjamiyatida tutgan oʻrni tobora oʻsib, xalqaro aloqalar mustahkamlanib borayotgan bir paytda yoshlarga chet tillarni puxta oʻrgatish fan oʻqituvchilari oldida turgan dolzarb vazifalardan biridir.

Prezidentimizning 2012 yil 10 dekabrda “Chet tillarni oʻrganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi 1875-sonli qarori Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 8 maydagi “Uzluksiz taʼlim tizimining chet tillar boʻyicha Davlat taʼlim standartlarini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi 124-sonli qarorida asosan taʼlim tizimini isloh qilish nazarda tutilgan.

Taʼlim tizimini isloh qilish – bu taʼlimning mazmunini yangilash, oʻqitishning zamonaviy uslublarini tatbiq qilish, oʻquv jarayonida yangi taʼlim vositalaridan foydalanishni yoʻlga qoʻyish demakdir.

Chet tillarini oʻqitish oʻqituvchilardan didaktik materiallarni yaratish va yaxlit oʻquv jarayonini optimallashtirishda yangi axborot texnologiyalaridan foydalanishni talab qilmoqda.

Chet tillari xonasi birinchi navbatda chet tillar, boʻyicha namunaviy roʻyxatda koʻrsatilgan oʻquv vositalari bilan taʼminlanishni koʻzda tutadi. Shu bilan birga koʻp yillik tajribalar ijodiy ishlovchi oʻqituvchilar ularga qoʻshimcha oʻzlari yaratgan qoʻllanmalardan foydalanishlarini koʻrsatadi.

Birgina boshlangʻich sinflarda ingliz tili darsida oʻrgatiladigan “Uy hayvonlari” mavzusini ham didaktik materiallar bilan boyitib, oʻquvchilarni shu chet tiliga boʻlgan qiziqishlarini yanada oshirish mumkin. Boshlangʻich sinflarga qoʻyilgan talablar quyidachiga:

1. Soʻz boyligini kengaytirish, yangi soʻzlarni oʻzlashtirish. Yaʼni bunda oʻqituvchi avvalo oʻquvchilarini yangi darsda qoʻllaniladigan soʻzlar bilan ingliz tilida tanishtirib chiqishi lozim. Yangi soʻzlarni tanishtirish jarayonida albatta oʻqituvchi didaktik materiallar va koʻrgazmali qurollardan foydalanib dars oʻtishi lozim (masalan, mevalar mavzusidan “olma”ni tanishtirish uchun, uning rasmini oʻquvchilarga koʻrsatib, ingliz tilida talaffuz qilib berib, soʻngra oʻquvchilarga ushbu soʻzni takroran qaytarishni oʻrgatish lozim). Chunki oʻquvchining psixik xususiyatida koʻrish orqali eslab qolish muhim ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari mulyajlardan foydalanish ham darsning samaradorligini oshiradi. Mulyajlardan foydalanib dars oʻtish ham oʻz navbatida oʻquvchilarning darsdagi qiziqishlarini va faolliklarini oshiradi. Oʻquvchilarga mavzuga oid mulyajlarni tarqatib berib ularni bir oz holi qoldirish lozim. Bu vaqt davomida ular mulyajlarni ushlab koʻrib, ularni tashqi koʻrinishlarini oʻrganib chiqishadi va oʻz navbatida bu oʻquvchilarda ushbu predmet toʻgʻrisida aniq tushuncha hosil qiladi. Soʻngra oʻqituvchi oʻquvchilardan ushbu mulyajlarni tasvirlab berishlarini soʻraydi.

2. Talaffuzni rivojlantirish (Ekkranda tasvir etilgan predmed va hodisalar nomi avval eshitilib, soʻng talaffuz qilinadi). Bunda oʻquvchilarning ingliz tilida berilayotgan qoʻshiq va sheʼrlarni tinglab tushunish qobiliyatlari va hamda ingliz tilida boshlangʻich darajada soʻzlashish koʻnikmalari rivojlantiriladi. Darsning asosiy qismiga oʻtilganda oʻqituvchi birinchi navbatda oʻquvchilarga mavzuga oid boʻlgan video roliklar, qoʻshiqlar va turli xil rangli tasvirlarni ekkranda koʻrsatib berishi lozim. Boshlangʻich sinf oʻquvchilarining yosh xususiyatlaridan kelib chiqib aytadigan boʻlsak, ular oʻyinqaroq, shu bilan birga rangli tasvirlarga qiziqishi kuchli boʻladi. Ekkranda koʻrsatib berilgan tasvirlar oʻquvchilarni eng avvalo ingliz tiliga boʻlgan qiziqishlarini oshiradi va ularning darsdagi faolligini taʼminlaydi. Ekkranda koʻrsatilgan tasvirlardan soʻng oʻquvchida mavzu haqida anchagina tushuncha va koʻnikma hosil boʻladi.

3. Dialog nutqni oʻrgatish. Albatta darsda oʻtilgan yangi soʻzlarni va iboralarni nutq jarayonida qoʻllash orqali ogʻzaki nutqni rivojlantiradi. Buning uchun oʻquvchilarga dars davomida bir-birlari bilan suhbat qilishni oʻrgatish muhimdir. Darslarning tarkibida esa amaliy tarzda oʻtkaziladigan “Intervyu” strategiyasining turli mavzulardagi rolli oʻyinlarni qoʻllash oʻquvchilarning faolligini orttiradi va ularning tabiiy vaziyatlarda bemalol muloqot qilishlari uchun asos tayyorlaydi.

Yuqorida taʼkidlab oʻtilgan didaktik usullar va yangi pedagogik texnologiyalar orqali boshlangʻich sinf oʻquvchilariga ingliz tilini oʻrgatish ulardagi chet tillariga boʻlgan qiziqishlarini yanada oshiradi.

Dars davomida o'quvchilarning holatlaridan kelib chiqqan holda ma'lum topshiriqlardan so'ng ularni bir oz dam oldirish maqsadida mavzuga oid turli xil qiziqarli o'yinlar bilan tanaffus qilish maqsadga muvofiqdir. Chunki o'quvchilarda bir xillikdan zerikish tezda paydo bo'ladi va bu zerikish ularning qiziqishlarini so'ndirib qo'yishi ham xavfdan holi emas. Shuning uchun biz pedagoglar ushbu muammolarni yechimini topishda va yangi usullarni ishlab chiqishda yanada ko'proq izlanishimiz maqsadga muvofiq bo'ladi.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, ingliz tilini o'qitishda o'quvchilarni yosh va psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda, ulardagi chet tilini o'zlashtirishga bo'lgan qiziqish, ehtiyojni to'la qondirishga yordam beruvchi pedagogik texnologiyalarga asoslangan zamonaviy didaktik ishlanmalarni tayyorlash va ularni amalga oshirishning mustahkam mexanizmini ishlab chiqish muaommoning amaliy yechimini ta'minlaydi.



СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

Стыркас И.Н., УзНИИПН, к.п.н., старший научный сотрудник

Вопрос качества обучения сегодня приобрел особую актуальность в связи с поиском механизмов устойчивого развития системы образования.

Качество образования – многомерное понятие, поэтому целесообразно говорить не о качестве вообще, а о разных качествах по отдельно взятым позициям. В роли таких позиций может выступать качество преподавания, управленческой деятельности, познавательных действий (их уровень), организации образовательного процесса, а также качество подготовки по комплексу дисциплин, специальности, направлению и т.д.

Подход к пониманию качества образования можно предствить в виде следующей последовательности:

- носитель знаний;
- передача знаний;
- получатель знаний;
- восприимчивость методик передачи знаний;
- фундаментальность знаний;
- востребованность полученных знаний;
- получение новых знаний.

Существуют следующие механизмы и процедуры в практике оценки качества образования: лицензирование, аттестация и аккредитация образовательных учреждений, педагогических кадров, централизованное тестирование выпускников основной школы, мониторинговое исследование, социологическое исследование.

Но основной способ управления качеством образования в школе – индивидуальный мониторинг динамики продвижения ребенка в учебном процессе. В его основе лежат следующие принципы: получение индивидуальной информации о каждом обучающемся; полнота и анализ информации; непрерывность и периодичность получения и анализа управленческой информации; открытость измерения качества образования.

Рассмотрим один из компонентов качества обучения – показатели уровня владения навыками чтения учащихся начальных классов. Совершенно очевидно, что навыки чтения являются основными общеучебными умениями, фундаментом и гарантией успешного усвоения любого школьного предмета. И поскольку закладываются эти умения с первых шагов обучения, становится понятным то внимание, которое уделяет каждый педагог начальной школы формированию техники и культуры чтения.

К примеру, в течение ряда лет (2008-2010 годы) проводилось экспериментальное

исследование на базе Республиканской специализированной школы с углубленным изучением предметов гуманитарного профиля и соответственно осуществлялись наблюдения за тем, как овладевают навыками чтения учащиеся 4-классов. Объектом наблюдения были два вида чтения:

- чтение с целью освоения и использования информации;
- чтение с целью приобретения читательского литературного опыта.

За основу содержания обучения и проверки читательских умений учащихся были взяты 5 литературных и 5 информационных текстов (программных и дополнительных).

При чтении литературных и научно-популярных текстов оценивались следующие умения:

- нахождение заданной информации;
- интерпретация и обобщение информации;
- анализ и оценка содержания, языковых особенностей и структуры текста;
- формулирование выводов.

Индикаторами качества образования и развития личностных качеств выступали такие показатели, как:

- владение знаниями, умениями, навыками (в заданном аспекте);
- интеллектуальная развитость (владение операциями мыслительной деятельности);
- уровень обученности, готовность к творческой деятельности, креативность.

На заключительном этапе эксперимента проведено анкетирование для учителей – экспериментаторов с целью выявить результаты опытного обучения. Содержание анкеты следующее:

- Какими уровнями читательской грамотности владеют учащиеся 4-х классов?
- Улучшилась ли ситуация, по сравнению с предшествующим периодом? (приведите конкретные данные).
- Как был организован процесс обучения?
- Какие приемы и методы использовались? Какие из них Вы считаете наиболее эффективными?

В заключение следует отметить, что формирование системы объективной оценки качества обучения является одним из основных условий повышения эффективности образовательного процесса.

Литература

1. Управление качеством образования: Практико-ориентированная монография и методическое пособие // под ред. М.М.Поташника. –М.: Педагогическое общество России, 2000.
2. Мониторинг и диагностика качества образования. // Сост. А.А.Шаталов, В.И.Афанасьева и др. –М.: Педагогика, 2008.
3. Проектирование качества образования // Кучукбаев Ф.М., Джураев Р.Х. и др. Под общей ред. Р.Ш.Ахлидинова. –Т.: Фан, 2009.



ДАРСЛИККА ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ – БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Сулаймонов А.П., Ўз ПФИТИлаборатория мудири, п.ф.н., к.и.х.

Таълим жараёнининг асосий дидактик воситаси, шубҳасиз дарслик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини дарсликлар билан таъминлаш

масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва умумий ўрта таълим муассасаларини дарсликлар билан таъминлаш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, дарслик республикамизда жорий этилган таълим мазмунини Давлат таълим стандартлари асосида амалга оширишнинг кафолатидир. Бу борада, айниқса “Тасвирий санъат” ўқув фанидан дарслик яратиш ҳамда уни ижара тизимига киритиш бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бадиий таълим тарихидан маълумки, бошланғич таълим ўқитувчилари 2008 йилгача дарсликсиз ишлаб келганлар. Охириги марта мазкур ўқув фанидан дарслик 20-асрнинг 70-йилларида яратилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, болаларни бадиий-эстетик тарбиясини талаб даражасида амалга ошириш учун тўсқинлик қилаётган жиддий сабаблар борлигини англаш мумкин.

2002 йилдан 1-синфлар учун, 2008 йилдан 2-3-синфлар учун “Тасвирий санъат” дарслиги амалиётда қўлланиб келинмоқда. 1-синфлар учун яратилган “Тасвирий санъат” дарслиги ҳар йили қайта нашр эттирилса, амалдаги талаблар бўйича 2-3-синф дарсликлари ҳар икки йилда қайта нашр эттирилиши лозим. Бироқ 2-3-синф дарсликлари 2010-йилдан буён қайта нашр эттирилмаган. Шунинг учун ҳам дарслидаги ўқув материаллари билан бирга қўшимча материаллардан фойдаланиш бошланғич таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралиши жоиз. Зеро, биринчидан, барча соҳаларда бўлгани каби профессионал тасвирий санъат соҳасида ҳам турли йўналишда янгиликлар, ўзгача ёндашувлар, бадиий концепциялар илгари сурилаяпти ҳамда улар таълим мазмунида ўз аксини топмоғи лозим.

Иккинчидан, тендер натижаларига кўра ғолиб деб топилган дарсликнинг асосий муаллифлари тасвирий санъат бўйича мутахассис бўлмаганлиги боис унинг мазмунида айрим методик камчиликлар мавжуд.

Учинчидан, глобаллашув шароитида таълимнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби тасвирий санъат соҳасида ҳам таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир ўтказадиган замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Дарслик материаллари эса ҳар доим ҳам улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун имконият бермайди. Айнан шунинг учун ҳам қўшимча материаллар воситасида улардан фойдаланиш ҳамда таълим сифатини ошириш мумкин.

Тўртинчидан, дарсликда тасвирий санъат асосларини ўрганиш тартиблари ва техникасига оид материаллар етарли эмас. Бу камчиликларни дарсликка қўшимча материал танлаш ҳамда уларни таълим амалиётига татбиқ этиш орқали бартараф этиш мумкин. Бунинг учун дарсликка қўшимча сифатида танлаб олинadиган материаллар:

- бошланғич таълимдан Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастури талабларига мос бўлиши;

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, тасвирий фаолият бўйича имкониятларига мувофиқ келиши;

- тасвирий санъат соҳасида кузатилаётган замонавий тенденцияларни бошланғич таълимга мос талқини сифатида тақдим этилиши;

- маҳаллий, миллий ҳамда умуминсоний бадиий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган бўлмоғи лозим.

Кузатишлар, илмий-методик манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчиларида расм чизишнинг ўзига хос техникаси, усулларини ўзлаштиришга бўлган қизиқиш кучли бўлади. Бу турдаги материаллар дарсликнинг ҳажмига қўйилadиган чекловлар сабабли етарли даражада берилмаган. Шунинг учун ҳам таниқли рассомларнинг картина яратиш тарихига оид назарий маълумотлар, муайян композиция яратиш жараёнини тавсифловчи қораламалар ҳамда якуний композицияни рангли репродукцияларидан қўшимча материал сифатида фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омили сифатида қаралиши жоиз.

Дарсликка қўшимча материаллар мақоми ва шаклига кўра турлича бўлиши мумкин: қўшимча репродукциялар, дидактик жадвал ва карточкалар, турли электрон манбалар, шу

жумладан, механик намоиш этиладиган слайдлар, шунингдек, замонавий мультимедиа воситалари дарсинг қизиқарли бўлишини таъминлаши натижасида бошланғич таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир ўтказади.

Бошланғич синфларда тасвирий санъат ўқув фанини ўқитиш жараёнида кузатиладиган ҳамда таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этадиган методик камчиликлар сирасига ўқитувчининг айрим сабабларга кўра (масалан, ўқитувчининг махсус тайёргарликка эга эмаслиги, ўқув вақтининг камлиги ва ҳ.к.) тасвир объектини босқичлар асосида ифодаланишини амалий тарзда кўрсатиб бера олмаслигини киритиш мумкин. Шу маънода тасвирий санъатдан махсус тайёрланган ўқув жадвалларидан фойдаланиш кутилган самарани беради.

Бошланғич таълимда ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанини самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастури талабларига зид бўлмаган қўшимча намунавий мавзуларни киритиш ҳам яхши самара беради. Зеро, қизиқиш таълим сифатини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.



ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ СИФАТИДА

Сулаймонов А.П., ЎзПФИТИ лойиҳа раҳбари, п.ф.н., к.и.х.

Джураева Б. Р., ЎзПФИТИ п.ф.н., к.и.х.

Замонавий шароитда мамлакатимизда амал қилаётган узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида таълимнинг интерфаол воситалари, интерфаол технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи интерфаол доскалар, мультимедия дастурлари ҳамда таълимнинг бошқа замонавий воситалари ўқитувчи учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Бироқ бир қатор объектив сабабларга кўра узлуксиз таълим тизимининг бошқа босқичларидан фарқли ўлароқ, мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган таълимий жараёнда, жумладан, тасвирий фаолият машғулотларида бундай имкониятлар муайян сабабларга кўра сезиларли даражада чекланган. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида:

- компьютерлаштирилган электрон ресурслардан фойдаланиш учун етарли моддий-техника базаси мавжуд эмаслиги;

- мактабгача таълим ёшидаги болалар учун улардан фойдаланиш тиббий меъёрларга кўра маълум даражада чекланганлиги;

- мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида таълимнинг интерфаол воситаларидан фойдалана олиш малакалари талаб даражасида эмаслиги;

- мактабгача таълим муассасалари учун жорий этилган Давлат талаблари ҳамда таълимий дастурларига мос тарзда ишлаб чиқилган дидактик захира мавжуд эмаслиги сабабли таълимнинг интерфаол воситаларидан тўлақонли фойдаланилмайди.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, бугунги куннинг мактабгача таълим ёшидаги боласи компьютер билан тиллашишнинг дастлабки малакаларини эгаллаганлиги, кўпчилик хонадонларда бундай имконият мавжудлиги, ва ниҳоят, истаимизми йўқми, болани компьютер билан мулоқоти ҳаётини эҳтиёж, кун тартибининг оддий кўринишига айланиб бораётганлиги нуктаи назаридан болаларни бошланғич таълимда тасвирий санъат таълимининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили – компьютер технологиялардан фойдаланишга ўргатиб боришнинг дастлабки сабоқларини айнан мактабгача таълим муассасаларининг катта ҳамда мактабга тайёрлов гуруҳларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шартли равишда интерфаол деб тавсифлаётганимиз – турли электрон ресурслардан фойдаланиш мактабгача таълим ёшидаги болаларга нима беради? Бу омил бошланғич синфларда ўқитиладиган тасвирий санъат дарслари самарадорлигини оширишга қандай таъсир ўтказиши мумкин? деган саволлар юзага келиши мумкин. Саволларга жавоб тариқасида таъкидлаш жоизки, бошланғич синфларда “Табиатни идрок этиш”, “Санъатни идрок этиш” дарслари, шунингдек, ўқувчиларнинг рангшунослик борасидаги билимлари бадий-эстетик таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шу маънода мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларида болаларнинг диққатини фаоллаштирадиган, жараёнга бевосита қизиқиш ва фаоллик билан ёндашишини таъминлайдиган воситалар болаларда эстетик тасаввурларни, бадий дидни шакллантиришнинг муҳим омиллари сирасига киради. Бу омил истиқболда бошланғич синфларда тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишга замин яратади. Айниқса, табиатни эстетик идрок этиш йўналишида ўтказиладиган машғулотлар яхши самара беради. Бу машғулотлар компьютер ёки интерфаол доска, видеопроектор воситасида табиатда содир бўладиган ҳодисаларни эстетик идрок этишга оид бўлиши мумкин. Чунончи, табиатда содир бўладиган, бироқ кузатиш имконияти чекланган ҳодисалар – камалак жилоси, табиий шакллар (дарахтларнинг ранги ва шакли ва ҳ.к.), табиатни йил фаслларига кўра ўзгариши (айниқса, дарахтлар, тоғлар), ундаги рангларнинг ўзига хослиги (бахор табиатидаги рангларнинг нафислиги ва тиниклиги, ёзда уларни тўқ тусга кириши, кузда тарли-туман жиловланиши, айнан кузда фақат дарахларнинг ўзида яшил, сариқ, зарғалдоқ, қизил рангларни кўриш мумкинлиги) ҳақида қизиқарли намоёишлар болаларда табиатга, тасвирий санъатга қизиқишни таркиб топтиришга хизмат қилади. Натижада болаларнинг эстетик идроки, рангшуносликка оид билимлари шаклланиб боради. Бу омил, ўз навбатида, бошланғич синфларда тасвирий санъат таълими самарадорлигини оширишга ижобий таъсир ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай намоёиш, фойдаланилаётган материал муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Чунончи, намоёиш этиладиган материаллар:

- иккинчи даражали материаллардан ажратиб кўрсатилиши, турли анимацион усуллар орқали болаларнинг ассоциатив кўриш хотираларини мустаҳкамлашга йўналтирилиши, кўлланиладиган анимациялар болаларнинг ёш хусусиятларига кўра уларнинг идрок этиш имкониятларига мос ҳамда чалғитувчи эффектлардан ҳоли бўлиши;

- кўп ахборотлар ташиш хусусиятга эга бўлмаслиги;

- сифатли (масалан, намоёиш этилаётган тасвирий санъат асарларининг репродукциялари ранглари, горизонтал ҳамда вертикал ўлчамлари картинанинг асл нусхасига мос) бўлиши;

- мактабгача таълим ёшидаги болаларбоп ўйин элементларидан фойдаланиш воситасида болаларнинг фаоллигини ошириш имкониятларига эга бўлиши;

- машғулотнинг бошқа элементларига, масалан, тарбиячининг ҳикояси, амалий кўрсатмалари ва бошқа дидактик ҳаракатларга ҳалақит бермаслиги лозим.

Юқорида келтирилган дидактик талаблар мактабгача таълим муассасаларида болаларни бошланғич синфларда ўтиладиган тасвирий санъат дарсларига мақсадли тайёрлаш воситасида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида аҳамиятлидир.



РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сулаймонова Г.Т., ЎзПФИТИ илмий ходими

Ҳозирда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган барча ислохотлар

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган долзарб масалаларни босқичма-босқич бажаришга қаратилган. Бу жараёнда мамлакатлараро алоқа ва ҳамкорлик ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бу борада ҳамкорлик ишлари кенг йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси ва бир қатор хорижий давлатлар, шу жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Англия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа давлатлар билан таълим соҳасида ҳам алоқалар ўрнатилди ва ҳамкорлик давом этмоқда.

Таълим шундай бир ижтимоий жараёнки, у ҳамиша давр руҳига ҳамоҳанг ўзгаришларни, такомиллаштиришни, тинимсиз изланишларни тақозо этади. Шундай экан, ривожланган чет эл мамлакатлари таълим тизимидаги аҳамиятли жиҳатларни ўрганишимиз ва амалиётга татбиқ этишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу ўринда бир қанча ривожланган хорижий давлатларда бошланғич таълим тизими ҳақида сўз юритиб ўтиш жоиз.

Жумладан, Америка Қўшма Штатларида бошланғич мактаблар (6-13-ёш) мактаблар 1-8-синфларни ўз ичига олади. Мактабларда ўқув-тарбия ишлари билан боғлиқ масалаларни ҳар бир штат ўзига мустақил белгилаб олиш ҳуқуқига эгаллиги учун бошланғич мактабларда ўқиш муддати турлича бўлиб, 4,5,6,8 йиллик қилиб белгиланган.

Германияда эса бошланғич мактабда ўқиш 6 ёшдан бошланади ва 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бундан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. У ерда болалар махсус дастур асосида ўқитилади, бунда уларнинг ота-оналари мактаб турини танлаш ёки ўзгартириш имкониятига эга.

Жанубий Кореяда бошланғич мактаб 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларга 6 йиллик мажбурий бошланғич маълумот беради. Бошланғич мактабларда ишлаш учун ўқитувчилар тўрт йиллик педагогик коллежни битирганлиги ҳақида диплом олиши зарур.

Жанубий Кореяда бошланғич таълим вазибалари қуйидагича белгиланган:

1. Ўқувчиларнинг она тилини тушуниш қобилиятларини ва унда кундалик ҳаётда зарур бўладиган даражада фикрни баён қила олишларини яхшилаш.

2. Ўқувчиларда мустақкам ахлоқий асос, масъулият ҳисси, инсонлараро муносабатларни яхшилаш мақсадида ҳамкорлик қобилиятини тарбиялаш.

3. Ўқувчиларнинг табиат ҳодисаларини сезиш ва унга муносабат билдириш қобилиятини яхшилаш.

4. Ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг келажакда касбий фаолият ва кундалик ҳаёти учун зарур бўладиган амалий кўникмаларни сингдириш.

5. Кундалик ҳаёт учун зарур бўлган математик, физик ва бошқа ҳодисалар ҳақида дастлабки тасаввурларни бериш.

6. Ўқувчиларни мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт ва шу кабиларни идрок этишга ўргатиш.

7. Ўқувчиларни ҳар доим гигиена қоидаларига амал қилишга ўргатиш.

Ушбу вазибаларни бажариш учун бошланғич мактаблар асосий дастури ўз ичига 8 та асосий предметни олади: ахлоқий тарбия, корейс тили, жамиятшунослик, арифметика, табиатшунослик, жисмоний тарбия, мусиқа ва тасвирий санъат.

1- ва 2-синфларда айрим предметлар бирлаштирилган, 4-синфдан эса амалий кўникма ва ҳунарга ўргатиш қўшилади.

Жанубий Кореяда бошланғич мактабнинг таълими жараёни дарс, мустақил эркин машғулот ва махсус машғулотлардан ташкил топган дарслар: она тили, этика, жамият, математика, жисмоний тарбия, мусиқий санъат, чет тили (инглиз тили), одобнома каби 10 та фандан иборат. 1- ва 2-синф дарслари она тили, математика, соғлом турмуш, ақлли (доно) турмуш, қувончли турмуш (ҳаёт) 1-синф учун тузилган дастурларнинг асосидир.

Бошланғич мактабнинг мустақил машғулотлари чуқурлаштирилган ва тўлдирилган. Бу машғулотлар мактабга зарур бўлган ва талабгорнинг хоҳиш-истагига жавоб берадиган мустақил машғулотдир.

Бошланғич мактаб таълим жараёнида математик босқич шаклда, она тили, жамият, бошланғич инглиз тили чуқурлаштирилиб, тўлдирилган шаклда ўрганилади. Бошланғич

синфларда билим даражаси пастроқ бўлса, билими етишмаслигини тўлдириш учун “махсус тўлдириш жараёни” ташкил этилади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, таълимдаги таянч нуқталар: болаларни эрта ижтимоийлаштириш, ота-оналарга психологик-педагогик билимлар бериш ва уларни педагогик жараёнда фаол иштирок этишга йўналтириш, жамоатчиликнинг эътиборини болаларни эрта ривожлантириш муаммосини ҳал этишга қаратиш – буларнинг барчаси ҳозирги даврда хорижий давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам бошланғич таълим тизими учун долзарб ва аҳамиятлидир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида халқ таълими ишини тубдан яхшилаш, унинг обрў-эътиборини ошириш, жаҳон талаблари даражасига чиқариш бўйича катта изланиш, тажриба ва тадқиқотлар амалга ошириладиган бир шароитда хорижий таълим тизимларининг мақбул томонларини ижодий қўллаш муҳим аҳамиятга эга.



БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ташбаев Н., ЎзПФИТИ илмий ходими

Президентимиз Ислон Каримов томонидан мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртлари фаолиятида ўзаро мантикий боғлиқликлиги ва ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб вояга етказишни таъкидлаганлар.

Айтиш лозимки, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълимнинг педагогика муассасаларининг бошланғич синф йўналишларидаги бўлажак ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини шакллантиришда ўзига хослигидан келиб чиқилган. Уларни ихтисослик ҳамда махсус фан ва соҳаларга йўналтиришга эътибор қаратилган. Мазкур тамойиллар эса юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий бандликни мустаҳкамлашдек устувор вазифалар бажарилишида айни муддао бўлмоқда. Мазкур кўриладиган барча чоратadbирлардан кутиладиган асосий мақсад юқори иқтидорли интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бошланғич синф ўқитувчиларни тайёрлаш ва салоҳиятли ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Бугунги ёш авлоддан ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, куч, билим ва салоҳиятини Ватан равнаки йўлида сарфлаши нечоғли муҳим эканини барчамиз ҳис этамиз. Чунки Ўзбекистонда яшаётган миллионлаб ёшлардан ҳар бири эртага уларнинг Ватани дунё билан тенглашиши, биринчи галда ўзларига боғлиқлигини англаб етмоғи керак. Шундагина улар бугунги ва эртанги кунимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айланиши шубҳасиздир.

Шу жумладан, таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бирга бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Инновационлик педагогик жараённи ифодалаб нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки педагогнинг ижтимоий, моҳиятли натижалари ва руҳий киёфасига ҳам тааллуқлидир.

Ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълимнинг педагогика муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш давомида инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга бўлажак педагогни самарали мулоқоти, қарама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини ўқитишга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида бўлажак педагог ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга

бўлади. Педагог фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги майиллари муҳим аҳамият касб этади, бу эса педагог шахсининг креативлигининг фаоллигини шакллантириш имконини беради. Янгилик киритишнинг муҳим шarti мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдан иборат.

Мулоқотнинг янги вазияти – бўлажак педагогнинг мустақил мавқеини, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатини ярата олиш қобилиятидир. Бундай вазиятларда ўқитувчи педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали ўз билимини кенгайтиради. Ўқитувчининг фикрлаш усуллари, аклий фаолияти ўзгариб, хиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шarti - педагогнинг маданият ва мулоқотга тайёрлиги. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг иш жараёнида ва бошланғич синф ўқувчилари ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шartидан биридир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятининг онгли таҳлили,
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув,
- касбий янгиликларни қабул қилишга тайёрлик;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассамлаштириш.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради. Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарасини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб этади. Бундай меъёрларга янгилик, оптималлик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларни инновацион ижодий қўллаш имкониятлари киради. Янгилик педагогик янгилик меъёри сифатида, ўзида таклиф қилинадиган янгилик, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради.

Педагогнинг инновацион фаолиятига бўлган қобилиятлари сирасига унинг ижодий мойиллиги, қизиқувчанлик, ижодий қизиқиши, ижодий ютуқлари, илғор қарашлари, ўз камолотига интилиши, креативлиги, баҳо бера олиш қобилияти касбий фаолиятни баҳолаш, муаллифлик концепцияси ва зиддиятни ижодий бартараф этиш лаёқатлари, ижодий фаолият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам қабиларни кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион фаолият мойиллик, технологик ёндашувга эгалик ҳамда рефлексия кўникмаларини мавжудлигида намоён бўлади. Бўлажак ўқитувчиларни бундай фаолиятга тайёрлаш янгиликни идрок этишга инновацион таёргарликни шакллантириш ва уларни янгича педагогик фаолият кўрсатмасига йўналтиришни таъминлайди. Инновацион фаолиятни ташкил этишда ўрта махсус касб-ҳунар педагогика коллежлари ва педагогика олий таълим муассасалари бошланғич таълим йўналишдаги талабаларнинг билиш фаолиятларини ва уни бошқариш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Инновация жараёнлар, функциялар, механизмлар ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ-ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ПСИХОЛОГИК-ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Темирбеков Б., Нукус ДПИ ўқитувчиси

Жамиятда хилма-хил фикрлаш муҳитини вужудга келтиришда мустақил, танқидий фикрловчи шахсларнинг ўрни беқиёсдир. Дунёга янги кўз билан қарайдиган баркамол инсонни шакллантириш, унинг натижаси, маҳсуласи орқали мустақил фикрловчи, ижодий изланувчи, кучли иродали, ғоявий эътиқодли, маънавияти юксак, пок виждонли шахсни камол топтириш, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Шу боис, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсининг танқидий фикрлаш фаолиятини шакллантириб, мунтазам ривожлантириб бориш, «субъект-субъект» муносабатини амалда таъминлаш натижада уларнинг ижодий фаоллиги, изланувчанлиги, иродавий сифатлари, ишчанлиги, эътиқодини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълимнинг ўзига хос томони, у тарбияни ижтимоий ҳодиса сифатида педагогик фаолият, шахсининг шаклланишини ўзига бирлаштириб, ана шу учта асослардан реал педагогик жараённи тузади, бу жараён турли таълим-тарбия концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилади ва таълим тизими муассасаларида тадбиқ этилади. Таълим тушунчаси, бу умумий яхлит функционал ва мазмунли категориядир. Шундай экан, ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш кўп жиҳатдан ўқув материали ва унинг турли шакллари лойиҳалашга боғлиқ. Я.А.Коменскийнинг ёзишича, таълим учликдан иборат: ўқитувчи, ўқувчи ва ўқув материали. Ўқитувчи - билим берувчи, ўқувчи билимларни идрок қилувчи, ўқув материали эса - бу билимларнинг ўқитувчидан болаларга ҳаракати демакдир. Демак, маълумот мазмуни ўқув материалларида моддийлаштирилган экан, танқидий фикрлашни шакллантириш учун лойиҳалаш жараёнларини бошқариш маълумот мазмунига атрофлича педагогик ишлов бериш, танланадиган ўқув материалларини ўқувчиларнинг реал билиш имкониятларига мослаштиришни тақозо қилади. Шу йўл билан ҳажм жиҳатидан ихчам, болаларбоп топшириқлар, ўқув мажмуаларининг яратилиши ўқувчининг ҳар томонлама фикрлаш қобилиятини шакллантиради.

Ижодий-танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида таълим мазмуни таълим жараёнига ўқув материали шаклида олиб кирилади. Маълумки, ўқув материали маълумот мазмунини шакллантиришнинг энг охири даражаси саналади. У таълим бошлангунча турли норматив лойиҳалар - ўқув дастури, ўқув дарслиги таркибида тайёр холда бўлади. Таълим жараёнида эса ўқув-тарбия ишлари ўқув материални ўрганишдан бошланади. Ўқув материали маълумот мазмуни билан таълим мазмуни ўртасидаги оралик бўғин ҳисобланади. Ўқув материали асосида иккиламчи лойиҳалар: дарс конспекти, топшириқлар тизими, тестлар, таълим эталонлари тузилади.

Ижодий-танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида ўқув материалининг икки хил таркибий тузилишини фарқлаш лозим: ўқув материалининг мантикий қурилиши; ўқув материалининг дидактик қурилиши.

Ўқув материалининг дидактик тузилиши икки хил тушунилади: ўқув материалининг кенг (глобал) тузилиши; ўқув материалининг тор (локал) тузилиши. Ўқув материални локал тушунишда уч хил элемент ажратилади: билим, малака, кўникма. Ўқув материални кенг ҳодиса сифатида қараб, унинг таркибида қуйидаги элементларни ажратамиз: билимлар тизими, тушунча, термин, фактлар, қонуниятлар, назариялар, кўникма-малакалар тизими, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар тизими. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида ўқув материалларининг шакллари кўп. Улардан бири ўқув топшириғидир. У қатор ҳусусиятларга эга: уларда ўрганилган ўқув материали мазмуни ҳам акс этган, дидактик лойиҳада болаларнинг билиш фаолияти ҳам моддийлаштирилади; дидактик лойиҳаларда билиш фаолияти усуллари ҳам берилади. Танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқитиш жараёнини лойиҳалаш босқичига ва аввало, таълимнинг қутилажак натижаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ижодий-танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнининг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Тафаккурнинг ривожланиши технологик

ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойихалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади. Ижодий-танқидий фикрлашни шакллантириш технологиясини тушуниш учун аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик тамойилига риоя қилиш орқали эришилади, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитиш тушунилади. Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришда технологик ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологияларининг ўзга хос жиҳатлари нимада? Биз қуйида шу ҳақида фикр юритамиз:

- ўқув жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади;

- ўқувчи шахси билан тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади;

- мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари, ўқувчини фикрлаш ва рефлексияга ундайди;

- ҳар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мослашувчан ва мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади;

- ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини аниқлаш учун асосан матн устида ишлаш тавсия қилинади;

Ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ялпи таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди. Ижодий тафаккури етарли даражада ривожланган ўқувчи таълим жараёнидаги ҳар қандай муаммони ечишга йўл топади, ўз кучи, ақли, эгаллаган билими, малака ва кўникмаларига таянади ва ўқувчининг тафаккури чархланади. Ўқувчиларнинг ижодий-танқидий фикрлашлари учун эса булар муҳим шартлардан ҳисобланади.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Темиров Д.Ш. ЎзПФИТИ катта илмий ходим-изланувчиси

Ҳозирги замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълим муассасалари ва уларни самарали бошқаришга эътибор кучайди. Таълим муассасасининг асосий мақсади сифатида унда таҳсил олаётган ҳар бир ўқувчи учун унинг ўз қизиқишлари ва талабларига мувофиқ келадиган таълим олишларига шароит яратиш ва доимий тарзда такомиллаштириб бориш бўлиб, у барча ўқувчиларга ўзларини ҳаётда касбий йўналишларини тўғри танлаб олишларида имкониятларни яратиб беришдек улкан вазифани бажаришга масъул ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаларини бошқарувчи шахслар муҳим ўрин эгаллайди.

Бошқарув – бу мақсадга эришиш учун объектга таъсир этиш бўлиб, объект фаолиятини мувофиқлаштириш, яъни мақсадга эришиш йўналишида тизимнинг ташкил этувчиларига таъсир этишнинг вертикал мувофиқлаштиришидир[2].

Таълим ҳар қандай жамиятда ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий манбаи ҳисобланади. Чунки юрт равнақи кўп жиҳатдан етишиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари таркибида “таълимнинг демократлашуви таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши[1]” таълим-тарбия ва ижтимоий-иқтисодий тармоқни бошқариш устивор соҳага айланиши лозимлигини кўрсатади.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида 9 йиллик умумий ўрта ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олган мажбурий таълим босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу жараён ўқувчининг эгаллаган касби бўйича ишлаши ёки таълимнинг кейинги поғоналарида давом эттириш учун пойдевор ҳисобланади [3].

Узлуксиз таълим тизимининг пойдевори ҳисобланган умумий ўрта таълимни ривожлантириш, бошланғич синфлардаги ўқув жараёнини қайта танқидий кўриб чиқиш ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

2014 йил 19 февралда қабул қилинган “Соғлом авлод йили” давлат дастурида белгилаб берилган 125 та вазифанинг кўплаб бандларида таълимда, хусусан, бошланғич таълим соҳасида амалга ошириладиган вазифалар белгиланган. Бу вазифаларнинг ечими таълимнинг сифат ва самарадорлигини янада оширишда муҳим омил ҳисобланади.

“Соғлом авлод йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг 71-бандида бошланғич синфларда ўқитиш сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан:

- 1-4-синфлар учун шу ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларни ва дарсликларни танқидий қайта кўриб чиқиш, ўқитиш жараёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш;

- илғор педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларини бошланғич синфлар ўқитувчилари фаолиятига жорий этиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

- бошланғич синфлар дарсликлари учун мультимедиа ишланмаларини босқичма-босқич ишлаб чиққан ҳолда ўқитишнинг ўйинли шакллари ва медиатеchnологиялардан фойдаланишни кенгайтиришдек муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Давлат дастурида белгиланган бу вазифалардан кўриниб турибдики, бошланғич таълимни сифатини яхшилаш давлат даражасида муаммо ҳисобланиб, бу вазифаларни амалга ошириш нафақат мутахассислар (ўқитувчилар, методистлар ва бошқалар)га балки, таълим муассасасини бошқарувчи раҳбарларга ҳам катта маъсулият юклайди. Раҳбар бошланғич таълимда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг давлат келажаги эканлигидан келиб чиқиб, таълим муассасаси бошқаруви фаолиятида аввало бошланғич таълимни тўғри ва аъло даражада ташкил қилиши лозим. Бунда, бошланғич синф ўқувчиларини таълим олишини яхшилаш, юқори синфларда назоратини жиддий равишда ўрганиб бориш, тегишли кўрсатмалар бериш, қизиқишлари доирасида таълимни кейинги босқичларига йўналтириш, таълим муассасасида таълим сифатини оширишга ва таълим муассасасини бошқариш самарадорлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланади.

Таълим муассасасини бошқариш самарадорлигини орширишда бошланғич таълимни қуйидаги жиҳатларига этибор бериш лозим:

- бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда замон талабларига мос янги дарсликлар яратиш, мултимедия дарсларни кўпайтириш, дарсларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш;

- бошланғич таълимдаги ўқитувчиларнинг сифатини яхшилаш, олий маълумотли, хулқи жиҳатидан намунали, болалар билан тез тил топиша оладиган, уларни фанга қизиқишларини орттира оладиган, иш севар мутахассисларни бошланғич таълимда фаолият олиб боришини таъминлаш;

- таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ходимлар, ўқувчилар ва ўқитувчиларга қулай шароит яратиш, уларнинг барча эҳтиёжларига мос, объектив меҳнат шароитини вужудга келтириш;

- таълим муассасаси раҳбари жамоадаги ходимларнинг билим ва малакаларини мунтазам назорат қилиши, ўз вақтида уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш;

- таълим муассасасида фолият кўрсатаётган ходимлар, ўқитувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориши.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таълим тизимида раҳбар жамоанинг барча ички эҳтиёжларига мос, объектив меҳнат шароитини яратиши, кадрлар меҳнат самарадорлигини таъминлаши, уларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолиятини тўғри йўналтириши, ўз меҳнатидан ҳам моддий ҳам маънавий манфаатдорлигини кафолатланишига эришиши лозим. Шундагина ҳар қандай таълим муассасасидаги бошқарув жамоанинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишига хизмат қилади. Бу ўз навбатида, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 йил, 41-сон, 543-модда

2. Тидор С.Н. Психология управления: от личности к команде. Петрозаводск: Фолиум, 1996. С. 133.

3. Пўлатов Ш. Таълим муассасаларини илмий-методик бошқариш технологияси. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2012. – 271. – б.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЧУҚУРБИЛИМОЛИШИДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Тилегенов А., ЎзПФИТИ Қорақалпоғистон филиали директор ўринбосари, п.ф.н., к.и.х.
Аллаяров М., Нукус ДПИ катта ўқитувчиси**

Ҳозирги вақтда бошланғич синф ўқувчиларини замонавий педагогик технологиялар ердамида ўқитиш асосий вазифалардан саналади. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш ишларини жадал турда олиб бориш учун ўқитиш методларини танлай билиш лозим. Бу бўйича методик кўрсатмалар берилади.

Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш ишларини барча синфларда олиб бориш мумкин. Мисол учун ўқитувчилар ўзларини ўқувчилар ўрнида кўриб, дарсни бошлаши мумкин. Бундай дарслар «Хусусий тажриба ва таҳлил» деб номланади. Бу иккита бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бирида саволлар методикаси қаралади.

Мантиқий фикрлашга ўргатишда ўқувчиларга қийин саволлар бериш керак эмас. Сабаби, улар ҳали тортинчоқ бўлади. Дастлаб ўқувчиларга мантиқий фикрлашнинг босқичлари тушунтирилади. Улар матн орқали янги маълумотларга эга бўладилар. Шу билан бирга, маъруза ёки бошқа воситалар орқали бунга эришиш мумкин. Улар ҳар қандай маълумотни ўзича қабул қилиши ва билим тўла фикрланган ҳолда қабул қилиниши керак. Бунинг асоси фикрлаш орқали амалга ошади.

Бундан сўнг ўқувчилар аниқ натижаларга эришиши лозим. Улар қўйидагилар:

1. Берилган савол билан мантиқий фикрлаш жараёнининг бир-бирига тўғрилигини тушуниш.

2. Ўқитувчи томонидан берилган саволларнинг маъносини билиш.

3. Мантиқий фикрлаш ва масаланинг ечилиши, фикрлаш жараёнининг ўзаро муносабатини тушуниш.

4. Синфда матнлар билан ишлай билиш.

5. Саволларнинг ҳар хил шакллари ва изланувчанликни билиш.

6. Ҳар хил даражадаги ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирадиган саволларнинг аҳамиятини билиш.

7. Фикрлаш жараёнининг хусусиятларини тушуниш, унинг турли даражадаги саволларга боғлиқлигини билиш.

8. Бошқа педагоглар учун мантиқий фикрлашни ривожлантириш бўйича дарслар ўтиш.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлаши учун маълум даражада вақт керак бўлади. Ўқитувчилар мантиқий фикрлаш жараёнини ривожлантириш учун ўқувчиларни шу жараёнга аста-секин ўргатиши лозим. Шунга қараб дарсни режалаштириш зарур. Дарсни режалаштиришда маълум даражада амалиёт талаб этилади. Мана шундан сўнг мазкур жараён маълум даражада осон ва табиий кечади.

Бошланғич синф ўқувчилари билан мантиқий фикрлашни ривожлантиришга боғлиқ дарсларни ўтишда бир нечта ўқув воситалари керак бўлади. Улар қўйидагилар:

1. Мақола ва ҳикоялар. Бошланғич синф ўқувчилари синфда буларни ўқиш қулайлигига эга бўлиши керак. Матн ўқувчиларда фикрлашни ривожлантириш мақсадида ёзилган бўлиши лозим. Яъни, бадиий асарлардан олиниши, унинг кўлами 3-4 бет бўлиши керак.

2. Кодоскоп, статистик пленка ва маркерлар, қоғоз, пор, доска.

3. Дастур бўйича ўқиш учун материаллар.

Бугунги кунда дунёда бўлаётган воқеалар кишилар олдига катта муаммоларни қўймоқда. Шундай экан, XXI асрда болаларни қандай тарбиялашимиз керак бўлади деган саволнинг туғилиши табиий. XXI аср ахборотларга бой аср бўлганлиги сабабли, ўқувчиларнинг улардан ўзлари учун кераклисини олиши зарур бўлади. Албатта, бу ўринда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши катта ёрдам бера олади.

Бу ўринда биз айтамыз, мантиқий фикрлаш – бу натижа. Инсон фикрлашнинг суяниш нуқтаси, ғоялар билан маълумотларнинг табиий ҳолатда биргаликдаги ҳаракатининг усули. У фаол жараён ҳисобланади.

Фикрлаш - бу эшитиш ва сўзлаш, хат ёзиш, ўқиш ишлари билан боғлиқ жараён. Боланғич мактабларда мантиқий фикрлашга ўргатиш учун ҳар кунги режали ишнинг мазмуни бўйича ўрганган маъқул.



ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тожибоева Х.М., ЎзПФТИ илмий ходими

Таълим-тарбиянинг ривожланиши ва кўламларини кенгайтириш бориши ҳозирги давр ўқитувчиларига амалий билимларни чуқурроқ сингдирилишини тақозо этади.

Давлат таълим стандартларини ўзлаштириш кафолати янги замонвий технология асосида иш юритишни талаб этади. Ушбу масаланинг ечимини топишда ўқув жараёнига педагогик технологияларни олиб кириш энг долзарб вазибалардан биридир. Жумладан:

- педагогик технология амалиёти ва назариясини кенг миқёсда ташкил этиш;
- педагогик технологияларни таълим амалиётида қўллашларини кузатиш, назорат этиш, жорий этиш, ўқувчиларни ташкил этиш;
- педагогик технологияларни тўплаш, танлаш, қўллаш бўйича тегишли жамғармалар банкини яратиш, таҳлил қилиш орқали ўқув жараёнига татбиқ этиш, таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини таълимий жараён сифатида самарали кечишини таъминловчи технологиялар тизимида индивидуал, кичик гуруҳларда ва ялпи ҳолда ташкил этиш шаклларида ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш тавсия этилади. Дарс жараёнида модулли (блок, қисм) ўқитиш технологияси, дидактик ўйинли технологиялар (саҳналаштирилган ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари, конференция, машқли ўйинлар), муаммоли ўқитиш технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси (командада ўқитиш, кичик гуруҳларда ўқитиш, зиг-заг, биргаликда ўқиймиз методлари), ўқувчиларни мустақил билим олишини ташкил этиш, анъанавий ўқитиш ва бошқа педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Модул (лотинча модулус – қисм, блок) ўқитиш технологияси олдиндан тузиб чиқилган

модул дастури, яъни дарснинг технологик харитасига асосланган бўлади. Бунинг учун дарс мавзуси қисмлар (ўқув элементлари)га ажратилади. Ўқувчи мустақил ўзлаштириб олиши ва олинган билимни аниқлаш учун топшириқлар ва саволлардан иборат дарснинг технологик харитаси (модул дастури) ишлаб чиқилади. Дарснинг сўнгги босқичи ўқувчиларнинг кичик гуруҳига мўлжалланган бўлади.

Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, ўқувчилар ижодий фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот ва нутқ маданиятини чуқурлаштириш ва шахсини ривожланиш вазифасини бажаради. Дидактик ўйинли дарсларни ўз мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли дарсларига ажратиш мумкин.

Саҳналаштирилган ўйинлар муаммоли вазиятларнинг бир тури бўлиб, бундай ўйинлар ҳаётий вазиятларни ўқувчилар томонидан саҳналаштиришдан иборат. Ишбилармонлик ва саҳналаштирилган ролли ўйинларда дидактик мақсад ўқувчилар олдига вазифа тариқасида қўйилади, уларнинг ўқув фаолияти эса ўйин қондасига бўйсундирилади. Бу мақсадда ўқув материалларидан фойдаланилади.

Ишбилармонлик ўйинида иштирокчиларга ўйин мавзуси таклиф этилади. Мавзу бўйича улар олдига битта умумий мақсад, яъни таклиф этилаётган муаммони ечиш қўйилади. Ҳар бир иштирокчи ўзининг ролига мувофиқ қарор қабул қилади ва бу ҳақда гуруҳ аъзолари билан маслаҳатлашади. Умумий мақсадни бажариш барча гуруҳ фаолияти билан боғлиқ. Баҳолаш ўқувчиларнинг ташкилий фаолияти ва улар ролли мақсадларининг бажарилиши билан боғлиқ.

Ролли ўйинда ҳам барча иштирокчилар биргаликда фаол иш олиб боришади. Лекин ролли ўйинда ҳар бир иштирокчининг индивидуал мақсади тўғрисида барча гуруҳ аъзолари билан келишиб олинмайди. Чунки ҳар бир иштирокчининг мақсади ўзини кўрсатиш ва ғалаба қозонишдан иборат бўлади. Баҳолашда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати ҳамда умумий мақсадга эришиш натижалари ҳисобга олинади.

Дарсларда замонавий педагогик технологияларни татбиқини такомиллаштиришда:

-субъект-субъект муносабатларини вужудга келтириш;

-таълим жараёнини демократиялаштириш, яъни ўқувчиларга ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқини бериш;

-маъруза, семинар, анъанавий ва синов дарсларида таълим технологиялари элементлари ва методларидан фойдаланиш.

Бунинг учун дарсда юқорида қайд этилган модулли ўқитиш, муаммоли ўқитиш ҳамда ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан самарали фойдаланишни назарда тутиш лозим.

Таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-психологик тренинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дарсда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат, дарсни ўзлаштириш, фикр юритиш, билимга бўлган қизиқиши ва шахснинг фаоллигини оширади. Маълум касбни эгаллаш ва билиш жараёнларини шакллантириш ўқув ўйинлари, машғулотларини ташкил қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Тренинг машғулотлари синф ва гуруҳларда ташкил қилинса, ўқувчининг ўзлаштирилишини яхшилайдди. Билиш жараёнини мукамаллаштиради, ўқитувчи билан ўқувчининг муомала жараёнида муаммоли вазиятларни ечишни енгиллаштиради ҳамда ўзаро муносабатларнинг яхшиланишига олиб келади.

Уни ўтказиш орқали шахсларнинг бир-бирини тушуниш, муомала маданиятини ошириш, ички муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилади. Психологик тренингни муваффақиятли ўтиши ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигининг фаол ҳаракатларини талаб этади. Натижада иштирокчилар ўзининг билими, салбий ёки ижобий эмоцияларни қабул қилишга тайёрлиги ва, ўз навбатида, психологик ҳимоя ва хулқ-атворни шакллантириб бориш зарурлигини тушунади. Шунингдек, машғулотларни мазмунли ўтказиш дарсда ўқитувчи ва ўқувчи қарашларини тенглаштиради. Машғулот жараёнида ўқитувчи ҳамма нарсани билувчи сифатида эмас, балки ҳамкорлик қилувчи тенг ҳуқуқли шерик ёки катнашувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Психологик тренингнинг баҳс-мунозара методларининг педагогик-психологик ва

ижтимоий аҳамияти шундаки, унда ҳар бир шахснинг ўз нуқтаи назарини маълум қилишга ташаббускорлик, мулоқотдаги билимдонлик ҳамда ақлий потенциалидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Яъни бу туркум методларининг вазифалари ҳам унинг аҳамиятли мақсадларидан келиб чиқади, яъни:

– мунозара қатнашчиларини реал вазиятларни таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсани иккинчи даражалисидан ажратишга ва муаммони англашга ўргатади;

– ўзгалар фикри сўзлаш маҳоратини кузатиш ва шу асосида улар билан ҳамкорликда ишлашга ундайди;

– муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажратиш, уларни моҳиятини англаш имкониятини яратади;

– муаммонинг турли муқобил ечимлари бўлиши мумкинлигини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик жараёни ўқитувчи билим ва малакалар берадиган ва уларни ўқувчилар ўзлаштирадиган сифатида эмас, балки ўқувчиларнинг муайян билим, кўникма, малака ва ҳаракат тизимларини ўзлаштиришлари йўлидаги билиш фаоллигини шакллантириш ҳамда бошқариш жараёни сифатида тушунилиши керак. Таълим жараёни ҳақиқатан ўқувчи шахсини яхлит шакллантирадиган ижтимоий жараён бўлиши керак.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ БИЛИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР

Тошева Н.Т., Махмудова Н.Х., БухороДУ ўқитувчилари

Педагогик инновациялар ўқитувчининг ўқув фаолияти жараёнида қўллаган методлари ва ўқувчиларнинг атроф-оламни билишларига кўмаклашишида муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчида ҳосил бўлган билиш, ижод қилиш, мулоқотга киришиш қувончи унинг ўқув жараёнига бўлган қизиқишини оширувчи асосий омилдир. Бу эса ўқитувчи фаолиятининг мазмун-моҳиятини ошириш имконини беради. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи учун муваффақият қозонишга йўналтирилган ўқув вазиятини ҳосил қила олишида эса, педагогик инновацияларни қўллаш лозим.

Ҳар бир ўқувчи муваффақиятга эриша олиши учун қулай бўлган ўқув вазиятини вужудга келтириш инновацион ёндашув орқали таъминланади. Мутахассислар ўқув вазиятида ўқувчининг билиш эҳтиёжларини қондириш унинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаб инновацион ёндашув зуруратини таъкидлаб келмоқдалар. Агар ўқувчига ўқув вазиятида муваффақият қозониш имконияти берилса, у ҳаётда ҳам ўзига тўғри йўл танлай олади.

Педагогик инновацияларлар ўқув вазиятини вужудга келтириш, ўқувчининг билиш фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишини дидактлар ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу жараёнда ўқувчи билишга интилса, билим олишга эҳтиёж сезса, уларда соғлом майллар ва қизиқишлар ҳосил бўлади ва улар билиш жараёнида муваффақият қозонадилар.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўқитувчи ўз олдида уларни қандай ривожлантириш керак, деган саволни қўйиши лозим. Бунда инновацион усуллардан самарали фойдаланиш муаммонинг ечимидир. Инновацион усуллар ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш учун дастлаб фаолият майлларини шакллантиради. А.Маслоунинг таъбирича, ўқувчиларнинг алоҳида майлларини эмас, балки майллар гуруҳини ажратиш лозим.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг зарур шартининг инновацион усуллар орқали ўзларини мустақил бошқаришларида намоён бўлади. Бу уларнинг ўз хулқ-атворларини бошқаришларида яққол ақс этади. Ўқувчилар фаолият характери ва амалга ошириш шароитларига боғлиқ ҳолда қўйилган мақсадга эришадилар.

Инновацион усулларни қўллашда ўқувчиларнинг руҳий билиш имкониятини таркиб топтирмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Биринчи навбатда тафаккур, ўзи ҳақида ўйлаш имкониятининг вужудга келиши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини баҳолаши ўқувчиларда ақлий фаолият операцияларининг шаклланганлигидан далолат беради. Бу қуйидаги кўникмалар орқали аниқланади: таҳлил қилиш, умумлаштириш, қиёслаш ҳамда оммалаштириш орқали.

Ўқув-билув жараёнида билиш фаоллигини ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларда ўқувчиларнинг мустақиллигидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнида улар фаоллигини таъминлашнинг уч йўналиши ажратилган:

- намунага асосланган тақлидий;
- изланувчиликка асосланган ижрочилик;
- ижодий билиш фаолияти.

Билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув вазиятларини лойиҳалаштириганда умумлашган билиш кўникмалари ўз-ўзидан вужудга келмайди. Чунки мазкур жараёнда мақсадга йўналтирилган махсус ташкил этилган ўқув вазиятлари амалга ошади. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларни умумлашган кўникмаларни эгаллашга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисми – уларда хусусий характердаги ўқув-билув кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Мазкур ёндашувдан келиб чиққан ҳолда умумлашган билиш кўникмаларини шакллантириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқувчиларда хусусий кўникма ва малакаларнинг шаклланиши, жумладан, сўзлардан ўз ўрнида фойдалани олиш, сўзлардан гаплар, гаплардан матн тузиш, тез ва ифодали ўқиш каби.

2. Ўқувчиларни фаолиятнинг илмий асослари билан таништириш.

3. Ўқувчиларни фаолиятнинг таркиби билан таништириш.

4. Ўқувчилар ўқув вазиятларида бажарадиган ўқув ҳаракатлари ва операциялари изчиллигини мустақил тарзда аниқлаш.

5. Ўқувчиларда ўз билиш фаолиятларини мустақил таҳлил қила олиш кўнимасининг шаклланиши кабилар.

Биз юқорида санаб ўтган босқичлар билиш фаолиятининг барча кўринишлари учун хосдир.

Хулоса қилиб айтганда ўқитувчи томонидан таклиф этилган муаммоли вазиятларни ечиш йўллари мустақил излашда ижодий фаолият, билиш фаолияти ҳосил бўлишининг юқори шакли доирасида муаммоларни ечишнинг янги, ўзига хос усулларини излаш, ўз хатти-ҳаракатларини мустақил бошқаришнинг юқори кўрсаткичларини намоён қилишда педагогик инновацияларнинг ўрни бекиёсдир.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАНИШ

Тошпулатова М.И., ТДПУ катта ўқитувчиси

Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан - кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шунинг учун бошланғич синф ўқитувчиларини – малакали касб эгаларини

тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари, инновацион, педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда барча умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим жараёнини амалга ошириш, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, замонавий педагогик, инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, жамоатчилик асосида таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни юзага келтириш, уни мустаҳкамлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Биз қуйида биринчи синф математика дарсларида қўлланиладиган методлардан намуналар келтирамиз.

“Бумеранг” технологияси. (3-синф Математика “Узунлик бирликлари” дарсини мустаҳкамлаш қисмида);

Бу технология ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Мақсад: дарс давомида ўқувчиларга тарқатилган материалларни улар томонидан яққа ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ўзаро суҳбат мунозара орқали, турли саволлар, тарқатма материаллар ва ундаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганини назорат қилиш. Дарс давомида ўқувчи-талабалар томонидан баҳо балларини эгаллашга имконият яратиш.

“Блиц – ўйин” технологияси. (Математика, Ўқиш, Табиатшунослик);

Мақсад: Ушбу технология ўқувчи талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология давомида ўқувчи талабалар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўткази оладилар, чунки бу технология шунга тўлиқ шароит яратиб беради.

“Кичик гуруҳларда ишлаш усули”

(буларга: фикрий ҳужум-фикрлар жанги, сенектика, можаро методи, думалоқ қор, уч босқичли интервью).

Синф гуруҳларда ишлайдиган биринчи машғулот ҳал қилувчи машғулот ҳисобланади. У кейинчалик гуруҳли ишларга йўналиш беради. Шунинг учун мана шу биринчи мартада қатор шартларга риоя қилиш жуда муҳим.

Биринчи гуруҳ учун:

1. Ўқитувчи гуруҳни белгилайди.
2. Қатъий раҳбарлик қилиши мумкин бўлган энг фаол ёки бошқа ўқувчилар ҳақида ўйлаб кўринг.
3. Энг зеҳнли ёки жуда қобилиятли ўқувчилардан танлаб ҳар бир гуруҳга киритинг.
4. Зеҳни ўткир бўлмаган ўқувчиларни ҳам танлаб, ҳар қайси гуруҳга тақсимланг.
5. Гуруҳни 4 иштирокчи билан (назарингизда бир-бирига муносиб) тўлдириг.
6. Раҳбарни гуруҳ билан олдиндан учраштиринг ва улар вазифасини тушунтиринг.
7. Машғулотларда гуруҳ вазифасини ва раҳбар вазифасини тушунтиринг.
8. Ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтирсин. Ҳар бир иштирокчи ҳаммани кўрмагунча гуруҳ иш бошлай олмайди.
9. Иш вақтида доимо ҳар бир гуруҳ атрофида юринг.

Муҳокама охирида ўз кузатувларингизни айниқса ҳар бир гуруҳдаги яхши ғояга эътиборни қаратиб гапириб беринг.

“Зинама-зина” ўйини. Қўлланиши:

1-қадам. “Зинама-зина” ўйинини ўтказиш учун ўқитувчи ўқувчиларга рангли карточкалар ёрдамида тенг сонли кичик гуруҳларга ажратади. Ҳар бир кичик гуруҳ учун сардорлар тайёрланади. Сардорлар ўйин саволларини олиб, ўқувчиларга бирма-бир бериб боради. Агар гуруҳ 6 та ўқувчидан ташкил топган бўлса, ҳар бир ўқувчи 5 та саволга жавоб

бериши лозим.

2-қадам. Саволлар ёнида тўғри жавоб ёзилганлиги сабабли гуруҳ сардорлари ўқувчиларнинг жавобларини нозорат қилиш имкониятига эга бўладилар. Ўқувчилар ҳар бир тўғри жавоб учун бир баллдан тўплаб жами 5 баллгача балл тўплаши мумкин. Шундан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг тўплаган балига қараб қайта гуруҳлайди.

3-қадам. Ҳар бир гуруҳ ўзларининг иқтидорига қараб турли хилдаги топшириқларни беради. Ўқувчилар бу топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг, ўзаро савол-жавоб ўтказадилар, ҳар бир гуруҳ ўз топшириқларини кўргазмали қуроллар асосида баён этади. Топшириқни мукамал бажарган кичик гуруҳлар рағбатлантирилади ва ёлиблар аниқланади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай ижтимоий психологик ва дўстона муҳитни яратишнинг педагогик шарт-шароитлари вужудга келгандан сўнг, мазкур муҳитни янада мустаҳкамлаш мақсадида фан асосларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВОСИТАСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРИНИ ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Турдикулов Э.О., ЎзПФТИЛаборатория мудири п.ф.д., профессор.
Норбоев А.Ғ., ЎзПФТИИлмий ходим**

Халқ педагогикаси асрлар давомида авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида, жисмоний баркамоллигида ҳалқилувчи рол ўйнаган.

Халқ педагогикасининг мақсади: инсонни юксак фазилатлар руҳида тарбиялашдан иборат.

Халқ педагогикасининг вазифаси: Инсон одоби, хулқи, камолоти борасидаги хизматини ўтайверади, ҳеч қачон «толиқмайди» — «чарчамайди».

Халқ педагогикасида табиат ва инсон уйғунлигига алоҳида эътибор берилади. Табиат заҳираларини эъзозлаш, сақлаш ва кадрлашнинг аҳамияти, ҳайвонлар дунёси, қушлар олами ҳамда дов–дарахтлар, ўсимликлар ва гиёҳларга: ер, сув, борлик–атрофга инсоний муносабат каби халқ педагогикаси ғоялари экологик тарбиянинг асоси ҳисобланади. Оммавий байрам–сайллари «Наврўз», «Меҳржон», Ҳайит байрамлари ва бошқалар халқ педагогикасида катта аҳамиятга эга.

Булар, халқ педагогикасининг қирралари нақадар кўплигини тақозо этади. Биз бу ўринда: одобнома ва ибратномаларнинг халқ педагогикасида акс этган намуналарига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир жанр бир олам, одоб, таълим–тарбиянинг ўзига хос дарслиги. Фольклорнинг ҳар бир жанр намунаси тарбиянинг умумий жиҳатларини акс эттиришдан ташқари, яхшилик, эзгулик ва одамийликни гўзал, ибратли мисолларда тасдиқлаши, даъват этиши, юқтириши билан бирга аниқлик ҳам касб этади

Чунончи, эпик ижод намунаси – қаҳрамонлик, ишқий–романтик, тарихий дostonлар кўпроқ ишқ–муҳаббат ва вафо қандай бўлишлиги, ўзлигини англаш ор–номус, бурчини ҳис этиш, иймон–этиқодли бўлиш, инсон ва ҳайвонот дунёси, масалан, от ҳамкорлигида, қийинчиликлар, тўсиқлар ва мушкул аҳволларни мардона енга олиш, мақсад йўлида қатъиятлик кўрсатиш, ирода, матонат қабилардир.

Қўшиқлар инсон туйғуларини тараннум этиш орқали ҳарқандай кишида чуқур инсоний туйғуларни ўстиради, ҳаётга, табиатга, инсонга чексиз муҳаббатни камол топтиради.

Эртақлар орқали кишилар сирли олам билан танишади, бу борадаги билим ва тушунчалари бойийди, яхши одамлардаги хислатлар, ёмон одамлардаги бадхулқлардан хабардор бўлиб, яхшиликка меҳри тобланади, ёмонликка нафрати ортади.

Халқ донишмандлигининг юксак бадий тимсоли: мақоллар, маталлар ҳикматлар, кайроки сўзлар, афористик иборалар халқ педагогикаси анъаналарининг саррин саҳифаларидандир. Кишини ақл–заковат, уддабуронлик, топқирлик, фикр–мулоҳазага ўргатувчи топишмоқлар, яхши кайфият, тетиклик, бардамлик, умидворлик уйғотувчи, умрига умр кўшишда муҳим таълим–тарбиявий аҳамият ўйновчи латифалар, аския, кизиқчилик намуналари ҳам ўзига хос одобномалардир.

Афсона ва ривоятлар донолар донолиги, ибрати, шунингдек табиатни асраб-авайлаб, кадрига етиш, сақлаш, чиройига чирой кўшишга бўлган иштиёқни ўстириш, экологик тарбияни йўлга кўйиш, камол топтиришда муҳим манбалардан бўлиши, педагогик тарбиянинг етакчи соҳаларига айланиши табиийдир.

Халқ педагогикаси ўқувчиларга экологик тушунчаларни сингдиришнинг энг қулай ва мақбул воситасидир. Чунки эртақ, ҳикоя, топишмоқлар, асосан, бошланғич синф ўқувчилари биладиган ва билиши зарур саналган табиат ҳодисалари ҳақида яратилган бўлади. Шунинг учун улар бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқишига мослиги, дунёқарашларига мувофиқ келиши, ихчам шаклдалиги, ўйноқи оҳангдалиги, содда ва тушунарли тилда яратилганлиги жиҳатидан ўқувчиларга тез таъсир кўрсатиб, уларнинг қалби, ва шууридан тез жой топа олади. Энг муҳими, эртақ, ҳикоя, топишмоқлар бошланғич синф ўқувчиларига теварак–атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини билишга, уларни ёрқин рангларда кўра олиб қувонишга ўргатади. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбиянинг дастлабки унсурларини сингдириб боришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳикоя, эртақ, топишмоқлар бошланғич синф ўқувчиларига бизни ўраб турган борлиқ — табиат эканлигини, инсон ва табиат ҳамиша ўзаро алоқада яшашини, ҳамма нарса ўзаро боғлиқлигини билиб олишига ёрдам берувчи энг муҳим воситадир.

Эртақ, ҳикоя, топишмоқлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчилари теварак–атрофни билиб оладилар, образли, манتيкий, ижодий фикрлашга ўрганадилар, уларнинг оғзаки саводхонликлари, ўзаро алоқа воситаси бўлган нутқи ривож топади, тасаввури кенгайиб, хотиралари ўсади.

Халқ педагогикасида кўлланиладиган: тушунтириш, намуна кўрсатиш, одатлантириш (ўрганиш, машқ қилдириш), илтимос қилиш, тилак–истак билдириш, ёлвориб-илтижо қилиш, маслаҳат бериш, кўндириш, ундаш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, олқиш (оқ йўл тилаш), тақиб қилиш, таъна (гина, ўпка) қилиш, масҳара – мазах қилиш, мажбур қилиш, танбех бериш, койиш, қарғаш, кўрқитиш, узр сўраш, онт – қасам ичириш, лаънатлаш, сўкиш, уриш, калтаклаш методлари бўлса–да, бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда асосан: ўғит–насиҳат, наъмуна (ибрат) кўрсатиш, маъқуллаш ва мақташ, алқаш, мукофотлаш, қоралаш, тақиб қилиш каби методлардан фойдаланиш яхши натижа беришини тажриба тасдиқлади.

Ота-она, кексалар ва айрим шахслар ўзгаларнинг ижобий хатти-ҳаракатларига миннатдорчилик изҳор қилишга қодир бўла олмасалар тақдирлаш, мукофот, армуғон, инъом ўрнида ўзларининг чуқур ички истак ва армонларини изҳор қилганлар. Кейинчалик ўзгалар учун бағишланадиган истак ва орзулар ўзига нисбатан қудратли ва қодир бўлган — ташқи куч — Оллоҳдан сўрайдиган бўлганлар. Шу муносабат билан кўпинча алқаш дуо тариқасида кўлланиладиган бўлган.

Қоралаш (жазолаш) методи. Халқимиз ўртасида болаларнинг ахлоқий тарбияси юзасидан кўлланиладиган қоралаш методи турли шаклда — уялтириш, койиш, уришиш, сўкиш, (ҳақорат), қарғиш, оч қолдириш, уйдан ҳайдаб чиқариш, оқ қилиш ва жисмоний жазо бериш шаклларида кўлланилгани маълум. Бироқ халқ оғзаки ижодида асосан қоралаш методининг қарғиш ва жисмоний жазо бериш каби айрим шаклларигина учрайди.

Халқ ижоди материалларида ўқувчиларнинг одоб ва ахлоқи тарбияси юзасидан кўлланиладиган методлар билан бирга хилма–хил тарбия воситаларидан ҳам фойдаланилгани кўрсатилади.

Фольклор материалларида учрайдиган ахлоқий тарбия воситалари жуда кўп тур ва шаклларга эга бўлса ҳам, асосий восита сифатида: 1) Болалар ўйинлари, 2) чойхўрлик-

чайхона гурунги, 3) болалар гапи-гап ейиш, 4) болаларни катталар билан бирликда: а) тўй маросимлари-бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи; б) сайиллар-дала сайли, гул барра (бинафша) сайли, қовун сайли; в) йиғин-томоша, туғилган кунни нишонлаш, йигит базми, қиз базми (мажлиси), келин салом-юз очиш (рўмол обқочиш), улоқ (кўкбар) пойга, кураш, турли шаклдаги мусобақалар; г) сафар-саёҳатга чиқиш, овга бориш; д) бизнинг замонамизда юқоридагилар билан бирга кино, театр, истироҳат боғи, оммавий йиғин ҳам томошаларга бориш ҳамда байрамларни кутиб олишга оид тадбирлар бошланғич синф ўқувчилари учун ўринли.

Шубҳасиз, бундай тадбирларнинг экотарбиявий таъсири катта бўлган ва ҳозир ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Бу ғоялар Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти курсларига келган бошланғич синф ўқитувчилари онгига сингдирилди. Буни ўқитувчилар яхши қабул қилиб, ўқувчиларига ўргатиб, ижобий натижаларга эришдилар.

Маърузада, ўғит ва насихат, эртақлар: “Уч оғиз ўғит”, “Золим подшо”, “Қорасоч пари”, “Мен куярман боламга – болам куяр боласига”, “Сен ҳам бўлурсан мендек”, “Қуёш Ернинг паҳлавони”, “Оқ булоқ”, “Бектемир”, “Сирли гиламча”, “Билган ўқир – билмаган чўқир”; топишмоқ, афсона ва ривоятлардан намуналар келтирилади.



“Xx” VA “Hh” HARFLARINI INTERAKTIV METODLAR ASOSIDA O‘RGANISH

Turdiqulov Sh.D., O‘zbekov A., Termiz DU

Tovush savod o‘rganishning asosi bo‘lib xizmat qiladi. Savod o‘rgatish davrida so‘z va bo‘g‘inlarni tovush tomonidan analiz va sintez qilish, tovush va ularning artikulyatsiyasini analiz qilish mashqlari o‘tkaziladi. Diksiya ustida ishlanadi. Logopedik ishlar olib boriladi. Tovush ustida ishlash harf ustida ishlash bilan, ayniqsa, kema harflardan bo‘g‘in, so‘z tuzish kabi sintez usullari jarayonida birlashib ketadi. Tovush va harf o‘rtasidagi munosabatni doim aniqlab borish o‘qish malakalarini shakllantirish uchun ham, imloviy jihatdan savodli yozish asosini yaratish uchun ham foydalidir.

Savod o‘rgatish davrida chuqur til orqa (q, g‘, x) va bo‘g‘iz tovush (h) ning artikulyatsiyasini ko‘rsatish o‘qituvchilarda qiyinchilik tug‘diradi. Bu o‘qituvchidan logopedik jihatdan tajriba hamda orfoepik va orfografik jihatdan bilimni talab qiladi.

X va H tovushlarini o‘qish va yozishda nafaqat o‘quvchilar balki o‘zimiz ham ba’zida xatoliklarga yo‘l qo‘yamiz. H tovushi jarangsiz, bo‘g‘iz undosh tovushdir. H tovushi talaffuzi vaqtida artikulyatsiya organlari boshqa tovushdek bo‘lib, butun nutq organlari erkin holatda bo‘ladi. Chiqayotgan havo oqimi hech qanday to‘siqqa uchramay, undosh tovushni hosil qiladi. Bu tovush talaffuz qilinganda kekirdakda bir oz titrash seziladi.

X tovushi jarangsiz, chuqur til orqa undosh tovushdir. X tovushi talaffuzi vaqtida lablar va tishlar oralig‘i o‘rtacha ochiq bo‘ladi. Tilning o‘rta va oxirgi (orqa) qismi yoysimon shaklda yuqori tomon ko‘tarib, tanglayga tegib turadi. Qattiq tanglay bilan tilning oxirgi qismi o‘rtasida ma’lum oralig‘i hosil bo‘ladi. Yumshoq tanglay esa bir oz ko‘tariladi. Tilning orqa qismi va yumshoq tanglay oralig‘idan sirg‘alib o‘tgan havo to‘lqini yumshoq tanglayni ko‘tarib shovqin hosil qiladi.

H, X tovushning noto‘g‘ri talaffuz etilishi **xitizm** deb ataladi. H va X tovushlarini boshqa tovushlar bilan almashtirib talaffuz qilish **paraxitizm** deb ataladi.

X va h tovushlarini orfoepik va orfografik jihatdan farqlashga o‘rgatish savod o‘rgatish davridanoq olib borilishi lozim. Ba’zi pedagog o‘qituvchilarning o‘zlari bu tovush va harflarni noto‘g‘ri talaffuz qilishi va o‘rinsiz talqin qilishlari natijasida bu harflar imlosida o‘quvchilarimiz muommo keltirib chiqarmoqdalar. Ular **x** ni - qattiq x, **h** ni – yumshoq h deb talqin qiladilar. Hali tovushlarni endi farqlay boshlagan bola uchun u baribir X - da!

Paronimlarni farqlay olmasligimiz tufayli ham bu masala yanada chigallashadi. Masalan,

хам – ham, xayoli – hayoli, xush – hush.

Badiiy va ilmiy kitoblarni kam mutolaa qilish. Mutolaa qilganda ham imloviy jihatdan talabga javob bermaydigan vositalarni tanlash (ba'zi gazetalar, jurnallar) ham bunga sabab bo'ladi.

Xo'sh, darsliklarimizni imloviy jihatdan talabga javob beradi deya olamizmi?

1-4- sinf "Ona tili" darsliklarida bu borada ijobiy fikrlar bildirish mumkin.

"Ona tili" darsliklarida lug'at bilan ishlash masalasiga alohida e'tibor berilgan. Alfavit tartibida yozilgan so'zlar (kitobning oxirgi sahifalarida) alohida e'tiborga molik. Bizning qiladigan ishimiz har bir so'z ustida ishlash, ularning imlosini, talaffuzini to'g'ri tushuntirib berish. Hamda so'z ma'nolari ustida ishlash hisoblanadi.

Metodikada imloga doir mashqlarga: 1) Grammatik-orfografik tahlil; 2) ko'chirib yozuv; 3) diktantlar; 4) leksik-grammatik tahlil; 5) bayonlar kiradi.

X va h harflarini farqlashga o'rgatishda imloviy mashqlarning o'rni kattadir. Shuningdek, ona tili ta'limi tizimida zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida x va h tovush - harflari yuzasidan interaktiv metodlar ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.



БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тўйчиева Н.И., Фарғона ДУ ўқитувчиси

Бошланғич таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Машғулотлар мобайнида педагогик технологияларни қўллаш ўқувчиларни билим эгаллаш билан биргалликда, улар эгаллаётган билимларни мустаҳкамлашга, хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришга ўргатади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълим жараёнида анчагина илмий тушунчаларни ўзлаштирадilar, аммо олдинги дарсларда ўзлаштирилган турли аломатлар, белгилар, хусусиятларни қориштириб, чалкаштириб ҳам ҳам юборадilar. Чунки уларда тушунчалар таркибига кирадиган нарса ва ҳодисалар билан уларнинг белгилари ўртасида узвий боғланиш таркиб топмаган бўлади. Кўп тушунчаларни, чунончи, баланд-паст, узоқ-яқин, кам-кўп ва ҳоказоларни аввал воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги фазовий муносабатларни бевосита идрок қилиш асосида ўзлаштирадilar.

"Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътибор талаб қилади. Биз маданиятимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ¹".

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда тубдан ислоҳ этишни кўзда тутди. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илғор илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубиёт билан амалда таъминлаш зарур. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Инновацион методлар ўқувчиларда ўз-ўзини англаш, келгуси ҳаёт йўлини тўғри белгилаш, маънавий ва ахлоқий қадриятлар моҳиятини тўғри англашга, турли муаммоли

¹И.Каримов. "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда". Т.: Ўзбекистон-1999 й. -Б 23

вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўқувчилар учун муаммоли саволлар бериш улардаги мустақил ижодий фикрлашни тараққий эттиради. Болаларга биргина бланкага бир нечта доираларни чизиш топшириғи берилиб, чизилган доираларни хаётда мавжуд предметларга ўхшатиб беришлари сўралса, предметларни ўхшатиш жараёнида ижодий фикрлаши ривожланиб боради. Буларни таҳлил этиш жараёнида болалардаги мустақил ижодий фикрлаш ривожланиб, ўхшатишларни бир хиллиги мавжуд бўлса, ўчиришлари керак бўлади. Шундан сўнг қолган ўхшатишлари саналиб қайси болада кўпроқ шакллар қолган бўлса, ўша бола бошқаларга нисбатан мустақил ижодий фикрлаши ривожланганлигини аниқлаш мумкин.

Беруний инсон ташқи оламни билишда асосан ақлга таяниши ва шунинг учун ҳам у барча жонзотдан устун туришини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, ақл ҳодисаларни англашга ёрдам беради. Инсон ақлга мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг чеки йўқ ва ҳамма билимни тез эгаллаш мумкин эмас. Шунинг учун инсон ўзи билиб олган нарса билан кифояланиб қолмай, доимо янги билимларни ўрганишга интилиши керак. Унинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш сингари истиснодга эга. Пайдо бўлган саволларнинг жавобини одам ўзи қидириб топса, қўйилган вазифаларни шахс ўзи ҳал қилса, кишининг онгида янги ҳукмлар ва тушунчалар пайдо бўлса, бундай ҳолларда ижодий тафаккур пайдо бўлади.

Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур ҳамда турли муносабатлар, ҳолатлар ва вазиятларни тўғри идрок этишга тайёр бўлган интеллектуал ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Фикрий қарамлик инсонда фақат шахсий манфаатлар доирасида фаолият юритиш билан чекланиш, ижтимоий муаммоларни тушунмаслик ва уларни ҳал қилишга лаёқатсизлик каби салбий хусусиятларнинг шаклланишига олиб келади. Демак, инсоният тараққиётининг абадийлиги мезони ҳам соғлом, ақлли фикр бўлиб келган, шундай бўлади ҳам.

Мустақил ижодий тафаккурни ривожлантиришга оид тавсиялар:

- муаммоли масалалар ечиш таклиф қилиш;
- индивидуал топшириқлар бериш;
- дарс жараёнида кўпроқ ижодий вазифаларни бериш;
- оилавий муносабатлар жараёнида фикрларнинг ўлиқбаён этишга ўргатиш;
- мавжуд билимларни бошқаларга тақдир қилишга ўргатиш керак.

Ижодий тафаккури ривожланган, мустақил фикрга эга бўлган ёшлар ўз билимларига ишончи, шахсий фикри, эътиқодларига собитлиги жамиятимизни янада тараққий эттиришда, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда ўзларининг беқиёс ёрдамларини кўрсатадилар.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING IJTIMOIIY FAOLLIGINI TARBIYALASHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

**To'rayeva X.M., Farg'ona viloyati, Qo'shtepa tumani 49-maktabning boshlang'ich sinf
o'qituvchisi**

Boshlang'ich ta'lim-tarbiya jarayoniga o'quvchini mustaqil, ijtimoiy faolligi imkonini beruvchi ijodiy-pedagogik muhitni qaror toptirish, o'qituvchi va o'quvchilar orasida ishchan muloqot, hamkorlik vaziyatini vujudga keltirish nihoyatda zarurdir. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning: «Jamiyatda mustaqil fikrlovchi, erkin shaxsni shakllantirsak, o'zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodasi baquvvat, iymoni butun, hayotda aniq

maqsadga ega bo'lgan insonlarni tarbiyalash imkoniga ega bo'lamiz»,¹ - deyishida chuqur nazariy va ilmiy ma'no bor.

Yangi demokratik jarayondagi jamiyatda o'quvchilar ijtimoiy faolligi o'z-o'zidan yuzaga kelmaydi, balki doimiy ravishda olib borilgan pedagogik faoliyat natijasida shakllantiriladi. O'quvchilarga nazariy-amaliy bilimlarni berish, ularda ijtimoiy faollik ko'nikma va malakalarini hosil qilish pedagogika nazariyasi va amaliyoti uchun ham o'ziga xos mazmunga ega. O'quvchilar ijtimoiy faolligini oshirishga yo'naltirilgan faoliyatni tashkil etishda, albatta, ta'lim muassasalarining alohida o'rni bor. Ayniqsa, boshlang'ich ta'lim davri – ta'lim oluvchi yoshlarda ijtimoiy faollik sifatlarini tarbiyalaydi.

Faollik – shaxsning jamiyatga, ijtimoiy hayotga, uni o'zgartirishga yo'naltirilgan harakat jarayonidagi ishtirokining namoyon bo'lishidir. O'quvchilar faolligi esa ularning o'quv yurti, jamiyat taraqqiyoti, ijtimoiy hayot va kelgusida oila muhitida namoyon bo'ladigan faoliyatidir. Ular faolligini oshirish – aniq maqsadga yo'naltirilgan pedagogik jarayon sifatida shakllanadi, rivojlanadi va takomillashib boradi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijtimoiy faollikni tarbiyalashda ularning intellektual salohiyati, ijtimoiy munosabatlarda ishtirok etishi, faoliyat mazmuni va ko'lami, vaziyatlarni baholay olishi, ma'naviy-axloqiy hislatlarni namoyon etishi, o'zining ma'lum nuqtai nazariga ega bo'lishi katta ahamiyat kasb etadi-ki, buni ular faoliyatining turli qirralarida o'z ifodasini topganligida ko'rish mumkin.

Umuman olganda, o'quvchilar ijtimoiy faollashuvining bir qator o'ziga xos xususiyatlari mavjud bo'lib, bular:

- ✓ o'quvchilar faollashuviga ta'sir etuvchi subyektlar;
- ✓ shaxs ijtimoiy faolligining individualligi;
- ✓ turli jins vakillari ijtimoiy faolligiga xos xususiylik;
- ✓ hayotda o'z nuqtai nazariga, fikriga ega bo'lishi;
- ✓ o'quvchilar faolligini oshirishga rag'bat uyg'otuvchi o'quv muassasalariva boshqalardan iboratdir.

Shularni nazarda tutib boshlang'ich ta'lim jarayonini shunday shakllantirish kerakki, xuddi shu narsa har bir kichik yoshdagi o'quvchiga o'zining kuchli tomonini ko'rsatishga imkon beradigan bo'lsin.

Respublikamizning yetakchi o'qituvchilarining aksariyati o'quvchilarning darsda faol ishtirok etishlarini afzal ko'radilar va shu tufayli har xil interfaol usullardan foydalanadilar. Interfaol usuldagi dars an'anaviy, o'qituvchilar ko'nikib ketgan ma'ruza shaklida o'tkaziladigan darsdan sezilarli farq qiladi.

Tadqiqotlarning natijalari dalolat berishicha, bu usuldan foydalanish o'quvchilar o'rtasidagi yovsirashni oldini olishning samarali texnikasidir. Masalan, guruhlardagi ish usuli ularga xatto o'zga bolalar o'zlaridan farq qilgan taqdirda ham o'zlarini guruhning qismi sifatida sezishlariga imkon beradi.

Ta'limni bunday tashkil etish o'quvchilardagi tafakkur usulini «Men va ular»dan «Bizlar»ga aylantiradi.

Guruhlardagi ish usulini an'anaviy darslardan afzalliklarini isbotlash maqsadida boshlang'ich sinf o'qituvchi va o'quvchilari o'rtasida so'rovnomma o'tkazildi. So'rovnomma o'tkazishdan oldin ularda xuddi shu usulda dars tashkil etildi.


“Guruhlardagi ish usuli an'anaviy darsdan nimasi bilan farqlanadi?” deb berilgan so'rovnommaga respondentlarning bergan javoblari umumlashtirildi va natija quyidagicha bo'ldi:

- bu usulda hamma faol ishtirok etadi;
- hech kim bekor qolmaydi;
- har kim o'z fikri bilan qatnashadi;
- tushunmaganlarga guruh ichidagi iqtidorli o'quvchilar yordam berishadi (ya'ni tushuntirishadi);

¹Karimov I. Barkamol avlod orzusi. - Toshkent: Sharq, 1999. -79-bet.

- demokratik muhit hukm suradi;
- tortinchoq o'quvchilarni ham tavakkal qilishlariga imkoniyat yaratiladi;
- hamkorlik muhiti kuzatiladi va h...

Javob ulushlari quyidagi diagrammada aks etgan.



Yuqoridagilardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, boshlang'ich ta'lim jarayonida interfaol usullardan foydalanish o'zining yaxshi samarasini beradi va kichik yoshdagi o'quvchilarning faolligini tarbiyalashga yordam beradi.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА САЛБИЙ ТАЪСИР ҲАҚИДАГИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тўрақулова И.Х., Жиззах ДПИ ўқитувчиси, п.ф.н.

Ҳозирда мустақил республикамизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганлиги ҳар бир ватандошимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Бунинг зимирида юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватанимиз равнақини ўйлайдиган ёшларни тарбиялаш ётади. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлигини сақлаш борасидаги ютуқларини кўра олмайдиган ички ва ташқи муҳолифлар бор. Ушбу муаммо ечимини ҳал қилиш ижтимоий аҳамиятга эга. Шунинг учун бу борада мамлакатимизнинг барча онгли инсонлари (юртимиз тақдирига беварқ бўлмаган), айниқса, мутахассис-олимларимиз, ўқитувчиларимиз, мураббий ва тарбиячиларимиз Ўзбекистонда бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, ўқувчи-ёшларимиз тақдири учун, биринчи навбатда фидойилик кўрсата олиш керак, ўз ўқувчиларини бундай ёвуз хавфдан доимо огоҳ қилиб бориш ҳамда уларга нисбатан қандай кураш олиб бориш йўл-йўриқларини улар онги ва тафаккурига мос ҳолга келтириб сингдириб бориш керак. Шу йўл билан ўқувчиларни турли хил иллат ва таҳдидларга қарши нафрат руҳида тарбиялаш мумкин ва бу фарзандларимизнинг тўғри йўлдан кетишини, таъминлашга кенг имкониятлар яратади. Бу орқали юрт истикболини ўйлаб фаолият юритувчи шахсларни шакллантиришга эришилади. Шу сабабли ҳам мавжуд таҳдидлар ва ёшлар онгига салбий таъсир қилувчи омилар тўғрисида ўқитувчилар мукамал маълумотларга ва уларга миллий хавфсизлигимизга

тахдид солиш хавфи ҳақида билимга эга бўлиши керак.

Мавжуд таҳдид ва хавф-хатарларни қуйидаги кўринишларда қайд қилиш мумкин: буюк давлатчилик шовинзми (миллатчилик); диний экстремизм (ислом фундаментализми); наркоагрессия (гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, наркобизнес, СПИД); халқаро терроризм (терактлар, кибертеррор); саводсизлик ва одам савдоси (маънавий қашшоклик); эгоцентризм (худбинлик) ва шу кабилар.

Ўқувчи-ёшларни қайд этилган салбий таъсирлар, таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши кураша оладиган қилиб тарбиялаш ҳозирда ниҳоятда долзарб бўлган ижтимоий муаммодир. Шу сабабли миллий маънавиятимизга хавф туғдирувчи омиллар мавжудлигини доимо ҳис қилган ҳолда ўқувчи-ёшлар тарбиясига таъсир этадиган турли хавф-хатарлар ва таҳдидлар олдини олишга оид омилларга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун ўқувчи-ёшларни ташқи салбий таъсирлар, уларнинг мақсад-муддаоси билан мукамал таништириш керак. Бунда ўқувчига маълумот берилаётганда “Сабаб - оқибат” тизими асосида маълумотларни баён қилган маъқул. Шунинг билан бирга ўқувчи-ёшларга маънавий тарбия беришда, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавиятини шакллантиришда уларнинг қобилияти, кизиқиши, онги ва тафаккур камрови, ҳис-туйғуларининг кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаб, мактабда (оила ва маҳалла ҳамкорлигида – бу бошланғич таълимда ўта муҳимдир) олиб бориладиган тарбиявий ишларда уларни ҳисобга олиш ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг оптимал вариантини танлаш имконини беради.

Демак, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясига оид келтирилган маълумотлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб улар онгида турли таҳдидларга ва салбий оқибатларга нисбатан нафратни уйғотувчи омилларнинг мантикий кетма-кетлигини қуйидагидек қилиб ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади: оилада болаларни салбий ҳолатларга нафрат руҳида тарбиялаш ёхуд оилада фарзанд маънавий тарбияси; кашандачилик ва ўқувчи-ёшларни унга нафрат руҳида тарбиялаш; ўқувчи-ёшларни гиёҳвандликка нафрат руҳида тарбиялаш; ўқувчи-ёшлар онгида одам савдоси ижтимоий иллат эканлигини шакллантириш; ўқувчи-ёшларни терроризм, зўравонлик ва жаҳолатга нафрат руҳида тарбиялаш; ўқувчи-ёшларни экстремизм – ўзгача фикрлайдиган кишиларни жисмонан йўқ қилишга қаратилган ёвузлик ҳаракати фаолиятга нафрат руҳида тарбиялаш; ўқувчи-ёшларни миллатчилик – бошқа миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган фаолиятга нафрат руҳида тарбиялаш; ўқувчи-ёшларни “Оммавий маданият” Ғарб маданияти билан боғлиқ бўлган мафкуравий тазйикнинг энг хавфли кууролига оид фаолиятга нафрат руҳида тарбиялаш ва шу кабилар.

Юқорида қайд этилган кетма-кетлик ўқувчи-ёшларни турли таҳдид ва салбий таъсирлар домига тушиб қолмаслика огоҳлантириш борасидаги ишларни ҳал қилишнинг оптимал вариантини яратиш имконини беради. Шунингдек, ушбу жараёнда ахборот-коммуникацион технологияларни ҳам жорий этишга ушбу кетма-кетлик ахборотли-дидактик асос бўла олади. Бунинг учун ўқувчи онгида турли таҳдид ва салбий таъсирларга нафрат уйғотувчи омиллар (номи, таъсифи (таърифи), мақсади, қаралаётган таъсирга ёшларнинг тушиб қолиш сабаблари ва унга мос оқибатлари, булардан таълим жараёнида қайси фан ва қайси мавзунини ўрганишда қандай методикадан фойдаланиш ҳамда уларга мос дидактик материаллар) ҳақидаги маълумотлар махсус шакл ёрдамида йиғилади. Тўпланган маълумотлар ўқитиладиган синф, фан ва мавзуга мослаб гуруҳларга ажратилиб (тизимлаштирилиб), улардан иерархик тизим ташкил этилади. Фақат шундан кейингина ушбу соҳага мос маълумотлар базасини шакллантириш кафолатланади. Бу эса ўқувчи-ёшларимизни турли таҳдид ва салбий оқибатлар домига тушиб қолишдан сақлашнинг ўзига хос инновацион технология бўлиб ҳисобланади. Ушбу руҳда тарбия топган бола эса мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қодир, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатиб фаолият юритадиган баркамол инсон бўлиб шаклланади.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВИ

Умаралиева М.А., ЎзПФИТИ мустақил тадқиқотчиси

Ҳозирда мамлакатимиз миллий таълим-тарбия тизимини шакллантириш, барча соҳаларга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга мустаҳкам замин яратилди. Муайян вазиятларда оқибатни кўра оладиган, қарор қабул қила оладиган, янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида ривожланиб бораётган жамият учун замонавий билим ва малакага, юксак ахлоқий фазилатларга эга, уддабурон ва тадбиркор кишиларни тайёрлаш керак.

Ана шу зарурат таълим соҳасида ижтимоий буюртма мазмун-моҳиятига ҳам янгича ёндашишни талаб этади. Бунда таълим тизимининг асосий йўналиши ўқувчиларда турли турмуш шароитларида асқотадиган умумўқув кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилади. Шу муносабат билан оммавий равишда бутун бошланғич таълим олдида таълимнинг *билим-малакавий шаклидан ривожлантирувчи модель* шаклига ўтиш вазифаси кўйилмоқда. Шунингдек, дастлабки статистик маълумотлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда таълим соҳасида оламшумул ислохотлар амалга оширилганлигига қарамай, турли босқичдаги таълим муассасаларини битирувчи ёшларимизда амалий кўникма ва малакаларнинг, у ёки бу касб-корга лаёқатлилиқ (компетентлилиқ) даражасининг пастлиги кўринмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизда таълимнинг мазмуни ва шакллантирилиши кўзда тутилган билим-малакалар мазмуни жаҳон стандартларига жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилган. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада?

Гап шундаки, бугунги кунда мактабларда, у ҳар қандай инновацион-замонавий кўринишдаги таълим муассасаси бўлишига қарамай, асосий эътибор предметли билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилмоқда. Умумўқув ва умумпредметли кўникма ва малакаларни шакллантириш муаммоси эса эътибордан четда қолмоқда.

Мактаб таълими мақсади ва эришилаётган натижа ўртасидаги бундай тафовутни қисқартиришнинг самарали йўли – таълимнинг нафақат мақсад йўналишини, балки мазмуни ва методикасини, ўзаро ҳамкорлик усулларини, мактаб таълими натижаси кўрсаткичларини ўзгартиришдир ва буни, энг аввало, бошланғич таълим босқичидан бошлаш зарур. Бизнинг назаримизда, айнан педагогик лойиҳалаштириш бошланғич таълимда ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришнинг турли аспектларини яхлит ва тизимли қамраб олган ҳолда, уни ташкил этиш ва амалга ошириш имкониятини бера олади.

Бошланғич синф ўқувчилари ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаш муаммоси педагогик лойиҳалашнинг умумий назарий-методологик асосларига таянган ҳолда, ўқув-билув фаолияти тушунчасининг моҳияти ва таркибий тузилишидан келиб чиқиб, алоҳида тадқиқ қилиниши талаб этилади.

Ўқув-билув фаолияти ўқувчининг хатти-ҳаракатлари тизими сифатида тушунилади. Бинобарин, бу хатти-ҳаракатлар ўқувчининг ўқув фаолияти субъекти сифатида шахсий ва предметли топшириқларни бажариши, таълим мазмунини ўзлаштиришга хизмат қиладиган қимматли муносабатларни ўрнатишига қаратилади. Таълим жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ўз-ўзидан ўқувчи позициясида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади.

Дарҳақиқат, анъанавий педагогика муайян ўқув материални ўргатишни назарда тутди. Бир қарашда, бу табиий жараёнга ўхшайди. Хўш, муаммо нимада? Гап шундаки, ўқувчининг ўқув-билув фаолиятида ёки, умуман, таълим жараёнига нисбатан айнан шундай ёндашув ўқувчиларни мактаб таълимидан зерикишига, ўз фаолиятидан қониқмаслик ҳиссининг пайдо бўлишига, ўзлаштириш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади. Замонавий педагогика олдида турган асосий ва долзарб муаммолардан бири бу ўқувчига янги ўқув материални ёки маълумот мазмунини, ёйинки, таълим мазмунини ўзлаштириш

йўлларини ўргатиш ҳисобланади.

Бугунги кунда биз таълим жараёнига хилма-хил инновацион технологияларни жорий қиляпмиз. Ҳар қандай таълим технологияси ўқувчида муайян ўқув-билув хатти-харакатларини, операцияларини ривожлантиришга хизмат қила олмайди. Машқ, тренинг шаклидаги технологиялар, янада кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчининг мактабдаги бир ўқув куни учун, бир ҳафтаси учун, бир чорак учун, бир ўқув йили учун мўлжалланган ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаш, бу лойиҳада табақалаштирилган ўқув-билув операцияларини шакллантириб, такомиллаштириб бориш технологиясини яратишгина ўқувчида нафақат предметли, балки умумпредметли ва умумўқув кўникма-малакаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Куйида биз 1-синф ўқувчиларини мактабга келган кунларидан бошлаб уларни мактаб ҳаётига мослаштириш, яъни адаптация даврида ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаштириш шаклларида бири тўғрисида қисқача фикр юритамиз. Чунки болани мактабга мослашиш даври унинг бутун мактаб ҳаётига нисбатан анча қисқа давр, албатта, бу даврнинг давомлилиги боланинг мактабга тайёргарлик ҳолати, оиланинг ижтимоий-иқтисодий шароити, ўқитувчи ва мактабнинг тайёргарлик даражаси каби қатор омилларга боғлиқ бўлади.

1-синф ўқувчилари билан муомала услубини ўқитувчи болалар хулқ-атворидаги ўзига хос жиҳатлар, унинг ўз тенгдошлари ва катталар билан ўзаро мулоқотга кириша олиш малакаларига қараб танлайди. 1-синф ўқувчилари орасида жамоа билан мулоқот қилиш жараёнида турли даражадаги қийинчиликларни ҳис қиладиган ўқувчилар бор: гипермулоқотчан (сергап) болалар; синф-дарс ҳолатидан кўрқадиган болалар; жавоб беришга уяладиган, шунинг учун ҳеч нарсани билмайдиган ёки кулоқ солмаётган ўқувчи бўлиб кўринадиган болалар. Уларнинг ҳар бирига нисбатан ўқитувчи сабр-тоқат ва хайрихоҳлик билан турли хилда ёндашиши керак бўлади.

Ўқитувчининг 1-синф ўқувчилари билан авторитар услубда иш олиб боришига йўл қўйиб бўлмайди. 1-синф боласи учун ўқитувчининг унга нисбатан меҳрибонлик билан ижобий муносабатда бўлиши ўта муҳимдир. Ўқитувчининг болага муносабати фақат унинг аниқ муваффақияти эвазига бўлмаслиги керак. Бошланғич таълим ўқувчини мактабда ўқиши учун зарур бўлган ташкилий кўникма ва малакалар билан қуроллантиришни назарда тутди. Синфда ишлашнинг асосий қоидалари ўзлаштирилгандан сўнггина 1-синф ўқувчиси ўқув материали мазмунини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Мактабга илк қадам қўйган болани мактаб ҳаётига мослашишини таъминлашда педагог куйидаги нормаларга амал қилиши лозим:

- Болаларнинг психологик мослашуви (адаптацияси)ни таъминлаш.
- Асосий мактаб қоидалари билан таништириш.
- Якка, жуфтликда ва жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантириш.
- Тесқари алоқанинг ибтидоий усулларини ўргатиш.
- Мактабдаги баҳо тизими билан таништириш.
- Диққат, хотира, тафаккур ва тасаввурларни ривожлантириш.
- Синф жамоасини ташкил қилиш.

Юқорида биз ўқув-билув фаолиятини лойиҳалашнинг кичик бир қисми бўлган 1-синф ўқувчисини мактабга мослаштиришни қисқача баён этдик. Буни амалга ошириш ўқитувчидан тадбирларни белгилашни ва уларни ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқишни талаб этади.



МИЛЛИЙ ҒОЯ АСОСИДА МАЪНАВИЙ СОҒЛОМ БОЛАНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ТИЗИМИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Усманов Н.У., Жиззах ДПИ ўқитувчиси

Ўзбекистонда маънавий соғлом болани вояга етказиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Буни 2014 йил 9-феврал куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида” ги Қарори яна бир бор тасдиқлади.

Давлат дастури етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, уни амалга ошириш учун 4509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилди [1]. Бу иш Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йилларидан амалга ошириб келинаётган соғлом авлодни вояга етказиш умуммиллий ҳаракатларининг узвий давомидир. Дастурда маънавий соғлом болани вояга етказиш вазифаси алоҳида йўналиш сифатида белгиланган.

Маънавий соғлом болани вояга етказишда шахсни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига таяниш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли дастурда бунга алоҳида урғу берилган бўлиб, асосий вазифалар сифатида қуйидаги икки муҳим йўналиш белгиланган. Биринчидан, “Мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш... , болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган”. Иккинчидан, “Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш, 1-4-синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши белгиланган”.

Ҳақиқатдан ҳам болаларни маънавий соғлом вояга етказишда мактабгача таълим ва бошланғич таълим босқичлари ғоят муҳим ҳисобланади. Чунки мазкур босқичларда:

- боланинг онги, дунёқарashi ва ахлоқи шаклланади [2].
- боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантирилиши таркиб топади [3];
- болаларнинг кейинги таълим босқичларида ривожланиш ва такомиллаштириб боришнинг пойдевори қўйилади.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида мактабгача таълим ва бошланғич таълимни янада ривожлантириш назарда тутилганлиги ўз вақтида қабул қилинган тadbирдир. Шу маънода бу икки таълим босқичи учун яратиладиган дастурлар, дарсликлар ва услубий қўлланмаларнинг янги авлодини ишлаб чиқишда миллий ғояни асос сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишланмалар моҳиятига миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари устувор даражада сингдирилиши керак. Шу маънода соғлом болани вояга етказиш компонентларининг миллий ғояга асосланишига доир қуйидаги вариантга эътибор беринг:

т/р	Маънавий соғлом болани вояга етказиш компонентлари	Асос бўлувчи миллий ғоянинг тушунчалари	Қўтилган натижа
1	Ахлоқий етуклик	-ватанпарварлик; -озод руҳлик; -эркин фикрлик	Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида онги, дунёқарashi ва хулқ-атвори соғлом шаклланган бола шахси
2	Ахлоқий баркамоллик	-тинчликсеварлик; -халқпарварлик; -бағрикенглик	
3	Эстетик шаклланганлик	-миллатпарварлик; -ижтимоийлик; -ҳамкорлик	
4	Жисмоний ривожланганлик	-комил инсон бўлиш	

Бу вариантда мактабгача таълим ва бошланғич таълим босқичларининг дастурлари, дарсликлари ва услубий қўлланмаларини миллий ғоя асосида шакллантириш ўз ифодасини топган. Бу билан ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний етуклигини мужассам этган маънавий соғломлик масаласи конкретлашади, унинг ғоявий асослари таянч омилга айланади ва

маънавий соғлом болани вояга етказиш ишларининг самарадорлиги ортади. Чунки, миллий ғоямизда ўз ифодасини топган кадриятларга эътибор беринг:

1) миллий кадриятлар: Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги;

2) умуминсоний кадриятлар: миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, динлараро бағрикенглик, комил инсон бўлиш.

Албатта, миллий кадриятларда умуминсоний кадриятларнинг илдизлари ва аксинча, умуминсоний кадриятларда миллий кадриятларнинг қуввати мужассам бўлган. Энг асосийси – миллий ғоямизда 3–11 ёшли болаларни маънавий соғлом вояга етказиш имконини беради.

Эътибор берилса, “Соғлом бола йили” давлат дастурида “бошланғич таълим ўқитувчилари учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши” алоҳида назарда тутилган. Бизнинг назаримизда, бу борада қуйидаги услубий қўлланмаларни яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади:

- “Бошланғич синф ўқитувчилари маънавиятини шакллантиришда миллий ғоядан фойдаланиш усуллари”;

- “Бошланғич таълим йўналиши талабаларида миллий дунёқарашни ривожлантириш технологияси”;

- “Бошланғич синф ўқитувчисининг миллий ғоя тарғиботи бўйича фаолияти асослари”.

Бу услубий қўлланмалар бошланғич синф ўқитувчиларининг маънавий соғлом болани вояга етказишдаги фаолиятининг илмий-педагогик самарадорлигини оширишга шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюқдир. ЎЗА мақоласи // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 22 феврал сони.

2. Мавланова Р. ва бошқ. Педагогика назарияси ва тарихи. –Т.: Фан ва технология, 2010.

3. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика. –Т.:Фан ва технология, 2011.

BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARI MA’NAVIY BARKAMOLLIGINI ICHKI ETIKET QOIDALARI ASOSIDA TARBIYALASH

**Usmonova T., Qarshi shahar 46-maktab direktori
Nurillayeva R., Qarshi pedagogika kolleji o‘qituvchisi
Ochilova K., Qarshi DU magistranti.**

Inson tafakkuri bolalikdan shakllanadi. Undagi qobiliyat, ilm-fan yoki kasb-hunarlariga layoqat va qiziqish ham ayni davrda nishonini ko‘rsatadi. Mazkur iqtidorlarni o‘z vaqtida to‘g‘ri aniqlanib, rivojlantirilishi, tabiiyki, farzandning barkamol voyaga yetishiga xizmat qiladi.

Shu bilan bir qatorda ularning ma‘naviyati ham shunga munosib bo‘lishi muhimligini unutmasligimiz kerak. Bugungi kunda butun jahon xalqlari umumiy madaniyatida jismoniy madaniyatining ham o‘rni katta bo‘lmoqda. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari salomatligini yaxshilash, barkamol avlodning jismoniy rivojlanishini ta‘minlashda jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati kattadir.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ongiga singdirishda olimu-ulamolarimizni qator fikrlaridan foydalangan holda ham ta‘lim-tarbiya jarayonida foydalanib borishimiz muhim ahamiyatga ega. Zero, bugungi globallashuv davrida mamlakat taraqqiyoti va kuch-qudrati, eng birinchi navbatda, yoshlar ma‘naviy-intellektual salohiyati, yosh avlodning barkamol, xech kimdan kam bo‘lmay voyaga yetishishiga bog‘liqligi isbot talab qilmaydigan haqiqatga aylanib ulgurdi. Prezidentimiz I.A.Karimov o‘zining barcha nutqlarida yoshlar va ularning ma‘naviyati va axloqi borasida fikr bildirib jamiyatning pirovard maqsadi ham aynan shularga bogliq ekanligini ta‘kidlaydilar.

Davlatimizning muhim vazifalaridan biri ham ma‘naviy jihatdan mukammal rivojlangan

insonni tarbiyalash, ta'lim va maorifni yanada yuksaltirishdir. Milliy dasturimizda ham ta'lim oluvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashning va ma'rifiy ishlarning samarali shakllarini va uslublarini ishlab chiqish va joriy etish vazifasi belgilab olingan. Unga ko'ra biz murabbiylari boshlang'ich sinf o'quvchilarga bilim berish bilan bir qatorda ularga ma'naviy-axloqiy xislarni ham singdirib borishimizni vazifamiz deya bilishimiz darkor. Unga ko'ra jamoada o'zini tuta bilish va munosabatga kirishishda qanday so'zlardan foydalanish va xulq atvorni namoyon bo'lishida bularning ahamiyati katta ekanligini ularga ya'ni boshlang'ich sinf o'quvchilariga uqtirish lozimdir.

Buning uchun boshlang'ich sinf quvchilariga etiket va uning oltin qoidalari haqida tushuncha berish kerak. Etiket bu murakkab nazokat qoidalarida aks etadi. Ushbu qoidalarni boshlang'ich sinf o'quvchilaridan boshlab ongiga singdirib borishlik pedagog-tarbiyachilardan talab qilinadi. Negaki o'quvchi yoshlikdan boshlab ushbular haqida bilimga ega bo'lib borishi bu unung keljakdagi tarbitasiga ham o'zining samarali ta'sirini beradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini har dars mashg'ulotlarida odob-axloq qoidalari dars mavzularidan kelib chiqib o'rgatib borilishi ham nur ustiga a'lo nur bo'ladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari har kuni yangi odamlar bilan uchrashadi, tanishadi, muloqotda bo'ladi. Muloqot bu harakat tuyg'u, fikr-mulohaza, ichki kechinmalarni o'zgaralar bilan o'rtoqlashish. U shaxs fazilatlarini, ichki "men"ning eng yaxshi qirralarini namoyon qiluvchi ijod shaklidir. Xuddi shu narsa o'quvchining endigina maktab ostonasiga qadam tashlaganda o'z o'rtoqlari bilan o'qituvchi bilan bo'lgan munosabatlarda aks etib boradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ichki psixologik xususiyatlaridan boshlab xulq-atvori, so'zlashish madaniyatini oiladan ham qanchalik olganligini o'rganadi va o'zining xatti-harakati bilan ozidagi kamchiliklarni bartaraf etishga amaliy ko'mak berishi lozim. Yuqorida autganimizdek boshlang'ich sinf o'quvchilarida ta'lim-tarbiya jarayonida ya'ni mashg'ulotlar jarayonida ham ko'p jihatlarni o'rganib boradi. Masalan chet tilini o'rganish bilan chet el madaniyati ularning kundalik hayotini, insonlar bilan qanday muomalada bo'lish kabilarni o'z madaniyati an'analarini bilish barobarida o'rganadilar. Bu esa boshlang'ich sinf o'quvchilarida kelajakda bilimli, dunyoqarashi keng, yetuk shaxs bo'lib yetishishlarida o'zining ahamiyatli jihatlari bilan ajralib turadi. Shu bilan bir qatorda, biz boshlang'ich sinf o'quvchilarini tarbiyalashda etiketning oltin qoidalarini ya'ni yaxshi xulq, jamoatchilik joylarida o'zini tuta bilish, tashqi qiyofa, muomala madaniyati kabi tarkibiy qismlardan iborat bo'lib, kundalik hayotda, ishdagi, o'qishda, ko'chada, turli tadbirlarda o'zini to'g'ri tutish va yaxshi taassurot uyg'otishni o'rgatadigan jarayon va holatlarni tushuntirish yo'llarini o'rgatib borishimiz darkor. Jumladan boshlang'ich sinf o'quvchilari ongida to'g'ri usul va yo'llardan foydalanib, ma'naviyat soatlarida, dars va darsdan tashqari tarbiyaviy tadbirlar jarayonida yo'lga qoyadi. Bulardan tashqari oilada oila davrasida ham ota-onalar va katta avlod vakillari ularga o'rnatilgan holda muloqotda bo'lishlari muhimdir.

Jamoat joylarida kishilar bilan xushmuomala bo'lish kabilarni dars jarayonlarida adabiy tilda so'zlashishga o'rgatib boorish albatta biz pedagog-o'qituvchilarning vazifamiz ekanligini unutmasligimiz kerak va turli texnologik vositalar va mashg'ulotlarda ularni keng yo'lga qo'yishimiz va o'rgatib borishimiz lozim. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining muhim o'rin tutishligi ularni qanchalik darajada yuksak madaniyatga egaligidan darak berishi ta'lim-tarbiya jarayonida tushuntirib borilishi lozim.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА XX АСР ОХИРИ XXI АСР БОШИДАГИ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

Утебаев Т., Ажиниёз номидаги Нукус ДШИ катта илмий ходим-изланувчиси

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида Бошланғич таълимни сифат ва

самарадорлигини ривожлантириш бўйича диққатга сазовор ишлар бажарилган. Шунинг учун ҳам мустақиллик арафасида Қорақалпоғистондаги педагогик фикрларнинг аҳволи, шарт-шароитлари таҳлил қилиниб ундаги ютуқлар, айниқса камчиликлар танқидий ўрганилди. Мустақилликка эришгандан сўнг янги йўналишлар юзага келиши кузатилиб уларни умумлаштириб, маълум тизимга солиб, бугунги кун таълим-тарбия самарадорлигини оширишда унумли ва ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбия соҳасидаги асосий вазифалардан бири ёш авлодни глобаллашув жараёни кечаётган бугунги кунда атроф-оламда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни теран англаб оладиган ва ҳаётда ўзига тўғри йўл топа оладиган этиб тарбиялашдан иборатлиги маълум бўлди. Шуларни иноботга олган ҳолда Қорақалпоғистонда педагогик фикрларнинг ривожланишини чуқур таҳлил этиш ва уларнинг моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилди.

Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиалида «Бошланғич таълим назарияси ва методика»си бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бу бўлим олдинги йилларда она тили, ўқиш, ўқув фанларидан дастур ва дарсликлар яратиш ишида фаол иштирок этган. Натижада бошланғич синф учун “Она тили” дастури, 1-синфлар учун “Қорақалпоқ тили”, “Ўқиш”, “Ёзув нусха”, “Ашула” дастури, “Ашула”, “Алифбо” дарсликлари, “Алифбо” китобига методик кўрсатмалар, 2-синф учун “Қорақалпоқ тили”, “Ўқиш китоби”, “Ўқув нусха”, “Ашула” дастури ва дарслиги, “Табиатшунослик”, 3-синфлар учун “Қорақалпоқ тили”, “Ўқиш китоби”, шунингдек, 1-синф “Ўқиш китоби”га методик тавсиялар, 3-синф “Ўқиш” китобига методик тавсиялар, 1-синф учун “Расм алифбо” каби методик қўлланмалар тайёрланган ва уларнинг кўп қисми нашр этилган. Бўлим ходимлари бошланғич мактабларнинг 2-синфлари учун “Она тили”, “Математика”, “Меҳнат” ўқув фанларидан тузилган янги дастур ва дарсликларнинг мазмунини синаш белгиланган эди.

Бошланғич таълим методикаси бўлими мустақилликнинг 1991-1995 йиллар давомида “Қорақалпоқ тилида бошланғич синф ўқувчилари халқимизнинг урф-одатлари асосида тайёрлаш ва таълим мазмунини ошириш” муоммоси устида иш олиб борган. Бу даврларда бўлимда бир қатор дастур ва дарсликлар яратилган.

1997-1999 йилларда бошланғич таълим методикаси ва назарияси бўлими ходимлари «Янги ижтимоий иқтисодий шароитларида Қорақалпоғистонда бошланғич таълим беришнинг мазмуни ва методларининг психологик-педагогик асосларида» муаммоси бўйича илмий-тадқиқот ишлар олиб бордилар. Ҳозирда бўлимда ёш олимлар, илмий ходимлар илмий изланишларни давом эттирмоқдалар.

Мустақиллик арафасида эса Ж.Қайирбаевнинг И.Муятдинов ва У.Абдиреймовлар билан ҳаммуаллифликдаги тўрт йиллик бошланғич мактабнинг 1-синфлари учун “Ҳарфлик” (Ҳэриплик) китоби, шунингдек “Ҳарфликка ёзиш имлоси” (Ҳэрипликке жазыў улгиси) (№1, №2, №3-китобчалар) китоблари узлуксиз тарзда нашр этилиб борилди.

Методист-олимнинг фикрича “Ҳарфлик” (Ҳэриплик) нинг ўзига хос жиҳати бу ундаги товуш ва ҳарфларнинг жойлашиш тартибидир. Олти ёшдаги болалар учун тайёрланган ушбу “Ҳарфлик” (Ҳэриплик) нинг “Алифбо” дан фарқи шундаки, уларда, яъни “Ҳарфлик” (Ҳэриплик) да дастлаб болаларнинг нутқида кам қўлланиладиган, аммо ўқувчилар томонидан енгил ва тез ўрганиш имкониятига эга бўлган сўзлар ўргатилади. Бу эса дидактиканинг оддийдан мураккабга қараб тамойилига тўла мос келади. Шунингдек, “Ҳарфлик” (Ҳэриплик) даги материаллар асосида ўқувчиларнинг сўз бойлиги ошиб, янги сўзларни амалда қўллаш кўникмаси, шунингдек, мантиқий фикрлаш қобилияти шаклланади.

1990 йили Ж.Қайирбаев ва К.Мирзабаеваларнинг тўрт йиллик бошланғич мактабнинг 1-синфлари учун “Хатшунослик” (Хат таныў) дарслиги иккинчи марта қайта нашрдан чиқди. Ушбу дарслик ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва психологик ўзига хос жиҳатларини иноботга олган ҳолда материаллар оддийдан мураккабга қараб мантиқий кетма-кетлик асосида яратилган. Дарсликни яратишда муаллифлар турли хил рангли расмлардан фойдаланишган Бундай расмлар бошланғич синф ўқувчиларида катта қизиқиш

уйғотишлари табиий. Дарс жараёнида бажариладиган ҳамда уйга бериладиган вазифалар ҳам айнан 1-синф ўқувчиларининг педагогик, психологик ва ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда берилган бўлиб, улар эндигина ҳаётга мустақил кадам қўя бошлаган ёш ниҳолларнинг хат-савод чиқаришлари ва дунё танишларида муҳим аҳамият касб этди.



ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ АДАПТАЦИИ ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Утепбергенов М.А., к.п.н., доцент. Каракалпакстан РИПШКПК

Проблема трудностей адаптации детей к условиям начальной школы в настоящее время имеет высокую актуальность.

Усложнение социальной среды, стремительный темп жизни общества, обилие противоречивой информации, снижение воспитательного потенциала семьи негативным образом сказываются не только на качестве обучения, но и на процессах социализации и адаптации детей, поскольку они наиболее подвержены влиянию факторов окружающей среды.

Следует отметить, что адаптация младших школьников находится в центре внимания многих наук: психологии, педагогики, медицины, физиологии и др.

Адаптация – (от лат. adaptatio – прилаживание, приноравливание) – приспособление самоорганизующейся системы к изменяющимся условиям среды. По мнению ученых, период адаптации ребенка к школе может длиться от 2-3 недель до полугода, это зависит от многих факторов. Влияние неблагоприятных факторов на адаптацию ребенка к школе, по многочисленным исследованиям, имеет следующую нисходящую последовательность:

- неправильные методы воспитания в семье;
- функциональная готовность к обучению в школе;
- неудовлетворенность в общении со взрослыми;
- неадекватное осознание своего положения в группе сверстников;
- низкий уровень образования матери;
- конфликтная ситуация из-за алкоголизма;
- отрицательный статус ребенка до поступления в первый класс;
- низкий уровень образования отца;
- конфликтная ситуация в семье;
- отрицательный стиль отношения к детям учителя;
- неполная семья;

Следует специально остановиться на таком факторе, влияющем на успешность адаптации, как “неправильные методы воспитания в семье”.

Президент страны особо отметил роль семьи: “в формировании и повышении духовности любого народа, несомненно, велика роль и влияние семьи. Ведь именно в семье, в первую очередь, происходит формирование самых чистых, первозданных чувств личности, первичных жизненных понятий. Духовные ценности, которые определяют характер ребенка, его природу и мировоззрение – доброта и человечность, нравственность и миролюбие, совесть и другие высокие понятия, в основе своей формируются в условиях семьи.”*

Семья – первая ступень человека. Она с раннего возраста направляет сознание, волю, чувства детей. От того, каковы здесь традиции, какое место занимает ребенок – будущий школьник, какова по отношению к нему воспитательная линия членов семьи, зависит многое. Под руководством родителей ребенок приобретает свой первый жизненный опыт, элементарные знания об окружающей действительности, умения и навыки жизни в обществе. Поэтому мы считаем необходимым изучить вопрос влияния семьи на формирование готовности ребенка к школьному обучению, а также зависимость развития

ребенка от характера внутрисемейных отношений и от понимания родителями важности правильного воспитания в семье.

Сила влияния семьи в том, что оно осуществляется постоянно, длительное время и в самых различных ситуациях и условиях. Умственное воспитание ребенка во многом определяется влиянием, которое повседневно оказывают на него родители, сама атмосфера интеллектуальной жизни семьи, а также целенаправленная деятельность взрослых членов семьи по удовлетворению познавательных интересов детей, формированию новых, (И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” - 2008г.) расширению их кругозора. Умственное развитие ребенка зависит от того, как удовлетворяются в семье его духовные потребности, как организуется его деятельность, какая речевая среда в семье и др.

Климат семьи – индикатор того, как все-таки в доме живет ребенок, что чувствует он, находясь рядом с вами, унижен ли или парит в небесах. Все это подскажет вам шкала общения родителей с ребенком.

Методы воспитания, вызывающие у ребенка	
Положительные эмоции	Отрицательные эмоции
Сколько раз Вы сегодня ребенка (ребенку.ребенком)	
хвалили	упрекали
поощряли	подавляли
одобряли	унижали
целовали	обвиняли
обнимали	осуждали
ласкали	отвергали
симпатизировали	одергивали
сопереживали	позорили
улыбались	читали нотации
восхищались	лишали чего-то необходимого
делали приятные сюрпризы	шлепали, пороли
делали подарки	ставили в угол

По этой шкале приблизительно можно понять состояние малыша на данный момент и в данное время, узнать, как обращаются дома с ребенком, какие эмоции преобладают в процессе Вашего общения с малышом.

Использованные литературы:

1. А.Баркан Практическая психология для родителей, или как научиться понимать своего ребенка. Москва. “Аст-Пресс”2009 г.
- 2.Л.И.Божович Проблемы формирования личности / под ред. Д.И.Фельдштейна. – М, 1995. 420 с.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ХАЛҚ МАҚОЛАРИНИ ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Утемуратов Б.Қ., Қорақалпоғистон РПКҚТМОИ кафедра мудири, ф.ф.н.

Мустақиллик йиллари халқ таълими соҳасида буюк бурилишлар бўлди. Баркамол инсонни шакллантириш расмий равишда бош мақсад этиб белгилаб олинди. Ота-боболаримиз бола тарбиясига алоҳида эътибор берган. Буни биз халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан кўришимиз мумкин.

Бошланғич таълим Давлат таълим стандартларида болаларнинг тафаккур қилиш фаолияти кенгайтириш, эркин фикрлай олиш, оғзаки фикрини англаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда раво баён қила олиш, жамият аъзолари билан эркин мулоқотда бўла

олишлари белгилаб олинган. Бунда қорақалпоқ мақолларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Мақоллар авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб асраб-авайлаб келаётган маънавий меросимиз. Мақолларда халқнинг ҳаётий тажрибалари билан бирга доно фикрларини, миллий урф-одат анъаналарини сиёсий ва ижтимоий қарашларини сингдириб шакллантирган. Мақоллар кўпгина сўз усталарининг фикр элагидан ўтиб, чуқур маънога эга бўлган. Мақолларнинг тузилиши ўта содда, лекин мазмуни жуда мураккаб.

Мақолларни кундалик турмуш тарзида қўлланганда, тилнинг сўз бойлигини орттиради, болаларнинг эркин, мантиқий фикрлашига асос солади. Мақоллардаги фикр чархланиб, доно фикрлар ойдинлашади. Шунинг учун ҳам “Сўз бойлиги – мақол”, “Мақолни айтмаса ақлсиз айтмайди, ақлли гапини мақолсиз айтмайди”, - дейди доно халқимиз.

Қорақалпоқ халқ мақоллари панд-насихатлар тингловчисига қўшимча изоҳ талаб этмасдан турмуш ҳодисалари билан бирга воқеа-ҳодисаларининг ҳар-хиллигини қисқа мисраларда халққа етказиб беради. Буларни бошланғич синфларда болаларга ўргатишимиз орқали, одоблиликни тарбиялаймиз. Масалан:

Саломсиз кирган уят,

Рухсатсиз чиққан уят.

Халқ мақоллари кўпинча қисқа турда ёзилади. Айниқса, ёшларнинг уқиб олиши учун мослашув, кинояли тарзда баён қилинади. Мақолларда сўзлар содда тузилади, ҳар қандай ҳолатда ҳам тушунарли бўлади. Унда имо-ишоралар, рамзлардан фойдаланилади. Шу хусусиятлари билан мақоллар ўқувчиларнинг тилига яқин бўлади. Лекин мақолларнинг мазмунини ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Қорақалпоқ халқ мақолларида яхшилик билан ёмонлик, дўст билан душман, аччиқ билан чучук, ҳалол билан ҳаром, эзгулик билан ёвузлик каби ҳислатлар қиёсланиб баён этилади. Умуман инсонларга ёт бўлган нарса ёки ҳодисалар халқ мақолларининг доимий диққат марказида бўлган. Одиллик, ор-номуснинг тозалиги тенги йўқ бойлик сифатида баҳоланиб, авлодларга бекаму-кўст етказилиб келинмоқда. Бу ўқувчиларнинг умумий камолотига, уларда дўстлик, ўртоқлик каби ҳислатларни, миллий қадриятларни шакллантириш, жамоа ишида ўзини бошқариш, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, ўқишга онгли муносабатда бўлиши каби ижобий хусусиятларининг шаклланишига кўмаклашади. Мақолларда инсонларнинг ўзларини тутуши, билимсизларни билим олишга, одобсизни одобли бўлишига чақиради. Бу хусусиятларни биз болаларга бошланғич синфлардан бошлаб сингдиришимиз керак. Ушбу мақолларни мисол қилиб айтсак бўлади: “Бўлай десанг одобли, Яхши хулқ билан одатлан”, “Давлатинг кетмас ҳар вақтда, Одоб билан зийнатдан”, “Билган билганини ишлар, Билмаган бармоғини тишлар”, “Яхшининг ўзгаси бўлмас, Ёмоннинг уяти бўлмас”.

Турмуш тажрибалари асосида кўпгина мақоллар яратилган. Ўқувчиларни меҳнатга ўргатишда ҳам бу мақолларнинг аҳамияти катта. Масалан, “Ишқмасга иш буюрсанг, Ўзингга ақл ургатади”.

Кўплаб мақоллар болаларни жасурликка, мардликка, билимли бўлишга чақиради. “Бўлар бола беш ёшида белигили”, “Мингни танигунча, бирнинг номини бил”, “Хунарли ёш оч бўлмас”. Яхши хулқ ўқувчиларга тез таъсир қилади. Яхши хисларни кўп қабул қилган болаларнинг дунё таниши, мантиқий фикрлаши, инсонпарварлик туйғулари теранг ва ҳар томонлама ривожланиб боради.

Одоб-икромлилик ҳислатларни эгаллаб, кўп билиши узоқ умр кўришига боғлиқ эмас. “Кўп яшаган билмайди, кўпни кўрган билади”. Халқ педагогикасида: тарбияли бўлиш, иш юзасида билиш орқали инсон бўлиб шаклланишини билдиради.



БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Фармонов Ў.Н., ЎзПФИТИ катта илмий ходим-изланувчиси

Бугунги демократик жамият ижодий фикрлайдиган шахсларга эҳтиёж сезмоқда. Бундай инсонлар мустақиллик, фикрий теранлик, юқори эстетик хиссиётлар, мақсадга интилувчанлик каби шахсий тафаккури билан ажралиб туради. Дарҳақиқат бизни ўраб турган атроф муҳитда ижодий фикрлайдиган инсонлар ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир янгиликка ўз муносабатларини билдирадилар. Уларда ижодий фикрлаш, таваккал қилиш ва масъулиятни сезиш қобилиятлари ривожланган бўлади. Бунинг сабаби улардаги онг, ижодий фаолият, фикрнинг тезлиги, мослашувчанлик, табиийлик, қизиқувчанлик, аниқлик, ботирлик кабилар камол топган бўлиб, улар ёш авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Фикр тезлиги бир қанча вақт давомида пайдо бўладиган ғоялар сони.

Шу жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида фикр мослашувчанлиги, бир фикрдан иккинчисига тез ва ички зўриқишларсиз ўтиш, маълумотларни таълим жараёнида қўллаш мумкинлигини ҳам кўра олиш хусусиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ушбу хусусиятлар кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий фикрлашни шакллантиришда мослашувчанлик қобилиятларига амал қилиш муҳимдир. Чунки, мослашувчанлик – бу ўқитувчининг яхши ривожланган малакасидир. Бу ўрганаётган воқеа-ҳодисаларнинг биридан иккинчисига кўчиш, қотиб қолган ечимлар ҳолатини турли услублар асосида енгиш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни англатади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий фикрлашни шакллантиришда аниқлик ҳам муҳим ўрин тутади. Аниқлик бу–бир хил, умум қабул қилинган ечимлардан фарқ қилувчи фикрларни ишлаб чиқиш қобилиятидир. Унда қизиқувчанлик–хайратланиш, зийраклик қобилиятлари ривожланади. Ноанъанавий усуллар амалга оширилади.

Аниқлик ҳам – ижодий фикрлашни шакллантиришнинг асосий мезонларидан ҳисобланади. Аниқлик бевосита ботирлик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, унда–ноаниқлик вазиятида қарор қабул қилиш, ўз ҳулосаларидан чўчимаслик, шахсий мувоффақият ва обрў-эътиборни хавфга қўйиб бўлса ҳам, бу ҳулосаларни охирига етказиш кабиларни шакллантиради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий фикрлашни шакллантиришда бошқалар кўрмаган муаммони кўра олиш, бир неча тушунчаларни битта, яхлит ҳолда кенгроқ маълумот бериш, турли мисоллар, белгиларни ишлатиб, фикрлаш операцияларини тугатиш, эгаллаган малакаларни қўллаш, воқеликни яхлитлигича, қисмларга бўлмасдан қабул қилиш, бир-биридан узоқ тушунчаларни осонгина бирлаштириш, тасаввур қилиш кабилар уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиради. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий фикрлашни шакллантиришда хотиранинг мустаҳкамлиги, онгнинг мослашувчанлиги, эгилувчанлиги, маълумотларни мавжуд билимлар тизимига киритиш, нарсаларни қандай бўлса, шу ҳолига кўра олиш, кузатишлар жараёнида кераклигини ажратиб олиш, фикрларни осонликча ишлаб чиқиш, ижодий ҳаёл, тасаввур, фантазия, илк ғояни такомиллаштириш кабилар уларнинг педагогик фаолиятини такомиллаштиришнинг асосини ташкил этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий фикрларни шакллантиришда объект ҳисобланган-ўқувчи ривожланишининг яхлитлигини мантиқий тушуниш, фан яхлитлигини ва унинг қисмларини аниқлаш, вазиятлар ўзгарувчанлик муаммолар ечимларини мустақил ҳал этиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, тажриба жараёнида оддий вазиятларга хос бўлган, воқеа ва ҳодисаларни аниқлаш имконини берувчи шароитларни онгли равишда ва мақсадли яратиш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ижодий фикрлашни шакллантиришда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари тарбия дастурлари ва услубларини ишлаб чиқишлари муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фикрлаш компонентлари таваккал қилиш, фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда эгилувчанлик, мослашувчанлик, фикрлаш тезлиги, аниқ фикрлар

билдириш ва янгиларини яратиш, бой тасаввур, нарса ва ҳодисаларнинг кўп хиллигини қабул қилиш, миллий ва умуминсоний кадриятлар кабилардир.

Ушбу компонентлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий маҳсулдорликнинг муҳим кўрсаткичи бўла олмаса ҳам бола характерининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ижодий фикрлашни ривожлантиришда фикр ва онгнинг тизимлилигига, унинг мантиқийлигига эришиш кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг шахсини ривожлантириш имкониятини беради.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ВАТАНГА САДОҚАТ ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШ

Хайдаралиев Х., Фарғона ДУ магистранти

Маълумки, мактабгача, бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда мустақил фикрлаш даражаси ҳосил қилинади, боланинг атроф-муҳитида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар юзасидан илк тушунчалари пайдо бўлади. Шунингдек, бу жараёнда ўқувчиларда илк маротаба ўз фикрларини баён қила олиш кўникмалари шакллантирилади.

Бошланғич таълим бола ақлий тарбиясини кучайтирадиган, тарбиянинг бошқа йўналишлари билан узвий боғлиқликда олиб бориладиган, билим ва дунёқарашининг кўламини кенгайтирадиган, энг асосийси шахснинг келгусидаги фаолиятида муваффақиятли таълим олишга таъсир этадиган босқичдир. Шу туфайли бошланғич таълим тизимида бажариладиган ишлар, тадқиқ қилишга муҳтож муаммолар жуда кўп. Бу долзарб муаммолардан бири ватанпарварлик ва ватанга садоқат туйғусини тарбиялаш масаласидир.

Албатта, халқимизнинг тарбия борасидаги етук миллий маънавияти ҳамма вақт умуминсоний кадриятларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Тарбия шахс онгини муайян жамиятнинг мақсади ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. Шунинг учун ҳам тарбия ёшлар маънавияти шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Тарбия олдида турган асосий мақсад ўсиб келаётган авлод онгида кекса авлод доно тажрибасини сингдириш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор топтиришдан иборатдир. Чунки Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан оила, авлод-аждодларнинг ор-номусига чуқур эҳтиром билан қарашга, инсоннинг ўз виждони ва бурчига содиқлигига бориб тақалади. Ўзбек халқининг юксак миллий кадриятлари ватанпарварлик, миллий ғурурни маънавий юксалтириш жамият равнақи йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради.

Тарбиянинг анъанавий, замонавий турлари ва усуллари жуда кўп. Масалан, умуминсоний, миллий, руҳий, дунёвий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий, оилавий, тарихий, диний, иқтисодий, маънавий, шажаравий, сиёсий, жисмоний, экологик, жинсий, ҳарбий, ватанпарварлик ва ҳоказо турлари мавжуддир. Шулардан бошланғич таълимда ўқувчиларда ватанпарварлик ва ватанга садоқат туйғусини тарбиялаш бизнинг фикримизча муҳим ўрин тутди. Бу тарбия турларидаги ўзига хослик шундан иборатки, миллий тарбияда инсон ўзининг менталитетидан келиб чиққан ҳолда ўзлигини чуқур англайди, аждодларининг маънавий меросига таянади. Ватанпарварлик тарбиясида эса инсоннинг руҳи тарбияланиб, шахс компонентлари, она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати таркиб топади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик ва ватанга садоқат туйғусини тарбиялаш, биринчи навбатда, дарс жараёнида амалга ошади. Ҳар бир ўқув фани мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга таъсир қилади. Она тили дарсларида ўқувчилар

саводхонлик юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлиш билан бир қаторда маънавий жиҳатдан ҳам кўплаб тушунчаларни ўзлаштириб оладилар. Шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан намуналар, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар ҳар хил машқларнинг таркибида берилиб, ўқувчиларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одоб-ахлоқлилик, ҳалоллик, софдиллик ва бошқа инсоний фазилатларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Ўқиш дарслари бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик ва ватанга садоқат туйғусини тарбиялашга энг кўп ҳисса қўшадиган фан ҳисобланади. Бошланғич синф ўқиш дарсларига киритилган ҳар бир мавзу ўқувчиларнинг тарбияланишига, маънавий жиҳатдан улғайишига дахлдор ҳисобланади. Кенг қамровли таълимий ахборотлар қаторида кучли тарбиявий мазмунни акс эттирадиган ўқув материаллари ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтиради. Илм олишга, жамият тараққиётига ҳисса қўшишга, Ўзбекистоннинг янада бой ва фаровон бўлиши учун фидойи курашчилар бўлиб етишишига даъват этади.

Ўқиш дарсларида халқимизнинг бой маданияти, жозибали санъати, юксак маърифатига ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, илмий ва ижодий изланишларининг маҳсули бўлган маънавий меросларини билиб оладилар.

Ватанимизнинг моддий ва маънавий бойликлари ҳақидаги тушунчаларини эгаллаб шу азиз юртга меҳр-мухаббат туйғуси ортади. Ўқиш дарсларида миллий кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар ҳақида ҳам тушунча берилади. Бу орқали миллий руҳ, миллий ахлоқ, миллий кифо шаклланади. Фақат бунда ўқувчи, ота-оналар ва жамоатчилик ибрат-намуна кўрсатиши керак. Акс ҳолда шиддат билан кириб келаётган ғайри миллий ахлоқий сифатлар, урф-одатлар устунлик қилиши мумкин. Уларнинг ёшлар учун зарарли эканлиги, маънавий кашшоқликка йўлиқтириши муқаррарлигини тушинтириш ва далиллаш зарур.

Умуман олганда, ватанпарварлик ва ватанга садоқат туйғусини тарбиялаш, такомиллаштириш инсоннинг туғилишидан то умрининг охиригача давом этадиган жараёндр. Чунки ватанпарварлик тарбияси, аввало, оиладан бошланади. Бунда ота-она ўз фарзандларига аждодларимиз тарихи, уларнинг қаҳрамонлиги, жамиятдаги обрў-эътибори ҳақида ҳиссиёт билан гапириб бермоғи, шу асосида ёш авлодда Ватан туйғусини уйғотмоғи керак. Ҳақиқий севиш, ватанпарварлик – шу улуғ Ватанни севиш, халқ учун хизмат қилиш, жонини ҳам фидо этишдир. Ҳақиқий ватанпарвар инсон такаббурликка, фақат ўз манфаатини ўйловчи шахс бўлишга мутлақо йўл қўймайди ва халқидан ўз манфаатини устун қўймайди, ҳамма вақт халқ билан бир жон, бир тан бўлади.

Ҳар бир ижтимоий тизимда ёшларнинг миллий менталитетини ифодаловчи ватанпарварлик ва ватанга садоқат туйғуси хусусиятларини тадқиқ этганда уларнинг тарихан бой ёки чекланган, маънавий-маданий юксак ёки пастлигига қараб эмас, балки уларнинг ақл-идрок, инсонийлик, одобийлик, фаросат, заковат каби умуммиллий ва умуминсоний хислатларни ўзида мужассамлаштирган томонларига диққат-эътибор бериш керак бўлади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 64 б.
2. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти: Халқаро конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 184 б.
3. http://fikir.uz/posts/talim_fan_taraqqiyoti/6455.html
4. <http://huquqburch.uz/uz/view/938>
5. <http://www.parliament.gov.uz/uz/analytics/9448>



BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARIDA IZLANUVCHANLIK KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH

Xalilova M.R., Navoiy VPKQTM O'Idotsenti, p.f.n.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida izlanuvchanlik ko'nikmalarini shakllantirishda ulardagi mustaqil tafakkur turini rivojlantirish – hur fikrlilik, ibratli g'oyalar, hayratomuz so'zlar, saralangan iboralar orqali ifodalanishi, o'quvchidagi mustaqil fikrlash ko'nikmalarini yuzaga chiqarishda asosiy mezon sanaladi.

Ijodiy izlanuvchanlik sog'lom va barkamol avloddagina shakllanadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida izlanuvchanlik ko'nikmalari o'quvchilarda yaratuvchanlik, taraqqiyot, yangilikga intilish, kelajakni ko'ra bilish bilan ajralib turadi.

Darhaqiqat, bugun biz erkin va demokratik jamiyat barpo etmoqdamiz. Zero, bugungi O'zbekiston uchun mustaqil, erkin fikrli yoshlarning borligi va ularning Vatan va xalqi ravnaqi uchun xizmat qilishi – nafaqat vijdon masalasi, balki to'la ma'noda e'tiqod va insoniylik masalasidir.

Yurtimizning eng rivojlangan, taraqqiy topgan mamlakatlar qatorida ko'rish, xalqning to'la farovonligini ta'minlash Prezidentimiz va hukumatning eng ezgu niyati ekan, mamlakatimizni ertasi bo'lmish yoshlar ongi va tafakkuridagi sifat o'zgarishlarini yanada dadilroq rivojlanishini amalga oshirishni ta'minlaydi.

Albatta, ilmiy izlanuvchanlik ko'nikmalari, chin ma'noda ma'rifatli, inson qadrini biladigan, intellektual salohiyatga ega, sog'lom fikrlaydigan, o'zligini anglay oladigan, begona va yot g'oyalarga o'zining mustaqil tafakkuri bilan javob bera oladigan ko'nikma va malakalari shakllangan shaxsdagina shakllanadi. Shu nuqtai nazardan har bir inson individual jihatdan muayyan darajada aqliy salohiyatga ega bo'ladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida izlanuvchanlik ko'nikmalarini shakllantirishda ularga ruhiy quvvat beruvchi, faoliyat jarayonlarini to'g'ri tashkil etish, izlanuvchanlikni ilk kurtaklarini shakllantirishga katta e'tibor qaratish lozim.

Albatta, boshlang'ich sinf o'quvchilarida izlanuvchanlik ko'nikmalarini ilk kurtaklarini rivojlantirishda maktabgacha ta'lim muassasalari, oila, maktabning o'zaro hamkorlikdagi ishlari asosiy o'rinni egallaydi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini izlanuvchanlik ko'nikmalarini, mustaqil fikrlash malakalarini hosil qilishning eng birlamchi shartlaridan biri – har bir dars jarayonini to'g'ri va noan'anaviy tarzda tashkil etishdir. Darsni tashkil etishning yangicha texnologiyasi va jahon tajribasiga tayangan holda metodik adabiyotlardan to'g'ri foydalanish va faoliyat jarayoniga tadbiiq etish maqsadga erishishning eng qulay shartlaridan sanaladi.

Darhaqiqat o'qituvchi bolalarda dars jarayonida ijodkorlikni shakllantirishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim. Jumladan

1. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida dars jarayonida analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish ko'nikmalarini tarkib toptirish;

2. Fikrlash jarayonlarini faolligi, egiluvchanligini, ko'p qirraligi, turli taxminlarning mavjudligi, nostandart yechimlarning ko'pligi va g'oyalarning xilma-xilligini rivojlantirish.

3. Har bir fikrning maqsadga yo'naltirilganligi, har qanday voqea-hodisadagi eng muhim belgilarni ajrata olish ko'nikmalarini shakllantirish.

Umumiy dars hajmini belgilovchi asosiy mezon – bolalarning fikrlashdagi o'zgarishlari, ular tamonidan har bir mashg'ulotning ijobiy idrok qilinishidir.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida darslarning boshida o'ziga ishonchning yetishmasligi, tortinchoqlik, ko'plab variantda fikrlarni bayon eta olmaslik holatlari uchrab turadi.

Dastlabki darslardayoq boshlang'ich sinf o'quvchilarida fikrlash va hamkorlikda ishlash motivaziyasini oshirish uchun ular ongiga qo'yidagilarni singdirish kerak.

Mustaqil fikrlashning ahamiyati, uning har bir shaxs taraqqiyotidagi o'ni, shaxs faoliyatidagi muhim jihatlarni targ'ib etish yaxshi natijalar beradi.

Dars jarayonida o'qituvchi har bir bolaning bildirgan fikriga nihoyatda katta e'tibor bilan qarashi, o'quvchilarning ham bir-birlarini bildirgan fikrlariga hurmat bilan qarashga o'rgatish, o'rinsiz luqmalar va e'tirozlardan saqlashga o'rgatishi kerak.

Bildirilgan ko‘plab fikrlardan imkon boricha har bir ishtirokchidagi ijobiy, mantiqiylarini ajratib, hattoki bildirilgan noo‘rin fikrning ham qanday paydo bo‘lganini samimiyat bilan izoh qila olish kerakki, bu keyingi darslarda yanada ko‘proq mustaqil fikrlar bilan ko‘pchilikning ishtirok etishiga qulaylik yaratadi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining izlanuvchanlik ko‘nikmalarini shakllantirishda o‘qituvchi birinchi galda quyidagi izlanuvchanlik tizimini bilishi va unga qat‘iy amal qilishi lozim:

- o‘quvchidagi uyaluvchanlik, tortinchoqlikni bartaraf etish;
- o‘quvchidagi ichki motivlarni yuzaga chiqarishga undash;
- o‘quvchilarni o‘z-o‘ziga ishonch ruhida tarbiyalash;
- mustaqil fikrlash ko‘nikmalarini shakllantirish;
- o‘quvchilarda guruhiy qarorlar chiqarish, munozara va muzokara madaniyati va etikasini tarbiyalash.



BOSHLANG‘ICH TA‘LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLASH

**Xidirova M., Navoiy viloyati Uchquduq tumanidagi 20-maktabning boshlang‘ich sinf
o‘qituvchisi**

Prezidentimiz I.Karimov “Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz faravonligini yuksaltirishdir” mavzusidagi Vazirlar Mahkamasining majlisidagi nutqida: “Biz farzandlarimizning nafaqat jismoniy va ma‘naviy sog‘lom o‘shishi, balki ularning eng zamonaviy intellektual bilimlarga ega bo‘lgan, uyg‘un rivojlangan insonlar bo‘lib, XXI asr talablariga to‘liq javob beradigan barkamol avlod bo‘lib voyaga yetishi uchun zarur barcha imkoniyat va sharoitlarni yaratishni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘yganmiz”- degan edilar.

Prezidentimiz tomonidan kelajak avlod tarbiyasiga berilayotgan bunday katta e‘tibor ta‘lim tizimi va pedagoglar zimmasiga ulkan vazifalarni yuklaydi. Bu vazifalarni amalga oshirish chuqur bilim va katta mahoratni talab etadi. Ta‘lim tizimiga yangiliklarni olib kirish, innovatsion texnologiyalardan unumli foydalanish bugungi kun ta‘limi oldiga qoyilgan muhim vazifalardir.

Pedagogik texnologiyaga asoslangan ta‘lim jarayonida o‘qituvchi faoliyati va o‘quvchi faoliyati doirasi aniq belgilanadi, ta‘limni tashkil etishning aniq texnologiyasi ko‘rsatiladi.

Bugungi kunda ta‘lim jarayoniga yangi axborot texnologiyalarining kirib kelishi jadallashmoqda va bu ta‘lim jarayonini yanada sifatli tashkil etishga ta‘sir ko‘rsatayotgani ko‘zga tashlanmoqda.

Shuning uchun ham zamonaviy pedagogik texnologiyalarni ta‘lim jarayoniga joriy etish, ta‘lim samaradorligini oshirish uchun tinimsiz izlanish bugungi kunning ehtiyojiga aylandi.

Bolaning ongi va tafakkuri endi shakllanib kelayotgan boshlang‘ich sinflarda oqituvchining mahorati, uning innovatsion texnologiyalarni ta‘lim jarayoniga mohirona tatbiq eta olishi, ta‘limning yangi-yangi yo‘l va usullarini izlashi, ilg‘or pedagogik tajribalardan ijodiy foydalana olishi juda muhimdir. Shuning uchun bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy etishga tayyorlash bugungi oily ta‘lim oldiga qo‘yilgan muhim talablardan biridir. Chunki innovatsion texnologiyalar *birinchidan* o‘quvchilarni bilim, ko‘nikma va malakalarni oson va qiziqib o‘rganishlari uchun imkoniyat yaratsa, *ikkinchidan*, o‘qituvchining ham kasbiy o‘shishiga, ham ma‘naviy rivojlanishiga yordam beradi.

Texnologiya nima?

Texnologiya – yunoncha so‘z bo‘lib, *texne*-mahorat, san‘at, *logos*-tushuncha, ta‘limot ma‘nolarini anglatadi. Texnologiya tushunchasi – tayyor mahsulot olish uchun ishlab chiqarish jarayonlarida qo‘llaniladigan usul va metodlar majmui; shunday usul va metodlarni ishlab chiqaruvchi va takomillashtiruvchi fan sifatida ta‘riflanadi. Keyinchalik texnologiya tushunchasi ta‘lim jarayonlarida ta‘lim texnologiyasi nomi bilan qo‘llanila boshladi.

Pedagogik texnologiya asrimizning 60-yillarda Amerika Qo'shma Shtatlarida, 70-yillarda boshqa rivojlangan mamlakatlarda keng qo'llanila boshlandi.

YUNESKOning 1996-yildagi xalqaro konferensiyasida mamlakatning ma'naviy-iqtisodiy salohiyatini oshirishda va ta'lim-tarbiyani intensivlashtirishda pedagogik texnologiya muhim ahamiyatga ega ekanligi ilmiy asoslandi.

"Pedagogik texnologiya bilimlarni o'rganish yaxlit jarayonida ta'lim shakllarini optimallashtirish, texnikaviy, insoniy imkoniyatlar, ularning o'zaro hamkorligini amalga oshirish metodlari tizimidir", degan xulosaga kelindi.

O'zbekistondagi Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi mustaqillik sharofati bo'lsa, uni amalga oshirishning asosiy ilmiy-metodik omillaridan biri innovatsion texnologiyadir. Zamonaviy pedagogik texnologiyaning predmeti - ta'lim-tarbiya jarayonini optimal loyihalash, modellashtirish tizimi, mexanizmi hisoblanadi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyaning vazifasi quyidagilardan iborat:

- bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilariga pedagogik texnologiya, rivojlangan mamlakatlar ilg'or pedagogik texnologiyasi, O'zbekistonda Kadrlar tayyorlash Milliy dasturini amalga oshirish tajribalari haqida nazariy bilim berish:

- pedagogik texnologiyani loyihalash:

- ta'lim-tarbiya maqsadi, mazmuni va optimal metodlarini qo'llash ko'nikma va malakasini shakllantirish;

- pedagogik diagnostika qobiliyatini oshirishdan iborat.

Jamiyat taraqqiyoti bilan bog'liq ravishda ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyani qo'llash ham rivojlanib boradi.

Zamonaviy pedagogik texnologiya ta'lim-tarbiya jarayonining mavjud qonuniyatlariga, mamlakatimiz rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlariga, tarixiy taraqqiyot tajribalariga asoslanadi. Pedagogik texnologiyani yaratish milliylik va umuminsoniylik tamoyillariga, insonparvarlik va demokratiya prinsiplariga, ijodkorlik va tashabbuskorlikka tayanadi.

O'zbek xalqining yosh avlodni hayotga tayyorlashda ko'p asrlar davomida qo'llangan usul va vositalar, tadbir shakllari, o'ziga xos urf-odatlar va an'analari, ta'lim-tarbiya haqidagi g'oyalari va hayotiy tajribasi mavjud. Bu meros o'tmishda ko'plab alloma-yu donishmandlar yetishib chiqishiga asos bo'lgan. Hozirgi kunda bu merosdan ijodiy foydalanish katta ahamiyatga ega.

O'zbek xalqining ulug' allomalaridan biri Abu Rayhon Beruniy asarlarida yosh avlodga bilim berishning turli yo'llari va vositalari haqida tushunchalar berilgan bo'lib, ularni mustaqil fikrlaydigan, yangilik yarata oladigan qilib tarbiyalash xususida to'xtalib o'tilgan.

Ta'lim-tarbiya jarayoni sifati va samaradorligini oshirish kelgusi taraqqiyotimizning asosi ekanligi ma'lum. Bu haqda yurtboshimizning quyidagi so'zlari ibratlidir:

"Shuni unutmasligimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq.

Buning uchun har qaysi ota-ona, ustoz va murabbiy har bir bola timsolida avvalo shaxsni ko'rishi zarur. Ana shu oddiy talabdan kelib chiqqan holda, farzandlarimizni mustaqil va keng fikrlash qobiliyatiga ega bo'lgan, ongli yashaydigan komil insonlar etib voyaga yetkazish - ta'lim-tarbiya sohasining asosiy maqsadi va vazifasi bo'lishi lozim, deb qabul qilishimiz kerak. Bu esa ta'lim va tarbiya ishini uyg'un holda olib borishni talab etadi".

Shunday ekan biz boshlang'ich ta'limda bolalarning erkin fikrlashlari uchun innovatsion texnologiyalardan keng foydalanishimiz lozim.

Innovatsiya (*inglizcha innovation*) yangiliklar yaratishdir. Demak, an'anaviy ta'limdagi kabi bir xil shablonlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish innovatsiya deyiladi. Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interaktiv metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Ta'lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun avvalo darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur.

Dars loyihasini tuzishda o'qituvchi o'zining ish shakllari va o'quvchilarning ko'nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, u qanday o'qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega. Metod tanlashda ko'proq interaktiv metodlarga e'tiborni qaratish ta'lim samaradorligini oshiradi. Interaktiv usullar – bu ozaro harakat, ya'ni hamkorlik asosida o'qitish demakdir. Interaktiv usullarning 4 asosiy turi mavjud. Bular:

- kognitiv usullar;
- o'yinlar, eksperimental faoliyat;
- ishbilarmonlik o'yinlari, modellashtirish;
- amaliyot orqali o'qitish, bevosita faoliyat.

Interaktiv mashg'ulot jarayonining asosiy bosqichlari quyidagilarni qamrab oladi:

1. salomlashish (o'qituvchi va oquvchilar);
2. kirish so'zi – oqituvchi oquvchilarni ta'limning interaktiv metodikasi, mashg'ulot mavzusi, shakli va maqsadlari bilan tanishtiradi;
3. qoidalarni ishlab chiqish - guruhning samarali ishlashi uchun qoidalarni belgilashda o'quvchilarning fikri tinglanadi;
4. tanishuv - oquvchilarning darsda o'zaro erkin va faol muloqotlarini ta'minlash maqsadida har turli harakatli mashqlarni tashkil qilish orqali o'tkaziladi;
5. kutiladigan natijalar - har bir o'quvchi mashg'ulotlar yakunida nimalarni o'rgangani, qanday ishlarni bajara oladigan bo'lgani haqida ma'lumot berishi lozim;
6. kichik guruhlariga ajratish - mashg'ulot maqsadiga muvofiq ravishda o'quvchilar bir nechta kichik guruhlariga ajratiladi.
7. kichik guruhlar ishini tashkil qilish – har bir kichik guruhga aniq vazifa, zarur materiallar, vositalar taqdim qilinadi, vazifani bajarish, natijani ma'lum qilish tartibi va ajratilgan vaqt belgilanadi;
8. taqdimotlar – kichik guruhlar o'zlariga vazifalarni bajargandan keyin, olingan natijalarni ular belgilagan vakil tomonidan barcha guruhlar a'zolari oldiga taqdimot qiladilar;
9. kichik ma'ruzalar – interaktiv mashg'ulot mavzusi bo'yicha o'quvchilarga nazariy ma'lumotlarni yetkazish maqsadida o'qituvchi, ma'ruzachi yoki o'quvchi tomonidan o'tkaziladi;
10. muhokamalar o'tkazish – dars mavzusiga doir masalalar yuzasidan hamkorlikda fikr yuritish va xulosalar chiqarishga yo'naltirilgan interaktiv mashqlardan iborat.
11. xulosalar va vazifalarni belgilash - mashg'ulot davomidagi xulosalarni jamlash va umumlashtirish hamda o'quvchilar uchun navbatdagi vazifalarni belgilab berishdan iborat;
12. mashg'ulotni yakunlash - mashg'ulotdan qoniqqanlik darajasini har bir o'quvchi tomonidan baholash har turli interaktiv shakllarda tashkil etiladi.

Interaktiv mashg'ulotning asosiy usullari: interaktiv seminar, ma'ruza, aqliy hujum, ishchanlik o'yini, rolli o'yin, muhokama, bahs, munozara, tanqidiy fikrlash, zanjir, sinkveyn, suratli diktant, chigilyozdi, muzyorar va boshqalar.

Interaktiv mashg'ulotlarning hammasida ham o'qituvchi va o'quvchi faoliyati o'rtasidagi hamkorlik, o'quvchining ta'lim jarayonidagi faol harakati nazarda tutiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar (T. G'afforova. Toshkent-2012)
2. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish (J.Yo'ldoshev, S.Usmonov. Toshkent – 2008).



**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ
БОШҚАРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

Холлоқова М., Фарғона ВПКҚТМОИ

Инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда,

жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчининг фаолияти ва унинг педагогик маҳорати муҳим ўрин тутди. Чунки, ўқитувчи таълим соҳасига фидойилик билан ёш авлодга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этади. Уларнинг маҳоратини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, ўқитувчи ўзининг ижодкорлик хусусияти, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий фаолияти, компьютер технологиялари, оммавий ахборот воситалари, интернет тизими фаолиятини таълим жараёнида намоён этиш билан бирга жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этади. Шу жиҳатдан ҳам бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тарбиявий жараёнга тайёрлаш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларининг ахлоқий билимларини ривожлантиришнинг асосини ташкил этади. Албатта бунда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тарбия жараёнини бошқаришга тайёрлаш муҳим ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарбия мазмуни масалалари ва тарбия жараёнини бошқариш бир-бири билан узвий боғлиқдир. Тарбия жараёнини бошқариш – бу бевосита натижаларга эришиш учун лозим бўлган дастур ҳисобланади.

Тарбия мазмуни – бу режалаштирилган тарбиявий ишлар фаолиятини тўлдиради. Тарбия жараёнини бошқариш-бу белгилаш, аниқлаш, жиҳозлаш кабилар бўлиб, аниқ мақсадга қаратилган натижага эришишни кўзда тутди. Шу жиҳатдан ҳам аниқ мақсадга эришиш режасини тузиш, инсонни тушуниш орқали унинг фаолият мазмунини аниқлаш лозим.

Тарбия жараёни – бу инсон фаолият мазмунини ўраб турган халқа. У кутилган натижага эришишни таъминлайди. Тарбия жараёнида ўқувчи фикр қилиш, мунозара қилиш, ташкил этиш каби хусусиятларни ўрганади. Шунинг учун ҳам бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида педагогик жамоа ишларининг умумий йўналишлари ва аниқ тарбия натижаларига қаратилган мақсадини доимий равишда назорат қилиш, тарбиявий воситаларидан максимал даражада фойдаланиш, уларни амалиётга тадбиқ этиш каби билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ўз фаолиятида тарбиявий жараённинг тактикаси, таълим жараёнининг болаларга маънавий таъсири, ўқув машғулотлари жараёнида болаларда дунёга бўлган муносабатларни шакллантириш, боланинг индивидуал тарбияси, гуруҳда боланинг ҳолати, шахс сифатида ривожланиш жараёни, уларнинг қобилиятлари, боланинг индивидуал муаммоларини ҳал этиш ва қўллаб қувватлаш кабиларни амалиётда қўллашлари уларнинг педагогик маҳоратини оширади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари умуммактаб тарбиявий тизимини индивидуал тарзда шахсга таъсир этишни амалга оширишда ижтимоий, оилавий, мактаб муҳитларини ўрганиш ўқувчиларга ҳаётдаги индивидуал муаммоларни ҳал этишда педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни фикрлашга ўргатиш, маънавий ривожланишини диагностика қилиш кабиларни бажаришлари тарбия мазмунини янада тўлдиради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари дарс орқали ўқувчини замонавий фанга, ҳаётга, маданиятга олиб қиради.

Тарбия жараёни мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий ахлоқий негизлари асосида амалга оширилади. Булар: -маънавий ва умум-инсоний қадриятларга садоқат; -халқимизнинг маънавий меросини мустақ-камлаш ва ривожлантириш; -инсоннинг ўз имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш уларни жамиятда намоён қилиш; - ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кабилардир. Шунингдек тарбия жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия ҳақидаги меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Тарбия бу ўқитувчилар, таълим ходимлари фаолиятининг йўналиши ҳисобланади. Тарбия тузилмасида тарбия мақсади, тарбиянинг объект ва субъектлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, қонуниятлари, мазмуни, тамойиллари, шакл ва методлари, тарбиянинг воситалари, тарбия натижаларини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш кабилар ўрин эгаллаган.

Тарбия мақсади – тарбия жараёнининг тузилиш тизимининг муҳим элементи

хисобланади. Тарбия мақсади тарбия жараёнининг бошланғич ҳолатига хизмат қилиш билан бирга шахснинг сифатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети. Тарбия мақсади баркамол авлод шахсини ривожлантиришга қаратилган.

Тарбия мақсадини белгилашда тарбия вазифалари, тарбия мазмуни, тарбия воситалари, шакл ва методларини тайёрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш кабиларни амалга ошириш муҳим хисобланади. Тарбиячи ва тарбияла-нувчининг педагогик ҳамкорликдаги мулоқоти, ички дунё, онг ва хис туйғу-лар орқали амалга оширилади.

Педагогик ҳамкорлик жараёнида туфайли шахс ривожланади. Шахс ва жамоанинг кизиқишлари, уларнинг талаблари, интилишлари, иштиёқи комилликка қадам қўяди. Умуман тарбия мақсадининг асоси юксак ахлоқий, ҳар томонлама ривожланган ватанпарвар шахсни шакллантиришга қаратилган. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари бола шахсининг хусусиятларини амалга оширишда тарбия жараёнини бошқариш муҳим ўрин тутаети.



O‘QUV TARBIYA JARAYONIDA BOSHLANG‘ICH SINIF OQUVCHILARINING MANTIQUIY VA IJODIY FIKRLASH KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH

**Xolmuhamedova M., Toshkent shahar Chilonzor tumani
114-maktabning boshlang‘ich sinf oqituvchisi,
Toshmammedova D.Z. Toshkent shahar XTB**

Har bir o‘qitish tizimining shakllari, uslublari davr talablariga mos ravishda o‘zgartirilishi shart. O‘qitishning bu qonuniyati barcha ta‘lim sohasiga tegishli. O‘quv-tarbiya jarayonida o‘quvchilarning mantiqiy va ijodiy fikrlash ko‘nikmalarini shakllantirishning mohiyati nimada?

Biz xohlagan bir ma‘lumotni erkin jihatdan idrok qilamiz, mantiqiy fikrlaymiz, shart-sharoitlarni hisobga olgan holda tahlil qilamiz, taqqoslaymiz, mos kelganini qo‘llaymiz. Biz o‘zimiz tavsiya etayotgan ma‘lumotlarimizga ham erkin jihatdan yondoshamiz, chunki bizning hatti-harakatlarimiz doimo nazoratda bo‘lishi kerak. Lekin bunda fikrimizga qarshi fikrlarni, g‘oyalarni tanqid qilmaymiz, chunki har kim o‘zicha fikr bildirishga haqlidir. Bolalarimizni ham shunga o‘rgatamiz.

Demak, “erkin mantiqiy va ijodiy fikrlash” tushunchasi aniq bir g‘oyalarni qabul qilib, uning nimaga tegishli ekanligini tadqiq qilish, ularni boshqa fikrlarga qarshi qo‘ya olish, taqqoslay olish, ularga ishonch bilan qarash kabi tushunchalar yig‘indisidir.

Boshlang‘ich maktabning asosiy vazifasi – o‘quvchilarni mustaqil izlanishga, bilimlarni o‘zlari topishga, mantiqiy va ijodiy fikrlashlarini rivojlantirishga yo‘naltirilganligidir.

O‘zlashtirilgan mavzuni tayyor shaklda emas, balki asosiy tushunchalarni har tomonlama tadqiq qilish orqali mavzuni o‘zlashtirish o‘quvchilar dunyoqarashini o‘stiradi, muammoli vaziyatlarni hal qilish yo‘llarini topishga o‘rgatadi. O‘qitishning “Taxmin qilish”, “Venn diagrammasi”, “Muallif o‘rindig‘i”, “Sinkveyn”, “Klaster”, “Aqliyhujum”, “6x6” usullari o‘quvchilarni mantiqiy va ijodiy fikrlashlarida, o‘tiladigan mavzuning mazmunini maqsadli yoritishda yaxshi natija berishi shubhasiz.

Masalan, o‘qish darslarida Mirtemirning “Tut” she‘rini o‘tar ekanmiz, ularga tutning foydasi, turlari, qanday parvarishlash, tabiatdagi ahamiyatini o‘rgatishda yuqoridagi “Taxmin qilish”, “Sinkveyn”, “Klaster” usullaridan samarali foydalanib o‘tish mumkin.

Faqat o‘quvchilarga savolni aniq berish lozim. Tarbiyaviy soat darslarida o‘quvchilar bilan o‘yinlar, ekskursiya darslari orqali ular orasidagi ahillik, ijodiy izlanishni rivojlantirish, mantiqiy fikrlashga o‘rgatib boriladi. O‘yinlardan pantamimo, predmetlar bilan o‘ynash, sahna korinishlaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Masalan, “Qo‘lma-qo‘l” o‘yini orqali o‘quvchilarda mantiqiy fikrlash, chaqqonlik, ahillik kabilar rivojlantiriladi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining mantiqiy va ijodiy fikrlashlarini shakllantirishda

o'qituvchining ro'li yo'naltiruvchi sifatida o'quvchilar bilan birga ishlash, ularga ishonch bildirib o'z fikrini, o'z so'zini aytishga imkon beradi.

O'qituvchi bola maktabga kelgan kundan boshlab unga harf o'rgatish, o'qish qobiliyatlarini o'stirish ko'nikmalarini singdiradi. Ona tili darslarida o'quvchilarning fikrlash qobiliyatlari, mantiqiy tafakkurini faollashtirib boradi. Unga muammoli vaziyatlarni vujudga keltirish, ijodiy, saylanma diktant, bayon, kichik hikoyalar yozdirish orqali erishadi. Alifbe darslaridayoq ularga mustaqil fikrlash uchun vazifalar beradi. Masalan: so'zlarni bo'g'inlarga ajratish, bo'g'inlardan so'zlar tuzish, rasmlarga qarab kichik hikoyalar tuzish yaxshi samara beradi. Bundantashqaritarqatmamateriallar, eshittirishlar, kinofilmlar ham bolalarda ijodiy va mantiqiy fikrlashni rivojlantiradi. O'qish, mehnat, matematika darslarida ularga beriladigan mustaqil ishlar, ijodiy ishlar vaqtida bolalar o'zlariniko'rsataoladilar.

“Tarbiyachi” – degan edi K.Ushinskiy, -o'z shogirdining mustaqil ishlariga ko'proq imkoniyat yaratib bermog'i lozim, o'quvchini tayyor xulosalar bilan qurollantirishdan ko'ra, uning o'ziga to'g'ri xulosa izlashni o'rgatmog'I ma'quldir.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ДАВРИДА БОЛА ШАХСИНING УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Холқўзиева Д.,Эркабоева С.,Кўкон ДПИ ўқитувчилари

Давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат таълим соҳаси устувор соҳа бўлиб келаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2014 йилни “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинганлиги ҳам бундан далолат бера олади. “Соғлом авлод йили” давлат дастурида бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари ҳам белгиланган бўлиб, жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларининг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Бу мақсадга топшириқлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан эмас, балки таълим усул ва шакллари, таълим мазмунини танлаш йўлларини такомиллаштириш орқали эришиш зарур. Бунда эса, албатта, бугунги кундаги ўзгаришлар ва боланинг ривожланиш ёш хусусиятлари назарда тутилмоғи керак.

Ривожланиш соҳасидаги изланишлар шундан далолат берадики, бола ҳаётининг дастлабки тўққиз йили ўсиш даврининг муайян давомийлигида ўтади, бу умумий ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган босқичдир. Бу босқичлар ривожланишнинг ҳар бир соҳасидаги ўзгаришлар билан ажралиб туради: жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва когнитив. Болалар ўсишининг ўзига хослиги тўғрисидаги билимлар ўқитувчиларга таълим муҳитини яратишда ва фаолиятнинг мувофиқ турларини режалаштиришда таянч бўлиб хизмат қилади.

Ривожланиш хусусиятларига мос келиш усуллари муваффақиятли қўллаш учун ўқитувчилар меъёрадаги ривожланишнинг бориши тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари керак. Бунда ўқитувчилар шуни ёдда тутишлари лозимки, болалар ривожланишнинг бир хил босқичини босиб ўтишларига қарамасдан, уларда бу жараён бир вақтнинг ўзиде кечмайди. Бир хил ёшдаги болаларда ўзига хос индивидуал фарқлар бўлиши муқаррар. Агар болалар билан дарс машғулотлари ривожланиш даражасини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилса, барча ҳаракатлар натижасиз тугайди, болаларни зўриқтиришдан нарига ўтолмаймиз.

Таълим бериш жараёнида болаларнинг ҳар бир саъй-ҳаракатига мувофиқ, унинг муваффақиятга эришиши учун имкониятларини ҳисобга олиш лозим. Демак, дарс машғулотларини ўта оддий тарзда ўтказмаслик лозим: улар ҳар бир бола ривожланишининг аниқ жорий даври мураккаблиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда, илгариларча хусусиятга эга бўлиши зарур. Шу сабабдан, бошланғич синф ўқитувчисидан дидактик шароитларни яратиш йўллари (педагогик технологияларни) билиш ва уларни самарали қўллаш

кўникмасига эга бўлиш талаб қилинади.

Интерфаол таълим технологияси, лойиҳавий таълим технологиялари қўлланилиши ҳар бир ўқувчига ташаббус кўрсатиш, мустақил фаолият олиб бориш ва ижод қилишга имконият берувчи педагогик вазиятларни яратишга шароит яратади. Ҳайвонли таълим технологиялари, жумладан, рақобат, беллашувга асосланган ўқув машғулоти ўқувчилар билиш фаолиятини интенсификациясига ятади. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ҳар бир ўқувчида синф ҳаётига қизиқиш уйғотиш, дарсда муваффақият вазиятини яратиш, ўқишга бўлган мотивациясини оширишни таъминлайди.

Муаммоли таълим технологияларини қўллаш орқали бошланғич синф ўқувчиларини атрофдаги оламни мустақил ўрганиш, ахборот манбалари билан мустақил ишлашга ўргатиш орқали таълимни фаол бўлишига эришилади. Шунда ўқувчиларда таълимга бўлган мотивация кучайиб боради, уларда мустақил тафаккур, ижодкорлик, ташаббускорлик ривожланади.

Ҳар бир бола ўз ички имкониятлари ва ўзини ўраб турган атроф-муҳит таъсирида ўзича улғайиб боради ва ривожланади. Унинг ўзига хос мижози, қабул қилиш усули ва ўз оиласи бор. Бу индивидуал фарқлар болалар ва катталарнинг ўзаро муносабатларида ҳисобга олиниши керак. Бола унинг шахсий фикрлари ва материаллар, ғоялар ва одамлар билан тажрибалари ўзаро таъсир этиши натижасида таълим олади. Бу тажриба унинг ёш хусусиятлари ва ички имкониятларига мос бўлиши лозим ва шу билан бир вақтда унинг қизиқишлари ва тушунчаларини фаоллаштириши керак.

Бошланғич таълим даврида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Ўқиб-ўрганиш боланинг вазифаси, ижтимоий бурчи бўлиб қолади. Ўқиш жараёнида у дарсликларини ва ўқув қуролларини саранжом сақлаш, ўз вақтида ўрнидан туриш, мактабга белгиланган вақтда бориш, уйга берилган вазифаларни бажариш юзасидан кўникмаларни ўзлаштиради. Ўқувчи тобора масъулиятли бўлиб боради. Билимлар боланинг савиясини ўстиради, ақлий ривожланишини таъминлайди, сезгилари ва иродасининг ўсишига таъсир кўрсатади.

Бироқ, бу даврда ҳам боланинг диққати ҳали беқарор бўлади. Бошланғич синфда ўқувчи хотирасида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Ўқувчи биринчи синфдан бошлаб, таълим жараёнида ўқув материалининг кўп қисмини ихтиёрий равишда эслаб қолади. Шу билан бирга, ўз-ўзини доимо назорат қилиб боради. Бунинг натижасида ўқувчининг хотираси такомиллашади, тафаккури ўсади. 7-8 ёшли болаларда ҳам тафаккур ҳали конкрет характерда бўлади. Улар ўзлари идрок этган ёки тасаввур қилган нарсалар ҳақидагина фикр юритадилар. Уларда мантикий тафаккурнинг дастлабки кўринишлари шакллана бошлади. Учинчи ва тўртинчи синфларда ўқувчилар илмий билимларга оид айрим тушунчаларни ҳам ўзлаштириб оладилар. Бу даврда ўқувчиларнинг руҳиятида ҳиссий кечинмалар юз беради. Бошланғич синф ўқувчиларида бирор фанга, дарсга нисбатан қизиқиш юзага келади. Улар таълим олишнинг бурч эканлигини англаб етадилар. Дарс вақтида ўқувчи фаолиятига қўйилган юқори баҳо ўқувчиларда руҳий тетиклик, шодлик, ифтихор каби ҳиссий кечинмаларни туғдиради.

Ёмон баҳо олганда эса ўзидан норози бўлиш, пушаймон қилиш каби салбий кечинмалар содир бўлади. Айрим ўқувчилар яхши ўқишни истайдилар, аммо айримлар ёмон баҳо туфайли ўзларига ишонмай қоладилар, умидсизлик ва тушкунликка тушадилар. Бу эса ўқитувчидан хушёрликни талаб қилади. Бунинг учун таълим жараёнида ўқитувчи:

- ҳар бир ўқувчига ташаббус кўрсатиш, мустақил фаолият олиб бориш ва ижод қилишга имконият берувчи педагогик вазиятларни яратиш;
- ўқувчилар билиш фаолиятини интенсификациясига ятади;
- ҳар бир ўқувчида синф ҳаётига қизиқиш уйғотиш, дарсда муваффақият вазиятини яратиш, ўқишга бўлган мотивациясини ошириш;
- ўқувчиларни атрофдаги оламни мустақил ўрганиш, ахборот манбалари билан мустақил ишлашга ўргатиш орқали таълимни фаол бўлишига эриштириш;
- ўқувчиларни ўз фикрини баён этиш, топшириқларни ҳар хил йўللار билан бажаришга

ундаши керак.

Бошланғич синф ўқувчилари жисмонан нисбатан текис ўсадилар, ўғил ва қиз болалар ташқи кўринишидан бир-бирларидан кам фарқланадилар. Жисмоний ўсишга хос бу хусусиятлар ўқитувчидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг бўйлари ўртача 120 см, оғирликлари 22 кг атрофида бўлади. Суякларида тоғайлик устун, найсимон илик суяклари, асосан энига ўсади, бўғинлар, кўкрак қафаси, умуртқа поғанаси ва тос суяклар яхши қотмагани туфайли тез шикастланади. Бу даврда ўқувчиларнинг мускул пайлари ва бўғинлар тез ўсиши туфайли улар серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади, 12 ёшда миянинг оғирлиги катталарники билан тенглашса-да, тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Юрак, қон айланиш тизими ва нафас органлари ўсишда давом этади. Ўпка яхши ривожланган бўлса-да, бироқ, нафас йўли ва диафрагма бўш ривожланган бу ёшда ўқувчилар узоқ вақт ҳаракатсиз турсалар нафас олишлари қийинлашиб, организмнинг кислород билан таъминланиши ёмонлашади. Бошланғич синф ўқувчиларининг юраги ўзидан катталарникига нисбатан икки марта кўп қон чиқариб, юрак уруши бир дақиқада 90-92 мартани ташкил этади. Қон таркибида оқ қон таначалари кўп, бу эса уларни асабийлашишдан сақлаш, кўпроқ ҳаракат қилиш, очиқ ҳавода бўлиш, етарлича ухлаш ва дам олиш, стул (парта)да тўғри ўтиришлари, ўринда текис ётишлари кераклигини англатади.

Ҳақиқатдан ҳам, ўқувчиларни фаоллаштирувчи, уларнинг диққатини турғун бўлишини таъминловчи, ижодий характерга эга бўлган вазифани ишлаб чиқиш осон фаолият эмас. Бу ўқитувчининг ўзидан ижодкорликни, бола ҳақидаги чуқур педагогик, психологик билимларга эга бўлишни талаб қилади. Вазифа ҳар томонлама макбул, яъни, ўқувчилар кизиқиши, эҳтиёжи, ёш хусусиятларини ҳисобга олган, шу билан биргаликда, таълим мақсадига мос бўлиши шарт.



BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINI SO‘Z VA UNING MA‘NOLARINI FARQLASHGA O‘RGATISH

Xursanaliyeva D., TDPU talabasi

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining lug‘at zahirasini boyitib, orttirib borish, ularda tovush madaniyatini, nutqining obrazli va grammatik tomonlarini takomillashtirib borishiga imkon yaratishi zarur. Dars jarayonida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini savol berish, o‘z fikrini aytish, xulosa chiqarish, yuzaga keladigan muammolarni muhokama qilishga undashi lozim. Ayniqsa, bolaning boshqa bolalar bilan muloqoti jarayonida dialogik nutqqa (ma‘lumot, fikr almashish, individual va hamkorlikdagi faoliyatni rejalashtirish, voqea-hodisalarni muhokama qilish, umumiy ishlar va h.k.) alohida e‘tibor qaratish talab etiladi.

Nutq va tovushni mashqlantiruvchi o‘yinlarda tilning fikriy sezgirligi muvaffaqiyatli rivojlantiriladi, nutqni eshitish, tovush va so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilish shakllanadi. Ayniqsa, badiiy adabiyotlarni o‘qish madaniyatini bilan o‘stirish orqali o‘quvchilarini badiiy asarlarni tinglashga o‘rgatish, ularning mazmunini muhokama etish juda muhim ahamiyatga ega. Bunda bolaning faol tinglash, tushunish va matnni so‘zlab berish qobiliyati shakllantiriladi. Nutq va til madaniyati asoslarini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish orqali kattalar bolalarda o‘qish va yozishni egallash uchun zamin yaratadilar. Nutqda so‘zlar bir ma'noli (urg‘u, kelishik, kitob) va ko‘p ma'noli bo‘lishi mumkin (ko‘z, ot). Faqatgina birgina ma'noni anglatuvchi so‘zlar bir ma'noli so‘zlar deyiladi. Bir necha ma'noni anglatuvchi so‘zlar esa ko‘p ma'noli so‘zlar deyiladi.

Ko‘p ma'noli so‘zlar, o‘z asl ma'nosidan tashqari ko‘chma ma'noda ham ishlatiladi: “ko‘z” so‘zi - ko‘p ma'noli. Bu so‘z “Ko‘zing og‘risa - qo‘lingni tiy, qorning og‘risa - nafsingni tiy”, gapida asl ma'nosida qo‘llangan; uzukning ko‘zi, buloqning ko‘zi, derazaning ko‘zi kabi so‘z

birikmalarida esa ko'chma ma'noda ishlatiladi. So'zning qanday ma'noda ishlatilganligi so'z birikmasi va gapda bilinadi.

So'z va uning ma'nolari ustida olib boriladigan darslar o'yin tarzida tashkil etilsa, o'quvchilarning bu topshiriqni bajarishga bo'lgan qiziqish darajasi behad yuqori bo'ladi hamda o'quvchilar o'rganilayotgan til hodisalarini o'zlashtirishi yengillashadi. Shu bilan birga, o'yin o'quvchilar tabiatiga mos keladigan eng samarali usuldir, chunki o'yinni sevmaydigan bola yo'q. Masalan, o'quvchilarda bir ma'noli va ko'p ma'noli so'zlarni o'zlashtirib olish uchun "Bittami yo ko'pmi?" o'yini qo'l keladi. Bu o'yin quyidagicha o'tkaziladi: Masalan, o'qituvchi bir, kitob, ot, ko'z, hayvon, quloq, o't, ko'k, daftar, oyoq, paypoq, omon, yaxshi, qo'y kabi so'zlarni o'qib eshittiradi. O'quvchilar esa o'z daftarlariga bir ma'noli so'zlarni alohida, ko'p ma'noli so'zlarni alohida ustunga yozib boradilar. Topshiriqni tez va to'g'ri bajargan o'quvchi o'yinda g'olib bo'ladi va rag'batlantiriladi.

"Chandishlar" ham keng tarqalgan so'z ma'nosi o'yinlaridan bo'lib, so'zda laqillatish, chandib olish hisobiga "g'afolatdagi" harfni hushyor torttirish, shu asosda so'zga, so'z ma'nosiga, ohangiga mos hozirjavoblik maqsadini ko'zlaydi. Chandishlar dialog tarzida bo'lib, ikki o'quvchi ijrosida namoyon bo'ladi. Ular o'ziga xos ilmoqdor va serjilo so'z musobaqasi hisoblanib, bolalarning so'zda bir-birlarini tutishi, chandishi asosida yuzaga keladi. Chandishlar bolalarga so'zning xilma-xil ohang va ma'no tovlanishlarini kashf etishga, o'zlashtirishga yo'l ochadi.

Masalan:

- | | |
|--------------------------|-------------------------------|
| – Karim qayoqqa ketdi? | – Tulki sovun yeydimi? |
| – Ola tayoqqa ketdi. | – Tulki tovuq yeydi. |
| – Salim qayoqqa ketdi? | – Balli. |
| – Qizil bo'yoqqa ketdi. | – Bulbul cho'lda sayraydimi ? |
| – Kakku ko'kka uchdimi ? | – Bulbul bog'da sayraydi. |
| – Kakku ko'kka uchadi. | – Burgut suvda suzadimi ? |
| – Baqa ko'kka uchdimi ? | – Burgut tog'da yayraydi. |
| – Baqa ko'lga uchadi. | – Balli. |
| – Balli. | |
| – Ilon uzum yeydimi ? | |
| – Ilon uzum yeydi. | |
| – Bo'ri uzum yeydimi ? | |
| – Bo'ri qo'zi yeydi. | – E,e... Ahmoq shunday deydi. |

O'yin shu yerda to'xtaydi. Bunday chandishlarni istagancha cho'zish mumkin, ularda chandish marrasi birinchi adashuvgachadir.

"Ilon uzum yeydi" javobi ana shunday adashuv marrasi bo'lib, "Ahmoq shunday deydi" - chandishning o'zidir.

Savol mantiqsiz beriladi, lekin javob beruvchi sezgir bola savolga javob berishda mantiqsizlikni tuzatadi.

Bolalar hayot haqiqatini to'g'ri idrok etolsalar, o'sha haqiqatning chinligiga ishonsalar, tovushlar aldashga undasa ham, yanglishmay o'sha mantiqsizlikni tuzatib, ilgakni oson va to'g'ri yechib beradilar, chandishga uchramaydilar.

Demak, bu o'yinlarning so'z ma'nosini farqlashni o'rgatish bilan birga bolani hayotga ham tayyorlab borishda ahamiyati beqiyos.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining so'z va nutq madaniyatini to'g'ri yo'lga qo'yish ularning aqliy va bilish faoliyatini rivojlantirish, iqtidori va qobiliyatlarini namoyish qilish, mantiqiy fikrlashini teranlashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi



**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Хурвалиева Т.Л., Тошкент вилояти ПКҚТМОИ доценти

Бугунги янгиланган таълимда ўқувчи қалбидаги чўғни аланга олдириш, уни ҳар томонлама ривожлантириб, мустақил фикрлай оладиган, турли вазиятларга нисбатан ўз фикрини билдира оладиган шахсни тарбиялаш учун замонавий таълимни ташкил этиш тақозо этилади.

Шу аснода Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаган қуйидаги фикрларига тўхталишни жоиз деб топдик, *“Соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбиянинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим. Болани жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр - бу бошланғич синф давридир. Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич таълимнинг сифатини ошириши, илгор педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак”*.

Дарҳақиқат, узлуксиз таълимнинг асосий бўғини бўлган бошланғич таълим тизимида фаолият юритаётган педагоглар олдига ўқувчилар учун жуда қизиқарли бўлган ва уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондира оладиган даражада таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш вазифалари қўйилади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда замонавий педагог ўзига хос маҳоратга эга бўлиши зарур. Яъни, ўқув жараёнининг барча шакллари энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириши, ўқувчиларда дунёқараш ва қобилиятни шакллантириши, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотиши лозим. Ўқитувчида педагогик маҳорат асослари қуйидагича шаклланиб боради:

- касбий педагогик билимлар;
- инсонпарварликка йўналганлик;
- педагогик техника ва инноватика;
- касбий педагогик фаолиятни амалга оширишда замонавий таълим тажрибасини қўллаш.

Замонавий таълим технологиялари шундай билимлар соҳасики, улар воситасида ўқитувчи фаолияти янгиланади, ўқувчиларда ҳурфикрлик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Замонавий таълимда амалга оширилаётган шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хослиги шундаки, бу жараёнда ўқувчининг индивидуаллигини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳар бир имкониятларини намоён этишига ёрдам кўрсатиш, унга фаолиятда муваффақиятга эришиш ёки ўзи истаган фаолиятни танлаш ҳуқуқини бериш, ижодий қобилиятни ривожлантириш имкониятларини яратиш, ўзаро муносабатларда демократик услубга риоя этиш талаб қилинади.

Бошланғич таълимда ҳар қандай таълим технологияларини амалиётга татбиқ этишда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқдир:

- инсонпарварлик - таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчининг индивидуал ривожланишини таъминлаш ҳамда шахсни шакллантириш;

- атроф-муҳитни борлигича қабул қилиш - таълим мазмуни ва мавжуд борлиқнинг узвий боғлиқлиги, дунё манзарасини тасаввур қила олиш ва яратиш, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги турли боғланишларни ўрната олиш, шунингдек, ҳар бир нарсага турлича қарашлар билан ёндашиш;

- ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш-ўсиб келаётган ёш авлодни соғлиги ва руҳиятини ҳимоялашга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш;

- ўқувчининг ўзига хос сифатлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш-таълим жараёнида ўқувчининг фаоллиги, мустақиллиги, ташаббускорлигини қўллаш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчининг фаолият турларини қизиқиши ва йўналишига қараб ташкил қилиш;

- қулайлик - таълим жараёнида субъект-субъект муносабатига асосланиш, ўқувчига ўз

фаолиятини ўзи танлашига шароит яратиш, ўз фикрини айта олишида турли хил шакллардан фойдаланишига имкон бериш;

- педагогик қўллаб қувватлаш - ушбу тамойилнинг асосий мезонлари ўқувчининг эмоционал зўриқишини олиб ташлаш, унинг ўз фаолияти ва натижаларидан қониқишини қўллаб-қувватлаш, ўқувчи билан ҳамкорликда қийин вазиятларни ҳал этишда самарали усул ва йўлларни қўллай олиш;

- педагогик ва ижодий ҳамкорлик - таълим жараёнида ўқувчиларни жисмонан, руҳан соғлигини муҳофазалашда педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг ўзаро ҳаракатларини амалга ошириш.

Юқорида келтирилган тамойиллар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда шахсий фикрга эга бўлиш, бошқаларга тобе бўлмаслик, масъулиятни ўз зиммасига олишни билиш ёки уддасидан чиқиш, айниқса, ўзгаларни тинглашни билиш ва ички “МЕН”ига эга бўлиш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантиришда ТРИЗ технологиясидан фойдаланиш ҳам самарали натижа беради. ТРИЗ технологияси 1946 йилда Генрих Саулович Альтшуллер томонидан яратилган бўлиб, бунда ўқувчиларда ихтирочилик қобилияти ривожлантирилади. ТРИЗ технологиясининг асосий моҳияти шундаки, муаммони ечишда турли хил қарама-қаршиликлар, зиддиятли тушунчалардан фойдаланиш имконияти яратилади. Бу технологиянинг асосий вазифаси таълим олувчиларда:

- ✓ ижодий тасаввурни ривожлантириш;
- ✓ ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантириш;
- ✓ тизимлиликни амалга ошириш;
- ✓ диалектик (ўзини ривожлантириш, ҳаракатчанлик қобилияти);
- ✓ бир қолипдан чиқиш;
- ✓ ижодий интуицияга эга бўлиш;
- ✓ нутқни ривожлантириш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий таълим технологиясидан фойдаланиш орқали таълим сифати кафолатланади, таълим жараёнида ижодий муҳит яратилади, шунингдек, ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда берилмайди, балки билимларни манбалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда тура олишга ўргатилади.



МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АКТДАН ФОЙДАЛАНИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ

Хуррамов Б., Саттаров С., Сурхондарё ВПКҚТМОИ

Бизга маълумки малака ошириш курсларида “Ахборот технологиялари ва улардан фойдаланиш” ўқув блокларининг ўқитилишида кўпроқ компьютер ва унинг қурилмалардан фойдаланиш кўзда тутилади. Аммо фаннинг ўқити-лишида янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда дарсларни олиб бориш юзасидан манбалар етарли даражада эмас. Баъзи бир муҳим назарий тушунчаларни ўқитувчиларга етказишда, амалий машғулотларнинг ўзида тўлиқ очиш имкони мавжуд бўлавермайди. Интернет, электрон почта хизматини кундалик ҳаётимизда кўплаб учратсакда, уларнинг ўзимизга керакли имкониятдангина фойдаланиш кўникмаси билан чекланамиз. Булар тўғрисидаги назарий тушунчаларни четда қолдирамиз. Масалан, maktab_7@inbox.uz–ушбу почта хизматининг умумий кўриши изоҳини берилиши. Бошланғич таълим ўқитувчиларининг АКТ компетентлигини оширишда инновацион технологияларни қўллаш самарали натижаларга олиб келади. Биз бугунги кунда долзарб бўлган, кундалик ҳаётимизда кўплаб фойдаланишга тўғри келадиган “Интернет, электрон почта ва ахборот хавфсизлиги асослари” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўқитилишини кўриб чиқамиз.

Мавзуга мос ҳолда тузилган “Бумеранг” технологиясининг схемасиқуйидагича

1. Мавзунинг асосий тушунчаларини берган ҳолда, тартиб асосида бир неча вариантда тарқатмалар тайёрлаб олинади. Бу вариантлар бўладиган гуруҳ сонига қараб тайёрланади. Масалан: 30 нафар ўқитувчини 5 нафардан 6 – гуруҳга ажратилади. Шунга асосан 6 та вариант тайёрланади.

2. Тайёрланган ҳар бир вариантнинг нусхаси тингловчи сонига қараб кўпайтирилади. Масалан 1-гуруҳда 5 нафар тингловчи бўлса, олдиндан 1,2,3,4,5,6 вариантлар нусхаси 5 тадан тайёрланган бўлиш керак.

3. Дарс жараёнини олиб борилиши бўйича тушунчалар ўқитувчиларга берилади. Яъни, ҳар бир вариантни ўқиб чиқиш учун 3-дақиқадан(вақтни ўзимиз белгиланган тартибда ўзгартириш ҳам мумкин) вақт берилиши, вақт бошлангандан қўнғироқча чалиниши, вақт тугагандан яна чалиниши, берилган вариантлар йиғилиб стол четига қўйилиши, вариантларни тартиб асосида алмаштирилиб улар билан танишишга вақт берилиши ва ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларни диққат билан тинглаши.

4. Биринчи гуруҳга 1-вариантдан тингловчи сонига қараб ҳар бирига бир нусхадан берилади ва қолган гуруҳларга ҳам ўз вариантлари ўқитувчилар сонига қараб тарқатилади.

5. Вариантлар билан танишишга чегараланган вақт берилиб қўнғироқча чалинади ва вақт тугаши билан қўнғироқча чалиниб, берилган вариант тарқатмалари стол четига қўйиш талаб этилади.

6. Вариантлар тартиб асосида гуруҳларга тарқатилиб, соат стрелкаси бўйича вариантлар билан гуруҳ аъзолари навбатма-навбат тўлиқ танишиб чиқади.

7. Ҳар бир гуруҳ ҳар бир вариант билан танишиб чиқиб ўзоро фикр алмашишади.

8. Олтига гуруҳга биринчи берилган вариантлари ўзларига қайтиб келгандан сўнг танишиш жараёнини тўхтатилади ва ҳар бир гуруҳда ўз вариантлари қолади.

9. Доскага ҳар бир гуруҳни баҳолаш жадвали тайёрланиб олинади.

	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ	5-гуруҳ	6-гуруҳ
Тўлиқ жавоб	10					
Қўшимча жавоб	5					
Луқма ташлаш	3					
Жами тўпланган балл	18					

10. Тўлиқ жавоб учун 10 балл, қўшимча жавоб учун 5 балл, Луқма ташлаган учун 3 балл.

11. Ўқитувчи тарқатма материаллар асосида 10-15-савол тўплаб тингловчиларга беради. Саволга ҳар бир гуруҳ фикрлашиб бир киши қўл кўтарган ҳолда жавоб берилади.(Савол-жавоб методи)

12. Ҳар бир гуруҳ ўз вариантларидан умумий биттадан саволни тайёрлаб ўртага ташлайди. Саволга ҳоҳлаган гуруҳ аъзоси жавоб бериши мумкин. Савол тўлиқ жавоб бўлмаса, берилган жавобга қараб гуруҳлар керакли бални олишади. Савол берган гуруҳ ўзи тўлғазиб 10 бални қўлга киритади.

13. Умумий баллар ҳисобланиб гуруҳларга ўрин берилади ва гуруҳ қатнашчиларининг ҳаракатига қараб баллар қўйилади.

14. Ўқитувчи томонидан мавзу тўлғазилиб, тингловчилар билан ўзоро фикр алмашилиб дарс яқунланади.

Тарқатма вариантлар

1-вариант

Тармоқ тушунчаси

➤ Компьютер тармоқлари - бу ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи қурилмалар мажмуи;

- Локал тармоқ–бир бинода ёки бир-бирига яқин бинода жойлашган компьютерда ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи тармоқ;
- Минтақавий тармоқ – бирор туман, вилоят ёки республика миқёсидаги компьютерларни ўзида мужассамлаган тармоқ;
- Глобал тармоқ – дунёнинг ихтиёрий давлатидаги компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармоқ. Бу тармоқ интернет ҳам деб юритилади.

2-вариант

Инtranет, интернет тармоғи тушунчаси ва унда ишлашни таъминловчи қурилма

- Инtranет – бир ёки бир неча сервердан ташкил топган тармоқ мижози ундаги маълумотлардан фойдаланиш учун уларнинг қайси серверда, қайси каталогда, қандай ном билан сақланаётганлигини, уларга кириш усулини ва шартларини билиш зарур бўлган тармоқ;
- Интернет – бу минглаб локал ва минтақавий компьютер тармоқларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи бутун дунё компьютер тармоғи; (Биринчи интернет тармоғи 1969 йилда АҚШ мудофа вазирлигининг ARPA Net тармоғи йўлга қўйилди)
- Концентратор (HUB) – компьютерларнинг ўзаро ахборот алмашинувини таъминловчи махсус қурилма;
- Модем – ахборотни компьютердан узатиш кабелига ўтказувчи махсус электрон қурилма. Бу қурилма ёрдамида ахборотлар узатувчи компьютерда рақамли кўринишдан аналог кўринишга айлантиради ва аксинча.
- WWW – “Жаҳон ўргимчак тўри” алоқа тармоғи (қисқача Web) тизимида маълумотлар гиперматнли ҳужжатлар шаклида олинади.

3-вариант

Электрон почта ҳақида тушунча

- Электрон почта-бу қоғоздан фойдаланмаган ҳолда, мижозлар орасида матн, нутқ, тасвир ёки ҳужжатларни узатувчи восита.
- Электрон почта Интернет тармоғи орқали маълумотларни кўрсатилган манзилга юборишни таъминловчи тармоқ мажмуи.
- Электрон почта билан ишлашни таъминловчи браузерлар:(дастурлар) InternetExplorer, NetscapeNavigator, OutlookExpres, TheBat ва ҳақозо.

4-вариант

Электрон почтага кириш

- Компьютер ёқилади;
- «Пуск» менюси очилади;
- «Internet Explorer»браузериюкланади;
- Браузернинг«Адрес»сатригаWWW.inbox.uzёкиWWW.mail.ru, яъниаъзобўлгансайтингизникиритасиз;
- Почта сатрига электрон почта адресингизни киритасиз(Ваш логин:). Масалан: bahodir@inbox.uz;
- Паролингизни киритиб(Ваш парол:), «Войти в почту» тугмачаси танланади. Изоҳ: bahodir@inbox.uz почта адресидаги bahodir– обонент номи
@ - обонент номидан доменни ажратувчи белги (кучукча)
inbox.uz – домен бу қайси электрон почта сайтига тегишли эканлигини белгилайди.

5-вариант

Электрон почтага хат юбориш

- Электрон почта очилади;
- «Написатьписьмо» банди танланади;
- «Кому:» бандига хатингизни юбормоқчи бўлган манзилингиз ёзилади. Масалан: avloniy@xtv.uz;

➤ «Копия:» шу мазмундаги хатингизни яна бирорта манзилга юбормоқчи бўлсангиз, ўша манзилни киритасиз. Бир неча манзил бўлса улар орасига (,) вергул қўйилади. Масалан: surxondaryo-moi@xtv.uz, aziza@rambler.ru;

- «Тема» бандига хат мавзуси киритилади. Масалан: Салом хат;
- Очиқ майдонга хат мазмуни ёзилади;
- «Отправить» -банди танланиб хат кўрсатилган манзилга юборилади.

6-вариант

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш—бу фойдаланувчининг ахборотларни ҳимоялашга қўйилган меъёр ва талабларни бажаришидир;
- Логин—шахснинг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши махфий бўлмаган қайд ёзуви ҳисобланади;
- Парол—унинг эгаси ҳақиқийлигини аниқлаш жараёнида текширув ахборот сифатида ишлатиладиган белгилар кетма-кетлиги;
- Авторизация – фойдаланувчининг ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқлари ва рухсатларини текшириш жараёни;
- Рўйхатдан ўтиш—фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва уларга дастурлар ва маълумотларни ишлатишга ҳуқуқ бериш жараёни.

Ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар

1. Интранет нима?
 2. Интернет тармоғини изоҳланг?
 3. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси хақида фикрингиз?
 4. Вирус нима ва ундан қандай ҳимояланиш мумкин?
 5. Электрон почта нима?
 6. Электрон почта адреси деганда нимани тушунаси?
 7. Электрон почтадаги хатингизни бир неча адресга қандай йўл билан юборасиз?
 8. Электрон почта адресингизни ёзиб «Войти в почту» банди танлангандан сўнг экранда нима хосил бўлади?
 9. Браузернинг адреслар сатрига нима киритилади?
 10. Электрон почта билан ишлашни таъминловчи қандай браузерларни биласиз?
 11. Электрон почтадаги «Написать письмо» банди орқали нима иш бажарилади?
 12. Электрон почтадаги манзилни белгиловчи белги нима деб аталади?
 13. Домен нима?
- Хулоса, АКТ дарсларида ҳам иноовацион технологияларни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга ҳамда тингловчилар ўртасида дўстона ижодий муҳитни ташкил этишга хизмат қилади.



ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ МУСТАҚИЛ МУЛОҚОТ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ

(предметли амалий таълим фани мисолида)

Хўжақулова Н., Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-сонли махсус мактаб-интернат ўқитувчиси

Ҳар бир инсон ўз фарзандини ҳар томонлама тўқис бўлиши ва унинг камолини кўриш орзусида яшайди. Махсус таълим тизимига **“анамал”** (ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган бола), **“нуқсонли”**, **“ақли заиф”** каби атамалар ўрнига **“алоҳида эътиборга**

муҳтож”, “*ақлий ривожланишида муаммолари бўлган*” каби атамалари кириб келиши бундай болаларни ижтимоий ҳаётга мослашувлари ва уйғунлашувлари масалаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди. Кар ва эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг барча соғлом тенгқурлари қатори миллий истиқлол руҳида тарбияланишлари, ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камол топишлари, жамиятдаги ижтимоий ҳаётга мустақил етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари ортида ҳар бир сурдопедагогнинг таълим бериш жараёнидаги машаққатли меҳнатини тасаввур қилиш мумкин.

Кар ва эшитиш имконияти чекланган болалар коммуникатив восита сифатида сўзлашув нутқини ўрганиши ва оғзаки нутқ орқали лабдан ўқиб таълим-тарбия олиш билан бирга соғлом ва эшитадиганлар жамиятида ўз ўрнини топиши учун болани ҳар томонлама ўрганиш, эшитиш идрокини ривожлантириш, оғзаки нутқ (талафуз)ини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, эшитиш нуқсонини коррекциялаш (тўғирлаш) ва компенциялаш (ўрнини босиш) учун техник воситалар яратиш, махсус мактабгача таълим муассасаси, мактаб-интернати, оила ва маҳалла билан ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, инклюзив (*болаларни бир-биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этиш*) таълимга ўтказишни ўз олдига асосий вазифа ва мақсад қилиш билан бирга предметли амалий таълим машғулотлари орқали кундалик маиший тушунча ва тасаввурларини шакллантириб бориш лозим.

Предметли амалий таълим фани мактаб интернатларида коррекцион йўналишда олиб бориладиган дарслардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади амалий фаолият жараёнида ўқувчилар нутқини ўстириш, мулоқот кўникмаларини шакллантириш ва сўзлашишга ўргатишдир.

Предметли амалий таълим дарси шундай ташкил қилиниши керакки, унда ўқувчи дарс жараёнида мулоқот қилишга мажбур бўлсин. Ўқувчининг ўқитувчиси ва ўртоқлари билан бевосита мулоқоти учун табиий шароит яратилиши, нутқий мулоқотга эҳтиёж туғилиши, яъни ўқувчи мурожаат этиши, иш юзасидан ҳисобот бериши, иш жиҳозларига талабнома ёзиш кераклигини онгли равишда англаши зарур. Ана шу эҳтиёж ўқувчи мулоқот доирасининг кенгайишига, оғзаки нутқининг ривожланишига диалогик нутқи ва сўзлашув малакасининг шаклланишига олиб келиши билан бирга ўқувчини мустақил мулоқот қилишга йўналтиради.

Предметли амалий таълим дарсларида диалогик нутқнинг ривожланиши табиий нутқий вазиятларда амалга оширилади, яъни **янги мавзу юзасидан режа тузилади** (*ўқувчи ўз хоҳиши, истаги, илтимосини оғзаки мулоқот орқали баён этади ва ўқитувчи ёрдамида ҳар бир бажарилиши керак бўлган ишнинг мазмунини англаган ҳолда амалий машғулот учун лугат ва таянч сўзлар ёрдамида дафтарга режа ёзади, иш якунида бажарган амалий машғулот юзасидан ёзма ва оғзаки ҳисобот беради*). Саволларга жавобларнинг намунавий кўриниши ёрдамчи тасмаларда акс эттирилиши ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун мажбурият туғилганида фойдаланиш мумкин.

Талабнома ёзиш учун намунавий жумлалар:

Илтимос менга (қайчи, елим, рангли қоғоз, чизгич, альбом...) бер(инг.)

Илтимос менга мевалар расмини чизишга (ёрдам, рангли қалам, албом...) бер(инг)...

Мустақил гап тузиш жараёнида асосан келишиқ кўшимчаларини тушириб қолдирган ҳолда тузишларига йўл қўймаслик, “**Сўзлар боғлиқлиги**” усулидан фойдаланган ҳолда такроран шу тузилган гапни ўзига синтез эттирган ҳолатда ёрдамчи тасмалар орқали ноаниқликни бартараф этиш ҳамда тузатишларига имкон яратиш лозим.

М: *Мен онам ёрдам бериш Мен онамга ёрдам бердим*


Биз синфни тозаладим ... Биз синфни тозаладик

Мавзуга оид (чизилган ёки ясалган) предмет номи иштирокида мустақил равишда гаплар тузиш орқали йил давомида эгалланган БКМлар бошқа фанларни ўзлаштириш учун пойдевор вазифасини бажаради:

Мен кузги таътилда бобомниқига қишлоққа меҳмонга бордим

Пресепдаги терилган пахталар пахта заводларига олиб кетилади


Оғзаки мулоқот ёрдамида ўқувчиларнинг касбга тайёргарлигига замин яратиш мақсадида машғулотлар интерфаол усулларда, уйин шаклида олиб борилиб, ўқиш ва нутқ ўстириш дарсларидаги материаллардан фойдаланилиб, ўқувчилар ёзма ва оғзаки мулоқотга ўргатилади.

<p style="text-align: center;">МЕНИНГ- <i>оилам, уйим, маҳаллам, кўчам, мактабим...</i></p> <p>жумлалари ёрдамида ватанпарварлик тарбияси шакллантирилади ва тушунчалалар мустаҳкамлаб борилади.</p>	
---	--

Мавзуга оид тест саволари тузилиб, ўқувчининг табиатга муносабатини муҳокама қилиш орқали амалга оширилади.

	ҲАЙВОН		<i>1 кун</i>
Капалак нима?	ҲАШАРОТ	Капалак неча кун яшайди?	<i>1 ҳафта</i>
	ҚУШ		<i>1 йил</i>

Балиқ скелети” усулидан фойдаланган ҳолда муаммоли саволларни яқка машғулотларда ва гуруҳли дарсларда қўллаш билан ўқувчиларни аниқ ва ноаниқ жавобларидан балиқ суякларига умуртқа поғона бўйлаб икки ёнга жавоблар тўлдирилиб борилади. Балиқ суяклари қанчалик ортиб борса, фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмалари шунчалик шаклланиб бораверади. **“Ҳақиқий гўзаллик деганда нимани тушунамиз”?**

<p>Балиқни бош суягига ёзилади фикрлар жамланганда балиқнинг думи қисмида чиққан жавоб бош суягига қўйилган савол билан бир хил бўлиб чиқади.</p>	
---	--

Ўқувчига бир кунлик кун тартибидан нималарга эҳтиёж сезишини ўз мулоқоти орқали баён этишни ва уларга сарфланадиган харажатларни ҳисоблаб ўз бизнес режасини тузишни ўргатиш орқали уларнинг **иктисодий тарбияси** шакллантирилиб, шу орқали мустақил ҳаётга, маиший турмушга тайёрланади. Кундалик маиший турмуш тарзи учун керак бўладиган жиҳозлар маблағини ўқитувчи ёрдамида нархларини аниқлаб, ҳисоблаб чиқилади ва ўз бизнес режасини тузади. **Иқтисодий тарбия** ёрдамида ўқувчи ўз ғояси ва мақсадини режалаштиради, режа асосида амалга ошириб, натижасининг мос келишини англаб таҳлил қилади.

Ўқувчилар ўз кун тартиблари асосида тузилган кўргазма орқали, яъни **“Қуёш”** методидан фойдаланган ҳолда соатларда акс этган саволларга жавоб топадилар. Бу усул ёрдамида ўқувчиларда мустақиллик ва эркинликка интилиш ортади, муаммони ҳал қилишни, сарфланадиган харажатларни ўзи мустақил ҳисоблаб кўришга ва имконият излашга ўрганадилар.

Бунда ўқитувчи синфни икки гуруҳга бўлиб топшириқ беради.

М: Бир кунлик кун тартибида бола эрталаб биринчи нимага эҳтиёж сезади?

Соат 6:30 дан 11:00 гача


Ювенил учун тиш ювилл воситаси, совун, сочиқ...

Эрталабки нонушта учун истеъмол қиладиган таоми...

Мактабга бориш учун ўқувчи формаси...

Дарсга қатнашилл учун ўқув қуроллари...

Соат 13:00 дан 15:00 гача



Меҳнат ва касбга йўналтирилл тарбияси - болаликдан ногирон бўлган болалар учун тарбиянинг айнан шу йўналиши ўта муҳим ва асосий ўринлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мактаб – интернатларида ўқитувчи, тарбиячи, меҳнат таълими ўқитувчилари ва психолог ҳамкорлигида бола билан индивидуал шуғулланиб борилиб, имконияти чекланган бола мактабни битиргач, ўз келажагини моддий ва маънавий таъминлай олиши учун танлаган касби бўйича мустақил ёки ҳамкорликда иш олиб бора оладиган даражада ўзига ишонч билан кетадиган бўлишига тайёрланиши лозим.

“Шиллиқ курт” ва **“Чархпалак”** усули орқали мавзуга оид саволдан савол ҳосил қилиниб, ўқувчининг сўз бойлиги ошиб, ўзаро фикрлар чархпалаги ҳосил бўлади. Ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғониб, саволлар туғилади.

М: (ички айланага 1-савол) **1.Тандир нима учун керак? 2. Уни ким ясайди?...** Ўқувчининг ҳар бир жавобидан шиллиқ курт думининг айланаси биттага кўпайиб бораверади.




Ўтиладиган дарслар, машғулотлар, тарбиявий соатлар мавзуси замонавий ҳаёт ва республикамизда ёшлар олдида қуйиладиган талаблар асосида бўлиши керак. Ўқувчилар яширин сўзлардан ҳар бир касб эгасининг қайси вазифани бажаришини онгли равишда ёзиб бориш орқали касблар ҳақидаги тушунчаларига замин яратадилар. **“Тушунчалар таҳлили”** усули орқали самарали натижага эришиш ҳамда ўқувчини қайси касб эгаси бўлишини аниқлаш мақсадида касблар ҳақида қизиқарли савол-жавоблар ташкил этилади.

Ҳар бир усулдан фойдаланилганда ўқувчи ўқув материаллини пухта ва чуқур ўзлаштириши, билим доирасини кенгайтириш ва қузатувчанлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши керак. Ўқувчи теварак атрофдаги ҳодиса ва предметларни идрок қилиш натижасида объектив борлиқ ҳақида тасаввурга эга бўлади. Ўқувчиларнинг билимидаги бўшлиқларни тўлдиришда ўқитувчидан қуйидаги эслатмаларга амал қилиш талаб этилади:

- 1) кўрғазмалилик фақат томоша эмас, балки билим олишининг манбаи, сўз бойлигини кенгайтириш омили;
- 2) электрон дарслик, мультимедиалардан самарали фойдаланиш;
- 3) ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатмалилик, кўрғазмалилик, фаолиятнинг амалий жараёнига алоҳида эътибор қаратиш;
- 4) кўрғазмалиликни ҳаёт билан боғлаган ҳолда дарсни ташкил этиш;

- 5) амалий машғулотларга ажратилган вақт тақсимотига жиддий аҳамият қаратиш;
- 6) кўргазмали материал тайёрлашда ўқувчини идроки, тасаввури, диққати ва хотирасини ҳисобга олган ҳолда унинг ўз имкониятларига ишончини уйғотиш;
- 7) бола толиқишини олдини олиш мақсадида кўргазмалилик фаолиятини турли хил кўринишларидан фойдаланиш;
- 8) ўтилган мавзуларни такрорлаб туриш ва бир-бирига боғлаш;
- 9) нутқнинг турли-туман шаклларида фойдаланиш ва ўқувчининг диққати бўлинмаслиги учун кўргазмали материаллардан меъёрида фойдаланиш.

Ўқувчи ҳар бир предметни ўз қўли билан ҳис этиб ушлаб кўриши ва ўша предмет ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун амалий машғулотни ўқитувчи билан бевосита бирга бажариши ва савол-жавоб орқали БКМни шакллантириб бориши лозим. Ўқувчи ўқитувчи томонидан берилган **“Буни қандай қилиш керак?”**, **“Буни қандай қилса бўлади?”** каби саволларга жавоб топиши билан бирга бор имкониятларини ва амалга ошириш йўллари ҳам татбиқ қилиши мумкин. Барча ғоялар баҳоланмасдан, ўйлаб ўтирилмасдан, таққосланмасдан ёзиб борилиб, ҳаммининг фикри жамлангандан сўнг мос жавоблар асосида ўз-ўзини таҳлил қилиш орқали амалий машғулот бошланади. Бир хил предмет икки хил нарсдан ясалганлигини ўқувчи мустақил фарқлаб айтиши лозим.



М: Ўқувчи ўзи тўплаган уруғлардан ясаган предмети ҳақида мустақил ахборот берсин

Ўқувчига ўзи истеъмол қиладиган ҳар бир сабзавот, полиз экини ва меваларнинг уруғларидан тўплаши, уларнинг номини ўрганиши кераклигини кўргазмали воситалар орқали хотирасида муҳрлатиб бориши ва шу орқали ўқувчиларни касбга йўллаш мумкин. Интерфаол усулларни қўллаш орқали индивидуал ва коррекцион ёндашув асосида дарсларда ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотини фаоллаштириш мақсадида ҳар бир ўқувчининг ривожланиш хусусияти, ақлий ва маданий савияси ҳамда билим даражасига индивидуал ёндашиш билан бирга нутқидаги нуқсонларни компенсация қилиш ёки тузатиш, боланинг психик ва жисмоний тараққиётидаги меъёрдан четга чиқариш усули ва воситаларини аниқлаш билан бирга улардан бутунлай бартараф этиш учун болаларга коррекц усулдаёндашилади.



МАЛАКАОШИРИШ– БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ СИФАТИДА

Чориев Р., Тошкент ВПКҚТМОИ ректори

Малака ошириш тизими бошланғич синф ўқитувчиси инновацион фаолиятини шаклланишида ва такомиллашиб боришида таълимнинг асосий тизими ҳисобланади. Бу жараёнда педагогик техника малакалари муҳим аҳамият касб этади. Педагогик техника - бу кўникма ва малакалар бирлиги бўлиб, самарали таъсир кўрсата олиш методларини қўллаш, ўқувчилар билан тўғри сўзлаш, мулоқот ва муомала қила олиш, сўзлаш техникасини ва

усулини белгилашидан иборат. Ўз диққат-эътиборини, ҳолатини бошқара олиш, таълим жараёнида эмоционал кўтаринки руҳни таъминлаш каби сифатлар ҳам педагогик технологиянинг маҳсули ҳисобланади.

Инновацион педагогик фаолиятни таҳлил қилиш ўқитиш ва тарбиялаш анъанавий оммавий амалиётини инновацион фаолият хусусиятлари билан солиштиришни назарда тутди. Инновацион ва анъанавий педагогик фаолият ўртасида мураккаб диалектик умумийлик, ўхшашлик мавжудлигини кўрсатади. Бу умумийлик шундай йўл билан аниқланади: инновацион педагогик фаолият ўрганилади, умумлаштирилади, амалиётга татбиқ этилади. Натижаси ўқитиш ва тарбиялашнинг янги сифатли даражаси бўлиб қолади. Натижада инновацион ва анъанавий педагогик фаолиятлар бир-бирига таъсир кўрсатади, бир-бири билан қўшилиб бирлашиб боради. Инновацион фаолиятни асослаш учун қуйидаги тоифалар мавжуд:

- педагогик маҳорат;
- педагогик ижодкорлик ;
- педагогик новаторлик.

Инновация тизимли ва давомли бўлади, бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади. Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади:

• **Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар**-таълим тизимига ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали модернизацияланган.

• **Инновацион жараён** - педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир.

• **Инновацион фаолият** - бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Ўқитувчи шахсий сифатлари таркибида янгиликка интилиш, янгиликни қадрлай ва сеза олиш, унга ташналик билан ёндашиш ҳам зарур. Бу сифат уни педагогик фикрнинг олдинги сафида бўлиши, янгиликни амалиётга қўллашига замин ҳозирлайди.

Малака оширишда педагогларнинг фақат касбий билимларини ошириш билан чегараланмасдан, уларнинг шахсий сифатларини тарбиялашга эътиборни кучайтириш ижтимоий-педагогик ва касбий зарурият ҳисобланади. Ўқитувчининг дунёқараши, эътиқоди ҳам фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида хизмат қилади. Дунёқараш ва эътиқод таъсирида мотивациянинг юқори даражаси ўқитувчида касбий идеаллилик шаклланиб, идеал касбий такомиллашувни тезлаштиради.

Бошланғич таълимга қўйилаётган талаблар бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида қуйидагиларни таркиб топтиришни тақозо этади:

- ўз фаолияти ва ўқув жараёнида миллий истиқлол мафқурасини қўллаш олиш, ўқув жараёнини ғоявий ташкил қилиш;
- таълим жараёнини мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлай олиш;
- умумий методология ва ўз фани методологиясини билиш;
- янги педагогик ва ахборот воситаларидан таълим-тарбияда ўринли фойдалана олиш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил қилиш;
- ўқувчиларни амалий фаолиятга жалб қила олиш;
- педагогик илмийтадқиқот методларидан моҳирона фойдалана билиш;
- ўз фаолиятида мустақил билим олишининг қулай усулларини билиш;
- ўқув, илмий тадқиқот ишларини режалаштира олиши, мавзули режаларни, дарс мажмуасини туза олиш;
- ўқувчилар билимини баҳолашнинг ҳозирги замон усуллари қўллаш;
- синфдан, мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш;
- ўз фаолияти ва ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини ўзлари таҳлил (ауто таҳлил)

қилишни билиш ва ҳ.к.

Бугунги кунда замонавий ўқитувчи доимий равишда фан-техника, иқтисодий, педагогика, психология, катталар педагогикаси ютуқларидан ҳам хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Улар таълим жараёнининг методологик муаммолари, ёшларнинг ҳаёти, шахслараро муносабатлар борасидаги янгиликларни ўз вақтида билишлари ва баркамол авлодни тарбиялашда истиқбол режа асосида, кафолатланган натижага таяниб таълим жараёнини ташкил этиши давримиз талабидир.

Бу борада таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотлар натижасида илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масаласи, етарли моддий база ва таълим жараёни сифат-самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. “Соғлом бола Давлат дастури”нинг ишлаб чиқилиши, бошланғич синф сифат-самарадорлигини оширишга қаратилган “Методик кенгаш”нинг вилоятларда танлаб олинган мактабларидаги тажриба-синов ишлари, “Маҳорат мактаб”ларида олиб борилаётган фаолиятлар, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси кўрик-танлови”, Республика ва Халқаро илмий-амалий семинарлар, илғор тажрибали педагоглар фаолиятини оммалаштириш ва малака ошириш тизимида ҳамда дарсларга қўйилаётган талаблар ва бошқалардан иборат.

Шундай қилиб, малака ошириш тизими учун юқори малакали бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш ижтимоий заруриятга айланмоқда. Айниқса бошланғич таълимга қўйилаётган талаблар “Соғлом бола Давлат дастури”ни амалга оширишда етук, малакали мутахассисларни шакллантириш ва малака ошириш тизимида янада такомиллаштириш муҳим масалалардан биридир.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎЙИН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН Фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Шерматова М., Наманган ДУ

Бугунги кунда мактаб таълим тизимидаги анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда.

“Инновацион таълим” деганда ўқув жараёнига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Бундай ўзгартиришлар бошланғич таълимнинг:

– мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимида;

- педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;
- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимида;
- ўқув-методик таъминотида;
- тарбиявий ишлар тизимида;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

Бошланғич таълимда энг кўп қўлланиладиган ўйин таълим технологиясидир. Ўйин жараёнида бола шахсиёти шаклланади. Ўйинлардан айниқса, ижодий ўйинлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўйинларда болалар атрофдаги оламда ҳамда катталар ҳаётида кузатаётган жараёнларни акс эттирадилар. Ижодий ўйинлар бола шахсининг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. У куйидаги ўзига хос хусусиятлари билан характерланади:

- Болалар ўйинда атрофдаги инсонлар ҳаётини фаол акс эттиради.
- Ўйин комплекс ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, ёзишда ёки расм чизишда алоҳида ҳаракатлар керак бўлади.

• Ўйин воқеликни бола томонидан ижодий акс эттириш шаклидир. Ўйнаш жараёнида ўқувчилар янгиликлар яратадилар, янги ғоялар ишлаб чиқадилар.

• Ўйинда боланинг билиш, фикрлаш, баён қилиш ва ижодийлик қобилиятлари ривожланади, маънавий-ахлоқий сифатлари шаклланади.

• Ўйин жамоадаги фаолият бўлганлиги учун, унинг барча иштирокчилари ҳамкорликдаги муносабатларда бўладилар.

• Боладаги ривожланиш билан биргаликда ўйиннинг ривожланиши ва ўзгариши ўсиб боради.

Ўйинларни ўтказишда болаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини инобатга олиш лозим. Чунки мактаб ёшидаги ўқувчини тушунчалари синфдан-синфга кўчганда ўзгариб бориши сир эмас. Янги мактабга қадам қўйган ўқувчига интерактив методлардан фойдаланиб ташкил қилинган ўйинларни ўтказиш уларга ноқулайлик туғдириши мумкин. Шунинг учун ўйинни ишлаб чиқишда уни синфларга мослаб бўлиш ва бунга жиддий ёндошиш керак.

Мусобақа ўйинларини алоҳида ўйин гуруҳига ажратиш мумкин. Бу ўйинларда муваффақиятга эришиш бола учун жуда аҳамиятлидир. Шунинг учун айнан мусобақа ўйинларида муваффақиятга эришиш мотивацияси шакллангани ва ривожлангани учун бу ўйин технологиясини олиб кириш боладаги қизиқиш ва иштиёқини ўсишига яхши самара бериши мумкин.

Ўйинни ташкиллаш, болаларни ўйинга қизиқтириш анча мураккаб жараён бўлиб, ўйинни тўғри ташкил қилиш учун қуйидаги уч қоидага риоя қилиш зарур:

• ўқув-педагогик вазифани танлаб, унинг динамикасини ҳам қараб чиқиш; ўйин ўқувчини бир зумда қарорга кела олишига ва ўз режасини сифатли бажара олиш кўникмаларини машқ қилишга хизмат қилиши керак.

• ўйин иштирокчиларини ва уларни рақиблари кучлари тенглиги ва иштирокчиларни ажратиш;

• ўйин давом этадиган вақт миқдорини ҳам белгилаб олиш керак. Чунки ўта чўзилиб кетадиган ўйин ўз мазмунини ва сифатини йўқотади.

Ўйинлар ташкил қилиниши ҳолатига қараб бошқа ўқув характеридаги машғулотлардан фарқ қилади. Ўйинларни ташкил қилишда яна бир жиҳат ўйин ҳаракатини баҳолайдилар.



ИННОВАЦИЯ – БУ ИЖОДҚОРЛИК

Қаюмова М., Андижон вилояти, Қўрғонтепа туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлими бошланғич таълим методисти

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда бошқа соҳалардаги каби таълим соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларининг моддий базаси, кадрлар салоҳияти яхшиланмоқда, таълим жараёнига замонавий инновацион технологиялар кириб келмоқда. Ҳозирги кунда ўқитувчилар учун яратилаётган шароитлар уларни янада масъулият билан ёндашган ҳолда ишлашни талаб қилмоқда. Бошланғич таълим ўқувчиларга таълим-тарбия беришда асос, яъни пойдевор ҳисобланади. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, бошланғич таълимни поезднинг паровозига, таълимнинг кейинги босқичларини унга уланган вагонларга ўхшатаман. Агар паровоз соз бўлса, вагонларни белгиланган манзилга, белгиланган вақтда, бешикаст етказиб боради. Шундай экан, ўқувчилар бошланғич синфда, айниқса савод ўргатиш даврида етарли билимларни олиши керак. Чунки бу билимлар таълимнинг кейинги босқичларида уларнинг билимлари учун замин бўлади. Тасаввур қилинг, бошланғич синфда ҳарф танимаган ўқувчи Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сини, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рубоий ва ғазалларини, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”ни, халқ оғзаки ижодидаги бебаҳо намуналарни қандай ўқисин,

маъносини қандай тушунсин?

Юртбошимизнинг “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънан соғлом ўсиши, балки уларни энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”, - деган бу сўзлари келажак авлод тарбиясига берилаётган катта эътибордир.

Ҳар бир фидойи ўқитувчи педагогик фаолияти давомида ўз олдига “Қандай қилиб, қайси усуллар билан билим олиш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш мумкин?”, - деган саволни қўяди ва шу саволга жавоб топиш учун изланади. Чунки мактабда олиб борилаётган ҳар бир дарс, машғулотнинг сифати, самараси ўқитувчининг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Таълимдаги янгиланишлар жараёни ўқитувчиларга касбий тайёргарлик, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини билиш, педагогик ва инновацион технологияларни амалга татбиқ эта олиш каби малакавий талабларни қўймоқда.

Бошланғич таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш учун мавзунини чуқур ўрганиш, уни қайси метод асосида ташкил этилса самара беришини аниқлаган ҳолда дарснинг режаси ва лойиҳасини тузиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мен 30 йиллик иш фаолиятим давомида “Мусобақа”, “Ақлий ҳужум”, “Олтин тож”, “Занжир” “Муз ёра”, “Муаммоли дарс”, “Саёҳат”, “Кичик гуруҳларда ишлаш” каби янги технологиялардан самарали фойдаландим. Дарсларда “Кичик гуруҳларда ишлаш” методини қўллаш ўқувчилар билимида ижобий самара берди. 4- синфда она тили фанидан “Сўз туркумларини мустаҳкамлаш” мавзусини ўтишда шу технологиядан фойдаландим. Бу усулда ўқувчилар 8 кишидан иборат бўлган 4 та гуруҳда иш олиб бордилар. Гуруҳлар “От”, “Сифат”, “Сон”, “Феъл” сўз туркумлари билан номланади. Ўқувчилар гуруҳларга сўз туркумларига доир сўзлар ёзилган таркатмаларни олиш орқали бўлинади. Гуруҳлар шаклландан сўнг, ўқувчилар ўз гуруҳларига қўйилган номларни (сўз туркумларини) таърифлаш орқали тақдимот қилади. Ҳар бир таъриф учун ёзув тахтасига баҳор фаслини тасвирловчи расмлар (гуллар, капалаклар, яшил дарахтлар) илиниб борилади. Тасвирланган манзара асосида гуруҳлар гап тузади. Бу гаплардан матн ҳосил бўлиши керак. Дарс босқичлари бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб борилади. Дарс якунида ўқувчилар олдига “Сўз туркумларини фарқлаш” муаммоси қўйилади ва уни ечими топилади. Ечимни топиш учун “Бу биз” ўйинидан фойдаланилади. Бунда сўз туркумларига оид сўзлар айтилади, гуруҳлар номларига оид сўзлар айтилганда, гуруҳ аъзолари “биз” деб адашмай айтишлари керак. Дарсда ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш таълим самарасини янада оширади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” технологиясида ўқувчилар фаол ишлайдилар, топшириқларни бажаришга маъсулият билан қарайдилар, жамоа бўлиб фикр-мулоҳазаларини муҳокама қилдилар, бир-бирларини тинглайдилар ва ёрдам берадилар, Бу жараёнда жавоб беришга ҳадиксирайдиган ўқувчилар ҳам ўзларини эркин тутадилар. Бу методни ўқитувчи фаолияти учун ҳам афзалликлари кўп. Ўқувчилар гуруҳларда иш билан банд бўлган вақтда ўқитувчи уларнинг барчасини назоратга олади, топшириқларни изоҳлаб боради, ёрдам керак бўлган ўқувчиларга кўмаклашади. Инновация – бу янгилик. Янгилик қачон яратилади? Қачонки ижод қилганимизда. Демак, инновация бу ижод маҳсулидир. Инновацион технологиялардан фойдаланиб ўтилган дарсларнинг самараси натижасида ўқувчиларнинг билим самарадорлиги 5-8 % га кўтарилади.

Ҳар бир ўқитувчи ўзи таълим бераётган ўқувчиларга мукамал билим беришга ҳаракат қилади. Чунки устоз учун ўз шогирдлари камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш

Қодирова З., Наманган ДУ ўқитувчиси

Таълим тизимига амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларини ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиққа, ижтимоий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодни шакллантиришни таъминлайди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш жаҳон андозаларига мос келувчи, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш имконини беради. Шунинг учун таълими тизимининг барча босқичлари учун ўқув-тарбия жараёнига модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, дидактик ўйин технологиялари, ахборот коммуникация технологиялари, муаммоли таълим технологияларини татбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилди.

Замонавий талабларига мос фаолият олиб борадиган бошланғич синф ўқитувчилари касбий кўникма ва малакаларни, балки педагогик-психологик билимдонликларини ҳам мунтазам ошириб боришлари керак. Мустақил меҳнат фаолияти улардан чуқур билимларга эга бўлишни, бошқалар билан мулоқот ўрната олиш техникасини пухта эгаллашни, ўзаро таъсир этишнинг сир-асрорлари билан танишишни тақазо этади.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида инновацион технологияларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Инновацион технологияларининг ўзига хос жиҳати бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ва ижодий ишлашига имкон беради.

Бошланғич синфларда интерактив технологияларни қўллаш ўқувчиларнинг билиш жараёнида фаол қатнашишлари, ўзлари билган, эсга туширган, ўйлаган маълумотларига таянишлари мумкинлигини англаб етадилар. Биргаликдаги ақлий билиш, изланиш фаолиятида ҳар бир ўқувчи шахсан ўзи иштирок этади, билими, ғоялари, қарашлари, нуқтаи назари, индивидуал услуги билан қатнашади ва бошқалар билан ўзаро фикр алмашадилар.

Бошланғич таълим фанини ўқитиш жараёнида ҳар бир машғулотда “ФСМУ”, “Т-чизма”, “Муаммо”, “Венн диаграммаси”, “Нилуфар гули”, “Қандай?”, “Нима учун” ва бошқа графикли органайзерлар (графикли ташкил этувчилар)дан фойдаланиш, мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказиш ўқувчиларнинг ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказиш, очиқ ҳолда баҳслашишга ўргатади.



ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Қосимов С., Сурхондарё ВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси

Бошланғич синф ўқувчиларга экологик таълим ва тарбия бериш истиқболда мазкур йўналишдаги кўникма ва малакаларни чуқур эгаллаган, табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўладиган экологик маънавияти юксак ёшларни тарбиялашдан иборат. Бинобарин, табиатшу-нослик фани оламнинг физик манзараси, ҳодисалар, катталиқлар, табиий қонунларнинг амалдаги татбиқларини ўргатувчи фан ҳисобланади.

Табиатшунослик фанидан машғулотлар мобайнида экологияга доир масалалар ечиш мавзуси берилган бўлиб, бунда инсоният ҳаёт кечириши учун зарур бўлган, бебаҳо ҳисобланган ичимлик сувини тежаш масаласи келтирилган. Ўқитувчи бу мавзунини ўтганда сувни тежаш, уни ифлос қилмаслик муаммоларини амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш лозим. Жаҳон жамоатчилигининг тан олишича, бутун инсоният тараққиётини белгилаб берувчи жиҳатлардан бири экологик омилдир. Табиийки, одамларни, шу жумладан болаларнинг қандай экологик муҳит ўраб тургани муҳим.

3-4 синфда табиатшунослик фанини ўқитишда “Табиатшунослик фани нимани ўрганеди?” мавзусида жонли табиат, илмий-техника тараққиёти ва унинг салбий томонларини тушунтириш орқали ўқувчиларда экологияга оид билимлар, кўникмалар ва малакалар шакллантирилади..

Машғулотларда заводлар, машиналардан чиқадиган тутунлар, турли газлар аралашмаси ҳавони ифлослаши, сувга турли чиқиндиларни ташлаш натижасида унинг таркибини ўзгариши ва инсон ва ҳайвонларда турли касалликларни келиб чиқиши сабабларини тушунтириш, шунингдек кундалик турмушда содир бўладиган экологик билимлар бериш зарур.

Ҳар бир мавзуни ўқишда ҳаётдаги мавжуд жараёнларни ёки бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ва муҳофаза ҳоллари билан боғлаб олиб бориш ўқувчиларда фанга қизиқиш ўйғотади ҳамда билимни мустаҳкам-лайди.

Табиатшунослик дарсларида экологик мазмундаги муаммоли тажриба бажариш ўқувчиларда босқичма-босқич назарий билим, амалий кўникма ва малакалари ривожланиб, ўқув-ижодий фаолият тажрибаси шаклланади.

Шу ўринда табиатнинг асосий омилларидан бири мусаффо ҳаво тўғрисида бир оз тўхталиш керак. Ҳозирги кунда ҳар йили 100 млрд тоннадан зиёд фойдали қазилмалар кимёвий қайта ишланишдан атмосферага 20 млрд тоннадан ортиқ газлар ва чанг кўтарилади. Ҳавода карбонат ангидрид ва газ тўпланиши туфайли маълум чегарада, шаҳарларда ҳаво ҳарорати муайян даражада ортиб кетади, бир жойда тўпланган газлар, аэрозоллар шамол ҳаракати туфайли кенг атмосферага тарқалади, ундаги аралашмалар ер ва сувни ифлослантиради.

Экологик таълим деганда, ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Фарзандларимизга тарбия беришда қадимдан “Сувга туфлама, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади”, “Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, ундан ўзинг баҳраманд бўласан”, “Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли-мўминнинг насибаси бор”, “Кўчат экиб боғ ярат, она замин ризқингни беради” каби ибратли ўғитлари билан ёшлар онгига табиатга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида дарс жараёнида ва синфдан ташқари машғулотларда доимий равишда сингдириб келинмоқда.

Педагоглар ҳам таълим-тарбия бериш жараёнида, юқоридаги ўғитларга ҳамоҳанг тарбиявий соат машғулотларини ташкил этиб, инновацион усуллар асосида самарали билим бермоқлари ўз иш фаолиятларининг асосий мазмунини ташкил қилмоғи лозим.

Табиатни муҳофаза қилишга доир, ўлкамиз табиати, ўсимликлар ва ҳайвонот олами ҳақидаги билимларни табиатшунослик фанидан кейин, география, биология, кимё ва физика дарсларида кўргазмалар воситалар ўқув филмлари ва бошқа воситалар намоёниши асосида кўрсатиш мумкин бўлади.

Бошланғич синфларда синфдан ташқари машғулотларида “Табиатни эъзозлайлик”, “Табиат ва инсон”, “Қушлар - бизнинг дўстимиз”, “Орол мададга муҳтож” каби мавзуларда турли хил тадбирлар, “Ҳосил байрами”, “Гуллар байрами”, “Наврўз байрами”, “Қушлар байрами”, “Хирмон тўйи” сингари байрамларни ташкил этиш ва фаол иштирок этиш заминиде ўқувчилар онгига экологик таълим-тарбия сингдириб борилади.

Фикримизча, экология тўғрисида билим ва тарбия бериш жараёнида педагоглар куйидагиларни асосий вазифа сифатида белгилашлари лозим:

- экологик таълим-тарбия орқали ўқувчи-ёшларни амалий фаолиятга тайёрлаш, уларнинг бу жаҳадаги мустақил фикрларини шакллантириш;

- экологик салбий таъсир кўрсатаётган омилларга қарши ўқувчиларда «экологик маданият» тушунчасини ривожлантириш;

- табиатни асл ҳолича сақлаш ва муҳофаза этиш, она-заминимизни асраб-авайлаш борасида ўқувчиларнинг масъулияти, жавобгарлигини ошира бориш;

▪ буюк аждодларимиз панд-насиҳатларидан, ибратли фикрларидан фойдаланиш, аждодларимизнинг ободончилик, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, боғу-роғлар яратиш борасида олиб борган ишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб бориш;

▪ Конституция ва экологияга оид қонунларнинг эзгу-мақсадларини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ғоясини ўқувчиларга аниқ кўрсата билиш экологик таълим-тарбиянинг аҳамиятга молик вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.



O'QUVCHILARNING MANTIQUIY VA IJODIY FIKRLASH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHDA MATEMATIKA DARSLIGINING O'RNI

Qurbonov S.R., Xorazm VPKQTMOI katta o'qituvchisi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Sog'lom bola yili» Davlat dasturida boshlang'ich ta'limning sifatini oshirish, ta'lim standartlari, o'quv dasturlari, darslik va qo'llanmalarni takomillashtirish qat'iy vazifalardan biri qilib belgilangan.

Boshlang'ich maktabda matematika ta'limi o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishga, o'z fikrlarini mustaqil bayon qila olish, egallagan bilimlarini ijtimoiy faoliyatlarida qo'llash uchun zamin hozirlaydi. Matematika bolalarda tafakkur, diqqat, xotira, ijodiy tasavvur etish, kuzatuvchanlikni rivojlantirishga yordam beradi. O'qituvchining vazifasi – bolalarga matematikani o'qitishda bu imkoniyatlardan samarali foydalana olishdan iborat.

Boshlang'ich sinf o'quvchisida mustaqil fikr yuritish ko'nikmasining shakllanishida, ijodkorligini oshirishda matematika darsligi ta'lim vositasi sifatida muhim o'rin egallaydi.

Ma'lumki, darslik DTS talablaridan kelib chiqqan holda o'quv dasturida ko'rsatilgan o'quv materiali mazmunini aniqlashtirib, ochib berishga xizmat qiladi.


Hozirgi kunda boshlang'ich sinf o'quvchilari matematika darsligi materialining asosiy qismini o'quv topshiriqlari tashkil etadi. Mutaxassislar fikricha, xotira va tafakkurga yo'naltirilgan o'quv topshiriqlarini boshqa topshiriqlar bilan teng bo'lishi ta'lim samaradorligining yuqori bo'lishiga olib keladi. Shuning uchun darslikda mantiqiy va ijodiy mazmundagi topshiriqlarga ko'proq o'rin ajratilsa, asosiy mavzuni ochib beruvchi topshiriqlar bilan mutanosibligi hisobga olinishi maqsadga muvofiq.



Boshlang'ich sinf matematika darsligidagi o'quv topshiriqlarini imkon qadar o'quvchi uchun qiziqarli, xilma-xil, intellektual tarzda bayon qilish o'qituvchidan katta mahorat talab qiladi. Hatto oddiygina xotiraga yo'naltirilgan o'quv topshiriqlariga qo'shimcha shart, savollar qo'yib, o'quvchining mustaqil fikr yuritishi, izlanishi, topqirligini oshirish mumkin.

Matematika darslarida boshlang'ich sinf o'quvchisining individual xususiyatini hisobga olgan holda ijodiy mazmundagi o'quv topshiriqlaridan foydalanish o'quvchining o'quv-biluv va ijodiy faoliyatini oshiradi, bolada mustaqil fikr yuritish, xulosa chiqarish kabi xislatlarni tarbiyalaydi.

Darslikda «Bo'sh katakni to'ldiring», «Sonlar qatorini davom ettiring», «Rasm asosida masala tuzing va uni yeching», «Berilgan shakllarning farqini toping», «Masalaning qulay yechimini toping», «Ishoralarni shunday qo'yingki, ifodalar to'g'ri bo'lsin» kabi topshiriqlarning kiritilishi o'quvchilarni topqirlikka, izlanishga, ijodkorlikka undaydi. Misol tariqasida 4-sinf matematika darsligining 156-betdagi 729-masalani keltirish mumkin: Yuzi 80 m² ga teng bo'lgan to'g'ri to'rtburchak tomonlarining uzunliklari qanday bo'lishi mumkin? Ushbu masala o'quvchi mantiqiy tafakkurini rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'lib, uni ko'p yechimli masala sifatida qarash mumkin.

Matematika darslarida ijodiy mazmundagi o'quv topshiriqlari: berilgan masalaga teskari masala tuzish, shartida ma'lumotlari yetishmovchi masalalar, ko'p yechimli masalalar, mantiqiy masalalar, turli usullarda yechishni talab qiladigan masalalar, nostandart masalalar, geometrik mazmundagi ijodiy topshiriqlar, taqqoslashga doir topshiriqlar kabi ko'rinishlarda uchraydi.

Shunisi e'tiborliki, keyingi paytlarda nashr qilingan matematika darsliklarida o'quvchilarning mantiqiy va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirishga qaratilgan topshiriqlar ko'paygan. O'quvchilarning darslikdagi ma'lum shartli belgilar bilan berilgan mantiqiy masalalarni yechishga bo'lgan qiziqishlari kuchaygan. Bunday topshiriqlar 1- va 2-sinf darsligida  shartli belgisi ostida

“O'ylab top!”, 3-sinfda  shartli belgisi ostida “Iqtidorli o'quvchilar uchun boshqotirmalar”, 4-sinfda  shartli belgisi ostida “Mantiqiy topshiriqlar, qiziqarli masalalar” deb ko'rsatilgan. Bunday topshiriqlar salmog'i 1- va 2-sinf matematika darsligida 2 % ni, 3-sinf matematika darsligida 14 % ni, 4-sinf matematika darsligida 3 % ni tashkil etadi.

Tahlillardan ko'rinib turibdiki, 3-sinf darsligi boshqa sinflarga nisbatan mukammalroq yaratilgan. Ammo o'quvchilar uchun qiyin bo'lgan topshiriqlar ham yetarli. Masalan, 94-masala. Maydonni to'rtburchak shaklida o'rash uchun eni 2 m dan bo'lgan 36 ta panjara keltirildi. Panjara bilan o'raladigan maydonning tomonlari qanday bo'lsa, uning yuzi eng katta bo'ladi? Bunda maydonning yuzi necha kvadrat metrga teng bo'ladi?

Masalani yechishda shunday mushohada qilinadi: avval panjarani uzunligi topiladi - $2 \cdot 36 = 72$ (m), so'ngra 72 metr perimetr deb hisoblanib, tomonlarining uzunligi topiladi - $72 : 4 = 18$ (m). Bu holatda hamma tomonlari teng to'g'ri to'rtburchak ya'ni kvadrat hosil bo'ladi va uni yuzi topiladi - $18 \cdot 18 = 324$ m². Agar maydon kvadrat shaklida bo'lsa, yuzi eng katta bo'lar ekan.

Masalaning murakkabligi o'quvchining mushohada yuritishida ko'rinadi. Bunday o'quv topshiriqlari faqat o'quvchidan aqliy mehnatni, ijodiy faoliyatni talab qilsa, ayrim o'quvchilarning bilim va malakalarni egallashlari qiyinlashadi, zerikib qolishadi. Shuning uchun darsliklardagi topshiriqlar davlat ta'lim standarti talablariga mos bo'lishi bilan birga, o'quvchilarning yoshi va pedagogik-psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda bo'lishi ta'lim sifatini oshirishni ta'minlaydi.

Xulosa qilib aytganda, matematika darsliklarining o'quvchi ijodiy faoliyatini, mantiqiy tafakkurini rivojlantirishdagi hissasi juda katta.



МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАЪЛИМ БЕРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қўзиева М., Навоий вилояти, Кармана тумани, 25-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг директор ўринбосари

Ёш авлод камолотида, уларнинг билим чўққиларини забот этишларига кўмаклашишда бошланғич таълимнинг ўрни бекиёс. Эндигина мактаб оstonасига қадам кўйган болажонларнинг кўлларига қалам тутқазиб, уларга “она”, “ватан” каби сўзларни ёзиш ва ўқишни ўргатиш орқали миллий маънавиятимизни сингдириш бошланғич таълим ўқитувчисидан нафақат билим, балки фидойиликни талаб қилади.

Ўқув жараёнига инновацион методлар кенг кўламда жалб қилинаётган бугунги кунда ижодий фаолият билан шуғулланадиган ўқитувчиларнинг сони ортиб бормоқда.

Ўқитувчининг инновацион фаолият деганда ижобий сифат ўзгаришлари билан характерланувчи маълум босқичлар кетма-кетлиги тушунилади. Бу фаолият аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитларда тан олинган стандартни ифода этувчи меъёрдан четга чиқишларни, муқобил меъёрларни жорий этишни бошқа соҳалардаги меъёрлардан фойдаланишни кўзда тутди. У ривожланиш учун керак бўлган воситалар тўпламини таъминлаб, педагогик воқеликни онгли равишда ўзгартиришни кўзда тутди.

Ўқувчиларда табиатга қизиқишни шакллантириш экологик муаммони ҳал этишнинг энг самарали шаклидир. Зеро, сайёранинг келажаги кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг табиатни асраши, унинг экологик ҳолати тўғрисида қайғуриши, табиатга маънавий-ахлоқий жиҳатдан масъулиятли муносабатда бўлишига боғлиқ.

Дарс жараёнида компьютерли технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш, уларда муайян ўқув кўникмаларини таркиб топтириш жараёнини жадаллаштиради. Бу, ўз навбатида, таълим самарадорлигини оширади.

Энг муҳими, компьютерли технологияларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши ўқитувчи ва ўқувчи вақтини тежашга имкон яратиши билан аҳамиятлидир. Ҳозирги кунда фанларни ўзлаштиришда мультимедиалар, электрон дарсликлар, анимацияли кўринишга эга бўлган электрон воситалар кенг қўлланилмоқда. Кўп ҳолларда улар умумий, катта ҳажмга эга бўлиб, бир соатлик дарс давомида фойдаланиш учун мўлжалланган эмас. Шунинг учун дарс жараёнини тўла-тўқис ақс эттирган, ўқувчилар ёшини ҳисобга олган ҳолда, ўқув материални бир соатлик дарс давомида ўзлаштиришга мўлжалланган электрон воситалар яратиш ва қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Педагогнинг инновацион фаолияти ҳар бир тарбияланувчи ижоди ва бутун педагогик жамоанинг ижод жараёни билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши керак. Педагогнинг ижодий ҳаракатлари бутун жамоанинг изланишлари билан мувофиқлаштирилмаса, педагогик янгиликлар жорий қилиш яхлит, сермахсул жараён бўла олмайди.

Таълим муассасаларида ҳам инновацион фаолиятга зарурият туғилади. Бу фаолият ҳамиша зиддиятли бўлиб, унинг ўзи зиддиятларни келтириб чиқаради ва бу зиддиятларни ҳал этиш орқали ривожланиб боради. Ўқитувчи-инноватор “хавфсиз синовлар ўтказиш” психологиясининг билимдони бўлиши керак.

Интерфаол метод таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчилар сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Интерфаол методларни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Интерфаол усул ўқувчи онгига, туйғусига, иродасига таъсир кўрсатиб, тафаккурини оширади. Кар ва заиф эшитувчи болаларга интерактив усулда дарс ўтилганда:

- ўқувчиларга дарсдан кутилаётган натижа эълон қилинади;
- ўқувчилар бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганади;
- саволларга жавоб топиш ва жавоб учун етарли вақт берилади;
- ўқувчиларнинг кўпчилиги дарсга фаол қатнашади;
- ўқувчилар таҳлил қилиш ва қиёслашга ўрганади; ўқувчилар жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлашга ўрганади;
- мустақил ишлаш ва фикрлашга ўрганади.

Интерфаол усулда дарс ўтилганда ўқувчи қуйидагиларни ўрганади:

1. Билганларини тартибга солишга.
2. Билмаганларини сўраб олишга.
3. Хотирасини ишга туширишга.
4. Фаоллигини оширишга.

Фарзандларимиз мустақкам билим ва малакаларга эга бўлишлари учун, албатта, уларни кичик ёшданок ҳар бир фанга қизиқтириш зарур. Бунда ўқитувчи маҳорати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синф ўқитувчиси болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини пухта ўрганган ҳолда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш устида тинимсиз изланиши, ўзидаги бор билимни маҳорат билан ишга солиши зарур.

Маҳорат – ўқитувчининг ижодкорлик даражаси бўлиб, у тўрт хилга бўлинади.

1. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро таъсирини ташкил қила олиш даражаси. Ўқувчилар эркин ҳолатда ўқитувчи билан мулоқотга кириша олсалар, унда ўзаро таъсир амалга ошади, ўқитувчи ўзаро тескари алоқа жараёнида нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини англаб олади ва таълим жараёнига тузатиш киритади. Бунда ўқитувчи, асосан, тайёр тавсиялар асосида ишлайди.

2. Оптималлаштириш (қулайлаштириш) даражаси. Бу олдиндан режалаштирилган таъсир бўлиб, ўқитувчи таниш метод ва усуллар, таълимнинг мазмуни, шакли ва бошқаларни моҳирлик билан белгилайди.

3. Эвристик даража. Бунда ўқитувчи ўқувчилар билан жонли мулоқот шароитида улар учун ижодий имкониятлар яратади, янги усул ва воситаларни ишга солади, бирдан кутилмаган пайтда педагогик вазифалар ечимини топиш йўлларидадан фойдаланади.

4. Шахсий-мустикал даража. Бунда ўқитувчи тўлиқ мустикал бўлиб, ўз ишида тайёр метод ва усулларни уларга янгиликлар қўшиб фойдаланади. Булардан ўқитувчи ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари, билим ва ривожланиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланади. Яратган ижодий иши унинг ўзигагина тааллуқли бўлган иш туридир. Асосий мақсад эса ўқувчининг барча имкониятларини рўёбга чиқариш, билимларини эркин ва пухта эгаллашларига эришишдир.

Ўқувчи ҳақида “Билимсиз” деган шошилинич хулоса чиқармаслик керак. Чунки инсондаги интеллектуал қобилиятлар баъзан дарров юзага чиқмайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Баъзан бошланғич синфларда бўш ўзлаштирган ўқувчилар юқори синфларда аълочига айландилар. Бу баъзи инсонларда интеллектуал қобилиятнинг кечроқ юзага чиқишидан далолат.

Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқитувчиси ўз устида тинимсиз изланиши, ўз-ўзини тўлиқ англаган ҳолда педагогик маҳорат сирларини эгаллаб бориши, ўз-ўзининг танқидчиси бўлиши, камчиликлари устида ишлаши лозим. Бошланғич синф ўқитувчиси бир неча ўқув предметидан дарс бериши сабабли фанлараро алоқани яхши билиши ва дарс жараёнида интеграллаштириб ўқитиш усулидан оқилона фойдаланиши таълим жараёнида яхши натижа беради.

Ўқитувчи ўқувчининг ўқиш мотивини ривожлантириш устида тинимсиз изланиши лозим. Бунинг учун дарсда дидактик ўйинлардан самарали фойдаланиши, педагогик маҳоратнинг юқорида кўрсатилган учинчи ва тўртинчи даражаларини ишга солиши яхши натижа беради. Дидактик ўйинлар ўқитувчилардаги тортинчоқлик, хато қилишдан кўрқиб қоби ноқулайликларга барҳам беради. Қизиқарли дидактик ўйин ўқувчиларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатади, ўқувчида мустикал фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришдаги умумий муаммони ечишда ва қар болаларни ҳаётга тайёрлашда, мактабда ўқитиш тизимида, ўқиш дарслари муҳим роль ўйнайди. Ўқиш дарсларида болалар билим олиш билан бир қаторда тасаввур ва тушунчаларга эга бўладилар, янги образлар, маълумотлар, билан уларни мустикаллайдилар. Ўқиш дарси бошланғич билимларни, бошқа дарслар (табиатшинослик, география, адабиёт, тарих)да олган билимларни мустикаллаб боришида манба бўлиб хизмат қилади. Ўқиш дарсларининг мазмуни ўқувчиларни юз бераётган воқеалар ҳақида ўз фикри, муносабатини тўғри ташкил қилишга ўргатади. Ўқиш дарси таркибида болалар хуш-муомала бўлишга ўргатилиб, бу эшитмайдиган бола шахсининг шаклланишига ижобий таъсир этади.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг нутқини эгаллаш, нутқини кўриб-эшитиб қабул қилиш, ёзма нутқ ва дактил нутқнинг ривожланиши комплекс равишда таъминланади.

Қар ва заиф эшитувчи ўқувчилар эшитиш идрокини ўстириш ва талаффузга ўргатиш мақсадида дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш дарс жараёнига янгича руҳ бағишлайди, таълимий ўйинлардан фойдаланиш орқали дарснинг қизиқарли ташкил этилишига эришилади, ўқувчининг эшитиш идрокини ўстириш билан бир қаторда унинг ақлий таракқиёти руҳий жараёнлари хотираси, тафаккури, диққати ҳамда тасаввурини ривожлантиришга хизмат қилади. Бошланғич синфларда табиат, она тили, нутқ ўстириш, математика дарсларида **“Ақлий хужум”, “Кластер”, “Музёра”, “Ахборотни узатиш”, “Қўлланмалар билан ишлаш”, “Бошқотирма”, “Қапалак”, “Интеграциялашган дарс”, “Компьютерлаштирилган дарс”, “Кўчма бозор”** усуллари катта фойда бермоқда.

“Кластер (шоҳчалар) усули”. Кластер усули фикрларнинг хилма-хиллиги, ўрганилаётган тушунча, ходиса ва воқеаларнинг хусусиятларини очиқ бера олиш, эркин ва очиқ фикрлаш қобилиятларини шакллантирадиган педагог усулдир. *“Кластер”* сўзи *“боғлаш”* ёки *“шоҳча”* деган маънони англатади. Кластерга бўлиш янги асоциацияларни пайдо этади, мавжуд бўлган билимларга йўл очади, танланган мавзуга оид тасаввурларни

фикрлаш жараёнига жалб қилади. Кластер методини янги мавзуни ўрганишни бошлашдан олдин ўтказилса, яхши натижа беради. Бу усул хотирада тез ва осон сақланади.

“Музёраб”. Кўпчилик одам янги шароитда ўзларини йўқотиб қўядилар ёки ноқулай хис қиладилар, бир-бирларини танимайдилар. Шундай шароитда ўқитувчи дўстона муҳитни яратиши лозим.

“Ахбарот узатиш”. Бирор мавзу бўйича ҳар бир ўқувчи ўз билганини айтади.

М: *“Сайр”* мавзусида ўқитувчи *“Мен сайрга бориш учун сув оламан”* деса, 1-ўқувчи *“Мен эса сув, нон олиб бораман”*, дейди, 2-ўқувчи эса *“Мен сув, нон ва туз олиббораман”*, дейди ва ўйин шу тариқа давом этади. Кейин хулоса ясалади.

“Қўлланмалар билан ишлаш” усулида дарслик, қўлланмалар берилиб, мавзу эълон қилинади ва ўқувчилар маълум вақтда мавзуни мустақил ўрганиб олишади ҳамда жавоб беришади. Бунда **“Ақлий ҳужум”** усулидагидек индивидуал, диалогик, кичик гуруҳда, жамоа бўлиб ишлашади.

“Капалак” усулида (капалак учиб юргандек) ўқитувчи матнни ўқий бошлайди ва зийрак ўқувчи матнни қолган жойидан давом эттиради. Ўйин шу тариқа давом этади.

“Бошқотирма”. Бу усулда ўқувчилар берилган саволларга жавоб бериш орқали янги мавзу номи келиб чиқади.

“Интеграциялашган дарс”. Бундай дарс усули фанлараро алоқани қўллаш мақсадида ўтказилиб, ўқувчиларнинг умумий билимдонлик даражаси аниқланади. Бу усул математика дарсларида юқори самара беради.

“Компьютерлаштирилган дарс” усулида компьютерда дастурлаштирилган мавзуни ўрганилади.

“Кўчма бозор”. Бу усул математика дарсларида яхши натижа беради. Чунки бу харидор ва сотувчидан иборат бўлиб, ўқувчиларнинг ўз билимларини намойиш этадиган ярмаркасидир.

Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Барча фан ўқитувчилари дарс машғулоти жараёнида ушбу интерфаол усуллардан кенгрок фойдаланишлари лозим.

Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Ўқувчи эшитишда нуқсонни бор болаларнинг эшитиш идрокини ўстириш ва талаффузини тузатиш орқали уларни жамият билан уйғунлашувини таъминлаш йўлида изчил ҳаракат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Педагогик психология” 2011 йил. Х.Ибрагимов, У.Йўлдошев, Х.Бобомирзаев.
2. “Эшитишида муаммолари бўлган болаларга она тили ўқиш методикаси” У.Файзиева.
3. “Таълим менежменти” илмий-методик журнали.
4. “Замонавий педагогика технологияларни амалиётга жорий қилиш” 2008 йил. Ж.Ф. Йўлдошев, С.А. Усмонов.
5. “Бошланғич таълим” 2012 йил журнали.



BOSHLANG‘ICH SINFLARDA TO‘GARAK MASHG‘ULOTLARINI TASHKIL QILISHNING INNOVATSION NEGIZLARI

Qo‘ziyeva S.P., Navoiy viloyati Zarafshon shahar 13-Davlat ixtisoslashtirilgan umumta‘lim maktabi o‘qituvchisi

О‘zbekiston Respublikasining “Та‘лим то‘ғ‘risida”gi Qonuni va “Kadrlash tayyorlash milliy

dasturi” yosh avlodni tarbiyalashning asosiy istiqbol yo‘nalishlarini belgilab berdi.

Pedagoglar oldidagi asosiy vazifalardan biri ta‘lim tizimini taraqqiy ettirish va yosh avlod tarbiyasini yuqori darajada tashkil etishdir. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta‘lim jarayonining unumdorligini oshiradi, o‘quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantiradi, o‘quvchilarni bilimga ishtiyoq va qiziqishlarini oshiradi, bilimlarni mustahkam o‘zlashtirish, ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko‘nikma va malakalarini shakllantiradi. Bugungi kunda ta‘lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalarning kirib kelishi jadallashmoqda va ta‘lim jarayonini yanada sifatli tashkil etishda ta‘sir ko‘rsatilayotgani ko‘zga tashlanmoqda. Bu o‘rinda axborot kommunikatsiya texnologiyalarining o‘z o‘rni bo‘lib, dars va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda rivojlantiruvchi ta‘lim texnologiyarini joriy etishda asosiy manba bo‘la oladi. Bolaning ongi va tafakkuri endi shakllanib kelayotgan boshlang‘ich sinflarda o‘qituvchining mahorati uning zamonaviy texnologiyalarni ta‘lim jarayoniga mohirona tatbiq eta olishi, ta‘limning yangi-yangi yo‘l va usullarini izlashi ilg‘or pedagogik texnologiyalardan ijodiy foydalana olishi muhimdir.

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligi tomonidan tavsiya qilingan “O‘rgan – o‘rgat” tadbirlar majmuasi, “Dars -muqaddas” tavsiyasi, ”Uzluksiz va uzviy” metodik tadbirlarning tashkil etilishi o‘quv tarbiya jarayonini samarali tashkil etishga imkoniyat yaratadi. Darslarning sifat va samaradorligini oshirish , avvalom bor, o‘qituvchining ijodkorligiga bog‘liqdir. Ijodkorlik esa ijodiy faoliyatni uzluksiz davom ettirishdir. Zamonaviy darslarni tashkil etish bilan bir qatorda sinfdan tashqari mashg‘ulotlarni ham o‘z o‘rnida tashkillashtirish maqsadga muvofiqdir. Ta‘limning didaktik tamoyilllariga e‘tibor qaratar ekanmiz, nazariyaning amaliyot bilan bog‘liqlik tamoyili o‘quvchilarning nazariy olgan bilimlarini amaliyotda qo‘llab, uni uzoq vaqt o‘quvchi xotirasida saqlash imkonini yaratadi. Bilishning asosini amaliyot tashkil etadi. Amaliyotda qo‘llanmagan bilim hosilsiz daraxtga o‘xshatiladi. Pedagogika ilmida o‘quvchi eshitish orqali ilmning ko‘pi bilan qirq foizini, ko‘rish oqibatida sakson foizini, ko‘rib o‘z qo‘li bilan bajarish natijasida yuz foizini egallashi isbotlangan. Shunday ekan, dars va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda amaliy ishlarni o‘qituvchi o‘quvchilar bilan birgalakda bajarsa, yoki o‘zlari bajarsalar ta‘lim samaradorligi yanada yuqori bo‘lishini ta‘minlaydi. Darslarda amaliy ishlarni olib kirish natijasida o‘quvchilar bilim saviyasi yanada kengayadi. Boshlang‘ich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilish ularning bilim saviyalarini kengayishiga asos bo‘la oladi. Sinfdan tashqari ishlarning bir turi to‘garak mashg‘ulotidir. Boshlang‘ich sinflarda bir necha fanlar mavjud bo‘lib, aniq fanlar sirasiga kiradigan matematika fanining o‘rni beqiyosdir. Matematika faniga o‘quvchilarni yanada qiziqtirish maqsadida ularning qiziqishlarini inobatga olgan holda to‘garak tashkil etish tavsiya etiladi.

To‘garak bolalarning ixtiyoriga qarab tuziladi. Har qaysi matematik to‘garagiga qatnashgan o‘quvchilar soni 15-20 nafardan oshmasligi shart. Agar bu to‘garakda qatnashishni xohlaydiganlar soni ko‘paysa, 2 guruhga bo‘lib o‘tish ham mumkin. Guruhlar bilan bir hafta, ikkinchisi bilan ikkinchi hafta shug‘ullanish mumkin. Mashg‘ulotlar 25 daqiqadan 40 daqiqagacha bo‘lishi mumkin. O‘qituvchining mashg‘ulotdagi asosiy yutug‘i bolalarni shu to‘garak mashg‘ulotiga qiziqtirishdir. Bundan tashqari to‘garak jurnali, burchagi, gazetasi, kutubxonasini tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Matematik ro‘znomalar matematika to‘garagi organi bo‘lib, shu sababli to‘garak a‘zolarining kuchi bilan o‘qituvchi rahbarligida amalga oshiriladi. To‘garak mashg‘uloti vaqtida kompyuter savodxonligidan ham saboq berib borish zamon talabi ekanligini his qilib turishimiz lozimdir. Kompyuter qismlarini o‘rgatish bilan bir qatorda uni boshqarishni ham o‘rgatish lozim. To‘garakni mazmunli va rejali tashkil qilish uchun to‘garak jurnali bo‘lishi lozim. Uni o‘z o‘rnida yuritib borish to‘garak rahbarining asosiy vazifasidir.

To‘garak mashg‘ulotlari sifat va samaradorligini oshirishda to‘garak gazetasining o‘rni beqiyosdir. To‘garak gazetasi quyidagilardan tashkil topishi mumkin. Matematika va matematiklar haqidagi fikrlar, o‘quvchilar ijodiga bir nazar, mantiqiy, qiziqarli masalalar, tanlovlar, matematik o‘yinlar, qiziqarli matematik topshiriqlar, kompyuter savodxonligi kabilar.

Matematik to‘garak burchagi o‘quvchilar bilim saviyasining kengayishiga bir imkoniyat yaratishi lozim. Matematik burchak, avvalam bor, o‘quvchilar tomonidan to‘garak mashg‘uloti vaqtida tayyorlangan ishlaridan namunalar, to‘garak uchun kerakli bo‘lgan materiallar, turli

sohalarga matematikaning kirib kelish haqida o'quvchilarga ma'lumot berilishi kerak. Masalan, "Oilada matematika", "Maktabda matematika", "Ko'chada matematika", "Tabiatda matematika" va boshqa joylarga matematika sohasini kirib borganini ko'rsatib turuvchi jihozlarni sinf burchagida joylashtirish mumkin (burchak tayyorlashda bolalar o'yinchoqlaridan foydalanish mumkin). Bittasini namuna sifatida ko'rsatib o'tamiz: "Ko'chada matematika" rublikasida svetofor, uylar, daraxtlar, mashinalar va boshqa narsalar namoyish qilinishi mumkin. Masalan, svetoforning ko'rinishi to'g'ri to'rtburchak, chiroqlari esa doira shaklida bo'lib, doira va to'rtburchaklar matematik shakllar ekanligi izohlanadi. Ana shunday tarzda ushbu burchakni boyitib, undan foydalanib borilsa, o'quvchi ongida matematik tushunchalar shakllanib boradi.

Matematik to'garak kutubxonasi

To'garak kutubxonasini tashkil qilish esa matematika fani sohasida o'quvchining bilim saviyasini ijobiy tomonga o'zgarishiga zamin hozirlaydi. Kutubxonada, asosan, o'quvchilar yoshiga mos bo'lgan, fanga oid, qiziqarli, rasmi, mazmundor kitob va bolalar nashriyotlari tomonidan chiqarilgan bolalar gazeta va jurnallari bo'lishi tavsiya etiladi. Darslarga amaliy ishlarni olib kirish dars samaradorligini oshiradi, nazariy bilimlarini amalda qo'llash imkonini yaratadi. Masalan, o'qish fanidan O'roq Saidovning "Yomg'ir" she'ri berilgan. Ana shu mavzuni o'tishdan oldin o'qituvchi mavzu yuzasidan amaliy ish bajarishni aytadi. Mavzuda bayon qilingan voqealar asosida o'quvchilar o'zlarining qarashlarini bildirishga harakat qiladilar. Ya'ni mavzuda ko'rsatilgan narsalarni amalda tayyorlaydilar. Ularni qog'ozdan, matodan, plastilindan yoki boshqa narsalardan tayyorlashlari mumkin. O'qituvchi esa bu ishlarni joylashtirish uchun magnit doskasi yoki shu amaliy ishni doskaga namoyon qilish uchun joy tayyorlab qo'yishi lozim. Darsda mavzu o'quvchilarga yetkazilgandan keyin darsni mustahkamlash qismida o'qituvchi bilimlarini amalda namoyon qilishlarini e'lon qiladi. O'quvchilar esa birin-ketin mavzuga oid tayyorlagan ishlarini doskaga joylashtiradilar. Doskada nazariy olingan bilimlar amalda namoyon bo'ladi. O'quvchilar ko'z oldida yomg'irning yog'ishi bilan bogliq bo'lgan voqealar gavdalanadi va ular xotirasida uzoq vaqt saqlanishiga imkoniyat yaratadi. Amaliy ishdan boshqa darslarda o'z o'rnida foydalanish mumkin. Masalan, Matematika fanidan "Jadval asosida ko'paytirish va bo'lish" mavzusida o'quvchilar o'zlari xohlagan narsalarni tayyorlab keladilar, o'qituvchi esa tayyorlab kelgan narsalarini 2ga, 3ga ko'paytirishlarini talab qiladi. Bu oddiy hol, lekin o'quvchi o'z qo'li bilan bajargan ana shu oddiy hol ularning olgan bilimlarini uzoq vaqt xotirada saqlashga yordam beradi. O'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini mustahkamlashda ijobiy natija beradi. Har bir darsda bu usullarni mohirona qo'llash o'qituvchi ijodkorligi va izlanuvchanligiga bog'liqdir.



БОШЛАНҒИЧ СИНФНИНГ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ТАЪЛИМИНИ КОНЦЕНТРИЗМ ПРИНЦИПИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қўчқарова Ф.М., ЎзПФИТИ мустақил тадқиқотчиси

Республикамызда жисмоний ва маънавий соғлом, уйғун камол топган авлодни кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилни "Соғлом бола йили", деб эълон қилинган хам бунга далолат бўла олади. "Соғлом бола йили" дастурда бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари хам белгиланган бўлиб, жумладан, 1–4 -синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Таълимни модернизациялаш халқ таълими олдида янги талабларни қўймоқда. Халқ таълимида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари мақсади таълим сифатини оширишдир. Таълим сифати деганда ўқувчиларда нафақат белгиланган билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, балки ҳар бир боланинг шахси, унинг билиш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш назарда тутилади. Бу мақсадга таълим сифатини оширишга вазифа, топшириқлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан эмас, балки таълим усул ва

шакллари, таълим мазмунини танлаш йўлларини такомиллаштириш орқали эришиш керак.

Сўнги йилларда педагогика фанига ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида ўқув материалларини концентризм принциплари асосида танлаш ғояси татбиқ этилмоқда. Бундай ёндашув ўқув жараёнини психологик, дидактик ва методик жиҳатдан ривожлантириш имконини беради.

Концентризм принципага асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунини белгилашда асосий эътибор ўқувчиларнинг назарий билимларини бойитиш, уларда нутқ маданиятига оид дастлабки кўникмалар ва лингвистик тафаккурни ҳосил қилиш, мустақил, танқидий, мантикий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтиришга қаратилади.

Бошланғич синф она тили таълимининг мазмуни концентризм принципи асосида қуйидагича белгиланиши мақсадга мувофиқдир:

Концентризм принципага асосланган она тили ва ўқиш таълимининг дастлабки босқичида ўқувчиларга моддий борлиқ, атроф-муҳит, табиат ва жамият, ижтимоий-иқтисодий соҳа, инсондаги турли ҳис-туйғуларнинг номини ифодалаш билан боғлиқ сўз, тушунча, нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўз ва ибораларнинг маънолари, уларнинг маънодош, уядошлари, янги пайдо бўлган ҳамда эскириб қолган, умумхалқ ишлатадиган ва бир неча маъно ифодалайдиган турли сўзлар, уларнинг вариантларини ўргатиш асосида сўз бойлиги ва нутқини синфдан-синфга ривожлантириб бориш, ўзбек тилининг луғат бойлиги ва ундан фойдаланиш доираси ҳақида уларда тасаввур ҳосил қилиш, она тилининг сўз бойлигини ўқувчиларнинг нутқига сингдириш вазифасини ҳал қилиш кўзда тутилди.

Концентризм принципага асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг кейинги қисмларида ўқувчиларнинг ўзлари эгаллаган грамматик билимлар ва сўз бойлиги ёрдамида фикр ва ҳис-туйғуларини аниқ, тўғри ифодалай олишлари ҳамда ўзгалар томонидан ифодаланган фикр ва туйғуларни тўғри англашларига эришиш мақсадида она тилидаги грамматик воситаларнинг маъноси ва маънодош вариантлари, ёзилиши, қўлланиш доирасини оддийдан мураккабга тамойили асосида тадрижийликка эришган ҳолда ўргатиб бориш вазифасини ҳал қилиш назарда тутилган.

Учинчи қисм инсон нутқида ифодаланган ҳиссий маънонинг таъсир кучини англаш, оғзаки ва ёзма шаклларда фикр ифодалаш жараёнида нутқнинг худди мана шу имкониятидан фойдаланиш мақсадида она тилидаги ифода воситаларининг услубий хосланиши, услубий имкониятларини тадрижий асосда ўқувчиларнинг нутқига сингдиришга йўналтирилди.

Концентризм принципага асосланган она тили ва ўқиш таълимининг таркибий қисми бўлган нутқ ўстириш жараёнидаёса, она тили ва ўқиш таълими мазмунига илк бор ўзбек тилининг стилистик меъёрлари ва уларнинг асосий белгилари, стилистик меъёрларнинг функционал табиати, тил воситаларини танлаш ва қўллаш имкониятлари, меъёрлари, нутқ услублари типологияси, муаммоларни ўзаро узвий алоқадорликда ўқувчиларга ўргатишга қаратилади.

Концентризм принципага асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг ушбу бўлимида нутқ услубий элементларининг мақсадга мувофиқлиги, стилистик қийматини ўқувчиларга нолингвистик ва лингвистик мезонлар орқали фаҳмлаш кўникмалари ва малакалари шакллантирилади. Функционал тил меъёрларини ўқувчиларнинг нутқига сингдириш, ўз навбатида матннинг аниқ мантикий мазмунини англаш, мазкур матнни шакллантириш, уюштириш орқали яратиладиган коммуникатив услубнинг социолингвистик, психолингвистик асосларидан ўқувчиларни хабардор этиш ҳам назарда тутилади.

Нутқ ўстириш жараёнида сўзларнинг семантик, грамматик ҳамда функционал услубий бирикувчилари орасидаги алоқа, сўзнинг нутқ таркибидаги жонли фаолиятини ўқувчиларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараён доирасида ўқувчиларни аниқ фикрлаш, тафаккур маҳсулини мақсадга мувофиқ тарзда баён қила олишга ўргатиб бориш назарда тутилади. Концентризм принципага асосланган она тили ва ўқиш таълими жараёнида ўқувчининг билиш салоҳияти ва зехнини ривожлантириш, ўз фикрларини она тили ва ўқишнинг кенг имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланган ҳолда баён қилишга

оид кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсади кўзда тутилди. Худди шу мақсадни амалга ошириш учун ўқувчиларга босқичма-босқич боғланишли нутқ элементларини ўргатиш, уларни турли шакл, мазмун ва характердаги матнларни яратишга одатлантириш вазифаси ҳам кўйилмоқда.

Шу билан бир қаторда, она тили ва ўқишдан концентризм принципига асосланган таълим бериш жараёнида жамият аъзолари билан мулоқотга киришишнинг лингвистик меъёрлари, тил ва нутқнинг жамият ҳамда шахс учун аҳамияти, тилга хурмат, унинг бойлиги, софлиги учун кураш туйғуси, тиллараро алоқа ва бу алоқанинг самаралари, тил ва ёзув тарихи, тил ва ёзувнинг тараққиёт босқичлари ҳақидаги энг муҳим билим ва тушунчалар билан ўқувчилар қуроллантириладилар. Она тили ва ўқиш дарсларида мунтазам тарзда шарҳлаб ўқиш, бир-бирларининг ишларини текшириб баҳолаш, ўзгалар фикри ва матн мазмунини англаш кўникмаларини таркиб топтириш вазифаси кўйилади.

Хулоса қилиб айтганда бошланғич синфнинг она тили ва ўқиш таълимини концентризм принципи асосида такомиллаштириш ўқувчиларнинг назарий билимларини бойитиш, уларда нутқ маданиятига оид дастлабки кўникмалар ва лингвистик тафаккурни ҳосил қилиш, мустақил, танқидий, мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилади.



BOSHLANG'ICH SINIF MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCHILARDA MANTIQUIY FIKRLASHNI TARKIB TOPTIRISH

**Qo'chqarov M., Namangan VPKQTMOI o'qituvchisi,
Ahmedova Sh., Yangiqo'rg'on tuman 31- maktab o'qituvchisi**

O'quvchilarda shakllanadigan shaxsiy sifatlarining asoslari o'quv faoliyatida, o'quvchilar orasida, o'qituvchi bilan o'quvchilar orasida yuzaga keladigan munosabatlar asosida tug'iladi. Shu sababli o'quvchilarda hamjihatlik hissini, do'stona o'zaro yordamni shakllantirish bilan bog'liq bo'lgan tarbiyaviy vazifa turi muhimdir. O'quvchilarni bir-biri bilan hamkorlikda muammolarni hal etishga o'rgatish, bu ishni har bir darsning mazmuniga aylantirish hozirgi zamon ta'limining maqsadlaridan biridir.

Darsda birgalikda ishlashga birinchi sinfdan boshlab o'rgatish mumkin. Birinchi sinf o'quvchilari uchun o'z o'rtog'i bilan hamkorlikda ishlash qiziqarlidir. Masalan, 6 sonini qanday hosil qilish mumkin: "Chap tomonda o'tirgan o'quvchilar, 6 ta cho'p qo'ying, cho'plarni shunday bo'lingki, har biringizga baravardan cho'p bo'lsin. Har biringizda qanchadan cho'p bo'ldi? Ikkalangizda birgalikda qancha ko'p cho'p bor? Qanday bildingiz? Demak, $6=3+3$. Endi o'ng tomonda o'tirgan o'quvchilar, bu cho'plarni shunday bo'lingki, biringizda ikkinchingizga qaraganda kamroq (yoki ko'proq) cho'plar bo'lsin. Har biringizda qanchadan cho'p bo'lganligini ko'rsating. Demak, $6=2+4$, $6=1+5$."

3-4- sinflarda esa matematika fanidan beriladigan topshiriqlar bir muncha murakkablashadi. Ular o'quvchilarni mantiqan chuqurroq o'ylashga hamda ijodiy fikrini yaqqol tasavvur eta olishiga imkoniyat ochib beradigan topshiriqlarni bajarish jarayonida o'zaro kengashish, yakuniy xulosaga kelish, bir-biriga nisbatan talabchanlik kabi tushunchalarni tarkib topib borishiga zamin yaratiladi. Bu sinfga kelib endi guruhlarga turli yo'nalishdagi topshiriqlarni birdaniga berib borilsa bo'ladi. Guruhlarga beriladigan topshiriqlar besh yo'nalishda, ya'ni, to'rt amalga oid, tenglamalar, geometrik topshiriqlar, mantiqiy topshiriq hamda masalalar bo'lishi mumkin. Masalan, S.Burxonov, O'.Xudoyorov va O.Norqulovalar hammuallifligida 2012-yilda chop etilgan „Matematika“ darsligida mantiqiy masalalar juda o'rinli berilgan. Darslikdagi qator topshiriqlar yasashga, qurishga oid va mantiqiy fikrlashga undaydigan masalalarni qamrab olganligi o'quvchilarning matematika faniga bo'lgan qiziqishlarini yanada oshirish bilan birgalikda o'quvchilarning ijodiy fikrlashga undashini biz amaliyotda ko'rib turibmiz.

Dars jarayonida muammoli ta'limni qo'llash ham o'quvchilarni mantiqiy fikrlash

qobiliyatlarini rivojlantiradi. Muammoli o'qitish bilishga oid vazifalarni o'quvchilar oldiga izchil va maqsadga qaratilgan holda qo'yishni nazarda tutadi, o'quvchilar ularni o'qituvchi rahbarligida hal qilar ekanlar, yangi bilimlarni faol o'zlashtiradilar. Bilish muammolari ko'pincha tegishli o'quv predmeti uchun eng tipik vazifalarni qo'yish yordamida o'rtaga tashlanadi. Lekin vazifalar informatsion o'qitishda ham keng qo'llanilishi tufayli ularni muammoli o'qitishda qo'llashning xususiyatlari to'g'risidagi masala ko'tarilishi mumkin.

Avvalo bu vazifalardan foydalanishning didaktik maqsadlari turlichaligini qayd qilish lozim. Informatsion yondashilganda vazifalar o'qituvchi aytgan nazariy qoidalarni illustratsiya qilish, shuningdek, ularni mustahkamlash va amalda qo'llash uchun tatbiq qilinadi. Muammoli o'qitishda esa bu vazifalar, birinchi navbatda o'quvchilarni yangi mavzuga hozirlash va bilish jarayonini faollashtirish uchun qo'llaniladi. Muammoli yondashishda bu vazifalar odatda nazariy qoidalarni xabar qilishdan oldin, informatsion yondashilganda esa ulardan keyin keladi. Shunday qilib, vazifalar muammoli o'qitishda faqat mashq qildirish emas, balki bilish xarakterida bo'lishi lozim.

Bilish vazifalarini qo'yish usullarini ko'rsatar ekanmiz, biz shunga qadar yuzaga keladigan muammoli vaziyatlarning xarakteriga, o'quvchilar jalb qilingan fikrlash faoliyatining xususiyatlariga e'tibor bermagan edik. Bizni faqat muammoli vaziyatni yaratish, ya'ni o'quvchilarni mulohaza yuritishga tortishning o'zi qiziqtirgandi. Shu asnoda biz odatda foydalaniladigan fikr yuritish operatsiyalari va tafakkur formalarining bir necha turi: tahlil, sintez, taqqoslash, analogiya, umumlashtirish, klassifikatsiyalash, sistemalashtirish va boshqalar mavjud. Shuning uchun ham o'qituvchi muammoli vaziyatni yaratib, uning hal qilinishini yo'naltirar ekan, o'quvchilarni shu tafakkur jarayonlaridan biriga ongli ravishda jalb qilishi, ya'ni hodisalarni mexanik eslab qolmay, xodisalarni taqqoslash, umumlashtirish, tahlil qilish, faktlarni sintezlash zarurligiga ro'para qilib qo'yishi mumkin. Bunda muammoli izlanish metodlari mantiqiy metodlar bilan qo'shib ketgandek bo'ladi. Bu o'rinda yuzaga keladigan muammoli vaziyatlar o'ziga xos xususiyatlarga egadir. Ulardan ba'zilar o'z yechimlari uchun avvalo xodisalarni, tushunchalarni, qonunlarni va nazariyani tahlil qilishni talab etadi, boshqalari asosan sintezni, faktlarni umumlashtirishni talab qiladi, uchinchilari xodisalarni, tushunchalarni taqqoslashga ko'proq tayanadi, to'rtinchilari faktlarni klassifikatsiya qilishni talab etadi.

Tabiiyki, muammoli vaziyatlarning bunday turlari shartli ravishda ajratilgan, chunki amalda ko'p vaqt o'quvchilar bir tushunchaning o'zini o'rganishda faktlarni tahlil va sintez qilishni yoki taqqoslash va umumlashtirishni birga qo'shib olib borishning zarurligiga ro'baro keladilar. Lekin aytib o'tilgan tafakkur usullaridan biri tushunchani o'rganishning boshlanishida ustun bo'ladi. Muammoli vaziyatlarni hal qilishda tafakkurning vaziyatlarni yaratishda qo'llanilgan ayni o'sha usullaridan foydalaniladi. Lekin mavzuga yondashishda taqqoslash, umumlashtirish va boshqa usullar propedevtik deb atalgan planda qo'llaniladi, oqituvchi yoki o'quvchilarning dastlabki harakatlari xarakterini kasb etadi, buning natijasida mavzuga qiziqish paydo bo'ladi. Bilish muommalarini ilgari surish va hal qilish jarayonlari uzluksiz zanjirga o'xshaydi, yagona bo'lib qo'shib ketadi, chunki muammoni ilgari surar ekanmiz, biz bir vaqtning o'zida uni hal qila boshlaymiz, bu o'z navbatida yangi muammoni qo'yishga olib keladi. Umuman esa yangi ilmiy tushunchalarni faol, muammoli bilishning bir-biriga zid va uzluksiz jarayoni amalga oshiriladi.

Xulosa qilib aytganda, dars guruhlarda ishlash orqali o'quvchilarda yaxshi xulq va fazilatlarini tarbiyalab borishni, eng muhimi o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish bosh maqsad bo'lsa, kelajakda ulardan vaziyatga to'g'ri baho bera oladigan, tadbirkor hamda hayotdagi qiyinchiliklardan hayiqmaydigan yoshlar yetishib chiqishi mumkin.



BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING TA'LIM-TARBIYASIDA URF-ODATLARDAN FOYDALANISHNING MAZMUNI

G'aniyev O., Jizzax DPI o'qituvchisi

Respublikamiz mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardan Prezidentimiz Islom Karimov milliy qadriyatlarimizni, urf-odatlarimizni tiklash, xalqimizning buyuk tarixini, ajdodlarimizning ulug' xizmatlarini amalga oshirish vazifalarini belgilab berdi.


Ma'lumki, har bir xalqning ijtimoiy-madaniy hayotida urf-odatlardan foydalanish, marosim va bayramlarni o'tkazish alohida o'rin tutadi. Ular kishilarning o'ziga xos turmush tarzini aks ettirishi sifatida namoyon bo'ladi. Bu urf-odat, an'ana, marosim, bayram tushunchalarining mazmun-mohiyati bilan bog'liq. "Ko'p asrlar davomida shakllanib, xalqlarning ruhiy boyligini, uning urf-odatlarini, an'analarni mujassamlashtirgan ma'naviy umuminsoniy qadriyatlarining tarkibiy qismini tashkil etadi va shu tariqa u jahondagi barcha xalqlarning ma'naviy boyligi ham bo'lib qoladi". Bu tushuncha va ezgu maqsadlarni amalga oshirishda boshlang'ich ta'lim tizimining o'rni beqiyosdir.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari chuqur nazariy va amaliy bilimlar hamda ko'nikma va malakalarga ega bo'lishi bilan birga ijtimoiy hayotdagi voqea-hodisalar va muammolarni, umuminsoniy fazilatlariga ega bo'lishi, o'z millati va vatanini sevishi, u bilan faxrlanishi, milliy urf-odatlar va qadriyatlarni hurmat qilishi, ma'naviy, ruhiy, jismoniy jihatdan sog'lom va barkamol, ma'naviy, fuqarolik burch va mas'uliyatini shakllantirish urf-odatlardan foydalanishning asosini tashkil etadi.

Urf-odatlar kishilarning turmushiga singib ketgan, ma'lum muddatda takrorlanib turuvchi xatti-harakat, kopchilik tomonidan qabul qilingan xulq-atvor qoidalari ko'nikmasidir. Masalan, kichiklarning kattalarga salom berishi, uy-hovlilarni ertalab turib supurish va tartibga keltirish, mehmonlarga alohida hurmat ko'rsatish va kutib olish, bayram kunlari arafasida keksa qariyalar, moddiy jihatdan qiynalgan kishilarga yordam berish, qo'ni-qo'shnilarga yordam ko'rsatish, hasharga borish kabilar o'zbek xalqiga xos odatlar hisoblanadi.

Mustaqillik sharofati bilan maktablarimizda sharqona urf-odatlarimiz, qariyatlarimiz, odob-axloq meyorlarini o'rganadigan "Odobnoma" darslari o'tiladigan bo'ldi. "Odobnoma" darsligida o'zbek millatiga xos bo'lgan tarbiya asoslari, milliy qadriyatlarimiz va meroslarimizni o'zida mujassam etgan mavzular o'z ifodasini topgan. Mazkur fan dasturi odob, salom mavzusi bilan boshlanishini nazarda tutadigan bo'lsak, millatning urf-odatlari va an'analarni boshlang'ich sinf o'quvchilari ongida tushuncha sifatida hosil qilish maqsadga muvofiqdir.

Yosh avlodni har tomonlama yetuk shaxs qilib tarbiyalashda tarixiy manbalarga tayanib tarbiyaviy ishlar olib borish o'z samarasini beradi. Chunki milliy urf-odatlar doimo yaxshilikka qaratilganligi, ulardan ma'naviy ozuqa olish imkoniyati borligi, ular har doim xalqimizning sinovidan o'tib kelayotganligi bizga ma'lum. Urf-odatlar, an'analarni dars va darsdan tashqari turli xil tarbiyaviy tadbirlarda shakllantirish faqat ta'lim-tarbiya orqali amalga oshiriladi. Milliy urf-odatlarining ta'lim va tarbiya jarayonida pedagogik vazifalarni bajarish zaruriyati bor. Buni chizmada quyidagicha tasavvur qilamiz:



Bunda:

- ta'lim-tarbiya jarayonida ustoz-shogird tizimining yaxshi yo'lga qo'yilganligi;
- ta'lim-tarbiya jarayonida ta'sirchan vositalardan foydalanish;
- milliy qadriyatlarni ta'lim-tarbiya tizimiga olib kirish;
- urf-odatlar va an'analarning tarbiyaviy ahamiyatini keng yoritib berishga alohida e'tibor qaratiladi. Buning uchun ta'lim-tarbiya jarayonida urf-odatlardan foydalanish o'qituvchining bilimni kengligiga, ta'lim texnologiyalaridan samarali foydalanishga, ularning pedagogik mahoratiga ko'p jihatdan bog'liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tulenov J.T. Qadriyatlar falsafasi. –T.: 1986.
2. Hasanboyev J. va boshqalar. Pedagogikadan izohli lug'at. –T.: Fan va texnologiya, 2009.



BOSHLANG'ICH SINFLAR DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL METODLARNING AHAMIYATI

G'aniyeva N., Namangan DU o'qituvchisi

Mustaqillik yillarida Prezidentimiz tashabbusi, tinimsiz sa'y-harakatlari bilan respublikamizda har tomonlama yetuk, komil insonni tarbiyalash masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.

Xalqimiz azal-azaldan yoshlar tarbiyasiga, ularning puxta bilim olishlariga jiddiy e'tibor qaratib kelgan. Ayniqsa, mustaqillik yillarida barkamol avlod tarbiyasi alohida o'rin egallaydi. 2014- yilni "Sog'lom bola" yili deb nomlanishi ham bejiz emas. Chunki, bugun mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarning zahirida yoshlar kelajagi masalasi muhimdir.

Boshlang'ich sinf darslarining interfaol metodlar asosida olib borilishi, o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undab, dars jarayoniga o'z yondashuvi bilan faol ishtirok etishini ta'minlaydi. Interfaol metodlar o'qituvchi va o'quvchining birgalikdagi faoliyati bo'lib, asosan o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undaydi, kerakli xulosalarga kelish, taxlil qilish va amaliyotda qo'llashni o'rgatadi.

Interfaol metodlar yana shunisi bilan ham ahamiyatliki, o'qituvchi o'quvchining fikrini hech qachon keskin rad etmaydi, faqatgina to'g'ri xulosani aytib ketadi, natijada o'quvchi o'z xatosini tushunib yetadi. Bu esa ulardagi tushkunlikka tushish, fikrlashdan to'xtash kabi holatlarning oldini oladi va doimiy faollikni ta'minlaydi. Interfaol metodlar o'quvchi va o'qituvchi o'rtasidagi o'zaro xamkorlikka asoslanadi. O'qituvchi har qanday vaziyatda ham o'quvchining fikrini tinglaydi, hurmat bilan qaraydi, shu bilan birga o'quvchilarni bir-birlarini tinglashga o'rgatadi. Ta'lim jarayoniga pedagogik texnologiyalarni va faol metodlarni qo'llash orqali o'quvchini ijodiy fikrlash, mustaqil qaror qabul qilish, yangi bilimlarni mustaqil egallash qobiliyati rivojlantiriladi. Mustaqil fikrlash qobiliyatiga ega bo'lgan bolagina o'z muammolarini o'zi mustaqil hal qila oladi va jamiyatda o'z mavqeyiga ega bo'ladi. Bunday qobiliyat esa boshlang'ich sinflardan boshlab shakllantiriladi. O'tkazilgan izlanishlar shuni ko'rsatadiki, boshlang'ich sinflarda interfaol metodlardan foydalanib o'qitish ta'lim mazmunining to'rtta (bilim, ko'nikma, malaka, ijodiy faoliyat) komponentlarini o'zlashtirishga ijobiy ta'sir etadi.

Boshlang'ich sinf dars jarayonida interfaol metodlarni qo'llash uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish zarur :

- boshlang'ich ta'lim jarayonida interaktiv texnologiyalardan foydalanish qoidalariga roya qilish;
- boshlang'ich sinflarda darslarida o'yin texnologiyasidan ko'proq foydalanish;
- boshlang'ich sinf darslarida ta'limning texnik vositalaridan foydalanish.

Boshlang'ich sinf darslarida interaktiv texnologiyalarni qo'llashda ta'lim vositalari – o'quv materialini ko'rgazmali taqdim etish va shu bilan birga o'qitish samaradorligini oshiruvchi

yordamchi material sifatida foydalaniladi.

Bu esa o'quvchilarning o'quv materialini tushinishlariga va yaxshi eslab qolishlariga imkon beradi. Ulardan yordamchi ta'lim vositalari – grafiklar, chizmalar, rasmlar va boshqalardan foydalanish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinf darslarida interaktiv texnologiyalardan foydalanish zarur bilim va ko'nikmalarni faol o'zlashtirishlarida, o'quvchilarni intellektini va tafakkurini teranlashtirishda ijobiy natijalarni beradi va pedagog tomonidan qo'yilgan aniq maqsadlar amalga oshiriladi.



O'QUVCHILARNI MANTIQUIY VA IJODIY FIKRLASHGA O'RGATISHNING ZAMONAVIY USULLARI

G'oyibnazarova N., Karimova N., Namangan VPKQTMOI o'qituvchilari

Ta'lim tizimida o'qituvchilar tomonidan noan'anaviy ta'lim metodlari joriy etilib, o'qitishning zamonaviy shakllari va metodlari keng qo'llanilmoqda. Zamonaviy metodlarni qo'llash o'qitish jarayonida samaradorlikka erishishga olib keladi. An'anaviy o'qitish jarayonida asosan o'qituvchi darsni olib borsa, noan'anaviy o'qitish jarayonida esa o'quvchi shaxsiga erkinlik berish, munosabatlarni demokratlashtirish asosida dars jarayonlari tashkil etiladi. Bunda ta'lim jarayonida o'yinlardan foydalanish ham muhim o'rin tutadi. Didaktik o'yinli texnologiyalar o'quvchi faoliyatini faollashtirish va jadallashtirishga asoslangan bo'ladi. Ular o'qitish sifatini oshirish va o'quvchilarda tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, tadqiq qilish, hisoblash, o'lchash, yasash, sinash, kuzatish, solishtirish, xulosa chiqarish, mustaqil qaror qabul qilish, guruh yoki jamoa tarkibida ishlash ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilganligi bilan xarakterlanadi. Bugungi kunda didaktik o'yinlarning asosiy turlari: intellektual (aqliy), harakatli va aralash o'yin turlari amaliyotga tatbiq etilgan.

O'quvchilarning nutqini o'stiradigan, dunyoqarashini kengaytiradigan, ularning hayot haqidagi bilim va ko'nikmalarini rivojlantiradigan vositalar orasida xalq og'zaki ijodi alohida ahamiyatga ega. Xususan, boshlang'ich sinf o'qish darsliklarida berilgan xalq og'zaki ijodi namunalaridan foydalanish o'quvchilarning ijodiy fikrlashga yo'naltirishning muhim omili hisoblanadi.

4-sinf o'qish fani dasturida xalq og'zaki ijodi uchun 28 soat vaqt ajratilgan(UDTS, 2010, 59-bet). Darslikda dasturga muvofiq tarzda o'quvchilarning sinfda va mustaqil o'qishlari lozim bo'lgan mavzular berilgan. Masalan, **“Qo'shiqlar qanoti ostida”** ruknida: *“Boychechak”, “Oftob chiqdi olamga”, “Xo'p hayda”*; **“Ertaklar mamlakatida”** ruknida *“Ilm afzal”, “Davlat”, “Ko'zacha bilan tulki”, “Ochko'z boy”, “Hiylagarning jazosi”, “Ziyrak bola ”* va h. shular jumlasidandir. Darslikdagi mazkur bo'limni o'tishda o'quvchilarning mustaqil fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirish, mantiqiy va ijodiy fikrlashga o'rgatishda o'qitishning zamonaviy texnologiyalarini tatbiq etish ijobiy natija beradi. Bunda **“So'z top”, “To'xtab o'qish”, “Charxpalak”, “Zanjir”, “Klaster”, “Mozaika”, “Hikoya metodi”, “Faqat shu harfga so'z”** kabi intergaol metodlar dars samaradorligini oshiribgina qolmay, o'quvchilarning faolligini oshiradi, fikrlarini mustaqil bayon etish ko'nikmalarini rivojlantiradi, topqirlik va zukkolikka o'rgatadi. Masalan, **“Boychechak”**(O'qish kitobi, 4-sinf, 42-bet) mavzusini mustahkamlash uchun **“Mozaika”** usulini q'ollashda she'r 6 banddan iboratligi inobatga olinib, boychechak guli 6 qismga ajratiladi (har bir bo'lakka oldindan sh'er bandlari yozib qo'yiladi) va guruhlarga tarqatiladi. O'quvchilar darsliklar yopilgan holda boychechakning gullarini to'g'ri joylashtirish asosida sh'er bandlarining ketma-ketligini aniqlaydilar. Bunda o'quvchilarning mantiqiy fikrlash ko'nikmalari rivojlantiriladi. Shu o'rinda topshiriqni boshqacha usulda ham berish mumkin. Buning uchun boychechak bo'lakchalariga so'zlar yozib, uni to'g'ri joylashtirish orqali gap tuzish topshirig'i beriladi. Masalan, *“Mitti boychechak – bahorning ilk elchisi”*.

Darslikdan o'rin olgan **“Ziyrak bola”** ertagini o'tishda **“To'xtab o'qish”** (pauzali o'qish)

metodini qo'llash ijobiy natija beradi. Bunda o'qituvshi ertakni oldindan 7 qismga ajratib oladi. O'qituvchi matn bilan tanishtirish jarayonida yetti marta to'xtab, o'quvchilarga savollar bilan murojaat qiladi. Savollarni shunday tuzish kerakki, ular o'quvchilarni matn qahramonlari nomidan o'z fikr-mulohazalarini aytishga undasin. Masalan: *Oradan bir qancha kun o'tgandan keyin pulga muhtoj bo'lib, ko'zachaga joylagan pulini olish uchun chilonjiyda daraxti yoniga keldi. Ammo daraxt tagini qazib, ko'zachani olib edilar. Bu ko'ngilsiz holni ko'rib bechora Ibrohim nima qilishini bilmay qoldi* ("O'qish" kitobi, 4-sinf, 59-bet).

O'qituvchi savoli: Aytinch, Ibrohim nima qilishi mumkin?

Shu tarzda matn asosida savollar berilib, o'quvchilarning javobi tinglab boriladi va dars yakunida xulosalanadi. Mazkur metod asosida o'quvchilarni mantiqiy va mustaqil fikr yuritishga, izlanishga, muammolarni hal qilish yo'llarini topishga o'rgatib boriladi.

O'qitishning zamonaviy texnologiyalarini bo'limda berilgan boshqa mavzularga ham tatbiq etish orqali o'quvchilarning darsga qiziqishlari orttiriladi va ko'zlangan natijaga erishiladi.



BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'ZBEK TILIDARSLARINI O'TISHNING ZAMONAVIY USULLARI

G'oyibnazarova N., Namangan shahridagi 48-maktab o'qituvchisi

Davlat ta'lim standartlari talablariga asoslangan holda mustaqil O'zbekistonning yosh avlodiga ta'lim-tarbiya berish maktab o'qituvchilariga mas'uliyatli vazifalarni yuklaydi. Hozirgi vaqtda maktab o'qituvchilari oldida turgan pedagogik izlanish natijalarini amaliyotda joriy qilish, dars samaradorligini oshirish va sifatini yaxshilash kabi dolzarb vazifalar ularni o'z ustida tinmay ishlashga, izlanishga undaydi.

Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning boshlang'ich ta'lim bosqichida o'zbek tili ta'limining asosiy mazmuniga quyidagi talablar qo'yilgan:

1. O'rganilayotgan tilda muloqot malakasini egallash (nutqiy kommunikativ malaka).
2. Til materiali va vositalarini nutqda qo'lliy bilish uchun yetarli bilimlarni o'zlashtirish (grammatik bilim va malaka).
3. Milliy madaniyat va umuminsoniy qadriyatlar bilan tanishtirish orqali hosil qilinadigan tarbiya (milliy madaniyatni egallash malakasi).

"Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda ta'limning ravnaqi uning insonparvarligi, ta'lim va tarbiya tizimining uzviyligi, uzluksizligi ta'limda umuminsoniy va milliy qadriyatlarning ustuvorligi, Davlat ta'lim standartlari doirasida har bir shaxsning bilim olishi uchun imkoniyatlar yaratilishi bilan belgilanishi bejiz emas. Ma'lumki, uzviylikni ta'minlash har bir ta'lim bosqichida bajarilishi muhim bo'lgan DTS talablaridan kelib chiqadi. Shunga ko'ra, 2 - 4-sinflarda grammatik bilim aniq grammatik qoida sifatida berilmaydi. Boshlang'ich sinflarda grammatik bilim leksik birliklarni o'zlashtirish, dialogga kirisha olib, eng sodda nutq namunasini tuzish bilan cheklanadi. Tajribalarimizdan ko'rinadiki, ta'limiy o'yinlar vaqtni bekor o'tkazish emas, aksincha, aynan o'yinlar ko'proq gapirish va tinglab tushunish ko'nikmalarini shakllantirishga ko'maklashadi. Bunday metod o'rganuvchilarning faolligini, fanga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi. O'quv materialini o'zlashtirish, mustahkamlash va amalda qo'llashga zamin yaratadi.

Ta'limiy o'yinlar darsning hayotiyligi, jonliligi, samaradorligi uchun xizmat qiladi, o'quvchilarning faolligini ta'minlaydi. O'zbek tili darslarini ta'limiy o'yinlarga qo'yiladigan quyidagi asosiy talablarga muvofiq tashkil etilsa maqsadga muvofiq bo'ladi:

1. Ta'limiy o'yinlar o'quvchilar yoshiga mos bo'lishi kerak.
2. O'yinlar o'tilayotgan mavzu mazmun-mohiyatiga mutanosib bo'lishi lozim.
3. Ta'limiy o'yinlarni o'tkazish vaqti aniq belgilanishi shart.
4. Ta'limiy o'yinlar ham ta'limiy, ham tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lishi kerak.
5. Ta'limiy o'yinlarning o'tkazilish maqsadi, ahamiyati belgilanishi lozim.

Shu talablarga amal qilingandagina ular ta'lim samaradorligiga xizmat qiladi.

O'zbek tili darsliklaridagi o'quv topshiriqlarning muayyan qismini suhbat, savol-javob, rasm asosida matn yaratish mashg'ulotlari tashkil etadi. O'quvchilarning til hodisalarini o'rganishida o'yin vaziyati yaratish yoki o'yin darslari tashkil etish alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki tilshunoslik juda ko'p mavhum tushunchalar, ta'rif, qoida va xulosalar bilan ish ko'radiki, ularni xotirada saqlab qolish yoki zarur paytda amaliy faoliyatda qo'llash o'quvchiga ancha qiyinchilik tug'diradi. O'quvchi har bir o'rganilayotgan til hodisasini o'zining aqliy faoliyatidan o'tkazsa, bu hodisalar ustida mustaqil ijodiy ishlar bajarisa, aqliy faoliyat usullari: kuzatish, taqqoslash, guruhlash, umumlashtirish kabi bosqichlarni bosib o'tsagina, u o'rganilishi ko'zda tutilgan til hodisalarining mohiyatini puxtarok anglaydi va uni o'rganishga qat'iy kirishadi. O'yin-topshiriqlar ham o'quvchidan xuddi mana shu bosqichlarni bosib o'tishni talab etadi va uni ta'lim jarayonining subyektiga aylantiradi.

Ta'limiy o'yinlarning eng muhim xususiyatlaridan biri shundaki, u o'quvchidan tezkorlik, sezgirlik va topqirlikni talab etadi, bola jarayonda ishtirok etish orqali bilim oladi, egallagan ko'nikma va malakalarini kengaytiradi. Tilga oid o'yin-topshiriqlar ham boshqa fanlardan tashkil etiladigan ta'limiy o'yinlar singari, avvalo, muayyan maqsadga qaratilgan vazifani bajaradi. Bu vazifalar o'quvchini bilim, ko'nikma va malakalar silsilasi bilan qurollantirishni nazarda tutadi. Modomiki shunday ekan, o'qituvchi o'quvchilarni belgilangan vazifani bajarishga undaydi, yo'naltiradi. Bu jarayon o'quvchidan oldin egallagan bilimlarni xotirada tiklashni, zaruriyat tug'ilganda uni yangi sharoitda qo'llay olishni, o'zida mavjud bo'lgan barcha imkoniyatlarni ishga solishini talab etadi.

Ma'lumki, ta'limiy o'yindan ko'zlangan maqsad uning natijasida namoyon bo'ladi. Dars jarayonida tashkil etiladigan ta'limiy o'yinlarning asosiy maqsadi o'quvchilarni zerikish va toliqishdan saqlashdir. Shuni yodda tutmoq lozimki, o'yin orqali singdirilgan bilim o'quvchi xotirasiga mustahkam o'rnatilib qoladi va bu bilimlarni u har qanday tanish va notanish sharoitda ishga sola oladi. O'quvchilarni o'zbek tilini puxta o'zlashtirishga qiziqtirish va ularni dars mashg'ulotlariga faol ishtirok etishlarini ta'minlash, zarur nutqiy ko'nikmalarni shakllantirish, o'qitish jarayonini tashkil etish va uni takomillashtirish, dars samaradorligini oshirish asosan o'qituvchilarning kasbiy mahoratiga bog'liq.

O'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatishda **“Lug`atimizni boyitamiz”, “Zanjir”, “So`z top”, “Mozaika”, “Aqliy hujum”, “Klaster”, “Navbatchi harf”, “Bo`gin tuzish”, “Meva terish”** kabi usullaridan foydalanish natijasida bolalarda o`qish, o`rganish, ijod qilishga qiziqtirishi mumkin. Masalan, 2-sinfda „Bo`g'in tuzish“ o'yinida o'quvchilar o'qituvchi boshchiligida unli tovushlar bilan turli undosh tovushlardan foydalanib, bo'g'inlar tuzadilar: *la, lo, ka, so, ti* kabi. Bu bo'g'inlarni avval o'qituvchi o'qib beradi, keyin navbat bilan o'quvchilar o'qiydilar. Shu o'rinda bo'g'inlar ishtirokida so'zlar tuzish topshirig'i beriladi. O'quvchilar **“lola”, “lagan”, “karam”, “soat”, “tilak”** kabi so'zlarni aytadilar. Lug`at so'zlarni o'rganishda **«Meva terish»** o'yinini o'tkazish ijobiy natija beradi. Bunda magnit doska yoki vatmanga qog'ozdan yasalgan mevalar yopishtiriladi. Ular orqasida so'zlar o'zbek tilida yozilgan bo'ladi. O'quvchi to`gri javob bersa, mevani uzishi mumkin, aks holda, mevalar joyida qoladi. Bunday topshiriqlarni ijodiy yondashgan holda **2-sinf** darsligida berilgan **“Ranglar”**(37-bet), **“Kiyimlar”**, (41-bet), **“Oziq-ovqatlar”**(53-bet), **“Sabzavotlar”** (62-bet); **3-sinf darsligidagi “Uy hayvonlari”**(63-bet), **“Parrandalar”**(66-bet), **“Assalom, Navro`z!”**(105-bet) kabi mavzularda qo'llash mumkin.

O'zbek tili darslarida o'quvchilarni xatosiz yozishga o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Reja asosida oyida bir yoki ikki marta o'tkaziladigan diktant yaxshi natija beradi, deb bo'lmaydi. Ammo diktant yozish haqida asosiy ko'nikma va malakalar paydo bo'ladi. Maqsadga erishish uchun tajriba tariqasida diktant o'yinlarini tashkil etish, bu o'yinlar uchun o'zbek tili darsidan 5-6 daqiqa vaqt ajratish hamda qisqacha diktant o'yinlari o'tkazishni doimiy olib borishni tavsiya etamiz. O'quvchilarga rasmlar ko'rsatiladi va unda ifodalangan narsani o'zbek tilida yozish topshirig'i beriladi. Masalan, *barg, daraxt, olma, stol, gul* kabi.

Bundan tashqari o'qituvchi o'quvchilar bilan **“Kim ko'p so'zni eslab qoladi”** o'yinini ham o'tkazishi mumkin. So'z aytiladi, o'quvchilar bu so'zlarni eslab qolib daftarlariga yozadilar. Bu o'yinni qo'llash o'quvchilarning savodxonligini oshiradi, gap tuzish, fikrlash, esda saqlash

qobiliyatini oʻstiradi. Shuningdek, toʻgʻri talaffuz qilish, husnixat koʻnikmalariga ham ega boʻladilar va oʻz-oʻzini nazorat qilish, boshqarishni oʻrganadilar. Qolaversa, bunday mashgʻulotlar yuqori sinfga borganda matn yaratish mahsgʻulotlari uchun mustahkam poydevor hozirlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Uzviylashtirilgan Davlat taʼlim standarti va oʻquv dasturi, Toshkent, 2010.
2. “Oʻzbek tli” kitobi, 2-sinf, Toshkent, 2012.
3. “Oʻzbek tli” kitobi, 3-sinf, Toshkent, 2012.
4. Oʻqituvchilar uchun metodik qoʻllanma, Toshkent, 2010.



TAʼLIMiy OʻYINLAR ORQALI MANTIQUIY VA IJODIY FIKRLASH KOʻNIKMASINI SHAKLLANTIRISH

**Hayitova F.A., Termiz DU oʻqituvchisi,
Oʻroqova Sh., Termiz DU talabasi**

Yosh avlodga taʼlim-tarbiya berish har doim dolzarb muammo boʻlib kelgan. Masalan, Suqrot oʻqitishda savollar qoʻyish yoʻli bilan oʻquvchilarning mantiqiy mulohazalariga rahbarlik qilish koʻnikmasiga katta ahamiyat bergan boʻlsa, Disterveg mustaqillikka beixtiyor harakat qilishga undovchi qayta tiklash reaksiyasini talab qiladi.

Oʻsib kelayotgan yoshlarni komil inson qilib tarbiyalash vazifasi azaldan pedagogikaning oldida turgan dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Bu boradagi masalalar pedagoglar zimmasiga katta vazifa yuklaydi. Bolalarga berilayotgan taʼlim-tarbiya bolaning ongida turli tartibda joylashishi mumkin. Bu muammoni hal etish uchun mantiqiy mashqlar yaqindan yordam beradi. Mantiqiy mashqlarning ahamiyati shundaki atrof muhitdan olinayotgan turli xil bilimlar bolaning ongida tizimli, tartibga solingan holda shakllantiradi, shuningdek, ular toʻgʻri fikrlashga oʻrgatiladi.

Maktabga ilk qadam qoʻygan bola lugʻat boyligi koʻp boʻlsada, odatda, taqqoslash, umumlashtirish, qarshi qoʻyish, guruhlash usullaridan foydalanishni bilmaydi. Mantiqiy mashqlarning u yoki bu narsa va hodisalar bilan tanishish vaqtida predmet va voqea-hodisalarning muhimini ajratishga, anigʻini tanlashga, kerakli soʻzdan oʻz oʻrnida unumli foydalanishga oʻrgatish, bilimlarni boyitish, aqliy tomondan oʻstirish hisoblanadi.

Boshlangʻich taʼlimning samaradorligi oʻquvchilarda oʻzigaxos tarzda tarkib topgan taʼlimiy faoliyatning shakllanish darajasiga bogʻliq. Bunday faoliyat nazariy bilimlarni oʻzlashtirish jarayonida, oʻqituvchi rahbarligida tarkib topadi va muntazam ravishda shakllanib boradi.

Hozirgi davr respublikamiz ijtimoiy hayotidagi tub ijobiy oʻzgarishlar boshlangʻich sinf ona tili taʼlimini oldiga muhim talablar qoʻymoqda. Mashgʻulotlarni pedagogik texnologiyalar asosida qurish, DTS talablarini bajarish, bolalarning fikrlash darajasini muntazam ravishda oʻstirib borish, oʻquvchilarning nutqiy va imloviy savodxonligini toʻla taʼminlash ana shu talablar sirasiga kiradi. Fonetik, grammatik, orfografik tushunchalarni mustahkamlash, nutqiy malakani mukammal shakllantirishda metodika fanidan belgilangan mashqlar qatorida taʼlimiy oʻyinlar ham muhim oʻrin tutadi. Taʼlimiy oʻyinlarning boshqa mashq turlaridan farqi shundaki, bunda bir tomondan, oʻquvchilarning zerikishi, charchogʻiga barham berilsa, ikkinchidan tomondan, bolalarning fikrlash jarayoni tezlashadi, muayyan belgilangan malakalarning mufassal shakllanishi osonlashadi.

Maʼlumki oʻquvchi qancha yosh boʻlsa, darslarda qoʻllanadigan qiziqarli oʻyin elementlari shunchalik koʻp boʻlishi lozim. Chunki, darsda qoʻllanadigan didaktik oʻyin, bir tomondan, ayrim bolalar tabiatiga xos boʻlgan qiziquvchanlik, shoʻxlik kabi xususiyatlariga muvofiq kelsa, ikkinchi tomondan, baʼzi bolalardagi odamovilik, indamaslik, uyatchanlik kabi jihatlarini bartaraf etib boradi. Demak, oʻyin jarayoni oʻquvchi psixologiyasida keskin oʻzgarishlar yasaydi. Oʻyin davomida oʻquvchi mavhum grammatik-orfografik tushunchalar mohiyatini anglay boshlaydi, uning xotirasida koʻpgina soʻzlar uchun umumiy boʻlgan belgilar oʻrin ola boshlaydi, ogʻzaki va yozma

nutqidagi orfoepik - orfografik tushunchalar mohiyatini anglay boshlaydi, yozma nutqidagi orfoepik - orfografik nuqsonlar kamayadi.

Mantiqiy savollardan tuzilgan ta'limiy o'yinlar sinf jamoasining erkin tutishlarini ta'minlaydi, darsning samaradorligi ortadi. O'yinda ko'pchilik o'quvchilarning faol ishtiroki ta'minlanib, reyting ballarini qo'yib borish imkoniyati tug'iladi. O'yinlarning yana bir diqqatga sazovor joyi shundaki, sinfda inoqlik, shiddat hukm suradi. O'quvchilar bir-birlariga yordam bergilari kelib, sinf jamoasining jipsligi yanada ortadi.

Boshlang'ich sinf ona tili dasturidagi har bir mavzu bo'yicha muayyan shakldagi mantiqiy mashqlarni tashkil qilish mumkin. O'qituvchi, avvalo, ta'limiy o'yinlarning ta'lim-tarbiyaviy maqsadini belgilab, o'yinga kerakli materialni tayyorlab o'quvchilarga mantiqiy mashqlarni o'tkazish tartibini aniq tushuntirib berishi, o'yinni o'zi boshqarib borishi, o'quvchilarning xatolarini yo'l-yo'lakay tuzatib borishi zarur. O'yin oxirida tegishli xulosalar chiqarilib, ballar e'lon qilinadi.

Boshlang'ich ta'limning samaradorligini ta'minlashda o'qituvchining shaxsiy sifatlari va pedagogik kasb mahorati ham muhim ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi barcha pedagogik-psixologik vositalarni qo'llagan holda kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda yaxlit tarzda o'quv faoliyatini shakllantiraolishi kerakligi bugungi kunda barchaga ayon. Bu o'quv faoliyati fonetik-grafik, grammatik, orfografik va orfoepik tushunchalar ustida ishlashda shakllansa, o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqidagi nuqsonlar yo'qola boradi.

Boshlang'ich sinf ona tili darslarida ko'proq bola yoshini hisobga olib, sodda shaklda berilgan mantiqiy mashqlar o'quvchilar nutqini yanada rivojlantiradi. O'qish darslarida berilgan mavzular yuzasidan mustaqil ish turi sifatida mantiqiy mashqlardan foydalangan holda davom ettirish lozim.

Zero, boshlang'ich sinflardan o'quvchilarni mantiqiy mushohada qilishga o'rgatsak, ular kelajakda hozirjavob, zukko, bilimli, Vatan ravnaqi uchun jon-jahdi bilan xizmatga tayyor, qiyinchiliklardan cho'chimaydigan, har qanday muammoli vaziyatdan chiqadigan, ma'nan komil inson bo'lib kamol topadilar.

Demak, bolalarning lug'at boyligini o'stirish, mantiqiy va ijodiy fikrlash qobiliyatini shakllanishida ta'limiy o'yinlarning ahamiyati katta bo'lib, ona tili, qolaversa, boshqa fanlar bilan birgalikda, bog'liq holda olib borish o'quvchilar nutqini o'stirishni muvaffaqiyatli amalga oshirish omili hisoblanadi.



ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ЛОГИЧЕСКОГО И ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ В УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Хамидова Г.Ю., Саттаров Ф.Ф., преподаватели Бухарский ОИППКПКНО

Необходимым условием качественного обновления общества является подготовка подрастающего поколения к активной жизни в условиях постоянно развивающегося общества. И приоритет в этом процессе принадлежит системе школьного образования, где и происходит в основном умножение интеллектуального потенциала детей.

Решение этой задачи во многом зависит от построения образовательного процесса. Большинство существующих образовательных программ ориентированно на передачу обучаемым общественно необходимой суммы знаний, на их количественный прирост, на отработку того, что ребёнок уже умеет делать. Однако умение использовать информацию определяется развитостью логических приёмов мышления и развитием творческого мышления. Потребность в целенаправленном формировании логического и творческого мышления в процессе изучения конкретных образовательных дисциплин уже осознаётся психологами и педагогами. Работа над развитием логического и творческого мышлений ребёнка идёт без осознания значимости психологических приёмов и средств в этом процессе. Это приводит к тому, что большинство учащихся не овладевают приёмами систематизации

знаний на основе логического мышления даже в старших классах школы, а эти приёмы необходимы уже младшим школьникам: без них не происходит полноценного усвоения материала. В младшем школьном возрасте дети располагают значительными резервами развития. С поступлением ребенка в школу под влиянием обучения начинается перестройка всех его познавательных процессов. Именно младший школьный возраст является продуктивным в развитии логического и творческого мышления.

Это связано с тем, что дети включаются в новые для них виды деятельности и системы межличностных отношений, требующие от них наличия новых психологических качеств. Основным условием формирования личности является развитие психической деятельности ребенка, развитие его мышления.

Мышление человека, представляя собой процесс познавательной деятельности, характеризуется обобщенным и опосредованным отражением действительности. Осмысление происходящего вокруг, вскрытие существенных сторон, связей в предметах и явлениях - результат логического мышления.

Логическое мышление, которое ещё иначе называют в широком смысле слова дискурсивным, предполагает логическим путём переход от одного определённого представления к другому.

Творческое мышление – это мышление, результатом которого является открытие принципиально нового или усовершенствованного решения той или иной задачи.

Ранее, рассматривая вопрос о видах мышления, присущих человеку, мы уже выделили творческое мышление как особенный вид и дали ему краткую характеристику. Теперь рассмотрим его подробнее.

Творческое мышление можно определить как мышление, в результате которого человеком успешно решается новая задача, причем эта задача решается необычным, оригинальным способом, которым человек раньше не пользовался. Творческим может стать любой из основных видов мышления: наглядно-действенное, наглядно-образное и словесно-логическое.

Способность логически мыслить позволяет человеку понимать происходящее вокруг, вскрывать существенные стороны, связи в предметах и явлениях окружающей действительности, делать умозаключения, решать различные задачи, проверять эти решения, доказывать, опровергать – словом, всё то, что необходимо для жизни и успешной деятельности любого человека.

На современном этапе общественного развития главной задачей, стоящей перед системой образования, является всестороннее содействие становлению и формированию личности, способной быстро ориентироваться в изменяющейся ситуации, находить качественно новые пути решения разнообразных проблем, ориентироваться в возрастающем потоке информации и выделять из него те знания, которые необходимы для продуктивной работы, мыслить и действовать нестандартно, творчески. В организации учебно-воспитательного процесса особенно востребованы те виды деятельности, которые развивают личность и обеспечивают ее творческое саморазвитие. Развитие творческих возможностей учащихся важно на всех этапах школьного обучения, но особое значение имеет формирование творческого мышления в младшем школьном возрасте. Согласно мысли Л.С.Выготского, обучение в школе выдвигает мышление в центр сознательной деятельности ребенка.

Одним из основных признаков логического и творческого мышления являются – спонтанность, внезапность творческого акта в зависимости от внешних ситуативных причин, где главная особенность творческого мышления связана со спецификой протекания процесса в целостной психике как системе, порождающей активность индивида. Иное дело – оценка продукта как творческого. Здесь в силу вступают социальные критерии: новизна, осмысленность, оригинальность и так далее. С творческим мышлением сопряжены два личностных качества: интенсивность поисковой мотивации и чувственность к побочным образованиям, которые возникают при мыслительном процессе.

Таким образом, творческое мышление – мышление, связанное с созданием или открытием принципиально нового субъективного знания, с генерацией собственных оригинальных идей. Показателями, характеризующими как логическое так и творческое мышление являются следующие качества: *беглость, гибкость и оригинальность мысли.*

Беглость включает в себя два компонента: легкость мышления, то есть быстрота переключения текстовых заданий и точность выполнения задания.

Гибкость мыслительного процесса – это переключение с одной идеи на другую. Способность найти несколько различных путей решения одной и той же задачи.

Оригинальность – минимальная частота данного ответа к однородной группе.

Таким образом, логическое и творческое мышление – это виды мышления, сущность которых в оперировании понятиями, суждениями, умозаключениями на основе законов логики, их сопоставления и соотнесения с действиями, или же совокупность умственных логически достоверных действий или операций мышления, связанных причинно-следственными закономерностями, позволяющими согласовать наличные знания с целью описания и преобразования объективной действительности.



**BO‘LG‘USI BOSHLANG‘ICH TA‘LIM OQITUVCHILARI MA‘NAVIYATINI
OSHIRISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH
(oliy o‘quv yurti talabalari misolida)**

Hasanov T., Andijon DU professori, p.f.d.

Artikova M.B., p.f.n., dotsent.

To‘raboyeva M., talaba


Fan-texnika taraqqiyoti jadal sur‘atlar bilan rivojlanayotgan bugungi kunda yuksak ma‘naviyatli, yurt ravnaqi va istiqboli yo‘lida fidoyi yoshlarni tarbiyalash jamiyatimiz oldida turgan eng dolzarb vazifalardan biridir. Jamiyat taraqqiy etib, ma‘naviy, mafkuraviy omillarning ijtimoiy ahamiyati ortib borgani sari o‘sib kelayotgan yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda milliy iftixor, yuksak ma‘naviyat, intellektual salohiyatni shakllantirish ta‘lim-tarbiya tizimining asosiy vazifalaridan biridir. Bu borada ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan boy ilmiy, moddiy va ma‘naviy merosni o‘rganib, uning mazmun-mohiyatini teran anglash, ma‘naviy taraqqiyotimizdagi o‘rnini tushunib yetish muhim sanaladi.

Yoshlar tarbiyasida sharqona, qadimiy ajdodlar urf-odatlarini, an‘analari, axloq-odob qoidalariga amal qilishda xalqimizning milliy tarbiya tizimidan unumli foydalanishga alohida e‘tibor berish va bu borada ustozlar o‘z kuchi, aql-zakovotini ayamaskliklari lozim. Yuqoridagi fikrlardan ko‘rinadiki, hozirgi davrda kelajak avlodning Vatan ravnaqi sari ishonch bilan ongi rivojlanib borishida ularning ma‘naviyati, milliy o‘zligini anglab borishi kechiktirib bo‘lmas vazifalardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Milliy tarbiya tizimida, millat ma‘naviyatini tiklash va rivojlantirishda talabalarda oliy ta‘lim tizimida milliy g‘urur va iftixorni o‘stirish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, shuningdek, milliy o‘zlikni anglash tuyg‘usini shakllantirish, bu borada esa ma‘naviy muhitni barqarorlashtirishga xizmat qiluvchi samarali ta‘lim shakllaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Samarali tashkil etilgan ta‘lim shakllari asosida ma‘naviyatni ostirish – talabalarining xulq-atvorida dastlab oilada, o‘quv muassasasi, mahalla, mehnat jamoasida rivojlanib, ongi va qalbiga mustahkam singib boradi. Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, oliy ta‘limda pedagogik fanlarni o‘qitishda mavzu mazmunidan kelib chiqib, quyidagi interaktiv metodni qo‘llash mumkin:

«**Ven diagrammasi**» **metodi.** Ushbu metod talabalarda mavzuga nisbatan tahliliy yondashuv, ayrim qismlar negizida mavzuning umumiy mohiyatini o‘zlashtirish (sintezlash) ko‘nikmalarini hosil qilish, ma‘lumotlar yoki dalillarni qiyosiy tahlil etishga yo‘naltiriladi. Strategiya kichik guruhlarini shakllantirish asosida sxema bo‘yicha amalga oshiriladi. Metoddan

mavzuni mustahkamlash va bob (paragraf)lar yakunida foydalanish mumkin. Yozuv taxtasi o‘zaro teng uch, to‘rt yoki besh bo‘lakka ajratiladi va har bir bo‘lakka quyidagi sxema chiziladi:



Strategiyani qo‘llash bosqichlari quyidagilardan iborat:

talabalar guruh sonidan kelib chiqib, uch, to‘rt yoki besh guruhga bo‘linadi;


yozuv taxtasiga topshiriqni bajarish mohiyatini aks ettiruvchi sxema chiziladi;

–har bir guruhga o‘zlashtirilayotgan mavzu (bo‘lim, bob) yuzasidan alohida topshiriqlar beriladi;

–topshiriqlar bajarilgach, guruh a‘zolari orasidan liderlar tanlanadi;

–liderlar guruh a‘zolari tomonidan bildirilgan fikrlarni umumlashtirib, yozuv taxtasida aks etgan diagrammani to‘ldiradilar.

1-GURUH




1. **Tarbiyada nasihat muhimmi yoki shaxsiy namuna?**Eng muhimi qay biri, farqlang?

2. **Tarbiya tanazzulining ildizi qaerda?**Tarbiya o‘zi nima, ta‘rif bering va muammoga tahliliy yondashing?

3. **Insonni izzatli etadigan fazilatlar qaysilar?**Izzat-e‘tiborli inson qiyofasini sxema (jadval) ko‘rinishida tasvirlang?

2-GURUH



1.“Ma‘naviy tanazzul mayda ishlardan boshlanadi”.Gap nima haqda ketyapti? “Mayda ish”larni ajratib ko‘rsating?

2.“Boylikka o‘chlik takabburlikni, takabburlik telbalikni tug‘diradi”.Ushbu iboraning hayotiylikini misollar asosida tasvirlang?


3. “Obro‘ning do‘koni yo‘q”.Sizningcha gap nima haqidaligini aniqlang?

3-GURUH

aniqlang?

2. “Tartib va qachon, qaerda hayotiy misollar


3. “Yaqindagi



1. “Tarbiyaga muhtoj kattalar”.Gap qanday insonlar haqida ketmoqda, intizom – bu yarim hayot” (nemis maqoli).Ushbu maqolga va qay vaqtda amal qilinsa maqsadga muvofiq. Fikringizni bilan boyiting?

uzoq odamlar”.Ushbu ibora nimani anglatadi?

4-GURUH



1. “Farzandga berilgan har bir ortiqcha mehr – qariganda ko‘z yoshingizdir” – deydi Suxomilinskiy.Ushbu ibora qay darajada haqiqatga yaqin. Vaziyatga baho bering?

2. “Kasalliklar – fe‘l-atvoringizga bog‘liq” deydi shifokorlar.Nima uchun? Insonlardagi salbiy xarakter-xususiyatlarni ustun shaklida tuzib chiqing.

3. **Haqiqiy o‘g‘il. Hikoya.** Uch ayol quduqdan suv olishayotgandi. Bu

yerdan uzoq bo‘lmagan joyda bir qariya o‘tirar va ayollarning o‘g‘illari haqida aytayotgan maqtoov so‘zlariga diqqat bilan quloq solardi:

–Mening o‘g‘lim, - dedi birinchi ayol, shunday chaqqonki, barcha ishlarda boshqa tengdoshlarini ortda qoldirib ketadi.

–Mening o‘g‘lim, - gapni ilib ketdi ikkinchi ayol, - bulbuldek kuylaydi. Bunday shirali ovozi bor bolani hech qayerda topolmaysiz!

–Uchinchi ayolning jim turganini ko‘rib hamrohlari so‘rashdi:

–siz nima uchun o‘g‘lingizni maqtamayapsiz?


–Mening o‘g‘lim oddiy bola. U sizning o‘g‘illaringiz kabi maqtashga arziydigan alohida qobiliyatlarga ega emas.

Ayollar chelaklarni suvga to‘ldirgach, uyga qaytishdi. Ularning gaplarini eshitib o‘tirgan qariya ham ularga ergashdi. Chelaklar og‘irligidan yo‘lda ayollar dam olgani to‘xtashdi. Shu payt qarshi tomondan uchta bola ko‘rindi. Birinchi bola qo‘llarida tik holatda turganicha mashg‘ulotlarda

o'rgangan mashqlarini bajarib o'zini ko'rsata boshladi. "Qanday chaqqon, qanday epchil-a!" hayrat bilan tikilib qolishdi ayollar. Ikkinchi bola bulbuldek kuylay boshladi. Ayollar qo'shichni tinglasharkan, beixtiyor ko'zlariga yosh olishdi. Uchinchi bola esa onasining oldiga yugurib keldida, qo'llaridan chelaklarni olib, uyga yo'l oldi. Ayollar biri olib, biri qo'yib o'g'illarini maqtasharkan, ortlaridan kelayotgan qariyadan o'g'illari haqidagi fikrini so'rashdi. Kechirasiz, qanaqa o'g'illar haqida so'rayapsiz? – ajablanib so'radi qariya. Men faqat bitta haqiqiy o'g'ilni ko'ryapman, - dedi onasining qo'lidan chelaklarni olgan bolani ko'rsatib. *Vaziyatga baho bering?*

5-GURUH

Hayotning 10 xil sinovi. Odamlar quyidagi hollarda sinaladilar:



yigit – va'da berganda;
dehqon – hirmon ustida;
rahbar – g'azablanganda;
savdogar – o'lchov va hisobda;
do'st – kulfat tushganda;
– qarindosh – muhtojlikda;

– kambag'al – sabr-qanoatda;

– davlatmand – sahovatda;

– davlati qo'lidan ketgan odam – toqatda;

– ayol – eriga munosabatda. *Nima uchunligini asoslang? Ushbu iboralar qay darajada*

haqiqatga yaqin?

Demak, oliy ta'limning o'qitish jarayoniga interaktiv metodlar keng va samarali tatbiq etilsa, o'ylaymizki talabalarda nafaqat, mantiqiy fikrlash, mustaqil ishlash va intellektual qobiliyat rivojlanib boradi, balki o'z navbatida, tarbiyaviy jarayonga tanqidiy mushohada, tahliliy-qiyosiy munosabat bildirish ham shakllanib boradi. Interaktiv o'qitish metodlarida talabalar o'quv jarayonining markaziy figurasi bo'lib, bunda o'quv jarayoni ularning ehtiyoji va qiziqishlaridan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi.



ODOBNOMA DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH USULLARI

Homidova Y., Navoiy viloyati, Karmana tumani 25-ixtisoslashtirilgan maktab-internato'qituvchisi

Xusayn Voiz Koshifiy fikricha, "Odob –qalbni yomon so'zlardan va nojo'ya xulqdan saqlab qolish, o'zini va o'zgalarni ham hurmat qila bilish, shu bilan birga, o'zini va o'zgalarni ham obro'sini tushurmaslikdir (Axloqi muhsiniy asaridan). Inson dunyoga kelgach nar kuni nimanidir o'rganadi. U avvalo mo'jazzgina oilada ota-onasi maktabda tarbiyachi ustozidan mahallada qo'ni-qo'shni o'rtoqlari ta'sirida ulg'ayadi. Bolani qalban yuksak ma'naviy boy qilib tarbiyalashda ajdodlarimiz yaratgan boy odob- axloqqa doir bilimlarni o'rgatish muhim ahamiyatga ega. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi va Xalq Ta'limi Vazirligining 1998 –iyul 12 may 203-sonli qarori asosida 1-4 sinflar uchuh talim tarbiya jarayonida odobnoma fani kiritildi odobnoma fani milliy umumbashariy qadriyatlarni ajdodlarimizning ibratli o'git va ta'limlariga amal qilishda islom dinidagi axloqiy tushunchalarni mohiyatini o'rgatishga chorlaydi. "Odobnoma" darsining qimmatini shundaki kerak bo'lganda Qur'on hadisdan foydalanilgan holda diniy aqidaparastlikni oldini olish masalalarini ham ochib beradi. Odobnoma fanining maqsadi va vazifasi kelajagi buyuk davlatimiz farzandlarini odobli va yuksak axloqli qilib tarbiyalashdan iboratdir. Prezedentimiz ta'kidlaganidek, ma'naviyatni tiklash tug'ilib o'sgan yurtiga o'zini boshqalardan kam sezmay boshini baland ko'tarib yurish uchun insonga albatta tarixiy xotira kerak. Odob – axloqimizni tarixiy voqealarsiz o'rganish mumkin emas. Odobnoma fanini o'tish oqituvchidan chuqur bilim mahorat ijodkorlik yangi texnologik mahoratga ega bo'lishi kerak.

Shuning uchun o'qituvchi darsni noanaviy usulda o'quvchi quruq tinglovchi emas balki darsning faol ishtirokchisiga, o'z fikrini aniq ifoda etadigan ishtirokchiga aylanishi mumkin. O'quvchilarni barkamol shaxs bo'lib ulg'ayishida boshlang'ich ta'lim poydevor hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisi yuksak insoniy fazilatlariga ega bo'lishi kerak. Birinchidan, bolalar olami bilan yaxshi tanish bo'lish, ularni sevish, tushunishi lozim. Mehrga tashna hali maktab partasiga moslashib ulgurmagani bolakay yoki qizaloqni qanday bo'lsa shundayligicha qabul qilish lozim. Boshlang'ich sinf o'qituvchisini usta duradgorga o'xshataman xuddi ustaxonada kerakli buyum yasalganidek, sinfxonalarda ham o'quvchi taqdiri. mamlakat ertasi yaratiladi.

Agar o'quvchi ustozidan mehr ko'rsa maktabga ham mehr qo'yadi. Men 10 nafar bolaga avvalo mehr ko'rsatishga ularni ismiga jon qo'shib chaqirishga ular o'zlarini shaxs sifatida his qilishiga ko'maklashaman. O'zni kelganda erkalab qo'yaman chunki bular ota-onasidan yuroqda bo'lib mehrga tashna bo'ladilar.

Bolalarga odobnoma darsini o'tish mobaynida O'zbekistonimizning har bir qarich yerini tuprog'ini daraxtini tabiiy boyliklarini asrab-avaylash lozimligini ongiga singdirib boraman XXI asr bolalari Vatanimiz taraqqiyoti uchun ilmga hunarga ega bo'lishini tushuntirib, O'zbekistonda ilm egallashga bo'lgan g'amxo'rlik, O'zbekiston Konstituyasida har bir shaxs ilm olish huquqi belgilab qoyilganini tushuntirib o'taman.

Inson qayerda o'zini tuta bilishi yuksak odob belgisi ekanligini Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek shu yurtda sodir bo'layotgan murakkab jarayonlardan xabardor bolishlarini sodda misollar bilan uqtiraman. Vatan nima? Vatan muqaddasligi, Vatanimizni ko'z qorachig'imizday asrash I.Karimovning o'z Vatani uchun qayg'urish o'z uyingni o'zing asra, O'zbekiston hech kimga qaram bo'lmaydi, ogoh bo'laylik, degan da'vatlari mohiyatini bolalar ongiga singdirib boraman.

Quyida yangi pedagogik texnologiya asosida bir soatlik dars ishlanmani havola etaman:

Sinf: 4-sinf

Fan: Odobnoma

Mavzu: Cho'li Malik

Maqsad:

a) **Ta'limiy:** O'quvchilarni rivoyatlar va ularning tarbiyaviy ahamiyati, buyuk bobokalonlarimizning ilmiy merosi bilan tanishtirish;

b) **Tarbiyaviy:** Jonli va jonsiz tabiatning o'zaro bog'liqligini, tabiatni va uning boyliklarini ko'z qorachig'idek asrashga, bir-birlariga nisbatan mehr-muhabbatli bo'lishga, mehnatsevarlik va vatanparvarlik tushunchalarini keng targ'ib etishga o'rgatib borish;

d) **Rivojlantiruvchi:** Og'zaki va yozma nutqlarini o'stirish, fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish va hamkorlikda ishlash malakalarini oshirish;

e) **Korreksion:** mavzuga oid yangi so'zlarni o'rgatish, to'g'ri talaffuz qildirish va nutqidagi nuqsonlarni tuzatishga erishish.

Dars turi: Yangi bilim beruvchi;

Dars usuli: Ko'rgazmali-amaliy (guruhlarda ishlash, aqliy hujum, tezkor savollar, suhbat, bahs-munozara, "O'rgimchak to'ri", boshqotirma);

Dars jihozi: Charxpalak, cho'l va shahar manzarasi tasvirlangan rasmlar, rivoyatda tasvirlangan jarayonlarning rasmi, A4 formatdagi qog'oz, yelim, marker, skoch)

Darsning boshqa fanlarga bog'liqligi: o'qish, nutq o'stirish, ona tili, tabiat.

Darsning borishi:

1) Darsni tashkil etish (Salomlashish, davomat, sana, fasl va ob-havo haqida ma'lumot tinglash)

2) O'tgan mavzu yuzasidan so'rash (savol-javob, aqliy hujum usulida)

Dars o'quvchilarning salomlashishi bilan boshlanadi.

O'qituvchi: Aziz bolajonlar, bugun Odobnoma darsimizni sizlarni ikki guruhga ajratgan holda, musobaqa tarzida olib boramiz. 1-guruh "Al Xorazmiy", 2-guruh "Mirzo Ulug'bek" nomlari bilan nomlanadi. Sizlarning javoblaringiz hasharotlar asalari, kapalak va chigirtkalar orqali baholanadi.



Asalari- “5”, kapalak – “4”, chigirtka - “3” baho bilan belgilaymiz. Ehtiyot bo’ling, bu hasharotlarimiz sizlarni chaqib olishlari mumkin. Xo`sh, ayting-chi, bu yil yurtboshimiz tomonidan qanday nom bilan ataldi?

O’quvchilar: ”Sog’lom bola” yili

O’qituvchi: Barakalla, sizlar ham guruhda bir oila farzandlaridek ahil va inoq bo’lib harakat qilmog’ingiz zarur. Qani, ayting-chi, bizning mustaqil Vatanimiz qanday ataladi?

O’quvchi: Bizning Vatanimiz O’zbekistondir. Konstitutsiyamizning 1-moddasida belgilab qo’yilganidek, O’zbekiston mustaqil suveren, demokratik, huquqiy davlatdir.

O’quvchi: Vatan, mening onam, mening tuprog’im.

Vatan, mening jonim, mening qo’rg’onim.

Sen mening hayotim, mening gulzorim.

Seni jonim qadar sevaman, Vatan.

O’qituvchi: bizning ota-bobolarimiz o’z Vatanimizni jonu-jahdlari bilan asrab-avaylaganlar, har bir qarich yerni muqaddas sanab, ko’zlariga to’rtiyo aylaganlar. Biz ham o’z vatanimizga sodiq farzandlar bo’lib, uning bayrog’ini baland ko’tarishimiz va Vatan ravnaqi uchun o’z hissamizni qo’shmog’miz zarur. Yurtboshimiz ta’kidlaganlaridek, kuch bilim va tafakkurda. Shunday ekan, bor kuch va g’ayratingizni ishga solib, o’z bilimingizni boyitib bormog’ingiz va tafakkuringizni ishga solgan holda harakat qilmog’ingiz zarur bo’ladi. Prezidentimiz Islom Abdug’aniyevich Karimovning “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asari hozirgi kunda yoshlarimiz uchun Vatanimiz tarixi va kelajagini o’rganishda muhim manba bo’lib xizmat qilmoqda. Asardagi:”- Barchamizga ma’lumki, inson o’zligini anglagani, nasl-nasabini chuqurroq bilgani sari yuragida vatanga muhabbat tuyg’usi ildiz otib, ulg’aya boradi. Bu ildiz qanchalik teran bo’lsa, tug’lib o’sgan yurtga muhabbat ham shu qadar yuksak bo’ladi. Albatta, Jahon keng, dunyoda mamlakat ko’p,

lekin bu olamda betakror ona yurtimiz, O’zbekistonimiz yakkayu yagona.

O’tilgan mavzular yuzasidan o’quvchilarga “Insert” usulida bitilgan savollar bilan murojaat qilinadi.


1) Hadis nima?

2) Rivoyat nima?

3) Yurtboshimiz Alisher Navoiy bobomizga qanday ta’rif berganlar?

4) ”Xo’jai kalon” madrasasi qayerda joylashgan? ”Kuch-adolatdadir” degan hikmatli so’zning muallifi kim?

5) Samarganddagi tarixiy



obida qanday nomlanadi?


6) ”Xo’jai kalon” madrasasi qayerda joylashgan?

Savollarga javoblar tinglanadi va rag’batlantiriladi.

Shundan so’ng yangi mavzu e’lon qilinadi va darslikdan o’qitiladi.

Qadimda bir xon bo’lgan ekan. U kishi har kuni o’z yurtining kishilari holidan xabar olar va yomonlarni jazolar, yaxshilarni mukofotlar ekan. Xonning bir jilovdori bo’lib, u doimo xon bilan birga yurarkan. Kunlarning birida xon uzoq bir safarga otlanibdi. Yurib-yurib oxiri bir joyda to’xtashibdi va o’sha joyga chodir tikishibdi. Xon uyquga ketibdi, jilovdori Malik esa uning yonida

chivinini qo'rib o'tiribdi. Bir payt bir chivin bir teshikchadan chiqib xonning burniga qo'nibdi-da yana o'sha teshikka kirib ketibdi. Buni hayron bo'lib kuzatib turgan Malik o'ylanib qolibdi. Chivin yana teshikdan chiqibdi-da asal to'la idishning chetiga qo'nib tag'in teshikka kirib ketibdi. Birozdan so'ng xon uyg'onib tushida bir g'orga kirganligini va u yerda tillolar borligini, tilloni olay desa ilonu chayonlar qo'ymaganligini aytib beribdi. Buni eshitgan jilovdor bu yerda qandaydir bir sir borligi haqida o'ylanib qolibdi. Xon bu yerdan ketishlarini aytibdi. Malik esa mazasi yo'qligini bahona qilibdi, xon uning qolishiga ruxsat beribdi. Xon va uning lashkarlari jo'nab ketganlaridan so'ng, Malik ketmon bilan haligi chivin kirib ketgan teshikni kavlay boshlabdi. Qarasa teshik tagida ikki xumcha tillo bor ekan. Malikvoy uni olibdi, eng yaxshi ustalarni chaqiribdi va shu yerda katta bir shahar qurdiribdi. Suv chiqarib, bog'u gulzorga aylantiribdi. Shu-shu bu joyni "Cho'li Malik" deya atashadigan bo'lishibdi.




Rivoyat o'quvchilarga o'qitiladi va savollar beriladi. So'ngra konvert ichida guruhlariga rasmlar beriladi, guruh o'quvchilari bu rasmlarni ketma-ket ravishda plakatga yopishtirishlari va rivoyatni so'zlab berishlari lozim bo'ladi.

Dam olish daqiqasida o'quvchilarga maqollarning boshi aytiladi, o'quvchilar bu maqollarni davom ettirishlari kerak bo'ladi.

Yaxshidan bog' qoladi,.....
 Hunar bo'lsa qo'lingda.....
 Mehnat qilib topganing.....
 Bulbul chamanni sevar.....
 Yaxshi otga bir qamchi.....
 Yeridan ayrilgan yetti yil yig'lar.....
 O'zga yurtida shoh bo'lguncha.....

Yangi mavzuni mustahkamlash maqsadida o'quvchilar o'rtasida "Zanjir usuli" mashqi o'tkaziladi. Bunga ko'ra guruh o'quvchilari jonli va jonsiz tabiat va unga yetkaziladigan zarar oqibatida sodir bo'ladigan ekologik fojealar haqida aytib berishadi.



Suv isrof qilinsa, zararlansa kelajak avlod ham katta zarar ko'radi. Kishilar sog'ligiga putur yetadi va turli xil kasalliklar yuzaga keladi, havo ifloslanadi.

Havo ifloslansa butun tabiat zarar ko'radi, insonlar turli xil kasalliklarga duchor bo'lishadi. O'simliklar va hayvonlar qirilib ketadi.

O'simliklar va daraxtlar payhon qilinsa, havo ifloslanadi, hayvonlar yo'qolib ketadi. Tuproq yemiriladi va buning oqibatida ekologik fojea sodir bo'ladi.

Tuproq yemirilsa, sho'rlandsa yerning unumdorligi kamayadi, natijada insoniyat o'simliklar va hayvonlar zarar ko'radi. Turli xil kasalliklar, tabiiy ofatlar yuzaga keladi.

O'qituvchi: Ana, ko'rdingizmi bolajonlar siz va biz jonli va jonsiz tabiatni qanchalik asrab-avaylashimiz zarur ekan. Uning har bir qarich yerini ko'z qorachig'idek asrashimiz va kelajak avlodga ham bus-butunligicha yetkazishimiz lozim ekan. Bundan tashqari siz nafaqat Odobnoma

fanini balki barcha fanlarni a'lo darajada o'zlashtirishingiz kerak bo'ladi. "Cho'li Malik" rivoyatini o'qib bilib oldingizki, olamni yashillikka burkash, bog'u-roq'lar yaratish savobli ish ekan. Axir aytadilarki "yaxshidan bog' qoladi" deb.

O'quvchilarga daftarlariga xon va uning jilovdorining xislatlarini "Klaster" usulida yoritib berish topshirig'i beriladi.

Topshiriqni bajarib bo'lishganidan so'ng uni o'qib berishadi.

O'quvchilar faoliyati rag'batlantirilib boriladi.

Baholash: Dars yakunida o'quvchilar baholari tahlil qilinadi va g'olib guruh aniqlanadi.

Uyga vazifa: Rivoyatni o'qish va shu asosda rasm chizish.

Vatanimizda ajdodlarimizdan ko'p tarixiy obidalar yodgorliklar borligini yurtboshimiz tashabbuslari bilan O'zbekiston qadimiy obidalar va qadamjolar mamlakatiga aylanganini al-Buxoriy, al-Marg'iloniy maqbaralari tiklanganligi Toshkent shahrida xotira maydoni, temuriylar tarixi davlat muzeyi va Navoiy haykali haqida rasmlar orqali ajdodlardan faxrlanish tuyg'ularini shakllantiraman.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Эгамбердиева Т.А., Фарғона ДУ профессори, п.ф.д.

Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш ёшларимизга, яъни мамлакатимиз келажагини барпо эта оладиган, фаровон ва бахтли ҳаётни ўз меҳнати билан ярата оладиган ва унда яшашга ҳақли бўлган ёш авлодга боғлиқ. Шу ўринда юртбошимизнинг, ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз эканлигига урғу берган ҳолда, «Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кирапти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман»¹, – деган фикрлари жамият ҳаётининг фаровонлигини таъминлашда асосий дастуриламалга айланиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Яратилган шарт-шароитлар ва олиб борилаётган таълим сиёсатининг асосий мақсади ёшларга кенг имкониятлар яратишга қаратилиши билан биргаликда унинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли Қарори қабул қилинди. Унга асосан, ўқувчи-ёшлар, қолаверса барча фуқароларнинг чет тилларни янада пухта ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Ёшларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишида чет тилига бўлган қизиқишни ошириш ҳаётий заруратдир. Чунки қарорни қабул қилишдан мақсад ҳам ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилини ўргатиш; чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш; жаҳон тамаддуни ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиш; халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришдан иборат.

Маълумки, кичик ёшдаги ўқувчининг чет тилига нисбатан қизиқиши кучли бўлади. Унинг ички ва ташқи мотивацияси юқори бўлиб, ёд олиш қобилияти ўткирдир. Бу ёшда кўпроқ эшитиш орқали оғзаки нутқ қобилиятини ўстириш муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз тилини биринчи синфдан ўргатиш баъзи педагогларимизга биров қийинчилик туғдирса-да, ўқувчиларнинг интилиши уларни ўқитишга нисбатан рағбатлантириши табиий ҳол. Бунда ўқитувчи дарслик билан чекланиб қолмай, балки ўзининг методик билимларидан келиб чиқиб, дарсни турли хил қизиқарли усулларда ўтиши зарур. Ёш болалар учун мўлжалланган чет тили дарслари болаларда ўрганилаётган тилга нисбатан қизиқиш уйғотиши ҳамда уларни янги, ҳали нотаниш тилда мулоқот қилишга чорлаши лозим. Ўқув муассасалари томонидан имконият яратиб берилса, вақт нуқтаи-назаридан жадал равишда

¹<http://toshkent.uz/uz/article/5721/> "Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш – бугунги ҳаётнинг ўткир талаби" номли маърузадан.

тил ўрганиш узок вақт давомида секин тил ўрганишга қараганда кўпроқ самара беради.

Тил ўрганиш жараёнининг бошларида болалар ўз дунёларига оид сўз ва ибораларни ва уларнинг она тилидаги маъноларини билишни афзал кўрадилар. Эрта ёшда чет тилини ўрганишни бошлаганларида грамматик структураларни ҳали англаб етмайдилар, балки уларни аввал турғун бирикма ёки иборалар сифатида қабул қиладилар. Шу туфайли чет тилларини ўқитишда таълим мазмуни болаларнинг ёши ва индивидуал қизиқишларига мос равишда тузилиши лозим. Бола қанча ёш бўлса, ўрганилаётган предметга эмоционал ёндашув ва боланинг тарбиячи ёки ўқитувчи билан муносабати шунча муҳим ҳисобланади. Агар бола таълим олаётган муҳитда ўзини яхши, яъни кўрқув ва босимдан ҳоли ҳис этса, болаларча қизиқувчанлиги туфайли ўқиш жараёнига тобора фаол иштирок этади.

Юқоридагилар асосида ташкил қилинган қизиқарли мавзуларни ўйин тарзида етказиб берадиган, тажрибалар ўтказиш имконини берадиган, ҳаракат ва ижодкорликка етакловчи, қисқа қилиб айтганда, боланинг қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга кенг имкониятлар берадиган ҳаракатли ўйин ва машқларга йўналтирилган машғулотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1996 йили Гёте институти хузурида ташкил этилган “Эрта ёшда хорижий тилларни ўрганишга доир Нюрнберг тавсиялари”¹ кичик ёшда хорижий тилларни ўрганиш соҳасида имкон қадар ягона Куррикулум (ўқув дастури) пойдеворини яратишга кўмаклашиш мақсадида дунёнинг йигирма икки мамлакатидан иштирок этган бир қатор экспертлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ бошланғич синфда чет тилини ўқитишда куйидаги тавсияларга амал қилган маъқул:

1. Чет тили дарслари мақсади, мазмуни ва услуби жиҳатидан ўқув гуруҳининг билим ва талабларига йўналтирилиши лозим.

2. Дарс режаси ҳар бир боланинг талаблари, имкониятлари ва эҳтиёжларига тўғри келиши шарт.

3. Чет тили дарслари болаларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари билан боғланиши, улар учун муҳим ҳисобланган мавзулар орқали тилдан ташқари соҳаларда ҳам уларнинг қобилиятларини ривожлантириши лозим.

Болалар бугун ахборот воситалари орқали ўта тармоқлашган муҳитда улғаймоқдалар. Кечаётган глобал жараёнлар ва янги ахборот технологиялари болаларда ҳам тилга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Ҳаттоки, кичкина болаларнинг кундалик ҳаёти ҳам кўп жойларда ахборот воситалари ҳамда кўп маданиятлик ва кўп тиллик таъсири остида кечмоқда. Биз яшаётган дунёнинг маданий жиҳатдан кўп қирраллиги ва тилларининг турли-туманлиги нафақат болалар боғчалари ва мактабда, балки ундан ҳам олдин оила ва боланинг бевосита атроф-муҳитидаги муносабатларида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизда тил билган – эл билади, деган нақл бор. Дарҳақиқат, тил билган юрт кезади, дунё кўради, жаҳон халқлари маданияти, адабиёти ва бугун рўй бераётган янгиликлардан тез ва аниқ хабардор бўлади. Хорижий тилларни эрта ёшда ўрганиш жараёнида доимо шуни инобатга олиш лозимки, таълимга таъсир этувчи ҳудудий ва маҳаллий хусусиятлардан қатъий назар болалар уларни ўраб турган муҳитга ва индивидуал ривожланганлик даражасига мос равишда фикр юритадилар ва ўрганадилар.

Бугунги кунда хорижий тилни билиш ўта муҳим аҳамият касб этганлиги боис чет тили ўқитиш тизимини ҳам ислоҳ этиш, дарс жараёнларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш таълимдаги долзарб масалалардан бирига айланди.



ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ

¹<http://www.goethe.de/lhr/prj/nef/per/kon/uzindex.htm>

ТАҲЛИЛИЙ-ТАҚҚОСЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эльмуратова Д., Гулистон ДУ ўқитувчиси

Республикамизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ўқувчиларда кичик мактаб ёшидан бошлаб мустақил фикрлаш, фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириб боришга қаратилади. Бошланғич таълимнинг вазифаси мактабда ўқувчиларга нафақат назарий ва амалий билимлар бериш, балки уларнинг мантикий фикрлашини шакллантиришдан иборат. Бу ишда уларга асосий ёрдамчи мактаб дарслигидир.

Ўқитувчилар кўпинча дарсларда бунга эътибор қаратмайдилар, ваҳоланки, дарсликлар бошланғич синф ўқувчиларини бугунги замонавий таълимнинг мустақил билим олиш, изланиш, фикрлаш каби талабларига тайёрлаб боришда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун дарсликлардан ўқувчиларга нафақат ахборот манбаи, балки ўқув кўникма ва малакаларини шакллантириш воситаси сифатида фойдаланиш лозим. Бошланғич синф ўқувчиларини

Таққослаш – бу ўрганиладиган объектларни бир хил шароитда ёнма-ён қўйиш ҳамда ўхшашлик ва фарқларини аниқлаш. Бунинг учун:

1. Таққосланадиган объектни аниқлаш.
2. Таққослаш мумкин бўлган белгиларини ажратиш.
3. Ўхшаш томонларини топиш.
4. Фарқли томонларини топиш.
5. У ёки бу сабабларини тушунтириш ва хулоса ясаш лозим.

дарслик билан ишлашларини ташкил этиш орқали билимларни мустақил ўзлаштириш, асосийларини ажратиш ва жойлаштириш, режа, жадвал, схемалар асосида тизимлаштириш, жамлаш, таққослаш ва умумлаштириш кўникмаларини шакллантириш мумкин. Дарсликдаги дидактик материаллар билан ишлаш: изланиш-репродуктив, таҳлилий-таққослаш ижодий характерда бўлиб, дарсни оддий шаклда ташкил этишдан кўра табақалаштирилган асосда амалга оширишни таъминлайди. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини табиатшунослик дарсларида таққослаш ва таҳлил қилишга оид кўникмаларини шакллантириб бориш бундай ҳолларда самарали натижа беради.

Таққослаш ва таҳлил қилишга оид дидактик материаллар ҳам асосий материални ажратиш, қисқа ёзиш ва фикрни аниқ ифодалашни талаб қилади.

Ҳар қандай таққослаш таҳлил элементларини қамраб олади, яъни алоҳида қисм ва белгиларини ажратиш, шунингдек, синтез-умумлаштириш ва ўзаро алоқаларини топишни талаб қилади. Таққослашни матнда берилган асосий материаллар, таянч тушунчалар орқали амалга ошириш мумкин. Масалан:

Таққосланадиган белгилар	Донли экинлар	Бегона ўтлар	Сабзавотлар
Фойдали хусусиятлари			
Зарари			

Фойдали ва зарарли ҳашаротларни таққосланг.

Белгилари	Фойдали ҳашаротлар	Зарарли ҳашаротлар
Яшаш жойи		
Озиқланиши		
Фойдаси		
Зарари		

Дидактик материаллар билан ишлашда расмлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Улардан таққослаш ва таҳлил қилишга оид топшириқларни бажаришда фойдаланиш мумкин. Масалан:



1. Расмдаги ўсимликлар қандай номланади?
2. Расмдаги ўсимликлар қандай экинларга киритилади?
3. Расмдаги ўсимликларни ўзаро таққосланг.
4. Хулоса чиқаринг.

Хулоса қилиб айтганда, табиатшунослик дарсларида тахлилий таққослашга оид дидактик материаллардан фойдаланиш, бошланғич синф ўқувчиларига билимларни мустақил эгаллаш, савол ва топшириқларни пухта бажариш, мантикий ва тахлилий фикрлашни ривожлантириш, ўз билимларини турли шаклда қўллашга ёрдам беради. Турли топшириқларни беришда ўқувчиларнинг “кучли” ва “кучсиз” га ажралиб қолишини олдини олишни таъминлайди.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIGA O'YINLAR VOSITASIDA CHET TILINI O'RGATISH

Ergasheva N., Mahmudova N., Farg'ona DU o'qituvchilari

Mustaqil O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlarda ta'lim davlatning ustuvor sohasi sifatida qaralmoqda. Bu siyosat faol, mustaqil, aniq maqsadga qaratilgan va ayni paytda mas'uliyatni his etadigan, hozirgi murakkab sharoitda hayot muammolarini hal etishga qodir bo'lgan shaxsni shakllantirishga yo'naltirilganligi bilan ajralib turadi. Prezidentimizning “Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Prezidentimizning PQ-1875-sonli Qarori yurtimiz yoshlarining intellektual salohiyatini oshirishga qaratilgan islohotlardan biri bo'ldi. Ushbu qaror ta'lim tizimining barcha bosqichlarida, jumladan, boshlang'ich ta'limda chet tillarini uzluksiz o'rganishni ta'minlaydi.

Bugungi kun yoshlardan XXI asr muammolarini hal etish uchun hayotiy zarur qobiliyatlar asosini yaratishga harakat qiladi. Bunday qobiliyatlar jumlasiga biz quyidagilarni kiritamiz: o'zgarishlarni qabul qilish va amalga oshirish, tanqidiy fikrlash, tanlashni amalga oshirish, muammolarni qo'yish va hal etish, ijodni, fantaziyani va ixtirochilikni namoyon etish, odamlar, jamiyat, mamlakat, atrof-muhit to'g'risida g'amxo'rlik qilish.

Demak, yosh bolalar uchun mo'ljallangan chet tili darslari bolalarda o'rganilayotgan tilga nisbatan qiziqish uyg'otishi hamda ularni yangi, hali notanish tilda muloqot qilishga chorlashi lozim. Chunki, rivojlanish sohasidagi izlanishlar shundan dalolat beradiki, bola hayotining dastlabki to'qqiz yili o'sish davrining muayyan davomiyligida o'tadi, bu umumiy va oldindan aytib berish

mumkin bo'lgan bosqichdir. Bu bosqichlar rivojlanishning har bir sohasidagi o'zgarishlar bilan ajralib turadi: jismoniy, hissiy, ijtimoiy va kognitiv. Bolalar o'sishining o'ziga xosligi to'g'risidagi bilimlar tarbiyachilarga ta'lim muhitini yaratishga va faoliyatning muvofiq turlarini rejalashtirishga tayanch bo'lib xizmat qiladi. Rivojlanish xususiyatlariga mos kelish usullarini muvaffaqiyatli qo'llash uchun o'qituvchilar me'yordagi rivojlanishning borishi to'g'risida tasavvurga ega bo'lishlari kerak. Bunda o'qituvchilar shuni yodda tutishlari lozimki, bolalar rivojlanishning bir xil bosqichini bosib o'tishlariga qaramasdan, ularda bu jarayon bir vaqtning o'zida kechmaydi. Bir xil yoshdagi bolalarda o'ziga xos individual farqlar bo'lishi muqarrar.

Shu tufayli chet tillarini o'qitishda ta'lim mazmuni bolalarning yoshi va individual qiziqishlariga mos ravishda tuzilishi lozim. Bola qancha yosh bo'lsa, o'rganilayotgan predmetga emotsional yondashuv va bolaning tarbiyachi yoki o'qituvchi bilan munosabati shuncha muhim hisoblanadi. Agar bola ta'lim olayotgan muhitda o'zini yaxshi, ya'ni qo'rquv va bosimdan holi his etsa, bolalarcha qiziquvchanligi tufayli o'rganish jarayonida tobora faol ishtirok etadi.

Kichik maktab yoshidagi bolalarning yetakchi faoliyati baribir o'yindir. Bolalarning o'yin faoliyatlari masalasi asrlar davomida juda ko'p olimlarning diqqatini o'ziga jalb qilib kelmoqda. Bolalar o'zlarining o'yin faoliyatlarida ildam qadamlar bilan olg'a qarab borayotgan sermazmun hayotimizning hamma tomonlarini aks ettirishga intiladilar.

Bolaning yoshi ulg'ayib, mustaqil harakat qilish imkoniyati oshgan sari, uning atrofidagi narsa va hodisalar bo'yicha dunyoqarashi kengayib boradi.

Boshlang'ich ta'lim ishtirokchilari 6 - 7 yoshdan 10 - 11 yoshgacha bo'lgan bolalar aksariyat hollarda kattalarga yoqishga intiladilar. Ular yetarli darajada ijtimoiylashgan va bu yoshda o'yin bo'yicha o'rtoqlari o'z hamjinslari bo'lishini ma'qul ko'radilar.

Bunday yosh guruhdagi bolalar diqqatni uzoq vaqt bir joyga jamlay oladilar. Ularda fikrlash va muammolarni hal etish ko'nikmalari nisbatan yuqori darajaga ko'tariladi. Bola topshiriqni bajarishga chog'lanishi mumkin va uni belgilangan talablar asosida uddalashga harakat qiladi. 6-7 yoshli bolalarda nutq yaxshi rivojlangan bo'ladi: ular gapirishni, so'z o'yinlarini yaxshi ko'radilar va ularni aniq ifodalaydilar. Ular ancha murakkab jumlar bilan gapiradilar va nutqiy xatolarni o'zlari tuzatadilar.

Soha mutaxassislari bolalarni juda kichikligidan chet tilini o'rgatishga shoshmaslikni tavsiya qiladilar. Taxminan 7 yoshgacha bolalarning o'ng yarim miya shari ishlaydi. Shuning uchun mantiqiy fikrlash hali yaxshi rivojlanmagan bo'ladi. Bularning barchasi bola bilan axborotlarni tahlil qilish, mantiqiy fikrlash bilan bog'liq qandaydir mashg'ulot o'tkazishga halaqit beradi.

Shuning uchun boshlang'ich sinf o'quvchilariga klassik ko'rinishdagi chet tilini o'rgatish uslubi to'g'ri kelmaydi. Ya'ni, chet tilini kattalarga o'rgatiladigan ko'rinish (grammatik tuzilishlar va hokazo) nazarda tutilmoqda. Demak, bolalarga o'yinlar vositasida chet tilini o'rgatish ya'ni "o'ynab-o'rganish" samara beradi. Buni quyidagicha izohlash mumkin:

– birinchidan, bolalarning o'yin faoliyati qandaydir moddiy mahsulot ishlab chiqarishga qaratilgan faoliyat emas. Shuning uchun bolalarni o'yinga undovchi sabab (motiv) kelib chiqadigan natija bilan emas, balki shu o'yin jarayonidagi turli harakatlarning mazmuniga bog'liqdir;

– ikkinchidan esa, bolalar o'yin jarayonida o'z ixtiyorlaridagi narsalarni, o'zlarini qiziqtirgan, ammo kattalargagina mansub bo'lgan narsalarga aylantirib, xohlaganlaricha erkin faoliyatda bo'ladilar.

Bolalarning o'yin faoliyatlari ularning jismoniy va psixik jihatdan garmonik ravishda rivojlanishi uchun birdan-bir vositadir. O'yin bolalar hayotida shunday ko'p qirrali faoliyatki, unda kattalarga mansub bo'lgan mehnat ham, turli narsalar haqida tafakkur qilish, hom-xayol surish, dam olish va xushchaqchaqlik jarayonlarining barchasi o'yin faoliyatida aniq bo'ladi.

Chet tilini o'rgatishga yo'naltirilgan o'yinlar nafaqat predmetning shakli yoki rangini ajratishga, balki yuqorida aytib o'tganimizdek, bolaning nutqi, tafakkurining rivojlanishiga ham yordam beradi. Quyida tajribada sinalgan o'yinlardan namuna keltiramiz.

1. O'qituvchi uchta so'z (o'zbekcha-inglizcha) aytilishi kerak. Masalan, "burgut – *eagle*", "chumchuq – *bird*", "yo'lbars – *lion*". Bolalar aytilgan so'zlarning inglizchasini ovoz chiqarib takrorlaydilar va aytilganlarning barchasi jonli ekanligini, lekin burgut va chumchuq – qush,

yo'lbars esa hayvon ekanini aytishlari kerak.

2. Bolaga “sut – *milk*”, “sharbat – *juice*” va “pechenye – *biscuit*” so'zlarini o'zbekcha va inglizcha talaffuzini aytish, bolalar ularni ovoz chiqarib takrorlashlari hamda bularning barchasi yegulik ekanini, lekin sut va sharbat ichilishini, pechen'ye yeyilishini aytishi lozim. Boshida bolalar bu o'yinga uncha tushunmasliklari mumkin, lekin o'qituvchi ularga yordamlashib nima jonli, nima jonsiz, yeyiladigan, ichiladigan va hokazolar tog'risida ma'lumot berib o'tishi kerak. Birinchi o'yinda u bir narsani, ikkinchisida esa ikkita narsani bilib oladi. Natijada bolalar nafaqat aytilgan predmetlarning nomlarini o'zbekcha va inglizcha nomlarini to'g'ri talaffuz qilishga o'rganadilar, balki mantiqiy fikrlashni ham o'rganadilar.

Xulosa qilib aytganda, o'yin faoliyati bolalarni insoniyatning ijtimoiy tajribasini egallashning faol shakli bo'lgan ta'lim faoliyatiga tayyorlaydi. Odam birdaniga ijtimoiy tajribani o'zlashtirishga kirisha olmaydi. Ijtimoiy tajribalarni faol egallashi uchun odam, avvalo, yetarli darajada nutqni egallagan bo'lishi, ma'lum malakalar, uquvlar va sodda tushunchalarga ega bo'lishi kerak bo'ladi. Bularga bola yuqorida ko'rsatib o'tganimizdek, o'yin faoliyati orqali erishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: O'zbekiston, 1997.

2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 12-модда. Т.: Ўзбекистон, 1997.

1. <http://ziyonet.uz/uzl/education/system/preschool/>

2. http://fikir.uz/posts/talim_fan_taraqqiyoti/9656.html



BOSHLANG'ICH SINFLARDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Esanova X.I., Navoiy viloyati, Karmana tumanidagi 25-son ixtisoslashtirilgan maktab-internat o'qituvchisi

Zamonaviy darsga qo'yiladigan eng muhim talablardan biri har bir darsda tanlanadigan mavzuning ilmiy asoslangan bo'lishidir, ya'ni darsda ko'zlangan maqsad va o'quvchilar imkoniyatini hisobga olgan holda mavzu hajmini belgilash, uning murakkabligini aniqlash, avvalgi o'rganilgan mavzu bilan bog'lash, o'quvchilarga beriladigan topshiriq va mustaqil ishlarning ketma-ketligini aniqlash, darsda kerak bo'ladigan jihozlarni belgilash va qo'shimcha ko'rgazmali qurollar bilan boyitish, interfaol metodlardan foydalangan holda darsda muammoli vaziyat yaratish, ta'lim metodlari va usullarini bir-biri bilan mustahkam bog'lab olib borish samaradorligini oshirishdir.

Innovatsion texnologiyalardan foydalanganda o'qituvchi quyidagilarni bilishi lozim:

- interfaol usullar, uning mazmun-mohiyati;
- ta'lim maqsadini amalga oshirishda interfaol usullarning o'rni va roli;
- fanlar bo'yicha interfaol usullarni qo'llash tamoyillari;
- ta'limiy va ishchanlik o'yinlari;
- muammoli- rivojlantiruvchi ta'lim metodlari;
- o'quvchilarning mustaqil faoliyatlarini tashkil qilish va ta'minlash yo'llari;
- o'quvchilarning mustaqil ishlash mahoratini oshirish usullari;
- ko'rgazmali o'qitish usullari;
- ta'lim- tarbiyani faollashtiruvchi usullar;

Innovatsion texnologiyalardan foydalanib dars o'tishda o'quvchilar quyidagilarga ega bo'ladilar:

1. O'quvchilar birgalikda, umumiy topshiriq yoki o'quv faoliyati ustida ishlashadi, bu guruhiy ish orqali yaxshi o'zlashtiriladi.

2.4 - 5 a`zo tarkibidan iborat o`quvchilar kichik guruhlarda ishlashadi.

3. O`quvchilar umumiy vazifalarni yechimini topishga erishish yoki o`rganish faoliyatini o`tkazish uchun ijtimoiy qabul qilingan xulq-atvorni ishlatishadi.

4. Umumiy vazifalar yechimini topishga erishish yoki o`rganish faoliyatini o`tkazishda o`quvchilar bir-birlariga ko`mak berishadi.

5. O`quvchilar o`qishga, ta`lim olishga qiziqishlari kuchayadi, javobgarlikni his qiladilar.

Quyida interfaol usullarni ayrimlari bilan tanishib o`tamiz:

- 1) aqliy hujum;
- 2) kichik guruhlarda ishlash;
- 3) suhbat;
- 4) juftlikda ishlash;
- 5) kichik ma`ruza;
- 6) rolli o`yinlar;
- 7) ishchanlik o`yinlari;
- 8) bahs — munozara.

Aqliy hujum — o`qituvchi qo`ygan savol yoki muammo yuzasidan har bir o`quvchi o`z fikrini bayon etishga imkon beruvchi o`quv uslubidir. Uslub mohiyati «Bir kalla yaxshi, ikki kalla undan yaxshi» prinsipi bo`yicha o`qituvchi tomonidan belgilangan muammo va savol yuzasidan ehtimol tutiladigan hamma fikrlar variantlarini bir yerga jamlay olishda bo`lib, istisno tariqasida ta`lim oluvchining barcha fikrlari, jumladan, aytarli to`g`ri bo`lmaganlari ham inobatga olinadi. Bayon etilgan fikrlar keyingi tahlilda o`quvchilarning qo`yilgan savol yoki muammoni to`g`ri tushunishlariga imkon beradi. Matematika darslarida ko`proq masalalarni qisqa shartini tuzishda ishlatish samaraliroq bo`ladi. Quyidagi savollar bilan murojaat qilish mumkin.

1. Masala nima haqida?
2. Qisqa shartni qanday tuzamiz?
3. Qanday amallar bajariladi?

Kichik guruhlarda ishlash — o`quvchilarning o`zaro muloqot va fikr almashuviga asoslangan. Bunda guruhda tahlil qilish, baholash, tekshirish asosida muayyan mavzu yoki savollar ishlab chiqiladi. Kichik guruhlarda ishlash 3-5 o`quvchidan iborat guruhlar tuziladi. Bu usuldan o`tilgan mavzuni takrorlash va mustahkamlashda foydalanish mumkin. Har bir guruhga alohida vazifalar topshiriladi va baholanadi.

Ishchanlik o`yinlari — bunda o`quvchilar mavjud materillardan biror narsani (predmetni) kichik guruhlariga bo`lingan holda yasaydilar. Bunda o`quvchilarda o`ylash, to`g`ri maqsad qo`yish, tejamkorlik xislatlari rivojlantiriladi. Matematika darslarida geometrik shakllardan predmetlar shaklini yasashda foydalaniladi.

Kichik ma`ruza - o`tiladigan mavzuning mazmuni haqida kichik ma`lumot beriladi. So`ng mavzu bo`yicha har bir o`quvchiga alohida topshiriq beriladi. Bu usul har bir o`quvchiga individual yondashish imkonini beradi.

Zig-zag usulidan matematika darslarida keng foydalanish mumkin. Bu usul xotirani mustahkamlash va aqlni charxlashda, so`z boyligini oshirishda yordam beradi. Matematikaga xos terminlarni navbat bilan ikki guruh o`quvchilari aytadilar, qaysi guruh to`xtab qolsa mag`lub sanaladi.

Juftlikda ishlash- hamkorlikda ishlash, o`zaro muloqot, o`rtog`ining fikriga quloq solishni o`rgatadi. Matematika darslarida quyidagicha foydalanish mumkin. Barcha o`quvchilarga masala sharti yozilgan kartochkalar tarqatiladi. Masalaning savoli boshqa kartochkaga yozilgan. O`quvchi juftini topishi va masalani birga yechishlari kerak, juftlik birga baholanadi.

Zamonaviy texnologiyaning asosiy vazifasi o`quvchilarning nutqini muloqot vositasi sifatida rivojlantirish, zaruriy nutqiy materialni egallashga ko`maklashish orqali ta`lim maqsadiga erishishdir. Masalan, eshitishida nuqsoni bo`lgan o`quvchilarning so`zlarni to`laqonli o`zlashtirib olishlari uchun nutq o`stirish darslarida o`qituvchi tomonidan o`yinli texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bunday o`yinli texnologiyalar o`quvchilar diqqatini, xotirasini rivojlantirish bilan birga nutq o`stirish darslariga oid yangi so`zlarni o`zlashtirishda ko`mak beradi. Demak,

eshitishida nuqsoni bo'lgan o'quvchilarda nutq o'stirish faniga oid yangi so'zlar, atamalar bilan ishlash jarayonida yuqorida keltirilgan pedagogik o'yinli texnologiyalardan foydalanish muvaffaqiyat garovidir.

Shu bilan birga, maxsus ta'lim muassasalaridagi ta'lim jarayonida, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish muhim o'rin egallaydi. Aynan matematika fanida AKTdan foydalanish yangi mavzularni o'rganish, takrorlash, mustahkamlashda o'qituvchi va o'quvchilar uchun yengillik yaratadi. Quyida eshitishida muammolari bo'lgan bolalar maktab-internatlari matematika darslarida AKTdan foydalangan holda o'tilgan dars ishlanmasi namunasi bilan tanishing:

MAVZU: OG'ZAKI VA YOZMA KO'PAYTIRISH.

Talimiy maqsad: O'quvchilarga og'zaki ko'paytirish va bo'lishni o'rgatish, masalalarining qisqa shartini mustaqil tuzishga, AKT dan foydalanishga ko'nikma va malaka hosil qilish, misol komponentlarini nomini o'rgatish.

Tarbiyaviy maqsad: O'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, vaqtdan unumli foydalanishga o'rgatish, ularni ahil bo'lishga, jamoa bo'lib ishlashga ko'nikma hosil qilish.

Rivojlantiruvchi maqsad: O'quvchilarda topqirlik va hozirjavoblik qobiliyatini rivojlantirish, mustaqil gap tuzish malakasini hosil qilish, tasavvur dunyosini kengaytirish, xotirasini mustahkamlash.

Korreksion maqsad: O'zaro muloqotga o'rgatish, bog'lanishli nutqni shakllantirish, matematik tushunchalarni to'g'ri talaffuz qilish ko'nikma va malakalarini hosil qilish, o'quvchilar talaffuzidagi nuqsonlarni tuzatib borish.

Uslub: Aralash (tushuntirish, savol-javob, ko'rgazmali, o'yin).

Jihoz: Darslik, rangli ko'rgazmalar, tasmalar, ko'paytirish jadvali, tarqatma materiallar, monitor, kompyuterlar, markerlar.

DARSNING BORISHI:

1. Tashkiliy qism: (aqliy hujum metodidan foydalaniladi)

Salomlashish, kayfiyatlari va sog'liklari haqida suhbatlashish. Navbatchi ishini baholash.

Nafas va ovoz mashqlarini bajarish. Bir nafasda 1dan 10gacha to'g'ri talaffuz qilish. - Bugun nechanchi sana? (aqliy hujum metodidan foydalaniladi)

- Fevral oyining nechanchi kuni?
- Hozir qaysi fasl?
- Hozir qish faslining nechanchi oyi?
- Bugun haftaning nechanchi kuni?
- 2014 yil qanday yil?

“2014 yil sog'lom bola yili”da muhtaram Prezidentimiz siz bolajonlarning hayotingizni yanada yaxshilash, a'lo baholarda o'qishingiz, sog'lom bo'lishingiz uchun zarur bo'lgan sharoitlarni yanada yaxshilamoqchilar. Siz bolajonlar u kishining ishonchlarini oqlaysiz degan umiddamiz.

- Hozir darsimiz nima?
- Matematika darsida nima qilamiz?

Matematika darsida biz aqlimizni charxlaymiz.

II. O'tilgan mavzu: (sinf ikki guruhga bo'linadi va guruhlarda ishlanadi)

Aziz o'quvchilarim bizlar siz bilan “Raqamlar va sonlar olami” ga sayohat qilgan edik. Qani ko'raylikchi siz u yerdan qanday taasurotlar bilan qaytdingiz?

Dunyo xalqlari qanday raqamlardan foydalanadi?

1-guruhga savol va topshiriq:

- Rim raqamlarini yozing

I II III IV V VI VII VIII IX X XI XII

- Rim raqamlari ko'proq qayerda ishlatiladi?

- Mana bu soatimizning raqamlari tushib qolibdi iltimos, bolajonlar ularni joyiga qo'yishda yordam bering.

2-guruhga savol va topshiriq:

- arab raqamlarini yozing va tartib bilan joylashtiring.

0 1 2 3 4 5 6 7 8

- Bolajonlar, bizlar 0 dan 9 gacha bo'lgan arab raqamlaridan 1,2,3,4 va yana ko'p xonali sonlar tuzishimiz mumkin. Bu raqamlardan bir xonali, ikki xonali, uch xonali sonlar tuzing.

(2-guruh o'quvchilari kompyuterlar oldiga taklif qilinadi va "Sonlar o'yini" o'ynaladi. Har bir bola ozi tuzgan sonni o'qiydi va son nechta birlik, o'nlik va yuzlikdan tashkil topganini aytadi)



RAQAMLAR VA HARFLAR O'YINI

Monitorda yechilishi lozim bo'lgan misol yoziladi. Guruhlarga raqamlar aks etgan kartochkalar tarqatiladi. Guruhlardagi har bir o'quvchi o'z o'rnini egallashi lozim. Kartochkalarining orqa tomoniga yozilgan harflardan **O'ZBEKISTON** so'zi hosil qilinadi. Misol noto'g'ri ishlansa, so'z hosil bo'lmaydi.



Vatanimiz O'zbekiston haqida savol - javob qilinadi. Vatanimizda yashab ijod qilgan buyuk mutafakkirlarimiz haqida qisqacha ma'lumotlar beriladi.

III. Yangi mavzu: Nollar bilan tugaydigan uch xonali sonlarni ko'paytirish va bo'lishni xuddi qo'shish va ayirishdagi kabi, o'nliklar va yuzliklar ustida bajariladigan amallar bilan oson almashtirish mumkin. Masalan:

$320 \times 3 = 960$, chunki 32 o'nlik $\times 3 =$ o'nlik

$800 : 4 = 200$, chunki 8 yuzlik : 4 = 2 yuzlik

$490 : 7 = 70$, chunki 49 o'nlik : 7 = 7 o'nlik

556-masala

Maktab oshxonasiga 27 kg olma

Undan 3 marta kam nok keltirildi.

Maktab oshxonasiga necha kilogramm meva keltirilgan?


Yechish:

$27 : 3 = 9$ $27 + 9 = 36$

Maktab oshxonasiga 36 kilogramm meva keltirilgan.

(Masalaning qisqa shartini mustaqil yozish va masalani yechish vazifasi topshiriladi. Har bir o'quvchiga individual yondashgan holda, doskada, kompyuterlarda, daftarda ishlash taklif qilinadi. O'quvchi o'z xohishiga qarab tanlash imkoniyatiga ega bo'ladi. O'qituvchi bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchi bilan ishlaydi.)

Ko'paytirishga doir misollar yechish: Kim ko'p moychechak teradi? (kompyuterlardan foydalaniladi.)



4. MUSTAHKAMLASH: She'riy masalalarni og'zaki yechish:

O'rdaklarga sakkizta etik Bur g'unchada to'rttadan
Berdi kirpi mehri urib jo'sh Biz sanasak gulbarglar
Hamma o'rdak sovg'ali bo'ldi Ikkita gul g'unchasida
Endi ayting ular nechta xo'sh? Nechta bo'lar gulbarglar?

$$8 : 2 = 4 \quad 4 \cdot 2 = 8$$

5. DARSNI YAKUNLASH.

6. BAHOLASH.

O'quvchilarni "Xursanoy" kartochkalari bilan muntazam baholab borish. Dars oxirida baholarni umumlashtirish va yuqori natijalarga erishgan o'quvchilarni rag'batlantirish.

7. VAZIFA TOPSHIRISH. Ko'paytirishga doir mustaqil misollar yechish.

Yuqoridagilardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, interfaol metodlarni qo'llab dars o'tilganda, sinfda bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchi qolmaydi. O'quvchilar o'rtasida do'stona muhit yaratiladi. Barcha o'quvchilar dars jarayoniga jalb etilib, ularning darsga qiziqishlari ortadi. O'quvchilarning kelgusida mustaqil bilim olishlariga, hunar o'rganishlariga imkon yaratiladi.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI MUSTAQIL VA MANTIQUIY FIKRLASHGA, HOZIRJAVOBLIK VA TOPQIRLIKKA O'RGATISHDA DIDAKTIK O'YINLARNING O'RNI

**Eshonqulova M., Navoiy viloyati Nurota tuman 1-umumiy o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich
ta'lim o'qituvchisi**

Bizning ishonchimiz va tayanchimiz bo'lmish yoshlarimizga yanada keng yo'l ochib berish, farzandlarimizni zamonaviy bilim va tajribaga, o'z mustaqil fikriga ega bo'lgan, ma'naviy yetuk, komil insonlar etib tarbiyalash, ularning jamiyatimizda mustahkam va munosib joy olishi yo'lida zarur shart-sharoitlarni yaratib berish barchamiz uchun ham qarz, ham farz.

Islom Karimov

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida ta'lim-tarbiyani tubdan isloh qilish ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etish, "Ta'lim berishning ilg'or pedagogik texnologiyalarini, zamonaviy o'quv-uslubiy majmualari yaratish va o'quv-tarbiya jarayonini didaktik jihatdan ta'minlash"ga bog'liqligi ko'rsatiladi.

Ta'limni faollashtiruvchi axborot texnologiyasi va multimediya vositalari, shuningdek interaktiv usullar, didaktik materiallar hamda o'yinlardan keng foydalanish dars sifatini samaradorligini oshiradi.

Darsning hamma bosqichlari uyg'unligini ta'minlab, fanga, mavzuga, mavzumga mos holda maqsadli va samarali natija kutiladigan turli o'yinlar asosida mashg'ulotlarni tashkillashtirib olib borish, dars bosqichlarini shartlar bilan belgilab, shartlarni she'riy izohlab slayd orqali namoyish etish o'quvchilar diqqatini tortib, qiziqishini oshiradi.

"Ming marta eshitgandan bir marta ko'rgan afzal" maqoliga amal qilgan holda slaydlar, turli

multimediya vositalari asosida namoyish etish orqali mavzuni yoritish o'quvchining tasavvurini boyitadi, dunyoqarashini kengaytiradi. Ularga yangi mavzu yuzasidan aniq tushuncha, bilim, ko'nikma va malaka hosil bo'lishiga yordam beradi.

“Aldar ko'sa”, “Ha, yo'q”, “Aql nishoni”, “Domino”, “Guruchni kurmakdan ajrat”, “Yo'l-yo'lakay”, “Shohsupa”, “Jumanji”, “O'zingni angla”, “Sirli o'rmoncha”, “Baxtli tasodif”, “Cho'qqini zabt et”, “O'z-o'zingni top!”, “Sirli gulbarg”, “Hissang qo'sh”, “Davom ettiring”, “Bilag'on kemasi” (sayohat dars), “Bilimdonlik sinovi”, “Tafakkur durdonasi” kabi faollashtiruvchi usullar va o'yinlardan foydalanib mashg'ulotlarni tashkil etish samarali natija beradi.

Bu kabi usul va o'yinlar o'quvchilarni ayniqsa boshlang'ich sinf o'quvchilarini zeriktirmaydi hamda zo'riqtirmaydi. Aksincha ularning fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirib, faollashtiradi. Dars jarayonida o'quvchilarni bir-birini tushunib hamkorlikda ishlashga hamjihat bo'lib guruhlarini himoya qilishga undaydi. Mustaqil va mantiqiy fikrlashga, topqirlikka, hozirjavoblikka o'rgatadi. Didaktik o'yinlar o'quvchilarning bilim o'zlashtirish jarayonini qulaylashtiradi, aqliy faoliyatini oshiradi, o'z qobiliyatini namoyon etishga, o'yin maqsadiga erishish uchun o'z bilimi, ko'nikma va malakalarini qo'llashga imkoniyat yaratadi.

O'quvchilarda hayratlanish hissini uyg'otib, qiziqishini oshirish, yangi bilimlarni egallashiga yordam beradi. Buning uchun o'quvchining qiziqishlarini inobatga olgan holda turli didaktik o'yinlarni qo'llansa maqsadga muvofiqdir.

Men darslarda ilg'or pedagogik texnologiyalardan, interfaol dars usullaridan keng foydalanib mashg'ulotlarni tashkillashtirish samarali natija beradi deb hisoblagan holda ilg'or tajribalar asosida yaratgan ayrim usullar va didaktik o'yinlardan misol keltirmoqchiman.

“Shohsupa” o'yini.

Yozuv taxtasiga quyidagi rasmlı plakat osib qo'yiladi:



Sinf o'quvchilari 3 guruhga bo'linadi. Har bir guruh uchun nom va ramziy belgi beriladi.

Fanga, mavzuga mos shartlar belgilanib, guruhlar dars davomida o'z bilimlarini sinashadi. Har bir shart bo'yicha o'quvchilarga “Oltin”, “Kumush”, “Bronza” medallari topshiriladi. Dars so'ngida guruhlar to'plagan medallariga qarab ularning ramziy belgilari shohsupaga ko'tariladi va har bir guruhdan faol ishtirok etgan o'quvchilar ham alohida medallar bilan taqdirlanadi.

Bu o'yin o'quvchilarni topqirlik va hozirjavoblikka undab, fanga qiziqishini oshiradi.

“Baxtli tasodif” o'yini.

Bu o'yinni barcha fanlarda hamda darsning barcha bosqichlarini qamrab olgan holda qo'llash mumkin.

Darsning tashkiliy qismida o'quvchilarga raqamli kartochkalar tarqatiladi.

“Baxtli tasodif” deb yozilgan quticha aylantirib, darsning 1-bosqichida o'ynaladigan raqamlar ya'ni 1-shart bo'yicha topshiriqlarni bajaradigan o'quvchilar aniqlanadi. Ular “Baxtli tasodif” taxtasidan rasmlitarqatmalartanlabsavolyokitopshiriqlarni bajarishadi.

Shu ratzdahammabosqichdabarchao'quvchilarishtirokita'minlanadi. Faqatbittakartochkada “Sovrin” deb

yozilgan bo'ladi. Shu kartochni kimga tushsa "5" ballni qo'lga kiritadi.



Bu o'yin o'quvchilarni sergak bo'lishga qiziqish va e'tibor bilan mashg'ulotni kuzatishga undaydi.

"O'zingni angla!" o'yini.

Bunda oldingi partada o'tirgan o'quvchilarning orqayoqasiga skochyordamida rasmlar qatmay o'pi shtiriladi.

Ixtiyoriy orqayoqasida o'tirgan o'quvchilardan qatmay o'zini zohlash yoki ta'rif berish so'raladi.

O'quvchi orqayoqasida yozilgan so'zni berilgan ta'rifga asosan topish kerak bo'ladi.

Izohni to'g'ri keltirgan va izoh asosida zini anglagan o'quvchi rag'batlantiriladi.

Bu o'yin o'quvchilarning og'zakinutqini, mustaqil va mantiqiy fikrlash qobiliyatini oshiradi.

Bu o'yinni qoidalarni so'rash jarayonida qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi.

Masalan:

1-o'quvchi:



**Menman
Aldarko'sa,
Aldayman sizni**

2-o'quvchi: U

shaxs va narsa belgisini bildirib qanday? qanaqa? so'rog'iga javob bo'ladi.

1-o'quvchi: Sifat.

Bu o'yinni barcha fanlarda qo'llash mumkin.

"Aldarko'sa" o'yini.

Bu

o'yinni o'tgan mavzuni mustahkamlash jarayonida qo'llash maqsadga muvofiq.

"Aldarko'sa" rolini o'qituvchi bajarsa ham bo'ladi yoki oldindan topshiriq berilib sinfni fa'olchi o'quvchi bajarsa ham bo'ladi.


Bunda "Aldarko'sa" rolini bajaruvchi o'tgan mavzuga doir ma'lumotlarni berib o'tadi. O'quvchilarsama'lumotlar ichidano'tog'risini, yolg'onini topib izohlashlar kerak bo'ladi.

Masalan:

F'elso'z turkumi. Fe'l shaxs va narsaning harakatini bildiradi, qanday? qanaqa? so'rog'iga javob bo'ladi. Fe'l gapda ikkinchi darajali bo'lak vazifasini bajaradi. -chi, -inchi, -nchife'l yasovchi qo'shimchalardir. Fe'l tagigato'lqinlichiziqchiziladi.

Bu o'yin ham o'quvchilarni top qirlikka undaydi. Diqqatli bo'lishga, e'tibor bilan tinglashga, fikrini mustaqil bayon qilishga o'rgatadi.

“Aql nishoni”.



Yozuv taxtasida quyidagi xarakterasmlilakatosib qo'yiladi:

O'quvchilar yozuv taxtasidan 1 qadam uzoqda turib ko'ptokcha yordamida halqani nishonga oladi.

Ko'ptokchatushgan maydonchadagisavolga javob berish kerak bo'ladi.

1-halqada – “5” ballik savollar

2-halqada “4” ballik savollar.

3-halqada “3” ballik savollar beriladi.

“Cho'qqinizabt et”.

Ulkan tog' cho'qqisitasvirlangan rasmyozuv taxtasiga osiladi.

O'quvchilarga ruzlarga bo'linadi. Guruhlarnomlanadivao'quvchilarga tarqatmalartarqatiladi. Javob topgan yoki berilgan topshiriqni bajarib qo'ygan o'quvchilarga guruhlarning nomi yozilgan ustun bo'ylab yuqoriga qarab tarqatmalarni yopishtirishadi. Eng yuqoriga birinchi bo'lib ko'tarilgan guruh o'lib deb topiladi.

Topshiriqlarning bajarilganligi tekshirib ko'riladi.

Bu o'yino'quvchilarni hozir javoblik, chaqqonlik maqsad sari intilishga undaydi.

Darslarda interfaoldarsusullarini, didaktiko'yinlarni maqsadli, o'rinli va samarali qo'llash har tomonlama yetuk vatetik, o'z mustaqil fikriga ega, teran mulohazali, topqir va hozir javob barkamolavlodni tarbiyalashda katta ahamiyat kasbetadi.



БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АКТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Юсупова И.И., Сирдарё ВПКҚТМОИ ўқитувчиси

Жамиятшунос олимларнинг эътирофларига кўра, инсоният ўз ривожланишида технократик фазага ўтмоқда. Бу фазада ривожланиш тамойилларининг замида фан-техника ютуқларини компьютер технологиялари асосида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига мумкин қадар тезкорликда жорий этиш ётади. Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, молиявий ва ахборот оқимлари таъсирида давлатларaro чегараларнинг нисбийлашуви ҳамда илм-фан соҳасидаги сўнгги ютуқларни ишлаб чиқаришга ўта тезкорликда жорий этилиши ва юқори самарали технологияларнинг яратилиши, шахсга нисбатан критик ҳолатларнинг сабабчиси бўлмоқда.

Ўқув жараёнига замонавий технологияларнинг татбиқ этилиши ўқувчиларнинг фаол билим олишини таъминлайди, уларнинг индивидуал ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга имкон яратади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчилари ва ҳар бир ўқувчи компьютер билан ишлашни ундалай олиши ва ўқув предметларини компьютер

ёрдамида ўзлаштириш имкониятларига эга бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи шахси, унинг обрў-нуфузи ва фазилатлари ўқувчилар муваффақиятининг гарови ҳисобланади. Педагогнинг асосий вазифаси – ўқувчига муайян ҳажмдаги билимларни беришдан иборатгина бўлмай, балки уларда ўқиш, ижодкорликка қизиқишни таркиб топтириш, шу орқали фаол фикрловчи шахсни етиштиришдир.

Ўқитувчи нималар ҳақида гапираётганини тушунгандагина ўқувчида ўқув предметига нисбатан қизиқиш вужудга кела бошлайди, шундагина у мисол ва масалаларда қўйилган муаммо ечимига қизиқади. Ижодий фаолиятга киришиб кетади, унда ўқув материални мустақил ечиш иштиёқи вужудга келади, фақатгина хулоса чиқариб ва далилларни умумлаштирибгина қолмай, дарсда олган билимларидан истиқболда қандай қилиб ва қаерда фойдаланишни ҳам билади, унда индивидуал лаёқат ва кўникмалар шакллана бошлайди. Шу сабабли ўқитувчи ўқитиш тизимини янгилашга ўқувчиларда ўқув жараёнига нисбатан мотивацияни таркиб топтиришга эътибор бериши зарур.

Шулардан келиб чиқиб, замонавий таълим жараёнида ахборотлаштириш етакчи ўринни эгалламоқда, чунки у ўқувчиларда янги билимларни таркиб топтирибгина қолмай, уларда мустақилликни ўстиришга хизмат қилади.

Компьютер технологияларини қўллаш орқали инсоннинг интеллектуал имкониятларини ошириш, қолаверса, компьютер кўмагида зарур ахборот ва маълумотлар олиш ва улардан фойдалана билиш кўникмаларини таркиб топтириш мумкин. Бу бизнинг ахборотлашган асримиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Компьютер технологияларидан фойдаланиш таълимнинг мақсад ва вазифаларига муайян ўзгартиришлар киритади: ўқитишнинг янги шакл ва методларини юзага келтиради. Қуйида биз таълим жараёнида АКТ воситаларини қўллашнинг қуйидаги турларини кўриб чиқамиз:

– мультимедиали дарс – синфда ягона компьютер мавжуд бўлиб, ундан ўқитувчи “электрон доска” сифатида (расмларни намойиш этиш, тажрибаларни кўрсатиш ва виртуал экскурсия ўтказиш мақсадида) фойдаланади, ўқувчилар эса уни ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш учун қўллайдилар;

– дарс тўлиқ компьютер асосида амалга оширилади – одатда, бундай дарс компьютер синфларида ўтказилади, бунда бир нечта компьютер мавжуд бўлиб, унда лаборатория ишлари, тестлар, машқ ва масалаларни барча ўқувчилар баравар ёки навбатма-навбат бажаришади;

– информатика билан интеграциялашган дарслар, компьютер синфларида ўтказилиб, қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилади: биринчидан, ўқув материални ишлаш учун компьютер воситасида кроссворд, график, ўйин, жадвал ва схемалар тузиш учун; иккинчидан, турли компьютер дастурлари кўмагида математик вазифаларни ҳал этиш учун;

– махсус ўргатувчи тизимлар кўмагида электрон дарслик билан ишлаш учун (дистанцион усулда ишлаш ҳам мумкин), бунда анъанавий дарс тўғридан-тўғри ўқувчиларнинг электрон ахборот ресурсларидан мустақил фойдаланишлари билан алмашади.

Дарс – бу ўқув вазияти бўлиб, саҳнада мужассамлаштирилган кўринишдир, у ерда фақат билим баён қилинмай, балки унинг мазмуни ёритилади. Ўқувчиларнинг шахсий қобилиятлари шакллантирилади. Шундай экан, ҳар бир дарс қизиқарли ўтиши, кўргазмалиликнинг таъминланиши, ижодий изланувчанлик ва мустақиллик асосида ташкил этилиши лозим. Дарсни тўғри таҳлил қилиш ўқитувчини ўз фаолиятидаги самарадорликни оширишга ундайди, натижаларни кўрсатишига ёрдам беради ва дарс самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнига ахборот ва коммуникатив технологияларни татбиқ этиш асосида таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини бошқариш, ўқитувчининг касбий фаолиятини таъминлаш назарда тутилади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга таълим беришда компьютер ривожлантирувчи таълим муҳитининг мукамаллаштирувчи элементи сифатида намоён бўлади. Айнан шу ёшда боланинг ақлий қобилияти интенсив тарзда ривожланади. Унинг кейинги ақлий ривожланишига асос солинади.

Ўқув-тарбия жараёнида ахборот коммуникатив технологияларни қўллаб, биз куйидаги вазибаларни ҳал этамиз:

1. Ўқишга қизиқиш ва мотивацияни орттириш;
2. Ўқув малакаларини шакллантириш;
3. Таълимда индивидуал ва табақалашган ёндашувни амалга ошириш;
4. Компьютер билан ишлашга оид дастлабки малакаларни шакллантириш.

Бошланғич таълимда янги ахборот технологиялари имкониятларидан оқилона фойдаланиш натижасида куйидагиларга эришилади:

– билиш фаолияти фаоллашади, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси сифат жиҳатидан ортади;

– бошланғич мактабда дарсларда фойдаланиш учун мўлжалланган замонавий электрон ўқув материаллари ёрдамида таълим мақсадига эришилади;

– кичик мактаб ёшидаги болаларни мустақил таълим олишлари ва ўз-ўзларини назорат қилишга оид малакалари ривожланади, таълимнинг қулайлиги таъминланади;

– ўқувчиларнинг дидактик қийинчиликлари камаяди;

– кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг дарсга нисбатан фаоллиги ортади;

– ахборот информацион тафаккури ривожланади;

– ахборот-мулоқот малакалари шаклланади;

– бошланғич мактаб ўқувчилари хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда компьютерда ишлаш малакаларини эгаллайдилар.

Юқоридагиларга хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, ривожланиб бораётган ахборот муҳити янги ахборот маданиятига эга шахсни шакллантиришни талаб этмоқда. Бундай шахсни шакллантиришнинг илк негизлари эса мактабгача ва бошланғич таълим босқичидан бошлаб амалга оширилиши зарур.



BOSHLANG‘ICH TA‘LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O‘QUV JARAYONINI TASHKIL ETISH USULLARI

Yusupova M., Sergeli tumani 301-maktab boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi

Bugungi kunda boshlang‘ich ta‘lim jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanib, o‘quv jaryonini tashkil etish samarali natijalarga olib kelmoqda. Boshlang‘ich ta‘lim jarayonida mazkur texnologiyalar asosida darslar tashkil etilganda o‘quvchilarning darsga bo‘lgan qiziqishlari ortib, ularning mustaqil fikrlashlari rivojlanmoqda. Ta‘lim jarayonida innovatsion texnologiyalarni qo‘llash o‘qituvchidan yuqori mahoratni talab etadi. Bunday faoliyatda boshlang‘ich sinf o‘qituvchi o‘z ustida tinimsiz ishlashi, sinfdagi barcha o‘quvchilarning ruhiy hamda bilish imkoniyatlarini hisobga olishi, har bir o‘quvchining ko‘ngliga yo‘l topa bilishi lozim.

Quyida biz mazkur texnologiyalar asosida tashkil etilgan 4-sinf “Ona tili” o‘quv fanidan “Jarangli va jarangsiz undoshlar” mavzusidagi bir soatlik dars ishlanmasini keltiramiz:

Darsning maqsadi:

1. Ta‘limiy maqsad: “Dars muqaddas” shiori ostida o‘quvchilarni tovush va harflarning talaffuzi va yozilishi yuzasidan har tomonlama chuqur bilim, ko‘nikma va malakalar bilan qurollantirish. O‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini oshirish;

2. Tarbiyaviy maqsad: o‘quvchilarda tabiatga, atrof-muhitga bo‘lgan mehr hissini tarbiyalash, o‘zgalar fikrini anglay olish, o‘z fikrini tinglovchilarga yetkaza olish, keng va erkin fikrlashga o‘rgatish;

3. Rivojlantiruvchi maqsad: o‘quvchilarning so‘z yasovchi qo‘shimchalar haqidagi bilimlarini mustahkamlash va shu so‘zlarni nutqda to‘g‘ri, aniq foydalanishga o‘rgatish, husnixat bilan yozish ko‘nikmalarini shakllantirish;

Darsning shakli: noan‘anaviy

Darsning metodi: “Omadli eshiklar” o‘yini, tarmoqlash, mustaqil ish asosida.

Darsning jihozi: kartochkalar, testlar, mavzuga oid rasmlar

Darsning borishi

I. Tashkiliy qism (5 minut)

1. O'quvchilar diqqatini jamlash, darsga tayyorligini nazorat qilish, guruhlariga bo'lish.

2. Darsning oltin qoidasini eslatib o'tish. Guruhlarga o'zaro hamkorlikda, hamjihatlikda ishlash, vaqtdan unumli foydalanish hamda bajariladigan topshiriqlarning tartib-qoidalari tushuntiriladi.

II. O'tilgan mavzuni mustahkamlash (10 minut)

Guruhlariga tovushlar va harflarga oid test topshiriqlari beriladi.

1. O'zbek tilida nechta undosh harf bor?

A) 6 ta B) 23 ta D) 24 ta

2. Unli tovushni ifodalamaydigan harfni toping:

A) o B) b D) i

3. Ikkita tovushni ifodalaydigan undosh harfni belgilang:

A) j B) d D) k

4. Jarangli b tovushining jarangsiz juftini toping:

A) t B) p D) f

5. "Qushlar" so'zidagi tovush va harflar soni to'g'ri berilgan qatorni belgilang:


A) 6 ta tovush, 5 ta harf, 1 ta harf birikmasi B) 6 ta tovush, 6 ta harf D) 5 ta tovush, 5 ta harf, 1 ta harf birikmasi

6. Quyidagi so'zning oxirida tushib qolgan harfni belgilang: farzan.:

A) d B) t D) f

III. Yangi mavzu bayoni (15 minut)

O'quvchilarning aqliy faoliyatini kengaytirish maqsadida "Veen diagrammasi" metodidan foydalaniladi. Bu topshiriqni ikki guruhga jararangli va jarangsiz undoshlar yuzasidan bilimlarini mustahkamlash uchun musobaqa tarzida kim to'g'ri va tez bajarishi tekshiriladi.




Keyingi topshiriqda o'quvchilarga ekologik tarbiya berish bilan birgalikda ularning so'zlarni tovush va harf tomondan tahlil qilish ko'nikmalari o'stiriladi. Guruhlarga quyidagi berilgan hayvon va qushlarning nomlarini yozib, har birini tovush va harf tomondan tahlil qilish topshiriladi.

Namuna: Turna- 5 ta tovush, 5 ta harf, unli tovushlar: u, a;

Undosh tovushlar: t, r, n; jarangsiz undoshlar: t, r, n

IV. Mavzuni mustahkamlash (10 minut)



O'quvchilarga "Omadlilar eshigi" o'yinini bajarish qoidalari tushuntiriladi. Har bitta eshikda savollar beriladi. Ular qaysibiri 1-eshikdagi savollarga to'g'ri javob bersa, 2- eshikdagi savollarga yuzlanadi, so'ng keyingi 3-eshikdagi savollarga javob beradi. Uchta eshikdagi savollarning barchasiga to'g'ri javob bergan guruh g'olib hisoblanadi.

Berilgan uchta eshikdagi savollarga javob berib, g'olib bo'lgan guruh omadli guruh deb e'lon qilinadi. Bu guruhga rag'bat kartochkasi beriladi.

V. Darsni yakunlash va baholash. (3 minut)

O'quvchilarning dars davomida to'plagan ballari e'lon qilinib, baholanadi va dars yakunlanadi.

VI. Uyg'a vazifa (2 minut):

"Qushlar – bizning do'stimiz" mavzusida hikoya yozish va qushlarning nomlaridagi jarangli va jarangsiz tovushlarni aniqlab tegishlicha belgilash.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqoridagi usullar yordamida tashkil etilgan darslar boshlang'ich sinf o'quvchilarining yetarli darajada bilim egallashlariga imkon beradi.



БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТГА ТАЙЁРЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Юсупова Х.И., ЎзПФТИ илмий ходими

Таълим муассасасидаги кўпмиллатли ўқувчилар жамоаси орасида инсоний муносабатлар ва алоқаларни шакллантириш жамият ҳаётини соғломлаштиришнинг муҳим шартидир. Ўзбекистонда яшовчи халқларда ўз-ўзини англашнинг кучайиши ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш вазифасини янада долзарблаштирмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида чет тилини ўқитиш ҳам ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг муҳим омилidir. Айниқса, бу бошланғич синфлардан бошлаб амалга оширилса, янада самарали натижа беради.

Чет тилларни ўрганиш жараёнида ҳам ўқувчилар миллатлараро мулоқот кўникмаларини жадал тарзда ўзлаштирадilar. Республикада бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, жамият аъзоларида соғлом дунёқарашни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон сахнасида ўз ўрнини эгаллашнинг жадаллаштириш ҳамда дунёнинг исталган мамлакатларидаги мутахассислар билан рақобатлаша олишини таъминлаш ва турли халқларнинг маданий-маънавий бойликларини ўзлаштириш орқали уларга ҳурмат назари билан қараш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1875-сонли қарори қабул қилинди. Бу

қарор ижросини таъминлаш мақсадида республикамизда бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 декабрдаги 01-07/1-840-сонли йиғилиш қарори, Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 27 декабрдаги 364-сонли буйруғи асосида ишчи гуруҳлар томонидан умумий ўрта таълимнинг 1-синфидан бошлаб ўқитишни назарда тутган чет тилларидан янги давлат таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик мажмуалари (дарслик, ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалари) лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу ўқув дастури ва дарслик мажмуаларини тайёрлашда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш, ўргатиш ва баҳолашнинг умумевропа компетенцияси” талаблари инобатга олинган.

1-синфлар учун мўлжалланган янги “Kid's english1” дарслик мажмуаси яратилди. Шу жумладан, дарсликдаги мавзулар, расмлар, ўқувчи учун берилган расмли топшириқлар, ўқитувчи учун тақдим этилган қўлланмада ўргатиш методлари, ўйинлар, кўшиқ ва шеърлар ҳамда мультимедиа иловаларини ўқувчиларнинг ёши, психо-физиологик хусусиятларига мослиги, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июлдаги 421-Ф-сонли Фармойиши асосида 1-синф чет тили дарсликларининг мантикий давоми сифатида 2-синф ўқувчилари учун муаллифлар томонидан чет тиллар бўйича дарслик мажмуалари яратилди.

Бу қарор ва буйруқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Республикамизнинг умумтаълим мактабларида бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш сифат ва самарадорлигини аниқлаш учун ҳам тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда.

Чет тилларни ўрганишда ҳеч қачон иккита чет тилни бир йўла ўрганишга киришмаслик керак, иккинчи тилни ўрганишга киришиш она тилини мустаҳкам ўзлаштирилгандагина самарали натижа беради.

Ўқувчиларга чет тилларни самарали ўргатишнинг асосий принципларидан бири хорижий тилдаги лингвистик воситалар билан она тили бойликларини онгли тарзда қиёслаган ҳолда уларнинг нутқига сингдиришдан иборат. Чет тилга хос сўзлар, нутқ бирликлари ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун уни ўз она тилисига таянган ҳолда ўзлаштириши лозим.

Бунда дарслик билан бир қаторда қўшимча ўқув воситалари, ўйинли технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Шу мақсадда бошланғич синф ўқувчилари учун “Бошланғич синф ўқувчиларига чет тилини ўргатишга йўналтирилган ўйин технологиялари” номли қўлланмани тайёрлаб, чоп эттириш мазкур таълим жараёни самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қўлланмада ўрганилаётган чет тилини ўз она тилиси сифатида қабул қилган халқнинг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихига оид маълумотларни киритиш чет тилини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш учун дастлабки асос, замин яратади.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Юнусова Ш.М., педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

Бошланғич синфларда таълим-тарбия узвийлиги, изчиллиги ёрқин намоён бўлади. Бу синфларда тарбияловчи таълим шу вақтнинг ўзида ривожлантирувчи таълим ҳамдир. Тарбияловчи таълим кузатувчанлик тафаккур, нутқ, хотира, тасаввурнинг ривожланишини таъминлайди ва шу тарика болани ҳаётга тайёрлайди.

Бошланғич синфга кадам кўяётган боланинг мактабга тайёргарлигининг муҳим психологик жиҳати - унинг иродасининг ривожланганлик даражасидан иборат. Турли болаларда бу даража турлича бўлади, жумладан 6-7 ёшли болаларнинг одатий даражаси - болани мактабга келганда ўз хулқини бошқара оладиган, умумий фаолиятга киришиб кетадиган ва ўқитувчи кўйган талаблар тизимини қабул қилишга имкон берадиган мотивларни бўйсиндиришдан иборат.

Психологларнинг таъкидлашича, бошланғич синфга келган боланинг ўқишга умумий қизиқиши мавжуд бўлади. Ўқитиш жараёнини шундай ташкил этиш керакки, бу қизиқишни сақлаш ва кучайтириш орқали таълим олиш боланинг эҳтиёжига айланиши лозим.

Боланинг ўқув фаолияти аста-секинлик билан предметли ўйин фаолиятлари каби ривожланади. Ўқув жараёнида бола нафақат билим олади, балки бу билимларни қандай ўзлаштириш йўллари ҳам ўрганиб боришади.

Дарҳақиқат, бошланғич Давлат таълим стандартида келтирилган талаблар умумий ўқув кўникмаларининг таркиби билан мос келади. Мавжуд дастур асосида ташкил этилган ўқув жараёни натижасида умумий ўқув кўникмалари, жумладан, ўқув-ахборот кўникмалари шаклланиши лозим.

Аммо бошланғич синф ўқув жараёни кузатилганда ўқувчиларнинг умумий ўқув кўникмаларининг шаклланмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг фаолиятини мустақил деб бўлмайди, аксинча боқимандалик, тахлид қилиш кўникмаси шаклланганлигини кузатиш мумкин. Афсуски, бу кўникмалар юқори синфларда ҳам сақланади ва мураккаблашиб бораётган таълим мазмунини ўзлаштиришда қийинчилик туғдиради.

Бундай кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг тафаккурини ривожлантириш, яъни таълим самарадорлигини оширишни айрим рус олимлари (В.В.Давыдов; Л.В.Занков, С.Ф.Жуйков) таълимнинг мазмунини ўзгартиришда деб билдилар. Бу ишлар бошланғич синфлардан бошланганлиги айниқса аҳамиятлидир.

Янги таълим мазмунида “умумийликдан хусусийликка” тамойилини қўллаб (Д.Б.Эльконин, В.В. Давыдов), 1-3 – синфлар учун математикадан дастур ишлаб чиқилди. Бу дастурга кўра 1-2 – синф болаларида тартибли ва алгебрик структуралар, 3-синфда эса тўпламлар назарияси ва мантикий-математик тушунчалар асосида топологик структуралар тўғрисидаги тушунчалар шаклланади. Ўтказилган тажриба 1-3 – синфларда замонавий математиканинг умумий ва фундаментал тушунчалари асосида ишланган дастур киритилган тушунчаларни конкретлашиб боровчи математик структуралар бўйича ўқитишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Назарий тафаккурни ривожлантириш ғояси асосида ишланган математика курсида “болалар 1-синфнинг биринчи ярми йиллигида, умуман, рақамларга дуч келишмайди”. Ўқишнинг биринчи кунлариданоқ шакллантириладиган дастлабки тушунча миқдор (катталиқ) ҳисобланади. Болалар бу тушунчани А.Н.Колмогоров ишлаб чиққан катталикларнинг аксиоматик, аддитив – скаляр усулига тўла мувофиқ равишда, мазмунли асосда ўзлаштира бошлайдилар. Катталикни белгилаш воситаси сифатида ҳарфлардан фойдаланилади. Миқдор муносабатнинг алоҳида кўриниши сифатида сон тушунчаси кўрсатилади. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан абстрактлиги юқори бўлган тушунчаларни биринчи синфдан бошлаб ўқитиш “бўлмаган иш”га ўхшайди, аммо аслида бу ердаги ғоя тушунчаларнинг пайдо бўлишининг генетик илдизларига бориб тақалади ва амалий ҳаракатлар асосида олиб борилади.

Л.В.Занков таъбирига кўра, “ҳадеб чайнавериш” услуги бошланғич синфларда ўқитишнинг ҳозирги методикаси учун характерли бўлиб, ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топишига тўсқинлик қилади. Айтиш керакки, “ҳадеб такрорлайвериш” услуги 5-синфда давом этирилади. Бошланғич синфларда тавсия этилаётган таълим қуйидаги талаблар асосида қурилиши кўзда тутилади: ўқитишнинг юқори даражада қийинлиги, ўқув материални тезкор суръатда ўтиш, ўқувчиларнинг ривожланишида оптимал даражага эришишнинг зарурлиги.

С.Ф.Жуйков она тили бўйича бошланғич курсни ривожлантирувчи таълим

концепциясига мос равишда ўқитиш тамойилларини ишлаб чиқди. Бу курснинг ўзига хос томонлари:

1. юқори назарий савияда умумлаштиришда;
2. грамматик ва орфографик атамаларнинг (гарчи улар тўлиқ тушунтириб берилмаса ҳам) қўлланишида;
3. амалий машқларнинг кўпайиб боришида кўринади.

Ривожлантирувчи ўқитиш концепциясида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ўқув қобилиятлари устувор ҳисобланади. Шу концепция асосида яратилган дарслик ўқувчиларни мустақил билим олишга ўргатиш, уларга грамматик ва орфографик қонуниятларни тушунтириш, билим ва кўникмаларни онгли равишда эгаллай бориш имкониятларини очади. Ўқувчиларни ақлий камол топтириш ривожлантирувчи таълимнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Шу йўналишда М.Ахмедов ва бошқа олим-методистлар ҳамкорлигида янги дарслик яратилди. Ўқувчининг ҳали тўла «хат-саводи чикмасдан» масалалар дарсликнинг (М.Ахмедов ва б. Математика) «10 дан сонни айириш» мавзусида «Масала тузинг» рукнида берилган. Бундай масалалар 1-синфда 15 тадан ортиқ бўлиб, матнсиз, расмлар, кўргазмалилик асосида масалалар тузиш орқали предмет, объектлар орасидаги муносабатни ўрнатишга мўлжалланган. Мазкур масалалар фазо, вақт, уй ҳайвонлари, сабзавот ва меваларга оид бўлиб, ўқувчининг шахсий тажрибасига, кузатувчанлигига асосланади ҳамда шу пайтгача тўпланган тарқоқ билимларни тизимлаштиришга имкон яратади. Масала тузишдан кўзда тутиладиган мақсадлардан яна бири болани фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Содда масалаларни келтириш эса дарсликнинг 68-бетидан бошланиб (32 тадан ортиқ), уларнинг жойлашиш тизими тушунчаларни сингдириш мантиқига бўйсиндирилган. Дарсликнинг 126-бетидан эса таркибли (икки ва ундан ортиқ амалли) масалалар берилган бошланади, улар эгалланган назарий билимларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Дарсликда тузишга доир масалалар, маълумотлари етишмайдиган масалалар, маълумотлари ортиқча бўлган масалалар, турли усуллар билан ишланадиган масалалар, мантиқий масалалар ва ижодий масалалар ўрин олган.

Математика курсида мазкур турдаги масалаларни ечиш бошланғич таълим ДТСда таъкидланганидек «.. та ортиқ», «.. та кам», «марта кам», «марта ортиқ», «ҳаммаси» ва шунга ўхшаш муносабатларнинг маъносини тушунтириш ва уларга таянган ҳолда содда масалаларни еча олишни; миқдорлар орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни еча олишни, миқдорлар (маҳсулот нархи, миқдори ва қиймати, тўғри чизиқли ҳаракатда йўл, тезлик ва вақт) орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни еча олишни таъминлайди.

Масалалар бошланғич математика курсида муҳим вазифани бажариб, болаларда мантиқий фикрлашни, таҳлил ва синтез қилиш, унда қаралаётган объектлар орасидаги муносабат, боғланишларни очиб бериш орқали оламни билишга қаратилади. Масала ўқувчиларда нафақат билимлар тизимини шакллантиришда, балки уларнинг тафаккурини ривожлантиришда, мустақил билим олиш ҳаракатларини эгаллашда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, таълим жараёнида ўқувчиларга математика фанининг назарий қисмларини, тушунчаларни масалалар ёрдамида очиб бериш ва унинг туб моҳиятини тушунтириш мураккаб бўлган педагогик жараён дир. Мана шу жараённи қандай ташкил этишга қараб ўқувчиларда мустақил билим олиш операциялари (таҳлил, синтез, таққослаш ва ҳ.к.) шаклланади ёхуд таҳлил этиш кўникмаси таркиб топади. Буни олдини олиш ва ўқувчини мустақилликка ўргатиш, унинг қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Маълумки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва раванқ топишини таъминлаб бўлмайди.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Юсупова Ф.И., ЎЗПФИТИ илмий ходими

Бошланғич синфларда ўқувчиларни ижодий меҳнатга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Айнан кичик мактаб ёшида ижодий фаолият рухий асос вужудга келади. Бу даврда ўқувчиларда тасаввур, хаёл, ижодий тафаккур ривожланади, қизиқувчанлик сифатлари шаклланади. Ҳодисаларни кузатиш ва таҳлил қилиш кўникмалари таркиб топади. Улар воқеа-ҳодисаларни далилларни қиёслайдилар, умумлаштирадилар, хулосалар чиқарадилар ва ўзлари ҳамда тенгдошларининг амалий фаолияти, ташаббускорлиги, фаоллигини баҳолайдилар. Бу даврда уларда ижодий фаолиятнинг асосини ташкил қиладиган кизиқишлар, майллар, эҳтиёжлар вужудга келади.

Бошланғич синф ўқувчилари ижодий фаолиятининг асосий фарқли жиҳати фаолият маҳсулининг субъектив жиҳатдан янгилик характериға эгалигидир. Кашфиётларнинг объектив моҳиятиға кўра ўқувчи янги, бетакрор маҳсулотни ўқитувчи кўрсатмасиға кўра яратиши мумкин. Агар ўқувчи ўқитувчи ўйлаб топган нарсаларни унинг ёрдами асосида яратса фаолият маҳсули ижодий характер касб этмайди. Шу билан бир қаторда маълум бўлган, амалиётда қўлланган ечимларни ҳам таклиф қилиши мумкин. Бироқ ўқувчи уни мустақил равишда ўйлаб топиши, мавжуд нарсаларни айнан кўчирмаган бўлиши мумкин. Бундай вазиятда ўқувчиларнинг фаразлари, ўй-хаёллари, мустақил тафаккурларини ривожлантириш жараёниға алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бу ўринда ўқувчи фаолиятининг психологик механизмлари муҳим аҳамиятға эга. Мазкур фаолият жараёнида ностандарт, маҳсулдор вазифаларни ечиш кўникмалари шаклланади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий тафаккурнинг муваффақиятли шаклланиши улар ижодининг асосий хусусиятларини ўқитувчи томонидан ҳисобға олиш асосидагина амалға ошади. Бунинг учун ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш имконини берадиган асосий вазифаларни ечиш талаб этилади.

Мутахассислар кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ижодий тафаккурининг асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатганлар. Уларнинг фикрича, болалик хаёллари тўқима характерға эга бўлиб, ўқувчилар унга танқидий ёндашадилар. Бу ёшдаги болалар ўзларининг у қадар бой бўлмаган хаёллариға тобе бўлиб яшайдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ижодий тафаккурини аниқловчи асосий омил уларнинг тажрибасидир. Инсондаги мавжуд тажрибаларнинг бойлиги ва ранг-баранглигидан унинг ижодий тасаввурлари келиб чиқади. Худди мана шу ўринда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган дастлабки вазифа вужудға келади. Ўқувчиларда вазифаларни ижодий ёндашган ҳолда ечиш кўникмаларини шакллантириш учун уларда муайян дунёқарашнинг шаклланишини таъминлаш лозим. Шу орқали ўқувчиларда тасаввур қилиш учун аниқ асосни вужудға келтириш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари ижодий тафаккурининг асосий хусусияти унинг ўз ижод маҳсулиға танқидий ёндаша олмаслигидадир. Бола хаёллари ҳеч қандай ғоялар, мезонлар, талабларға йўналтирилмайди. Чунки у субъектив характерға эга. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш уларнинг ижрочилик кўникма ва малакаларидан алоҳида ажратиб олинган ҳолда амалға оширилмайди. Ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари қанчалик кўп қиррали ва такомиллашган бўлса, уларнинг хаёлот олами, аниқ фикрлари ҳам шу қадар бой бўлади. Шундагина улар ижодий характердаги мураккаб топшириқларни бажара оладилар.

Р.Сафарова, Б.Адизов, Э.Ғозиевларнинг таъкидлашларича, инсон тафаккурининг ривожланиши нутқининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришдаги муҳим вазифа топшириқларни бажариш усулларини батафсил гапириб беришларини талаб қилишдан иборат. Улар иш усуллари, топшириқнинг асосий таркибий қисмлари, берилган

иллюстрацияларни батафсил тафсифлаган ҳолда гапириб бера олишлари керак.

Ўқувчиларнинг зарур сўз захирасига эга бўлишлари уларда ижодий тафаккурнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ҳар қандай ижодий жараёнларда топшириқларни дастлаб ўз онгларида ечадилар. Шундан кейингина улар бажарган ишларини ташқи томондан намоён этадилар.

Бошланғич синф ўқувчилари ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг қуйидаги шарт-шароитлари мавжуд:

- ўзаро тенгликка асосланган дивергент ва конвергент типдаги топшириқлар бериш; бу ўринда дивергенттипдаги топшириқлар нафақат тенглик характериға эға, балки айрим ҳолатларда етакчилик касб этади;

- ўқув материалларининг ривожлантирувчилик имкониятиға асосий эътиборни қаратиб, унинг ахборот жиҳатдан бойлигини таъминлаш;

- маҳсулдор тафаккурни ривожлантириш шарт-шароитлари билан унинг амалий қўлланилишини уйғунлаштириш;

- шахсий тадқиқотчилик амалиётини билимларни репродуктив ўзлаштиришдан устун қўйиш;

- ўқувчиларнинг интеллектуал ташаббускорликларини йўналтириш; бунда “интеллектуал ташаббускорлик” тушунчаси ўқувчиларда ўқув ҳамда тадқиқотчилик топшириқларини ечишда мустақилликнинг вужудға келишини таъминлайди. Уларда ечимларнинг табиий, муқобил усулларини шакллантириш назарда тутилади. Муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганишға бўлган интилиш қарор топтиради.

- ғояларни баҳолашда танқидий ҳамда ҳаққоний ёндашувни қарор топтириш;

- муаммони чуқур тадқиқ қилишға интилишни ҳосил қилиш;

- ўқув фаолиятида юқори даражадаги мустақил фаолият кўрсатиш ва муаммоларни излашға ўқувчиларни одатлантириш;

- таълим жараёни субъектларининг ўзига хос шахсий вазифаларини амалға оширишлари учун яратилган шароитларни индивидуаллаштириш;

- ўқувчилар олдига муаммоли вазифалар қўйиш ва муаммоларни муайян мақсадға йўналтириш қабилар.

Мазкур шарт-шароитларға амал қилиш бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тафаккурларини ривожлантириш имконини беради.



БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА НОАНЪАНАВИЙ ДАРС ШАКЛЛАРИ

Ярманова М., Хоразм ВПКҚТМОИ ўқитувчиси

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларға жавоб топиш, таълимнинг самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалға ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудға келди. “Ёш авлодни тарбиялашда ўз она тилида аниқ, тушунарли, таъсирчан, чиройли сўзлашға ўргатиш масаласи асосий ўринда туради”¹. Ўқувчиларни саводли, ўз фикрини тўғри ва эркин баён қила оладиган, нутқ маданиятиға эға кишилар қилиб тарбиялаш вазифаси дастлаб бошланғич таълим босқичида амалға оширилади. Нутқни яхши эғаллаган, ўз тилининг имкониятларидан керагича фойдалана оладиган ўқувчи, албатта, бошқа ўқув предметларини ҳам анча осон ва тўлиқ ўзлаштиради, уларда билим ва маданиятға бўлган интилиш кучаяди.

¹Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари - Тошкент,: 2004. -5-6Б.

Она тилининг бошланғич курсида, асосан, нуткий тадбиркорликни ривожлантириш, орфографик ва имло саводхонлигини ошириш, сўз ва унинг маънолари устида ишлаш, нутқ шароитига мос равишда сўздан тўғри ва ўринли фойдаланиш малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Ўқувчиларнинг ўрганиши учун тавсия этилган ҳар бир мавзу, уларнинг ёш хусусиятлари ва она тилини ўрганиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда берилиши ҳамда таълим самарадорлигини таъминловчи метод ва усулларини тўғри танлай олиши керак.

Ўқувчини таълим жараёнининг субъектига айлантириш, унинг “Она тили” фанини ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш, нафақат таълим методлари, балки дарс шаклларига ҳам бевосита алоқадордир.

Бошланғич синфларда она тили дарсларини турли ноанъанавий шаклларга ташкил этиш педагогик технологиянинг энг муҳим талаби саналади. Ана шу ноанъанавий дарс шаклларида бири ўрганилган ёки ўрганилаётган “Билимлар оламида саёҳат” дарсларидир. Ўқувчилар синфда ўтириб, билимлар оламида саёҳат қиладилар. Ўқитувчи дарс жараёнида бериладиган ўқув топшириқларини тўрт-беш “бекат” га ажратади. Муайян бир “бекат”даги ўқув қийинчилигини енгган ўқувчи, ўқитувчи раҳбарлигида иккинчи “бекат”га йўл олади. Барча ўқув қийинчиликларини енгган ўқувчилар билимлар мамлакатини забт этадилар.

Норасмий дарсларнинг яна бир шакли ўйин дарсларидир. Бу дарсларда ҳар бир топшириқ ўйин тарзида ташкил этилади. Унли ва ундош товушлар устида ишлаётганда “Товушдош сўзлар топ”, “Берилган катакларни тез тўлдир”, “Товуш жуфтлари билан фаркланувчи сўзлар рўйхатини давом эттир” каби ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Тилга олинаётган топшириқларнинг мусобақа тарзида ташкил этилиши уни қизиқарли ўйинга айлантиради ва ғолибларни аниқлаб, уларни рағбатлантириш имкониятларини юзага келтиради.

Кўйида ана шу ўйинлардан намуналар келтираамиз:

“Берилган сўзларга, масалан, *кул*, *мўл*, *тўл* товушдош сўзлар топ” ўйини. Ўқувчиларга берилган биринчи, иккинчи, учинчи товушларни ўзгартириб, товушдош сўзлар (масалан, *кул-қўл*, *қол-кул*, *қул-қил*) ҳосил қилиш топширилади. Топшириқни биринчи бўлиб хатосиз бажарган ўқувчилар ўйин ғолиби саналади.

“Иккала бўғинида бир хил унли бўлган сўзлар рўйхатини тузинг” ўйини. Бу ўйинда биринчи бўғинида ҳам, иккинчи бўғинида ҳам бир хил унли кўлланиладиган сўзларни (масалан, *тутун*, *бурун*, *бургут*, *узун*, *мушук*, *учун*, *тушум* в.х) топиш ва сўзлар рўйхатини муайян миқдорга етказиш топширилади. Белгиланган миқдорда енг кўп сўз топа олган ўқувчилар ўйин ғолиби саналади.

“Доирада берилган ҳарфлар асосида сўз туз” ўйини. Ўқувчиларда доира ичида 8 та ҳарф тақдим этилади. Ўқувчилар шу ҳарфлар иштирокида сўзлар ҳосил қиладилар. Белгиланган вақтда кўп сўз ҳосил қилган ўқувчилар ёки гуруҳ ғолиб саналади. Бу ўйинни, айниқса, унли ва ундош товушларни ўргангандан кейин ўтказиш мақсадига мувофиқ бўлади. Агар ўқувчилар эътиборига *а*, *у*, *б*, *з*, *ф*, *й* ҳарфлари берилган бўлса, улар бу ҳарфларни катнаштириб, *бу*, *саб*, *туз*, *бўта*, *афт*, *саф*, *бас* каби сўзлар ҳосил қиладилар.

“Бор эканда йўқ экан, Оч эканда тўқ экан” ўйини. Бу ўйинда синф икки гуруҳга ажратилади ва ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи танлаб олиниб, иш-ҳаракатни билдирувчи ўнта сўз ёзиш топширилади. Белгиланган вақтда топшириқни тўғри бажарган гуруҳ эртак айтиш ҳуқуқини (ёки ўқитувчидан эшитишни) кўлга киритади. Мириқиб эртак эшитилади ва матндаги иш ҳаракатни билдирувчи сўзлар топилади ва уларнинг маъноси изоҳланади.

Ўқитувчи дарс давомида “Ўз қишлоғинг номини шарҳлай оласанми?” ўйин – топшириғидан фойдаланиб, атоқли отлар имлоси устида ишлаш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи олдин бу мавзунини ўқувчиларга вазифа қилиб беради ва ота-отангиз, бобомоларингдан “Ўз қишлоғингиз тарихи” ҳақида маълумотлар тўплаб келинг деб топширилади.

Шундай қилиб, 2-синфларда она тили таълимининг самарадорлиги ўқитиш методини тўғри танлаш, “Она тили” фанининг амалий йўналишидан келиб чиқиб, таълим жараёнида

кўпроқ ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундовчи, ўқув топшириқларини ишга солиш, ўқувчиларда билиш-ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирадиган дарс шаклларида фойдаланиш сингарилар билан боғлиқ. “Ўқувчини таълим жараёнининг субъектига айлантиришда таълимий ўйинлар ҳал қилувчи омиллар саналади”¹. Она тилидан ташкил этиладиган дидактик ўйинлар ўқувчини изланишга, ижодий фаолият кўрсатишга, ўрганилаётган тил ҳодисаларининг моҳиятини аниқлаб, ҳукм ва хулосалар чиқаришга ундайди. Таълимий ўйинлар ҳар бир ўқувчига ўзини намойиш этиш, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилиш, топшириқни шавқи-завқ билан бажариш имкониятини беради. Ҳар бир шахсда тарбияланиши зарур бўлган ижодий сифатлар: тезкорлик, сезгирлик, топқирлик, хушёрлик, қатъиятлик, билимдонлик, мустақиллик, тadbиркорлик, ижодкорлик кабилар кўпинча таълимий ўйинлар орқали таркиб топтиради.

Дарс машғулотида фақат бир хилдаги ўйин-топшириқлар билан чекланиб қолмай, балки кўпроқ ижодийликка ундовчи ўйин –топшириқларга эътиборни кучайтиришга тўғри келади. Зеро, ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга, матн яратишга ўргатмасак, ҳозирги замон дарсига қўйилган муҳим талаб шахсининг ривожланишига эришиб бўлмайди.



¹Азизхўжаева Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар, -Тошкент,: 2002.-45-Б.